

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2011**



ТҮЛАН НИЗОМ

САЙЛАНМА

УЧ ЖИЛДАЛИК



3
ЖИЛД

*Заррин
япроқлар*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2011

УДК 821.512.133

ББК.84(5Ў)6

Н 57

Ўзбек арабийи

Н 57 Низом, Тўлан.

Сайланма. Уч жилдлик. З-жилд: Заррин япроқлар.
– Т.: «Sharq», 2011. – 432 б.

Мухтарам китобхон!


Ўзбекистон халк шоири Тўлан Низом таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан нашр этилаётган уч жилдлик сайланмаси учинчи китобига муаллифнинг улғайиш даври – кейинги йилларда ёзилган асарлари, шунингдек, мунаккидларнинг шоир ижоди ҳакидаги кузатувлари ҳамда ўкувчилардан келган мактуб ва шеърий ёзишмалар ҳам киритилди.

Атоқли шоиримиз ижод оламига марҳамат қилинг. Сиз унда турфа хил ўзига хос бадиий манзараларни кўриб, ўзгача гулу районларнинг ёқимли ифорларидан хушнуд бўласиз, деган умиддамиз.

УДК 821.512.133
ББК.84(5Ў)6

10 33858/3
2 9
01

ISBN 978-9943-00-756-7



ШЕРЛАР





ХАЛҚИМГА

Халқим, буюр менга юмушларингни,
Амринг адо этай токи жоним бор.
Бошимга олайин ташвишларингни,
Кадок кўлларингни ўпайин такрор.

Менга шон даркормас, шуҳрат керакмас,
Мехрга зор бўлиб ўсган болангман.
Менга мухаббат бер, миннат керакмас,
Сенинг армонингман, сенинг нолангман.

Шарафли карзим бор, узмоғим керак,
Сенга фидо бўлсин умрим, ҳаётим.
Сени деб ёнади бу ёнар юрак,
Сенга кўшиқларим, бору бисотим.


Сени деб яшайман, қанча умрим бор,
Ўзинг бор экансан, ўлмаган жонман.
Мени яратгансан, ташаккурим бор,
Бугун мен хам битта Ўзбекистонман.

1989 йил

ИСТИҚЛОЛ ҚҮЁШИ

Истиқлол қүёши порлайвер, порла,
Ёғдуларга чўмсин жумлаи жаҳон.
Само кенг, бесанок юлдузни чорла,
Ёшариб бормоқда Туркистон, Турун.

Сен ки абадийсан, мангусан, мангу,
Фарзандлар қалбида ошиёнинг бор.
Ўғлонлар шаштини зафлаган туйғу,
Сени ато килган Аллоҳ, – мададкор!



Биз мудом заминни бағрга босиб,
Кунларни улаймиз, лахзалар санаб.
Умр дарёсини бўлмайди тўсиб,
Ўзиб бораётир қайси бир жаноб.

Енгил хой-хаваслар пасаяр охир,
Дусту ошнолар ҳам бўлолмас таянч.
Тарих тан олмаса қанчалар оғир,
Қанчалар аламли, қанчалар аянч?..

Кўк аро мудраган бир парча булат
Қоп-қора чодрин гар ёйса бир дам,
Қанотин коқканда ёвғир бир бургут
Ёмғирлар сочилиб, топади барҳам.

Юз ювиб покланур она табиат,
Эрка ғунчаларда нозик табассум.
Тенгсиз қўшик бошлар олий ҳамият,
Шеърият улғаюр ғамгин ва маъсум.

Умидлар кулади, орзу стилар,
Шодлик қайнаб тошар, киприкларда шам.
Боғлардан боғларга илҳом еталар,
Тонг отар армонин битади қалам:

Амир Темур каби тўлишар авлод,
Ҳакикат шамшири ёвни тўсадир,
Ўшал кун тирилур Навоийдек зот,
Тоғлар юксаладир, тоғлар ўсадур.

Дадил кадам ташлаб бораман шодон,
Қаторим мустаҳкам, манзилим олис.
Тўлан Низом номи айтилур равон,
Кимдир нима деяр, ким билар холис.

Менга аён бўлди энди кўп сирлар,
Дунё ўйинлари турфа, хилма-хил.
Хурликка бегона юраги кирлар,
Элимга эл эмас ҳар қандай баҳил!

Манманлик окибат топади завол,
Бевошлик қилганни жазоси тайин.
Покиза кўнгиллар тўлин ой мисол,
Уларнинг найи соз, оҳангги майн.

Тўккиз йил бошимда Ҳумо парвози,
Тўккиз йил юртимда эрклик шамоли.
Оlam қулоғида Ўзбек овози,
Навқирон дилларда миллат камоли!

Мардона яшайман, белимни боғлаб –
Зарра куч бўлай деб Ватан корига.
Истиклол қуёши ёниб, чараклаб
Мени чорлаб турага ихтиёрига.

Майлига вужудим аланга олсин,
Чўғланиб-чўғланиб, ёшлансин кўзим,
Шул сўзим одамлар ёдида колсин:
Мустакил халқ билан яшайман ўзим.

Истиклол қуёши порлайвер, порла,
Ёғдуларга чўмсин жумлаи жаҳон!
Само кенг, бесаноқ юлдузни чорла,
Ёшариб бормокда Туркистон, Турон!

2000 йил, август

ЯНГИ ШЕЪР МУБОРАК

Бу оқиом тинчим йўқ, жонда роҳат йўқ,
Илҳом тезлаб келур, сира токат йўқ,
Юрак учай дейди, учар қанот йўқ,
Ҳали унга ном йўқ, ҳали бир от йўқ,
Янги шеър муборак, азиз ўқувчим!

Мен топиб келтирдим уни тоғлардан
Баланд чўккилардан, шўх булоклардан,
Кувалаб ушладим не-не боғлардан,

Ясатдим, безатдим күп кийноклардан,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

Асрий ҳарсангларни янчиб ташладим,
Кар, соков тошларга тил бағишиладим,
Гунчалар япрогин лабда тишиладим,
Нозик капалаклар билан ишладим,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

Денгизлар мавжидан олдим түлғокни,
Түлқинлар пишкириб бузди кирғокни,
Дарёлар билмайди мендек уйғокни,
Фикр ғолиб келди, тикди байрокни,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

Улуғ Навоийдан мен мадад олдим,
Бобурни ўқидим, мен журъат олдим,
Оташин Чўлпондан мен шиддат олдим,
Халкни куйламоққа мен мандат олдим,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

Отам Низом чолнинг хирмонлари – у,
Онам – Ўғилбиби армонлари – у,
Бевафо севгимнинг хижронлари – у,
Ўзбекнинг ерию осмонлари – у,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

У булбул сингари, қирқ нағмаси бор,
Қалдирғоч мисоли ҳалол, беозор,
Коинот остида мағрур бургутвор,
Лек сенга талпинур, сенга интизор,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

Мен уни яратдим, йўқдан бор қилдим,
Жумлаи жаҳонни харидор қилдим –
Аланга ишқимни барқарор қилдим.
Менга ёр бўлганга уни ёр қилдим,
Янги шеър муборак, азиз ўкувчим!

Тонг отди, яркираб турди қүёшим,
Ёруғ кунга етди тош ёрап бошим,
Чин дўстим, суюнчим, танҳо сирдошим,
Кўлдошим, йўлдошим, буюк бардошим –
Янги шеър муборак, азиз ўқувчим!

2007 йил 14 июнь,
Андижон.

ИККИ ОҚИН ДАРЁ

Куёшдан йўғрилиб, тоғларга тушар,
Тоғлардан эврилиб, боғларга тушар,
Боғлардан ўргилиб, ер узра жўшар,
Ўлим не, билмайди, абадий яшар –
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Шундай ирмокчалар найлар чаладур,
Найлар наволари кўнгил оладур,
Кўнгил зарбларига юрак қалъадур,
Юрак тўлқинлари тўлиб келадур –
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Улар ғам чекарлар, оналар йиғлар,
Оналар йиғласа, болалар йиғлар,
Тошлар кўйнидаги полалар йиғлар,
Саҳролар йиғлайди, далалар йиғлар:
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Асрый армонларнинг силсиласи бу,
Наинки силсила, оқ шуъласи бу,
Тегина онанинг зўр алласи бу,
Соҳибқирон Темур ашуласи бу,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Тұлғониб оқарлар, борар жойи – Халқ,
Мангу қароргохи ва саройи – Халқ,
Шул сабаб, туркийлар бир киройи Халқ,
Башарият күрки, Шарқ чиройи – Халқ,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Оlam ҳаритасин қоқ ўртасида,
Бу хил дарёлар йўқ бирортасида,
Сиз, айтинг, кимлар бор ер қитъасида –
Бизнинг боболарнинг мартабасида!
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Бири Фарход янглиғ гоҳо шиддаткор,
Гоҳида Лайливаш, гоҳо Мажнунвор,
Бири Андижон деб ўтар бетакрор,
Бу қандай тақдирот, қандай сир-асрор,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Бу шундай ғаройиб тақдир шеваси,
Тилни тил, элни эл қилган меваси,
Туркистан, Турондир Ватан кемаси,
Наслимиз қайғулар, ғамлар емасин,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

Мен эса улардан бир томчи, холос,
Шеърим қўлимдаги бир камчи, холос,
Ҳақ гапни айтувчи қаломчи, холос,
Тўлан Низом Сизга илҳомчи, холос,
Икки оқин дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.

2005 йил

МЕНИНГ ИШИМ

Менинг ишим недур ўзим сезаман:
Соғ қалбимни ўзим ҳар кун тиламан.
Оқ қоғоз бетига сўзлар тизаман,
Дам нимадир, тун бўйи иш қиласман –
Мен Ватаним юрагини чизаман.

Чеккада улғайган бир бўз боламан,
Ёзганим ўхшамас бирор хатига,
Кимдир назар солар, ўйлаб қоламан,
Ярим кеча йиғлаб қоғоз бетига
Мен халқимнинг суратини соламан.

Ғафлат мени сўраб келса мабодо,
Шеърларимга беркинаман оҳиста,
Тополмайин ортга қайтар у аста,
Руҳим ўлкам бўйлаб эсган шаббода,
Куёш каби абадийман дунёда.

1992 йил

ДЎСТ

Қанот боғлаб бугун учмоқка шайман,
Торликда чарх урган қушга ўхшайман,
Ҳак дебон сайрайман, ҳак деб қақшайман,
Илҳомим фаввора, шундок яшайман,
Фавворалар ичра фаввараман, дўст.

Манзилга интилдим, ета олмадим,
Ё, бошни олибон кета олмадим,
Юракка борини бита олмадим,
Довонлар бор хали, ўта олмадим,
Оворалар ичра овораман, дўст.

Халқимга айтмаган сирим қолмади,
Сигиниб бормаган ерим қолмади,

Фарёд күттармаган шеърим қолмади,
Бошимни силарга пирим қолмади,
Ошкоралар ичра ошкораман, дүст.

Тош кесмоқ истайман, кучим етмайди,
Тақдирни бузмоқка ўчим етмайди,
Коинот бўйига бичим етмайди,
Дунё ишларига ечим етмайди,
Бечоралар ичра бечораман, дүст.

Темурий миллатим, наслим баркарор.
Сахролар тилсизу тоғлар пурвикор.
Тоғлар чўккисида бургутларим бор,
Тарих майдонида кўп туркий минор,
Миноралар ичра минораман, дүст.

Қуёш чараклайди, ойлар тўлади,
Оппок тонг юлдузи – Чўлпон бўлади,
Улуғбек жадвали кўкда кулади,
Сайёralар ўлса, олам ўлади,
Сайёralар ичра сайёраман, дүст.

1990 йил

МУХЛИСЛАРИМГА

Мен Сизга муносиб шеър битолмадим,
Қанча уринмайин, куйиб ёнмайин?
Қаламни ташлабон ё кетолмадим,
Шоирлик нимадир, ёзdim тинмайин.

Минг афсус, минг аттанг, кўнглингиз аро
Шодликни баркарор этолмадим мен.
Аммо сизни дедим, Сиздан мутлақо
Узоққа-йирокка кетолмадим мен.

Мехрингиз туфайли, ишқингиз боис,
Тарк этдим, ғафлаткаш уйкуларимни.

Күзёшим кўксимга тушди юз фоиз,
Кайғулар забт этди кулгуларимни.

Фарёдим чирмашди кўкнинг тоғига,
Парвозим шаштидан пасайди тоғлар.
Юрак томчилади қоғоз окига,
Бирок етмок оғир сизга, ўртоклар!?

Кунларни тунларга, йилга ойларни,
Қонли сатрларим билан улайман.
Ҳаккингиз бор менда Сиздек бойларнинг,
Карзим бор, карзим бор, бир кун тўлайман!

Дўстлар, қалбингизга кирмок истайман,
Дўстлар, сафингизда юрмок истайман!

2006 йил, сентябрь

ТЕНГҚУР БИР ШОИРГА

Бир шоир пинхона менга тош отди,
Ғаразгўй сатрининг қатига солиб.
Пичинги пичноқдай кўкракка ботди,
Илҳом парилари кетди уёлиб.

Тирилган илондай тўлғониб нимжон,
Жисмимга заҳрини қуймок истар у.
Чунки, ул худбинрок, беор, бедармон –
Калбидан овлокқа кочган соф туйғу.

Бир бокка сиғмасму иккита булбул,
Бир қафасда сайрап икки каклик чин.
Ёмонми бўлса гар бургут икки хил,
Тоғда учмайдими иккита лочин.

Ҳар гул турли рангда, ҳар кўнгил ўзга,
Ҳар кимда ўзгача армон ва ният.

❖

Дунё-ку гуно-гун ҳар битта кўзга,
Биз уни талашсак, қанчалар уят...

Менинг йўлим узок күёшга элтар,
Ул юрган сўқмокка солмайман назар.
Шеърият карвони абадий ўтар,
Ким унинг чангидаги қолур, алхазар?

Яхши томонимни англатманг унга,
Тафаккур олами бўлмасин бежон.
Гарчи у шодланса, қувонса шунга –
Майли дўстлар, мени айлангиз яксон.

Мен асло ўкинмай, ўйиб кўзимни,
Ҳақни-да битурман, бурчимни оқлаб.
Вакт келур, авлодим кай бир сўзимни
Ул ёмон кўзлардан коларлар сақлаб?!

1992 йил

ОТАМ, ОНАМ

Онам берди менга бу митти жонни,
Отам ато килди чексаз жаҳонни.
Онам берди туйғу, бегубор кўнгил,
Отам деди: «Сен бўл халқингга ўғил!»

Онам гул тутқазди ёрингга бер, деб,
Отам кетмон чопди менинг камим еб.
Онам силаб чиқди тунлар бошимни,
Отам ҳалол топди нону ошимни.

Онам меҳр берди, шафкат ўргатди,
Отам виждон берди, химмат ўргатди.
Онам раво кўрди гул-боғлар ичин,
Отам менга берди дарёлар кучин.

Онам аяб кутди мени ҳар куни,
Отам қўтар деди тоғлар юкини.
Онам достон берди, ўтли шеър берди,
Отам Ўзбекистон деган Ер берди.

1999 йил, 26 август

АНДИЖОНГА КЕЛИНГ

Боболаримдан қолган бобо юртим,
Момоларимдан қолган момо юртим,
Кўнгли юксак осмон, хуш ҳаво юртим,
Менга Худо айлаган ато юртим –
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Бунда орзу бўлиб тонглар отади,
Сахарлар элини иш уйғотади,
Корадарё мавжига ой ботади,
Адирлари Бобурни ўйлаб ётади –
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Тупроғи ёғдуга, нурга йўғрилган,
Дехкончилик илми белда тугулган,
Пахта устозлари шунда туғилган,
Аммо Чўлпонлари бевакт бўғилган...
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Фидокор жонлар кўп, чин инсонлар кўп,
Жаннатдай бекам-кўст дастурхонлар кўп.
Сизга гул тутувчи меҳрибонлар кўп –
Мард ўғлонлар кўп, ҳам жононлар кўп –
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Сизни меҳмон килсак, кўркам жойлар бор,
Таблада тулпорлар, бедов тойлар бор.
Чакнок юлдузлар бор, тўлин ойлар бор,
Тилга булбул қўнган Турсунойлар бор,
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Хурмат-иззат бунда ор-номус қадар,
Оналар азизу чоллар мўътабар,
Бели боғлиқ эл бу, сўзида шакар,
Феъли сал ўткиррок, Бобурга ўхшар –
Андижонга келинг, жон Андижонга.


«Чўнтак» деган жойи зўр Асака богин,
Доим палов тайёр, учмас учоги.
Биларсиз Шахриҳон машҳур пичноғин,
Кўринг Кампирровот сўлим кучогин –
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Бир ёнда Наманганд, бир ён Фарғона,
Уч оғайни ботир, учта мардона.
Уч паҳлавон битта, бирдир пешона,
Истиқлол таҳтига олтин остона –
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Бу элнинг мақсади – армонлари мўл,
Тоза виждон янглиғ хирмонлари мўл.
Пахталари мўлдир, ҳам донлари мўл,
Баркаш ойга монанд оқ нонлари мўл,
Андижонга келинг, жон Андижонга.

Бобур ўсган ерга гар сифинсангиз,
Нодира шеърини сиз соғинсангиз.
Оташин Чўлпонни агар билсангиз,
Тўлан Низомни ҳам кўзга илсангиз –
Андижонга келинг, жон Андижонга¹.

1997 йил



¹ Ушбу шеър Андижон вилояти пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағипланган.
1994 йил 27 октябрдаги республика ойнаи жаҳони курсатувида ўқилган.



ЯНА КУЗ ҲАҚИДА

Сомон ранг либосда толлар, чинорлар,
Қоматдор тераклар барги заъфарон.
Тутзорлар, ўтзорлар, чакалакзорлар –
Шипшийдам, мунғайиб кўринар ҳайрон.

Кўкка чаноклардан пахта учгандай,
Охиста сузади оппок булувлар.
Турналар шошади олам кўчгандай,
Бош узра ўрлайди мағрур бургутлар.

Чах-чаҳларга тўлар чеки йўқ само,
Кушлар овозидан хурсанд болалар.
Қанчалар сехрли, бу, табиат – момо!
Шунчалар нозга бой Она – далалар!

Юрак кучга тўлар, қайнайди ҳавас,
Сочдаги оқлар ҳам кўпаяр, зотан,
Интилиб бораман мудом басма-бас,
Мен эса қарийман, ёшарап Ватан!

ШОҲИМАРДОНДА БИР ОҚШОМ

Баланд тоғлар ойдинда
Бир салобат тўқади.
Тоғ дарёси шовуллаб
Сукут чокин сўқади.
Кўк кўйнида Зухролар
Имо билан сўзлашар.
Какликлар кояларда
Дард айтишар, бўзлашар.
Тоғ ортига чўккалаб
Парда тутди ярим ой.
Мудраб ётган гул-боғлар
Кўрсатмас энди чирой.
Ер ҳансирар хотиржам,

❖

Факат бир сой күркувда.
Күк ўпар чүнг чўккилар –
Кордай оппок паркувда.
Факат ўйда-ташвишда
Термуламан мен ёлғиз.
Умрим ўтар, эртага –
Қолурми мендан бир сўз.
Элимга не килолдим,
Яхшилик айладимми.
Ҳар юмушда бошчи, деб
Виждонни сайладимми.
Қайси шеърим ўлкамнинг
Қай дардига ярайди.
Қай сўзим, қайтишимга
Халқим не, деб карайди.
Қолган йиллар етарми
Ниятим сўйламокка.
Мос келарми соғлигим
Мехнатга, ўйламоқقا.
Қоғозга тушди бу дард,
Шоҳимардон кечаси.
Тонг ёриди, дарчадан
Кўринди тоғ арчаси.
У менинг кўзларимга
Кўринди бардош бўлиб.
Оlamга ёғду сочди –
Куёш оловга тўлиб.

Ҳавасим келди шунда,
Зўр қудрат бор ўшанда.

1996 йил

АСКИЯ

Машҳур асқиячи Абдулҳай Махсум 75 ёшга тўлганда ёзилган.

I

Катта майдон эди, катта боғ эди,
Ҳалойиқ тўлкини сиғмасди ерга.
Эл ҳайратда, вакти чоғ эди,
Ҳайрон бўлиб колдим нима ҳам дерга.

Қани ҳозир бўлсан мен Ғафур Ғулом,
Ёки Юсуф Қизик, ё Охун Қизик.
Абдулҳай Махсуми дёйлмасди «лом»,
Мот қилиб кўярдим тилини қисиб.

Аския авжланди, кулгу мавжланди,
Кўкка қанотланар ўткир каҳқаҳа.
Юраклар шодланди, диллар ғавсланди,
Бунчалар топқирми Махсум шунака!

Қай шоир эришган бундай ёрликка,
Унга хўп тасанно айтганмикан эл.
«Гур-гур» кулгу сиғмас гўё борлиққа –
Бўрон кўзғолгандай, ё келгандай сел.

II

Агар Сиз ўзбекни севар бўлсангиз,
Сўзини сўзлашга чевар бўлсангиз,
Лутфу назокатин аъло билсангиз,
Навоий лафзини обод килсангиз,
Абдулҳай Махсумни кўтаринг бошга!

Агар Сиз севсангиз Ўзбекистонни,
Кўзингиз хуш кўрса кўм-кўк осмонни,
Юксалсин десангиз оппоқ хирмонни,
Олқишилай билсангиз асил дехқонни,
Абдулҳай Махсумни кўтаринг бошга!

❖

Чехралар күёши – кулгу, табассум –
Қақкача ғафлатга қылса деб хукм,
Сира тарк этмасин бизни баҳт бир зум –
Десангиз, күлокқа айтаман үзим:
Абдулхай Маҳсумни күтариң бошга!

Аския қилганда Маҳсум акамиз,
Кулгудан бүртади томир чеккамиз,
Биқинга туртамиз, ёнга тегамиз,
Күзёшдан киприкни буқлаб эгамиз,
Абдулхай Маҳсумни күтариң бошга!

Хусанбой аския ипин тортади,
Ғулом Рўзибоев эшиб кетади,
Пайров калаваси яна ортади –
Қорасувдан Кўкон бориб етади,
Абдулхай Маҳсумни күтариң бошга!

Ҳасанбой дегани «бедаво» чиқди,
Санъат оламида сас-садо чиқди,
Маҳсумга муносиб ҳам доно чиқди,
Кўнгиллар тоғланди, бир Ҳумо чиқди,
Абдулхай Маҳсумни күтариң бошга!

Халқимни кулдирған, ёвни куйдирған,
Турон, Туркистонни суйған, суйдирған,
Ракибга «чап» берған, «кыйған», «кыйдирған»,
Кулгу тоғларини уйған, уйдурған,
Абдулхай Маҳсумни күтариң бошга!

Демак, Сиз укtingиз гапим барига,
Агар етмасангиз устоз қадрига,
Уни чўмилтириб гуллар атрига –
Яшириб кўяман шеърим сатрига,
Абдулхай Маҳсумни күтариң бошга!

*1997 йил, август,
Андижон.*

АБДУЛҲАЙ МАҲСУМ

(Марсия)

Бир умр ҳаммани кулдириб ўтди,
Ҳаммага зўр кувонч баҳш эта олди.
Тақдирда бори шу – охирга етди,
Минган чорс тулпори чарчади, толди.

У шундай яшади – покиза, тоза,
Элу юрт шаънини сарбаланд этди.
Бир умр ҳаммани кулдирди роса,
Охири – ҳаммани йиғлатиб кетди.

1999 йил, 6 апрель,
Қарасув.

БИР ТЎКИН БОҒ ЭДИ . . .

Устоз шоир Шуҳрат хотирасига

Кирк йил бурун Шошда бир боғ бор эди диловор,
Кучоғи осмон эди, химмати чексиз кенглик.
Армонли Инсон эди, шоир эди беғубор,
Дунёда бўлсин дерди – адолат, дўстлик, тенглик.

Бу боғда турли мева саралари бор эди,
Булбуллар сайрок эди, кушлари шўх-шўх эди.
Дастурхонда кимлар ҳам нозу неъматдан еди,
Халкка берган улушдан боғбон кўнгли тўқ эди.

Аммо унга маломат кесаклари отилди,
Пайҳон бўлди ям-яшил ўсиб турган майсалар.
Бунда туз ичганларнинг қай бирлари сотилди,
Илонмайман уларга бугун нима десалар.

Боғбоним ўтиб кетди, боғи колди ҳувуллаб,
Азиз руҳи сарбаланд – юксаклардан термулар.
Дараҳтларни тебратар шаббодалар ҳувуллаб,
Тилда қотган сирларни само билар, ер билар.

Кўп меҳмон килган эдим Бобурий Андижонда,
Шахрихонда ё Бўзда ё Сулаймон тоғида.

Бугун иззат-икроми гутираш тоза конда.
Мехрига түёлмадик аммо тирик чоғида.

Жаннатда топган бўлсин энг азиз одамларин –
Мунис онаи зорин, падари бузрукворин.
Кўрсин буюк пирларин – энг улуғ хамдамларин –
Ойбеку Фафур Ғулом ҳам Абдулла Каҳхорин.

Шоир дафтари очик, сатрлар жимишлиайди,
Китоблар қатлам-қатлам, хонада абадийлик.
Лаҳзалар тўхтаб қолган, йиллар ҳам имиллайди,
Мехрибон устоз қани, тақдирга нима дейлик?..

Турсуной она сокин, соchlарида оппок нур,
Азамат ўғилларга, кизларга қўяр кифтин,
«Олтин зангламас» дейди, яшанглар тетик, масрур –
Юраклари кўтарар «Кавказ шеърларин¹» тафтин.

Бир дам ўйланиб қолдим, ёдимга тушди мана,
Устоздан битта мактуб келтирганди Мухаммад².
«Тўлан, сени мен бугун соғиниб кетдим яна,
Элликка кирдингми-а, Худойим берсин омад».

Дўстим кўзга ёш олиб, сўйлаб берди қолганин,
Ҳамон кўзим олдида Шуҳрат домла бархаёт,
Ундан-да юккан ижод қалбимда ўт олганин,
Аланга яллигини кўриб қўйсин одамзод.

Душман эса рашк килсин, қувонсин дўст бўлса гар,
Қўлларимда хилпирав шеъриятнинг байроғи –
Чунки менга муаллим – доно эди мухтасар,
Шул боис йиги бўлур эртагимнинг адоги.

Кирк йил бурун Шошда бир боғ бор эди диловор,
Кучоғи осмон эди, ҳиммати чексиз кенглик.
Армонли Инсон эди, шоир эди беғубор,
Дунёда бўлсин дерди – адолат, дўстлик, тенглик!

1997 йил, октябрь.

¹ Узбекистон халқ ётувчиси Мухаммад Али.

² Шоирнинг машҳур “Кавказ дафтари” шеърлар туркуми.



ҚИШ

(Болаларға)

Адирларни кор босди,
Харсангларга муз осди.
Түн тарқади, тонг отди,
Оlam оқликка ботди.
Тұхтаб қолди шүх шамол,
Тоғ бошида ок рүмөл.
Томлар, ховлилар оппок,
Терак учи ой балдок.
Сойлар каймок ялади,
Осмон корни әлайди,
Кампир сандал үрайди,
Чоли корни курайди.
Кор нега ок, нечун оқ?
Жавобсиз колур сүрок.
Яқин қолди гулбахор,
Хайқириши жанговор.
Қиши эканми күп күркөк?
Құтарди-ку ок байрок!..

1998 йыл 17 февраль,
Чимән.

ЙҮҚЛОВ

*Абадият оралаб
Үшіга қачон етамиз.*

Шавкат Раҳмон.

Бетоблигинг эшиздим...
Боролмадим үшал он.
Зор бўлибсан сўзимга,
Эҳ, кутибсан ҳар замон...
Сўнг шамолдек югурдим,

Үйларимда ғалаён...
Жиссим аро күзғолиб,
Қайнаб чикди пушаймон:
Топдим деганда охир,
Тонг юлдузи – Чүлпонни?..
Наҳот, йўқотиб кўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

Зориллаб Ўшга ўтдим;
Кишки тоғлар хўмрайиб,
Оқбурасой шошилиб,
Минг бор буралиб, койиб,
Ҳар бир арча кўк кийиб,
Ирмокчалар соч ёйиб,
Булут ерга энкайиб,
Йиғлади тўйиб-тўйиб:
Топдим деганда охир,
Тонг юлдузи – Чўлпонни?..
Наҳот, йўқотиб кўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

Кўмсаб ётар экан тор,
Қингир-кийшиқ тол кўча.
Букчайган бир қайрағоч,
Саннай бошлади пича,
Тош деворлар эзилди,
Бу қандайин зўр куч-а!
Титраб овозим чикди –
Шу алфоз кимни куч-а:
Топдим деганда охир,
Тонг юлдузи – Чўлпонни?..
Наҳот, йўқотиб кўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

Кўнгил овлаб, талпиниб
Бордим кадим Кубога,
Ал-Фарғоний кўз очган
Энг табаррук маъвога.

❖

Шокир Ҳакимий қани?..
Кетмиш ростгўй дунёга...
Тиловат қилиб, айтдим
Ул шоири муллога:
Топдим деганда охир,
Тонг юлдузи – Чўлпонни?
Нахот, йўқотиб қўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

Бирга эдик кай бир дам...
Мингбулоқнинг четида –
Қорадарё ҳам Норин
Ўйнаб келиб бирлашар,
Икки дарё топишару
Ўпишару, сирлашар,
Сунг Сайхунга айлануб
Чўллар ошар, кир ошар –
Аёвсиз тўлқинлари
Эслатиб баҳрим тешар:
Топдим деганда, охир,
Тонг юлдузи – Чўлпонни?..
Нахот, йўқотиб қўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

Ахтариб борсаммикан
Тенгкур Усмон Азимни,
Хуршид Давронни кўрсам,
Тинглармикан арзимни?
Азим Суюн хол сўраб,
Билиб олур розимни!?
Хотирамга тушганда
Тутолмайман ўзимни:
Топдим деганда, охир,
Тонг юлдузи – Чўлпонни?..
Нахот, йўқотиб қўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..



Ай, фидойи шоирлар,
Бир-биримизга жонмиз.
Огох бўлинг Умрдан,
Шеъриятга мәҳмонмиз...
Бошимиз тошдан бўлсин,
Бир миллатга ўғлонмиз.
Фарзанд доғини чеккан
Мушфик Ўзбекистонмиз:
Топдим деганда, охир,
Тонг юлдузи — Чўлпонни...
Наҳот, йўқотиб кўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

Қайтиб келиб уйимга,
Хонамга кўмиламан,
Ўтли илҳом сихига
Юрагимни иламан.
Шавкат Раҳмон сингари
Шоирлигим киласман!
Шоир кисмати нима?
Ўзим яхши биламан:
Топдим деганда, охир,
Тонг юлдузи — Чўлпонни?..
Наҳот, йўқотиб кўйдим,
Энди, Шавкат Раҳмонни?..

1998 йил 3 январь,
Буз.

БЎЗЛИК АЁЛЛАР

Баланд экан шахтингиз,
Паймонангиз, аҳдингиз,
Очилибдур бахтингиз,
Кўлингизда нақдингиз,
Яшанг, бўзлик аёллар,
Қаро кўзлик аёллар!



Юртингизга офарин,
Шартингизга офарин,
Сизни севимли қилган
Мардингизга офарин,
Яшант, бүзлик аёллар,
Лола юзлик аёллар!

Шарму хаё Сизда бор,
Иффатингиз беғубор,
Сизда номус, Сизда ор,
Қалбингизда битта ёр,
Яшант, бүзлик аёллар,
Сизда ўзлик аёллар.

Кора қошли, кора соч,
Сочин ўрса бир кулоч,
Бодом ковок, күз қийғоч,
Қарасам, назарим оч,
Яшант, бүзлик аёллар,
Риску рўзлик аёллар.

Гул кўтариб келайми,
Бир йўталиб келайми,
Майлингизни билайми,
Мехру вафо қилайми!?
Яшант, бүзлик аёллар,
Сирлик, нозлик аёллар.

Шоирини ўздирган,
Ишқий шеърлар ёздирган,
Бегонани бездирган,
Ўзлигини сездирган,
Яшант, бүзлик аёллар,
Битта сўзлик аёллар.

1999 йил.



НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Шон-шухрат кишини ҳароб айласа?
Ишк дарди юракни кабоб айласа?
Кўп билсанг, дунёни донолар ичра,
Рашку хасад кўзғаб хуноб айласа?

Камбағал бўлсанг гар хассан, хашаксан,
Бой бўлсанг, риёкор кўпга эшаксан.
Камоли камтарсан, ўзи шундок деб,
Ўзни билмаганга шолча, тўшаксан.

Яшаш муаммоси курашдир, магар,
Ҳаёт синоати тубсиз на қадар!
Дунёга келдик биз, кетарканмиз то,
Нима қилмоқ керак, айт, эй биродар.

1999 йил 10 декабрь.

БИР ШОИР УКАМГА ҲАЗИЛ

Ҳак деб ёzsанг шеърингни,
Ўкувчига эм бўлади.
Ёлғон бўлса илҳоминг
Танқидчига ем бўлади.

2003 йил.

МУРОСА ҚИЛМАЙМАН

(Бир нокасга)

Муроса айладим виждонни ютиб,
Сенинг қилмишларинг жонимдан ўтиб.

Ўзимни ўйладим, болаларим деб,
Жигарларим, амма, холаларим деб.

Набирам, эварам күрмас-чун кайғу,
Зимистон кечада изладим ёғду.

Сен ёлғон, риёкор, сахрои сароб,
Биламан, Чүлпонни килгансан хароб.

Бобурни қувлаган, орни билмаган,
Ха, яна кимларни күзга илмаган.

Тил күйдириб олди қанча шоирлар,
Сени мактай-мактай гапга мохирлар.

Улар-да, дур, жавохир мисралар түкди,
Окибат Нор түя сингари чўқди...

Дарвиш жандасини кийганда Машраб,
Томоша қилгансан соковга ўхшаб.

Аллоҳ яратғанми сени жазога,
Дунёни дуч килиб кўйдинг балога.

Бас, энди, ўткинчи, шухратпараст жон,
Юзингга туфлагум доғули Мўлтон!?

Яшайман, топаман мен ўзлигимни,
Каро кўзлигимни, чин сўзлигимни!

Ўз йўлим, ўз сўзим беғубор, тоза,
Сен билан килмайман энди муроса!?

1999 йил, 9 декабрь.



НИКОХ КЕЧАСИДА

Гулқишлоқда бир жахоний түй бўлур,
Зар-кадаҳга май-шароб куй-қуй бўлур,
Ёш-яланглар бир-бирин «суй-суй» бўлур,
Чин севгидан бир иморат, уй бўлур,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Куёв йигит – Дилшод деган бола бор,
Ёрга тутар кўлларида лола бор,
Нега қизнинг кўзларида жола бор,
Юпатувчи аммаси бор, хола бор,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Созандалар созин чалсин, яйрасин,
Раккосалар сочилиб гир айлансин,
Шўх йигитлар оларини, сайласин,
Эгачилар ошиқларни қайрасин,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Донишмандлар кўп ўғитлар бердилар,
Ёшлик ўтар, кадрига ет дердилар,
Фарход, Ширин худди сиздай эдилар,
Улар вафо гулларини тердилар,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Йиғламасин қизни бокқан онаси,
Рози бўлган дадаси – ғамхонаси,
Хушторига келганида хонаси –
Учраштирган ўша ўз дугонаси,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Қайнонаси, опоқиси бормисиз,
Ширин-шакар набирага зормисиз,
Сиз гўдаклар сасига хумормисиз,
Куёв айтинг, бургутмисиз, сормисиз,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Ўтганларнинг руҳи бугун қўлласин,
Аллоҳ ўзи яхшиликка йўлласин,
Душман бўлса кўкармасин, чўлласин,
Дўстлар кулсин, боғлар каби гулласин,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Етиб келур шоир укам Мухаммад,
Шеър айтганда илҳомлари беадад,
Келин-куёв салом берса зигб қад,
Орзулари канотланур бесарҳад,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Зулфия киз Музafferга аталган,
Остонада куёв тўра йўталган,
Рўжалари ипак билан матаалган,
Тақдири бир, Худойимдан хат олган,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

Иймон келди, шайтонлари кочинглар,
Чимилиқнинг ипларини ечинглар,
Бошларидан олтин танга сочинглар,
Бахти бўлсин, дуога қўл очинглар,
Келинг, дўстлар, Марҳаматга марҳамат!

1999 йил 19 июнь.
Марҳамат тумани.

АНДИЖОН БАҲОРИ

Яна дехкон белни боғлади,
Яна дехкон ернинг бошида,
Яна ишга ўзни чоғлади,
Калб оташи – кўк қуёшида,
Тупрок хиди деди кетмонга:
Баҳор келди жон Андижонга!

Сойлар суви мисранг бўтана,
Ариқчалар чалур қўнғирок,

❖

Шўх шаббода килур тантана,
Ялпиз тақиб кувонар кирғоқ,
Куртак деди ухлоқ райхонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Окшомларнинг қаноти майин,
Майсаларни ювади шабнам,
Қорадарё чалганда найин,
Кампирровот килганда зам-зам,
Зухролар дер кўқда ойхонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Яшил кийиб шаҳри Ҳонобод,
Водий узра қиласи кўз-кўз,
Бунда илхом, бунда зўр ижод,
Гул сотади Янги Йил – Наврӯз.
Гулфуриш дер ҳар ошик жонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Эркин қушлар ўйнар чирпирак,
Осмон мовий, мусаффо, тоза.
Болалар ҳам учирар «варрак»,
Каптарлардан олиб андоза,
Қалдирғоч дер қўниб айвонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Қозонларда қайнар сумалак,
Қўшни тараф кўксомса ёпар,
Кизлар тугар чучвара лак-лак,
Бедазорда тойчоклар чопар,
Бойчечак дер олам жаҳонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Катта канал бўйлари гавжум,
Ҳар дарахтда тароват, шакл,
Боглар барпо килмоққа хужум,
Мажнунтолда бесаноқ кокил,

❖

Бодом гули дейди боғонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Гунчалар лаб очади пинхон,
Булбул яна чекадур нола,
Тебранади кон ютиб ҳар он –
Ҳар кабрнинг устида лола,
Бобур рухи дейди Чўлпонга:
Бахор келди жон Андижонга!

Ўзбекистон гуллади чаман,
Водийларда эрклик шамоли,
Нурга чўмди бу миллий Ватан,
Истиқлолнинг кулди жамоли.
Хумо хуши деди Сарбонга:
Бахор келди жон Андижонга!

*2001 йил, 1 март,
Андижон.*

СОҒИНЧЛИ САЛОМ

(Улуғ Навоий руҳига таъзим)

Бугун тонг махали қабоғим учиб,
Кўзимдан ўтдингиз гўё тирикдай.
Сиз-ку барҳаётсиз, руҳингиз кучиб,
Оловда ёнаман Сизга шерикдай.

Ахир, йигирма йил ва ундан кўпроқ
Афғон тупроғида кон тўкиладур.
Безовта бўляпсиз, биз Сизга илҳак,
Бомбалар зарбидан ер сўкиладур.

Дунёга келибсиз онадин қай кун,
Сизни тарқ килмади хижрон ва андух.
Дўстингиз Бойкаро дили яна хун,
Сиз уни юпатинг, Эй Ҳазрати рух.

❖

Оҳ, пийрим, Навоий, дея ҳар бир жон,
Хокингиз гирдида бўлур парвона.
Сизни дер туркий тил – Туркистон, Турон,
Озод бўлган авлод, янги замона.

Бунда туткун эмас Ширин, Лайлилар,
Фарходу Мажнунлар етган муродга.
Мардлар манглайини Истиқлол силар,
Амир Темур мингган учағон отга!

Сизни ёд этмаган бирор бир дам йўқ,
Ўзбек болаларин бари Алишер!
Юракка бундан-да яқин ҳамдам йўқ,
Бу бари Сиз бизга айтиб кетган шеър.

Қабрингиз нурланур вакт ўтган сайин,
Сизнинг абадийлик этади давом.
Энг ёруғ кунларнинг келмоғи тайин,
Тинчлик ватанидан соғинчли салом!

2001 йил, 21 ноябрь.

АНДИЖОН ФАРЗАНДЛАРИ

*(Таниқли тилишунос олим Абдулҳамид Нурмонов тавалудининг
60 йиллиги шодиёнасида тугилган шеър.)*

Кириб бордим зўр анжуман,
Шунда эди чин илму фан,
Шул кун дедим мен бериб тан:
Икки номдан кўнгил шодон:
Бири – Абдулҳамид Чўлпон,
Бири – Абдулҳамид Нурмон!

Мехнат билан, шиддат билан,
Ғайрат билан, журъат билан,
Ғайрат билан, фикрат билан,

❖

Маърифатга фидоий жон:
Бири – Абдулҳамид Чўлпон,
Бири – Абдулҳамид Нурмон!

Забт этай, деб фан тоғини,
Енгиб ижод кийноғини,
Бузар ғовлар қирғогини –
Мисли Фарҳод, мисли полвон –
Бири – Абдулҳамид Чўлпон,
Бири – Абдулҳамид Нурмон!

Бири – туйғу, бири – мазмун,
Бири – кайғу, бири – мамнун,
Бири – сўлғин, бири – гулгун,
Бири – армон, бири – дармон,
Бири – Абдулҳамид Чўлпон,
Бири – Абдулҳамид Нурмон!

Ниҳол эккан бўлмагай кам,
Бир туп кўчат кўкарса ҳам,
Гуллаб кетар, ахир олам!
Дермиз кимлар ўша боғбон:
Бири – Абдулҳамид Чўлпон,
Бири – Абдулҳамид Нурмон!

Ватан – иймон, жондан ортиқ,
Улуғ Аллоҳ қилган тортиқ,
Уни деган, севган қаттиқ,
Элга содик, ҳам меҳрибон:
Бири – Абдулҳамид Чўлпон,
Бири – Абдулҳамид Нурмон!

Рух покиза, виждон тоза,
Ўзлиги чин, соғ андоза,
Икки фарзанд тили роса –



Дейди бу кун жон Андижон:
Бири – Абдулхамид Чўлпон,
Бири – Абдулхамид Нурмон!

2002 йил, июнь,
Андижон.

БАХТ ҚУШИ

(*Kўшиқ*)

Ёр дардини ташлаб бўларми,
Жафо тилин тишлаб бўларми,
Вафога йўл бошлаб бўларми,
Бахт қушини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

Қайга бориб, қайларда туриб,
Орқасидан тинмасдан юриб,
Тутаман деб, минг хаёл суриб,
Бахт қушини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

Тошни ёринг, йўқдир ҳеч вако,
Бошни ёринг, кон окар дарё,
Ҳар қадамда минг бир муаммо,
Бахт қушини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

Баланд тоққа чикинг тирманиб,
Чайир аркон тутинг чирманиб,
Янги забҳа олинг бирлашиб,
Бахт қушини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

Дунё кезинг, сиз белни боғлаб,
Дўстни мактаб, душманни доғлаб,
Факат, уни сўраб, сўроклаб,

❖

Бахт қүшини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

Нима қилмок керак бўлмаса,
Усиз ахир, кўнгил тўлмаса,
Ёр кулмаса, севги кулмаса,
Бахт қүшини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

Ёр этагин тутдим деган кун,
Ишк аро мен ютдим деган кун,
Агар бағринг бўлмаса бутун,
Бахт қүшини ушлаб бўларми,
Ушлаб кўнглинг хушлаб бўларми?

2002 йил, октябрь.

ТИКОНГУЛ

Йўл бўйида кўрдим битта ажиб гул,
Туриши-турмиши чиройдир нукул.

Одам бўйича бор, сершоҳ, серновда,
Пойига сув окиб келур тарновда.

Ранго-ранг товланур ҳар бир япроғи,
Қайда битган деманг, шу ер-тупроғи.

Ўсиш нуктаси ҳам кучли, ҳавоий,
Парвариш кўрмаган, чунки ёввойи.

Тебраниб турибди елда мулойим,
Гўё дер: «Яқин кел, юлдузим, ойим!»

Термулиб қолдим мен тушиб ромига,
Тобора майлимни тортди домига.

❖

Хидлаб кўрай дея ўйланиб турдим,
Охиста бордиму унга қўл урдим.

Кўлимга санчилди гулнинг тикони,
Чаёндай чакарди гўё бор жони...

Гул узмай колайнин, кўлим қонади,
Дил ҳою ҳавасдан качон тонади?

Ҳамроҳим бор эди, тоғлик бир йигит,
Хоҳолаб кулди-ю деди бўлиб хит:

«Бу дўстим, тиконгул, тоғда ўсади,
Ўтган ҳар одамнинг йўлин тўсади.

Барглари тиканак, чақар аридек,
Сизнинг кўзингизга бўлди паридек».

«Ё тавба, дедим мен – тикон ҳам наҳот,
Шунчалар гўзалми, гўзалликдан дод!

Тақдирнинг иши бу, жуда ҳам сирли,
Гулпараст, ўйлаб кўр, сенсан фикрли!

2002 йил, декабрь, Фарғона – Чимён.

СЕН ОЛТМИШГА КИРИБСАН...

(M.Алига ҳазил)

Сендан анча каттаман,
Лек сен учун биттаман.
Талпинаман сен томон,
Болалигим бор ҳамон.
Ҳамон менинг кўнглим ёш,
Кучоғимда ой, куёш...
Қарийдиган тарзим йўқ,
Ва бировдан қарзим йўқ.

❖

Аммо битта бор гинам,
Наҳот, наҳот, дўстгинам,
Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман.

Ҳамон севилгум келур,
Ошиқлигим эл билур.
Чаккамга райҳон такиб,
Гўзал кизларга боқиб,
Раксга ҳам тушгум бор,
Ағёр-ла уришгум бор.
Лабларимда илк бўса,
Мени айнитган ўша...
Қўй-е, эслаб бўлмайди,
Лекин севги ўлмайди!
Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман...

Кимни яхши кўрардинг?
Ким билан сен «юрардинг?»
Хаёлимда қолмабди,
Хотирга из солмабди.
Ёдим ичра йўқ ҳеч ҳам,
Ўзинг айт-чи, дўстгинам?
Куйиб-ёниб, шеър тўкиб,
Тўртингчидаги ўкиб,
Мактардинг бир юлдузни,
Соччопук таққан қизни.
Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман...

Белбоғ боғлаб белимга,
Шон келтириб элизинга,
Улуғ қурашга шайман,
Пахлавонга ўхшайман?
Тўйлар килиб уйлансан,
Чимилдиқда сўйлансан,
Пешанамдан чикиб тер,

Навоийдан айтсам шеър,
Келин чой узатса гар,
Булиб колсам сехргар?..
Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман...

Чикким келур боғларга,
Баланд-баланд тоғларга,
Коялар – ўртокларга,
Шўх кайнар булокларга.
Майсаларга кўмилсам,
Ой нурига чўмилсам,
Эрталаб китоб ушлаб,
Тоза калбимни хушлаб,
Мактабга чопиб кетсам,
Мен сени «топиб» кетсам!..
Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман...

Асло ярашмас энди,
Дарёлигим ҳам тинди,
Шўхлигим колди оз-моз.
Хориб колдимми бир оз.
Ўтди ўша ўт-ёшлиқ,
Жўшқинлигу бебошлиқ.
Тупрок йўллардан шошиб,
Шамоллар забтин босиб,
Бешгулдан то Амрико
Етибсан, тутдим яко?!

Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман...

Майли, кўяйлик сокол,
Жойнамозни кўлга ол.
Ёшлиқ, йигитлик ўтди,
Карилик фасли етди.
Энди дуо қилайлик,
Бурчни адо қилайлик.



Қандай бўлса наслимиз,
Шундок бўлсин аслимиз,
Ойдай тўлсин хур Ватан,
Унга фидо икки тан,
Сен олтмишга кирибсан,
Демак, мен кексарибман...

2002 йил 31 декабрь,
Фарғона – Чимён.

ВАТАН УЧУН ҚУРБОН БЎЛГАН ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИГА

Бизда ўрик гуллади,
Анхорлар тақди ялпиз.
Тўргайлар чулдиради,
Кайлардасиз?
Кайдасиз...

Кўсак тугар ғўзалар.
Хосили бўлиб ларzon.
Дастурхонлар тузалар
Даргумонсиз Сиз ҳамон?

Куёш чақнайди яна,
Саратон хўп куйдирап.
Уша Гам, хижрон мана,
Йиғлатар ҳам кулдирап.

Бағрин очиб келар куз,
Учиб кетар калдирғоч.
Аччик еллар эсар-у,
Очиб келмайсиз кулоч.

Учқунларин сочар кор,
Киш киличин қайрайди.

❖

Кун кўринмас уч кунлаб.
Кўзлар йўлга қарайди.

Қирқ йил қирчиллаб ўтди,
Кўтариб хам юкини.
Оналар мотам тутди,
Сизни кутиб, ўкиниб.

Бир бокиш шунча киммат,
Келинлар жуда интик.
Улар – Бардош, Кунт, Шафкат,
Кўзларида ёш жик-жик.

Оталарнинг соколи,
Симоб каби ялтирап.
Улар соғинган Сизни,
Ўй эзади хам титрар.

Лекин ўзгарган эмас,
Ўша осмон, ўша ер.
Ўлкамиз тиним билмас.
Бир оз кўпдир ғамли шеър.

Ха, Сизларнинг номингиз –
Кутиш бўлди, Ғам бўлди.
Ҳижрон бўлди. Жомингиз –
Бизнинг кўзёшга тўлди.

Ха, Сизларнинг исмингиз –
Бардош бўлди, Ор бўлди.
Ўлим билмас жисмингиз
Бизлар билан бор бўлди.

Сизлар – улуғ хотира,
Мангаликка айланган.
Руҳингиз ўчмас сира,
Руҳимизга бойланган.

Сиз йўксизу, яшаяпмиз,
Йиғлаб-сиктаб, кувониб –
Келажакка шошяпмиз,
Кеч ётиб, тонг уйғониб.

Ҳамма нарса сиз билгандай,
Умр оқар сув бўлиб.
Тенг тарозу мисоли –
Ким туғилар, ким ўлиб.

Йиллар ўтар, умр ўтар,
Сизлар бизга шериксиз.
Сиз ҳаётсиз то абад –
Авлод билан тириксиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ

(Мутолаадан сўнг)

I

Пийрим, беш асрдан ошиб ҳам кетди,
Нурабди мақбара қабрингиз бир оз.
Бу ҳолат малоли кўнгилга етди,
Биз уни тиклаймиз ўзингизга хос.

Янги кўшк қурамиз Сизга мустаҳкам,
Шифтига иламиз ой билан күёш.
Оппок тонг маҳали халқ билан мен ҳам,
Битта ғишт кўяман кўзларимда ёш.

Миннатдор сасингиз боғлаб зар қанот,
Тупроқдан отилиб чиқар фалакка.
Сизни мен ғойибдан кўраман кушод,
Ҳар битта сатрингиз тегар юракка.

Кейин ишгә тушиб кетаман хушхол,
Қабрингиз гардини суртиб қабокка.

Сиз яшаб ўтдингиз бир ёғду мисол,
Зулумот рангини кўчириб окка.

Олам шоирларин кўнглини хушлаб,
Шу уйнинг хуснига хусн қўшаман.
Кўлимга олтиндан андова ушлаб,
Пардоз сайқалига дарҳол тушаман.

Уйингиз битади чароғон, тоза,
Энг баланд тўрида бўлурсиз абад.
Унинг тўрт бурчида тўртга дарвоза,
Башарият оқими келар беадад!

II

Мухаммад Пайғамбар хижрат қилганлар –
Муборак Маккадан Мадина сари.
Ҳар икки маконни кутлуғ билганлар,
Азиз Каъба бўлди қалбининг бори.

Ихтиёр айланг Сиз улуғ бир хижрат,
Ўзбек пойтахтига ҳазрати аъло.
Сизнинг бор умрингиз саховат, химмат,
Бир чимдим хокингиз бизга тўтиё.

Жисмингиз ундаю руҳингиз бунда,
Бизнинг жонимизга абад бойланган.
Сизнинг ёд этамиз ҳар ўтар кунда,
Номингиз иймонга, шонга айланган.

Қай куни туш кўрдим жуда ажойиб:
Беш аср мозийга кетибман қайтиб.
Дунё манзараси эмиш ғаройиб,
Битта тафсилотин берайин айтиб:

Овозим чиқмасмиш, нафасим тўлиб,
Юрагим тошиқиб урармиш шу дам.
Богимда очилмиш ғунчалар кулиб,
Бир мажлис бошламиш кушлар жамулжам.

❖

Оппок кабутарлар тизилмиш қатор,
Товус оро беріб юрар үзига.
Какликлар дилида пинхон құрқинч бор,
Назар ташлаб қўяр бургут кўзига.

Тўти ўҳшатолмас булбул куйини,
Қийғирлар, карғалар урарлар ханда.
Шу заҳот қўзғолди шамол қуюни,
Силкиниб қолдилар барча парранда.

Какку каккулайди, кумри хув-хувлар,
Шоҳларда саъвалар чийиллар узок.
Шу он учеби келди кўлдан оккушлар,
Бедани илкида кўринур тузок...

Худхуд сўзламоқдан тийилмас асло,
Борлиқни ларзага солур ноласи.
Унинг охангиди Куръоний имло,
Тинглаб, бардош килмас одам боласи.

Шу асно самода семурғ пайдо –
Ҳижрат, ҳижрат, ҳижрат! – деди у.
Кушлар унга бўлиб маҳлиё, шайдо,
Ҳавога учдилар кўтариб ғулув.

Кейин сизни кўрдим, қўзимга чизди –
Кайдалов қалами, қиёфангиз – Нур!
Термулиб туардим, уйқумни бузди –
Айвонда сайраган қалдирғоч тушгур...

О, пийрим, афв этинг, мен кулингизни,
Шаккоклик килдимми, бандай ожиз?..
Аллоҳ очиб берса оқ йўлингизни,
Бизнинг томонларда бўлсан юзма-юз!

2003 йил, 29 июнь,
Андиксон.



КЕЧ КУЗ

Салқин ҳаво елпигиchi юмшоқ елпийди,
Кўксим аро совук еллар секин селпийди,
Яшноқ, яшил япрокчалар заъфарон кийди,
Охирланур йиғлоғи куз,
Келаётir қиши...

Бошим узра булатларнинг судрок тўдаси,
Аргимчокни узар ана, кушлар модаси,
Жуда узок юлдузларнинг оқшом шодаси,
Бехавотир гердайган тоғ,
Сенга ҳам олкиши...

Хў, айкирган дарёларнинг забони соков,
Тўлкинларга кирғоқларда харсанг тошлар ғов,
Кўлда қармок, дилда ўлжа, кимдир қилар ов,
Кўприкларнинг остида муз,
Кўприкларда из.

Кенглик сари талпинаман, киприкларим нам,
Борар йўлим биладурғон одам камдан-кам,
Фол очурлар ҳолатимдан унда-бунда жам,
Улар мудрок, улар локайд,
Менда бор қалқиши...

Шундок ўтур, шундок кетур картаймок ёшим,
Бўй кўрсатиб армонларим: аклим, бардошим,
Элга етди, юртга етди козонда ошим,
Мехнатларим, заҳматларим,
Қилсади балкиши...

Минг йил яшар осмон ўпар мана бу чинор,
Томирида, танасида қандок сир-асрор?
Шохларида, баргларида пинҳон нима бор,
Бу не дарахт, бу не мўъжиза,
Олмаган қарғиши...

❖

Кексарибди эгри-бугри садақайрағоч,
Уясини тарк айлабди саъвахон тилмоч,
Ғуж-ғуж қалин новдалари юпун, яланғоч,
О, бечора, мункиллаган чол,
О, ғарип дониш...

Ер томонга юзланадур мажрух мажнунтол,
Уmr кўрмиш кураш аро жуда ҳам ҳалол,
Мажнунтолга ўҳшасайдим мен ҳам эҳтимол,
Илҳомимни тўкардим жим,
Топардим қониш...

Мирзатерак, кундан кунга юмиши ўсмак,
Адл қомат, тўғриликка йўл солган юрак,
Бўлса дейман кўк тоғига шу дараҳт тиргак,
Афсус, уни кимдир кесар,
Яна урар ниш...

Арча! Алам, ҳасрат билмас шулмикан фактат,
Шоҳчалари қатлам-катлам, новдалар кат-кат.
Мудом кулар, кўшиқ айтар шу кўм-кўк дараҳт,
Тўрт фасл ҳам унга баробар,
Унда йўқ сўниш...

Боғ кезаман, кушлар кани: қани қабутар,
Қани ғозлар, қани товус, канотлари зар,
Гулзорларни хазон уриб тебранур баттар,
Булбул қани, каён кетди,
Килмасдан хониши...

Ҳамон кийнар хотираларни ул ўтган турмуш,
Йиллар, тўхта, арзим эшит: ҳали кўп юмуш,
Оппок корлар соchlаримга сочадур кумуш,
Бўрон увлаб, тўзғиб келур,
Шамолда изғиши...

Қолган йилларимни бу кун чўтлаб санайман,
Оромим йўқ, қалам билан ёлғиз тунайман,

❖

Аллоҳ, яна ўттиз йилга, майли, унайман,
Қишини баҳор, деб кутаман,
Қалбимда ёниш...

2003 йил, 23 сентябрь,
Фарғона – Чимён.

САЙЁХ

З.М.га

Оlamни айланди қадамма-қадам,
Не-не мозорларни қилди зиёрат.
Буюклар қабрини таъмирлаб чиқди,
Бобурга тиклади янги иморат.

Яшнатди, безатди абадиятга
Алишер Навоий гулхонасини.
Бугун тонгда бориб кўрсатди менга
Ўзи ётар бўлган хилхонасини.

Бу жой бизники, – дер, – отам, онамнинг
Оёқ томонида ётурман мангубу.
Қадрдон дўстимни тингладим, аммо
Кўксимга қуюлди кўзёшим дув-дув.

2004 йил, 31 июль,
Андиксон.

КИШ КЕЧАСИ

Чимён адирлари яйдок, яланғоч,
Изғирин силайди тошлар юзини.
Булатлар қоплайди кўк юлдузини,
Бир-бирин савайди бир тўп қайрағоч,
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Мажнунтол новдаси ипдек эшилур,
Тераклар бутоғи чекади нола,

❖

Арчалар дилдиар гүё ёш бола –
Бу совук инграшга күнгил қўшилур,
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Шоҳимардон тоғи ок салла ўраб,
Ҳазрат Хувайдога эгилиб турар,
Водилда чинорлар зўр хаёл сурар.
Баланд чўккиларни безар кор бураб,
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Табиат товуши қалбимга кўчди,
Хорғин кўзларимдан куюлди ёшим.
Оппоқ кор тусига айланди бошим,
Наҳот, энди дейман! ёшлигим ўчди...
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Алҳазар, менга ҳам етиб келди қиши,
Аччик алам билан, аччик ғам билан...
Қарибим вафодор мен қалам билан,
Дунёда шоирга ўлим йўқ эмиш...
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Тўхта қиши, сўйлагил, баҳорим қани?
Қани чечакларим, ол ғунчаларим?
Севги рўмолчаси – тугунчаларим?
Қошлари камоним, гул ёрим қани?
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Ташқари чиқаман, ажиб манзара,
Мени жунжиктиар энг сўлим ҳаво.
Оlamни кезаман бир ўзим танҳо...
Қиши садо қиласи: Сен, эшит, кара,
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

Хонамга кираман, сўзлар тераман,
Ўксик бу кўнглимни овутар илхом:
Бекор яшамадинг, сен – Тўлан Низом!
Бағринг оч, ҳали кўп қўшиқ бераман!
Ярим тунни бузиб шамол гувиллар...
Ярим тунни бузиб сой ҳам шовуллар...

2005 йил, Чимён.

НАВРЎЗ ҚИЗИ

Наврўз қизи боғимга келди бугун тонг чоғи,
Алвон-алвон гулларга тұла экан кучоғи,
Юрагида ишк ўти, ёнар икки ёноғи,
Хино боғлабди окшом, лола эди бармоғи,
Гуллар билан безанмиш бошидан то оёғи.

Эгилиб, салом берди, одобига қолдим лол,
Гул баргидан дурраси бошига кўнган хилол,
Гажаги толим-толим, бурам-бурам мажнунтол,
Тишлари оқ марварид, ўнг юзида кора хол,
Камзули қизил барқут, тугмаси юлдуз мисол.

Юрганда ҳилпирайди, шол кўйлаги ҳаворанг,
Лаблари ғунча каби, «ўсмадан қошлар таранг¹»,
Сурма кўйибди кўзга, тилида ширин оҳанг,
Бели хипча, бир тутам, чалинур кўзга аранг,
Хуснига назар солсанг йигитлар ахволи танг.

Саватин ерга кўйди, ичи тўла чучмома,
Қуёш тухфаси эди чучмома кийган жома,
Сахар чўмилтириби ойдан нур тома-тома,
Қиз қўлимга тутқазди Навбаҳордан бир нома,
Шу он енгил шаббода кўрсатди зўр ҳангома.

Силкиниб қолди боғда Бинафшаю Наъматак,
Тожихўроз Мажнундек эгнида қонли яктак,
Лабланди Гулисафсар, зеболанди Бойчечак,

¹ Фуркат сатри.

Ороланиб Гулсумбул, Саллагул, шум Мармарак –
Карнайгулга қайрилди, ҳасад килсалар керак...

Гул қатма-қат тебранди, жилмайди Гулибеор,
Атиргул титраб қолди, Гулхайрида бир сир бор,
Кампирчопон, Бойқалча япроғи тумор-тумор,
Райхонга сарик Садбарг термулар хумор-хумор,
Лек Чиннигүл негадир хаёл сурар безор...

Наврӯз кизи бир кулиб, гулларга имо этди,
Гуллар очилиб кетди, хидлар сочилиб кетди!
Бу хушхабар бутун эл, бутун оламга етди!
Бошланди улуғ Байрам, қувонч борликни тутди,
Баҳор кутган күнгиллар ғам-қайғуни унуды!

Дастурхонга тортилди: сумалак, кўк чучвара,
Кўк сомса ҳам кўк манти, халимига бир кара,
Қиз-жувонлар ракс этур, кокиллари карқара,
Табассуми жон олар, бири-биридан сара,
Дўстлар, бугун боғимда бўлди шундай манзара!

2005 йил, 21 марта.

КОНЛИ ЛОЛА

(Марсия)

...Барчасини бердим ўлимга.

М.Ю.Лермонтов.

Шоир ўлди,
Сўнди чироғи.
Кимга қолди
Барқ урган боғи.

Таваллуди –
Билмам, қай йили?..
Бу кун котди
Оловли тили.



Бошин ёрди
Хаёт қамчиси.
Умрин кесди
Хасад қайчиси.

Ёш майсалар
Эгилди ерга.
Қонли лола
Түймади шеърга.

Үжар шамол
Гувуллаб қолди.
Селу ёмғир
Шувуллаб қолди.

Дүстү ёрон
Күйди тупрокқа...
Шоир кетди –
Хеч қайтмас ёққа.

29 марта, 2005 года,
Андижон.

ДАШНОМ

(Мустақиллик ганимларига)

Шўролар даврида суяги қотган,
Тузсиз кояларга кўмилган, ботган,
Олий туйғуларни бир пулга сотган,
Панада пинхона беркиниб ётган –
Эй нокас, эй бадбин, эй нияти шум,
Нечун кўзларимга сочадирсан кум?

Нечун халойикка ёлғон сўзлайсан,
Тўлмаган хирмонни қўшиб юзлайсан,
Ҳамтовок ошнангни ёклаб, тезлайсан,
Гумашта, тарафдор, гурух излайсан –

Эй сотқин, эй малай, эй максади кир,
Менинг ҳар сатримдан ахтарасан сир.

Абдулла Қодирий ичган ўт-захар,
Чўлпонга ўқ узган, ўзингсан ахир,
Кўлингда жон берган ёш Усмон Носир,
Хамзани ўлдирган сенсан тошбағир,
Эй бағри ёғдусиз, панжалари кон,
Сендан кутуларми, бу ёруғ жаҳон?

Андижон ерига ғараз ташиган,
Ғийбат, бўхтонларни хаддан оширган,
Довдир нодонларни селдай оширган,
Сўнгра оёқларга йиғлаб бош урган –
Эй бебурд, эй номард, эй баҳти қаро,
Кимлигинг аёндир бугун халкаро.

Шуҳрат супасида ўлтирибсан сен,
Ҳамённи роса ҳам тўлдирибсан сен,
Бўлмагур ишларни бўлдирибсан сен,
Дўст дебон душманни кулдирибсан сен,
Килмишинг очилди, йиртилди никоб,
Хароблар ичида сен бўлдинг ҳароб...

Қўй, менга ташланма, копқонингни ол,
Ҳалким соябоним, баҳтим – истиклол,
Бас килгил, сен мендан очма ёлғон фол,
Ҳар шеърим эл сўзи, ўзбакий, ҳалол,
Сенинг кунинг битди, капанг бузилган,
Чайир чилвирларинг энди узилган.

Сен ҳеч ким, риёкор ёвлар қулисан,
Димокдор ҳам ифлос гурух йўлисан,
Абадий қақшаган араб чўлисан,
Тезак тутаб ётган ўчок қулисан,
Менга олов керак, менга ўт керак,
Куйлашдан тўхтамас бу ёнар юрак!



Бобурнинг шиддати қайнар қонимда,
Бир шоир бўлибман ўз замонимда,
Ўлсам қабрим қолур Андижонимда,
Нима қасдинг бордир хону монимда,
Қадамим санама, юрма изма-из,
Тиккама-тикка кел, гапир юзма-юз.

Рух эркин, қалб озод, кўнгиллар обод,
Амир Темур турар миниб тулпор от,
Янчилур одамхўр машъум истибод,
Эрк-хурлик байробин тутганман кушод,
Келажак қўшиғин айтяпман шодон,
Сен эса қилурсан сўнгги пушаймон!

Сўзим жаранглайди ҳар анжуманда,
Ўлкада, водийда, барча туманда,
Халқим демокликни қилмасман канда,
Менга ўчакишма, кет, эй шарманда!
Мен – Ватан! Мен – халқман! Мен – ўлмас туйғу!
Мустакиллик менман! Яшайман мангур!

2005 йил, 14 май,
Андижон.

ЖОЙНАМОЗ УСТИДА

Шукроналар айлай бугун Яратганга,
Сажда кил, деб қибла томон қаратганга,
Куръон нурин жисмим аро таратганга,
Кудрат бериб, қалам тутгил, деб айтганга,
Шоир килиб, булбул сифат сайратганга.

Каъбатуллоҳ рамзи эрур жойнамозим,
Бор вужудим, азиз бошим қилур таъзим,
Суръаларни, оятларни куйлар созим,
Ич-ичимдан қайнаб чикур сас – овозим,
Аллоҳимга аён эрур дилда розим...

Күлни очиб, әлға хурлик тилайман мен,
Икки дунё машаққатин улайман мен,
Иймонимни ўз конимга булайман мен,
Яссавий деб жонимга ўт қалайман мен,
Шох Машрабман ҳам Бокирғон Сулаймон мен.

Ал-Бухорий ҳам Нақшбанд аждодларим,
Турон замин осмонида фарёдларим,
Хаддан ошди қайғуларим, арз-додларим,
Бўлсин Эгам панохида зурёдларим –
Гул кизларим, Бунёдларим, Озодларим?!

Тупрок ичра ётур ёrim, онам, отам,
Кўшиладир бир кун бориб менинг танам,
Дўстларимни ёд этарман киприкда нам,
Кўксим узра кўзёшларим тарам-тарам,
Устоз ҳакин узолмасдан мен йигларам...

Ёзим ўтди, қишим келди, гуноҳим бор,
Ҳузурингга қандай борай мен шармисор,
Минг розиман берсанг агар қанча озор,
Пайғамбарим Мухаммадга бўлайин ёр,
Тавба қилдим, тавба қилдим, Парвардигор?!

2005 йил, 9 март,
Чимён – Фаргона.

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР

(Болаларга)

Тонг ёриб, илк субҳидам,
«Боғ аро қўйсам қадам»,
Зеҳним олди дам-бадам –
Бошин эгган дараҳтлар,
Қаддин буккан дараҳтлар.

Бири олма, бири нок,
Бири хурмо, бири ток,

❖

Анжир ётур бағри чок,
Юки бисёр дарахтлар,
Юки залвор дарахтлар.

Чорпойли ок ўриклар,
Ёнғок – шохи йириклар,
Олча-гилос шериклар,
Тош отилған дарахтлар,
Болта тилған дарахтлар.

Бир бутоғи айрилған,
Бир новдаси қайрилған,
Илдизлари чайрилған,
Маҳкам, пишиқ дарахтлар,
Элга қўшик дарахтлар.

Шамоллар тўкиб турар,
Кушлар хам чўкиб турар,
Булбул шеър ўкиб турар,
Ай, қайғудош дарахтлар,
Менга сирдош дарахтлар.

Теваракда саф тортар,
Рашку алам кўзғотар,
Ғам устига ғам ортар,
Мева билмас дарахтлар,
Мева килмас дарахтлар.

Ок қайнин бўй чўзадир,
Қайрағочдан ўзадир,
Кўқдан юлдуз узадир,
Ҳаволанган дарахтлар,
Самоланган дарахтлар.

Бони осмон тераклар,
Толлар – эзгин юраклар,
Сада кимни эрмаклар?..
Ҳasad уйи бузилсин,
Занжирлари узилсин?!

Мевасиз боғ боғмиди?
Чўккисиз тоғ тоғмиди?
Мехри йўқ ўртоказмиди?
Меваси чин дарахтлар,
Турон замин дарахтлар.

Энди десам, холисан,
Отамлар тимсолисан,
Онамлар мисолисан,
Комати дол дарахтлар,
Умри ҳалол дарахтлар.

Тонг ёриб, илк субҳидам,
«Боғ аро қўйсам қадам»,
Зеҳним олди дам-бадам,
Хосили ларзонлари,
Ўлмасин боғбонлари!

2005 йил.
Фаргона – Чимён.

ИСМОИЛ ТЎЛАК ЁДИ

Ойлар, йиллар ўтар бокмасдан киё,
Жисмимиз ўртайди сўнгги йўқ бир дард...
Қайдасан дўстгинам, эй қалби зиё,
Эй, сўзи оташин, эй шоири мард!

Ҳақ дебон куйиндинг, умр ўтказдинг,
Тобора улғайди армон, аламинг.
Шеърият шаънини кўкка етказдинг,
Мунча пишиқ экан тутган қаламинг.

Тубсиз уммон дединг илму урфонни,
Игналаб қазидинг, поёнсиз экан...
Шеърга буркаб қўйдинг жон Андижонни,
Англадинг бу дунё аёнсиз экан...

❖

Менинг түйғуларим! – достоним, шеърим
Күзинг ойнасида намоён эди.

Сенга равшан эди ижодий сирим,
Бугун илхом кушим сенсиз лат еди.

Аёлинг бошига қўйдинг оғир юк,
Ёлғиз қизинг колди, опажонинг ҳам.
Набиралар бўлди суюқдан суюқ,
Сўрарлар: «Келарми опоки дадам?..»

Қайдасан шоири, Исломил Тўлак,
Эй Бобур зурёди, Чўлпон боласи.
Сени қўмсаб қолдик, соғинди юрак,
Биз ким, кўролмаган умринг чоласи...

Ойлар, йиллар ўтар бокмасдан киё,
Жисмимиз ўртайди сўнгги йўқ бир дард...
Тирилиб келсайдинг эй қалби зиё,
Эй, сўзи оташин, эй шоири мард!

Бугун жуда серфайз сен яшаган уй,
Ўчмагай, сўнмагай сен ёккан чирок.
Бўлур кўп базмлар, канча-канча тўй,
Ғойибдан пайдо бўл, руҳан келиб бок...

Ўлмагансан, яшаяпсан қалбимизда, дўст,
Кўллардан, кўлларга китобинг ўтар.
Минг фарёд, сафларда менинг ёним бўш,
Хижронинг наштардек кўнглимга ботар.

2006 йил, 16 май.
Андижон.

ШОИР ВА БУЛБУЛ

Охунжон Ҳакимовга

Шоир деди булбулга: «Гул ҳажрида ёнасен?..»
Булбул деди шоирга: «Сен гулни кизғонасен?..»

Шоир деди булбулга: «Гул лабида не сир бор?..»
Булбул деди шоирга: «Англатмак буни душвор?»

Шоир деди булбулга: «Васлига умидвортсан?»
Булбул деди шоирга: «Девонасен, сайёртсан?»

Шоир деди булбулга: «Саҳарлари бедорсан?»
Булбул деди шоирга: «Тонг отгунча беморсан?»

Шоир деди булбулга: «Йиғлайсан, түлғонасан?»
Булбул деди шоирга: «Ишкка қачон қонасан?»

Шоир деди булбулга: «Аҳдинг маҳкам, пишиқсан?»
Булбул деди шоирга: «Айт, сен кимга ошиқсан?»

Шоир деди булбулга: «Мен Аллоҳга ошиқмен?»
Булбул деди шоирга: «Сен куйлаган кўшик мен?»

Шоир деди булбулга: «Кел бирга сирлашайлик ?..»
Булбул деди шоирга: «Садоқатда яшайлик?..»

Шоир деди булбулга: «Ғунчалар қон ютмакда?..»
Булбул деди шоирга: «Сени илҳом кутмакда...»

*2005 йил 5 март.
Чимён – Фарғона.*



БИР ДАРАХТ ЯНГЛИФ

Тебраниб яшайман бир дараҳт янглиғ,
Бебош шамолларнинг беланчагида.
Аччик изғириналар санчиб турар тиғ,
Айниқса, айниқса... мен кечагида?..

Бемаврид ёмғирлар ёғар савалаб,
Гоҳо қутиради, совук, дўл, довул.
Теграмда тош қотган тенгқурлар караб,
Килт этмас мисоли локайд ясовул.

Шоҳ-шабба оҳиста эшилиб кетур.
Япроқлар ербурун изғийди ночор.
Шодликлар қайғуга қўшилиб кетур,
Бўшашиб қолади илдиз bemador.

Менга термулади гўё ўнгу сўл,
Бошимни қоплайди корлар қуюни.
Каршимда ястанган тошлиқ якин йўл,
Хийласин кўрсатар тақдир ўйини...

Чах-чаҳлаб кулади, кўк тўла юлдуз,
Ойнинг кўзёшини эмар каро тун.
Қонталаш қуёшни уйғотар кундуз,
Шоҳимардон тоги хўмраяр беун...

Дейман: баҳор келса яна бир бора,
Боғимда очилса яна бинафша.
Бир марта ёшлигим кўрсайдим зора,
Илк севгим жамолин қилсан томоша?

Карилик занжири, аммо бўйнимда,
Юракни ёшартар донишманд умид.
Ва илҳом париси – бир қиз кўйнимда
Маррани бермайман, мен ҳали йигит!!

2006 йил, февраль,
Чимён «Зилол» санаторийси.

ЁВВОЙ ТЕРАК

(Ёш ижодкорларга)

Боғнинг сал четида ёввой терак,
Бўй-бости юксалиб борар кунма-кун.
Унга ғайрат билан каар теварак,
Шоҳлари шамолда ракс этар мамнун.

Тарвакайлаб кетди ёпаски мисол,
Кечаси Бойўғли кўнади факат.
Тагида кўз очган қанча навниҳол,
Мехри йўқ дараҳтдан кутади шафқат.

Шамол урилганда эгилар терак,
Ноилож куйида бергандек салом.
Майсалар чўчийди сезиб бир дарак,
Дейдилар: бу, бизга – ёлғон «эҳтиром».

Терак соясида колди майсалар,
Нурсираб, сувсираб райхонлар, гуллар.
Қуёшга интилиб қандок, ўсалар,
Уларга раҳм этиб кушлар чувиллар.

Терак-чи, яна ҳам гердаяр, ўсар,
Осмонни тешгудек жўш урап шашти.
Ерга куч берувчи хавони тўсар,
Остида яралди Карбало данити.

Бирдан бўрон турди увлаб, қутариб,
Теракни қўпориб ташлади ногоҳ...
Серрайган шоҳлари қолди ўтириб,
Бу сирдан бутун юрт, эл бўлди огоҳ.

Теракдек бўлганинг кисмати аён,
Кеккайиш, қагтазанг бўлмоқлик уят.
Манманлик охири келтирас зиён,
Унда йўқ орият ҳам самимият.



Терак ётиб қолди ер узра жонсиз,
Пўстлогин майдалаб кавшар эчкилар.
«Ёмоннинг ёмони колур имконсиз,
Шарманда бўлади», деган эскилар.

Сўрарсиз: «Хулоса чикди қанака?»
Шеърият сахни ҳам худди шунака!?

2006 йил 20 июнь,
Андижон.

ОҚ ТЕРАК

(Номаълум шоирга)

Тун бўйи тинмадинг, билмадинг ором,
Шохларинг ғийқиллаб йиғлади мудом,
Новдалар эшилди, улар экан ҳом...
Сендан учиб кетди қушлар ҳам тамом,
Тебраниб яшайсан токай бекалом?..
Тақдирми, кисматми, қайдан бу инъом?..
Бугун мунгли сасинг мени қилди ром,
Ёнбағирда ўсган бўйчан, оқ терак.
Шамолларни тўсган ўйчан, тоғ терак.

Сени ким ўтқазган, ёшинг нечада?
Нелигингни билдим шу бир кечада...
Сенинг бу дардингни ким ҳам ечади?
Мендекссан, ғанимлар кафан бичади,
Дерлар: бу курмағур, качон ўчади,
Тек кўйсак, савлати олам кучади,
Ёмғирга оғу қўш, чанқаб ичади...
Айт, энди ҳолимиз қандоқ кечади?
Ёнбағирда ўсган бўйчан, оқ терак.
Шамолларни тўсган ўйчан, тоғ терак.

Сен узок яшайсан, илдизинг маҳкам,
Сени тутиб турган ер ҳам мустаҳкам,

❖

Сен каби беғубор дараҳт камдан-кам,
Қаҳратон қиіп фасли ўзлигинг күркам,
Баҳорий баргингда хусн жамулжам,
Сенга назар солиб ўтар дарё ҳам,
Сени күрар, билар чўққилар ҳардам,
Дунёда нима бор беситам, бегам?..
Ёнбағирда ўсган бўйчан, оқ, терак.
Шамолларни тўсган ўйчан, тоғ терак.

Сен билан бу оқшом ўртоқ тутиндим,
Ниҳоят, чин дўстга энди етиндим,
О, сенга етгунча эгилдим, синдим,
Қайнар булоқ эдим, кўп йиллар тиндим.
Аллоҳдан тиладим, ундан ўтиндим,
Илҳом деб аталган тулпорга миндим,
Рухларга ёлбордим, ийғлаб сифиндим,
Мехнат, заҳмат бўлган сени соғиндим,
Ёнбағирда ўсган бўйчан оқ терак.
Шамолларни тўсган ўйчан тоғ терак.

Фақат сен йиғлама, бағримни эзма?..
Агар мен йиғласам, кел, мендан безма?..
Ҳасратим англассанг, айтмагил, чўзма?..
Очилмок истайдур, ғунчамни узма?..
Хаёлларим сўнгсиз, кўй, уни бузма?..
Қалбим жуда чукур, денгиз деб сузма?..
Мен ғариб ошиқман, суратим чизма?..
Елларга сўйлама, шеър килиб ёзма...
Ёнбағирда ўсган бўйчан, оқ терак.
Шамолларни тўсган ўйчан, тоғ терак!

2006 йил,
Фарғона.



УСТОЗ ЭРКИН ВОХИДОВГА

*Таваллудининг 70 йиллиги
муносабати билан*

Ок «Тонг нафаси»дан бўлиб диловор,
«Шаркий қирғоқ»ларни кезди неча бор.
«Тирик сайёralар» тутинди ошно,
Елкасига қўнди баҳт қуши – Хумо,
Бағрида порлади қуёши, ойи,
Назар ташлаб турди улуғ Навоий,
Илҳоми нур янглиғ ер узра чопди,
Одамлар калбидан ошиён топди!
О, Эркин Воҳидов бўлмоқлик қийин,
Аммо Тўлан Низом бўлмоқлик тайин.

*2006 йил, 26 декабрь,
Тошкент.*

ТОНГ

Шамол гулни уйғотди,
Гул кўнгилни уйғотди,
Кўнгил ёрни уйғотди,
Ёр булбулни уйғотди,
Булбул йиғлаб сўз котди:
«Бўлди, энди тонг отди,
Ой қуёшни уйғотди».

*2006 йил, 10 июль,
Фарғона.*

РАССОМ

Обиджон Бакировга

Андижон элида бир зўр рассом бор,
Кўлида кил қалам, кўнглида баҳор.

Завқ-шавки қўшикка айланар баъзан,
У Аббос Бакиров жияни экан.

Кўзида мужассам олам жилоси,
Тилида товланур сўзнинг тиллоси.

Гўзаплик шайдоси, ишкнинг гадоси,
Париваш қизларнинг ошиқ-адоси.

Хусн суратини майин чизар у,
Тошдек юракларни қумдай эзар у.

Қай кун кириб қолдим ишхонасига,
Энг олий санъатнинг кошонасига:

Бунда мавжуд эди замин чиройи,
Коинот қуёши, юлдузи оий.

Бунда ороланур тенги йўқ боғлар,
Кўкка устун бўлган азалий тоғлар.

Бунда шовуллайди асов дарёлар,
Жозиба касб этур ўру киёлар.

Бунда оналарнинг сиймоси абал,
Боболар, оталар Алпомиш қомат.

Бунда йигитларнинг марду майдони,
Тулпор гижинглатган зўр паҳлавони.

Хў, ана ям-яшил кенглик, далалар,
Сойларда симобдек шўх шалолалар.

Елкада кетмони, эгнида яктак,
Белида белбоғи, дурра чамбарак.

Бир сувчи келяпти ҳаллослаб, ана,
Самода гулдирак бошлар тантана.

Ховуз қирғозида силкинар райхон,
Атиргул шодаси тебранур ларzon.

Зекнимни элтади серфайз, бир ховли:
Үчок, тандир, сўри, ўроғ ҳам чавли.

Кампир сурпасида зувола узар,
Келинчак меҳмонга дастурхон тузар.

Бир сават ичида олма-ю, анор,
Жаннатнинг хилма-хил мевалари бор.

Водийга шом тушди, конталаш уфқ,
Юлдузи осмонни тун коплар қуюк.

Оппок тонг отмоқда, сонсиз зар тола,
Қуюлур мисоли дийдаи жола.

Тўрида намоён Навоий, Бобур,
Бухорий юзида бир илҳомий нур.

Темур келбатида миллат ғуури,
Юртбоши кўзида Ватан сурори.

Тамошо айладим, дил топди ором,
Бир пиёла чойга ундади рассом.

2006 йил, 17 сентябрь.



АНДИЖОННИ МЕН БИЛАМАН, ДУСТ!

(Воқеадан сұнғ)

Андижонни мен биламан, дүст:
Тупроғи соз, сувлари, тоза,
Осмони соғ, офтоби чақнок,
Лабз ўзбакий, туркий андоза,
Ҳар күнгилда пориллар чирок.
Бунда тонглар үкір тиловат,
Шаббодаси айтади алла,
Гул тилида дуо, саловот,
Боғ супурап ҳар бир маҳалла.

Андижонни мен биламан, дүст:
Бир ён пахта, бир ён мевазор,
Солланади олтин бошоқлар,
Ұзи курган денгизи ҳам бор,
Тор чертади дарё, ирмоклар,
Ҳар сония юз очар чирой,
Ғанимлари дағып бўлур куйиб,
Дўстлар дейди: Кўз тегмасин, ҳой,
Яна юксал хирмонлар уйиб!

Андижонни мен биламан, дүст:
Бозорларда сават-сават нон,
Дастурхонда асал, нишолда,
Мехнат ила турмуш фаровон,
Бир келгин-да, кўриб ишон-да!
Асили китоб ҳар хонадонда,
Ҳукм сурар нурли эътиқод,
Ҳамма шоир бизнинг томонда,
Покиза рух, иллатдан озод!!

Андижонни мен биламан, дүст:
Кеча-кундуз шеър битар Бобур –
Кипригига илиниб бир ёш,
Моҳларойим кўксисда сабр,
Тиғлаб кетган замона бевош?..

❖

Юрт ичиди Чүлпон бархаёт,
Тингани йўқ ҳали бўзлари,
Мана севги, мана ишқ, ижод,
Кўзларимда унинг кўзлари!

Андижонни мен биламан, дўст:
Онам қабри шунда ястанган,
Отам хоки шу ер остида,
Ёрим лаҳад ичра ясанган,
Мен тирикман замин устида.
Бир ўсаман, бир-да тушаман,
Юрагимда кўзғолур вулқон.
Ярим кеча қайнаб жўшаман,
Пешонамни силар Андижон!

Андижонни мен биламан, дўст:
Эртага тўй, эртага байрам,
Гул кўтариб келади куёш,
Ой тўлади, кўкда Юлдуз жам,
Эриб кетар эримаган тош!
Кучок очур ёркин келажак
Унга ташла юрагингни Сен!?
Кун туғилур қутлуғ, муборак,
Андижонни мен биламан, мен!

*2006 йил, 4 май,
Андижон.*

ОТА

Ота, сен оламни яратган ҳаёт,
Сендан бунёд бўлган насли одамзот.

Ота, сен осмоннинг устуни, хори,
Табиат иқлими, ер ижодкори.

Ота, сен матонат, садокат, вафо,
Сендан мағлуб бўлган хиёнат, жафо.

❖

Ота, сен Алпомиш, Амир Темурсан,
Ўзбексан, миллатга, фахру ғурурсан.

Ота, сен муқаддас – онам ёрисан,
Дастурхонда нон, рўзгор борисан.

Ота, сен фарзандлар шахтисан,
Ҳақдан ҳалол топган тожу тахтисан.

Ота, сен ўлмайсан, авлод отаси,
Ватан ифтихори, эл-юрт каттаси.

2006 йил, 22 сентябрь.

АНОР

Қамчибек Кенжанинг боғи нукул анорзор...
Қаламча келтирдим ундан ул баҳор,
Бу йил мева килди айтиб истиғфор,
Яна ғунчалари каторма-катор,
Кирмизи, лоларанг, ранглар ҳусиндор.

Тонг чоғи боғимда ажиб манзара;
Табиат дер менга анорга қара,
Бесанок гуллари қизил шаршара,
Оппок, капалаклар ўйнар қаркара,
Бир ёнда болари учар пирпираб.

Кунма-кун тўлишар ҳар бир донаси,
Харир пардалар-ла пинҳон хонаси,
Шоир илҳомидир ҳар дугонаси,
Отаси ким экан, кимдан шонаси,
Ёқут гумбаз эрур түккан онаси.

Бу гумбаз нурафшон «бир зиндон» эмас,
Кизлар ял-ял ёнур, бағри кон эмас,
Увайсий айтгани илк, ёлғон эмас,
Ул эски замондан ҳеч қолғон эмас,
Боғлар янгиланган, ул боғбон эмас.



Шаббода ўпади янокларидан,
Чўччайган лабидан, қабоқларидан,
Канча-канча бўлган япрокларидан,
Тиканак терилган бутокларидан,
Парвариш айлаган тупрокларидан.

Шомгача сайр этдим, тенгсиз оройиш,
Рухимда бир кушча бошлади хониш,
Ҳар битта анорнинг юзида ёниш!
Қамчибек боғлари тўкин, осойиш –
Ўзбек ўлкасини қилур намойиш!

2006 йил.

БЕТОБЛИКДА

Аллоҳ, Аллоҳ, кел, янги жон бер,
Халқимни бир кўрай имкон бер?
Унга хизмат қилолганим йўқ,
Дардин ҳали билолганим йўқ.

Аллоҳ, Аллоҳ, кел, янги жон бер,
Миллатни бир кўрай, виждан бер?
Унга вафо қилолганим йўқ,
Ўзлигимни билолганим йўқ.

Аллоҳ, Аллоҳ, кел, янги жон бер,
Ватанини бир ўпай, бир он бер?
Кўксига бош кўёлганим йўқ,
Унга бир дам тўёлганим йўқ.

Аллоҳ, Аллоҳ, кел, янги жон бер,
Янги шеър бер, янги достон бер?
Ота юртни обод айлайин,
Она халқни мен шод айлайин!

Эрта сўнгандан севгим гулидан,
Илҳомимни шўх булбулидан –

❖

Айро тушдим, бўлди неча йил,
Кўнглим синган чиннидек чил-чил...

Аллоҳ, Аллоҳ, кел, янги жон бер,
Дўстни юбор – бир меҳрибон бер?

2006 йил, 21 июнь.

БИР КЎШКИ АЙВОН

Боғи Бобур адирни нақ бир тепаси,
Мовий ранг осмоннинг қучоғига жо.
Бу улуғ сайёхнинг юксак супаси,
Бундан кўринади бутун бир дунё.

Ана Афғонистон, ана Ҳиндистон,
Ана «Хур» Европа, мажруҳ Осиё.
Муаззам Чин-Мочин ҳам Рус-бепоён,
Туташиб ётибди ер билан само.

Ўрмонлар оралаб тўлғанур Волга,
Денгизлар ўзини ураг кирғоққа.
Буюк Ипак йўли – энг қадим йўлга
Термулиб, ўйларим учар йироққа:

Соҳибқирон Амир – жанг жадаллар,
Бобур лашкарлари, Ганга фарёди.
Юрагим зиркирар, қулокқа келар –
Урушлар чарчатган одамзот доди.

Кўринди кўк ичра бир кўшки айвон:
Навоий битмоқда сўнгги мисрасин.
Бойқаро сўзланди кўнгли кўп вайрон:
«Алишер калбини Аллоҳ асрасин?..»

Каршимда буқчайиб ётибди тоғлар,
Сахролар қақраган, водийлар чаман.

Нигоҳим элтади Ўзбакий боғлар,
Сир, Аму сувини яйраб ичаман.

Бу шундок ажойиб барҳаво супа:
Устунлар тол ёғоч, бўйрадан шифти.
Девори най қамиш – оддий бир чўп-а,
Бошимга тегади капанинг кифти.

Бундан аримайди не-не қадамлар,
Кундуз куёш меҳмон, кечкурун ойхон.
Бунга сиғар дейман жами одамлар,
Ва лекин сайёҳнинг бир ўзи мезбон.

Энтикиб хавас-ла қарайман пастга:
Андижон ястаниб ётар куйида.
Қўл очиб бир дуо ўқийди аста –
Сайёҳнинг онаси ёлғиз уйида.

Супа гирдо-тирди ўйчан адирлар,
Кўнгилни эркалар шаббода шўх-шаън.
Димокқа урилур ширин атиrlар,
Илҳомни қитиклар бу сирли гулшан.

Бу «Боги баланд»да ҳаво хуш ёкиб,
Чексиз бир ҳаёлни сурса бўлади.
Ва хаёл дарёсин мавжида оқиб,
Бутун бир борликни кўрса бўлади.

Минг қуллук, умрбод савобга ботган
Бу кўшки айвоннинг ижодкорига.
Шукрлар бўлсин-ей рухни уйғотган
Сайёҳдек буюклар элда борига!

2007 йил, 14 июнь.

ГУЛЛАР ВА ЕЛЛАР

Гунчалар лабланди тонг пайти.
Еллар бориб булбулга айтди:
«Яна ғафлат босдими, ёғу...
Күзларингни элтдими уйку?
Очилимоғин күрмадинг, афсус...
Висол гаштин сурмадинг, афсус...»
Булбул деди: «Бу ошик юрак
Мудом дейди, менга дард керак,
Хижрон керак, ҳамки бепоён,
Гул күйида куяйин хар он...
Йўқса, ёниб сайрай олмайман,
Тилларимни қайрай олмайман,
Сўниб колур аланга ишқим,
Куриб колур ичким ҳам ташқим...»
Тарқаб кетди чақимчи еллар,
Чаппар урди, барк урди гуллар.

2007 йил, апрель.

НАВРЎЗ ТИЛАКЛАРИ

Яна Наврўз келди, яна навбаҳор;
Боғларда оройиш, тоғларда викор.
Ёшариш бошлади ерда неки бор,
Аммо менинг бошим, соchlаримда кор:
Мұхабbat ўлмасин, севги ўлмасин!

Мажнунтол шохидә зумрад баргаклар,
Гунчалар лабланур, кулар куртаклар,
Мусаффо хавога тўйсин гўдаклар.
Менинг юрагимда қадим эртаклар:
Мұхабbat ўлмасин, севги ўлмасин!

Сиз эккан ниҳоллар улғайсин тикка,
Яшил байроқ тутсин самои – қўкка,
Олуча буркансин оппок ипакка,

Кўнглим тўлиб кетди эзгу тилакка:
Муҳаббат ўлмасин, севги ўлмасин!

Марҳабо Навбаҳор, марҳабо Наврӯз,
Пойингга пояндоз тўшаб кўйди Бўз,
Бўзлигим кел, менга, кел, қўлингни чўз,
Тилимда чўғланди сенга айтар сўз:
Муҳаббат ўлмасин, севги ўлмасин!

*2007 йил, 21 март.
Бўз.*

БУЛОҚЛАР

Булок тоғни эмиб булок бўлади,
Кейин тўлиб-тошиб ирмок бўлади.

Минглаб ирмоклардан яралур дарё,
Дарёлар бирлашса, денгизлар пайдо.

Денгизлар қуёшга талпиниб жўшар,
Булутга айланиб, тоғларга тушар.

Яна кўз очади пастда булоклар,
Бу кандай синоат, айтинг, ўртоклар?

2007 йил, 27 март.

ХОТИРА КЕЧАСИДА

Йил нима,
Умр аркоғидан бир қатим.
Ой нима,
Бир қатимнинг ўн икки қисми.
Кун нима,
Бир қисмда ўттиз хил таътим.
Лаҳза нима,

Бир таътимнинг олтмишта исми.
Ҳар исмда сўнгсиз айрилик мавжуд,
Сўнгсиз хижрон,
Сўнгсиз йиғи бор...
Эй, менинг дўстларим,
Эй, тирик вужуд,
Қанчалар гўзалсиз,
Мунча диловор!
Йўқ, сизни бермайман мангу лаҳзага!?
Ишонмам бировга,
Ҳеч кимга бермам!
О, сизсиз юрагим тушар ларзага...
Сиз борсиз –
Мен борман;
Осмонман,
Ерман!

*14 марта, 2007 йил,
Андижон.*

АЛЛАСИН ЎЗБЕК АЙТГАН

Билинг, кимдир Амир Темур деган зот?
Унинг умри экан хуррият кушод!
Ватан, миллат дея у бош кўтарди,
Шу боиским, бошга қуёш кўтарди,
Қайдан эди бу идрок, бу жасорат,
Қайдан эди ҳақиқат ва адолат?!
Уни Аллоҳ яратган,
Бешигин халқ тебратган,
Алласин Ўзбек айтган!

Улуғ Навоийни, келинг, бир ўйланг,
Тўйиб-тўйиб сўзларидан сиз сўйланг,
Мажнун бўлиб севинг, севилинг чунон,
Фарход бўлиб Ширин учун беринг жон.
Мана ишқ, мана дард, мана аҳд-вафо,



Мана дил, мана тил, мана шарм-ҳаё!
Уни Аллоҳ яратган,
Бешигин халқ тебратган,
Алласин Ўзбек айтган!

Ёдланг яна буюк Бобур Мирзони,
То абад кутмокда биздан ризони,
Афғон тупроғида жисми хоки бор,
Андижонда руҳи бўлди баркарор.
Ҳиндистонни бирлаштирган ул бўлди.
Ҳинд – Ўзбекни сирлаштирган ул бўлди.
Уни Аллоҳ яратган,
Бешигин халқ тебратган,
Алласин Ўзбек айтган!

2007 йил, ноябрь.

ЎН ОЛТИ ЙИЛДИРКИ

Ўн олти йилдирки эркинман, ҳурман,
Бошимда баҳт қушим, мен ҳам мағурман!

Минг бир ҳужайрамда барқ урап Ватан,
Ҳар бир томиримда гуркирар Ватан!

Қоним жўшқинлиги – Ватан туйғуси,
Илхом тошқинлиги – Ватан қайғуси!

Юксалиб – бораман кўлда байроғим,
Озод Ўзбекистон безавол боғим!!

Тупроғин ўпаман лаб босиб ҳар кун,
Қуёшдай чароғон тақдирим учун!

Юртбошим пахлавон, енгилмас асло,
Чунки, юрагида халқ бор доимо!

2007 йил, декабрь,
Асака.

ҚИШ ҚАСИДАСИ

Қалин кор остида ухлаб ётар ер,
Күклам күк шохисин тушида күриб.
Кунларни санайди хар ишчан фермер,
Кечалар уйғониб тонгларда туриб.

Қишиң эса авжига олар тобора,
Оёклар остида гүё тош дурлар.
Насиба ахтариб күшлар овора,
Дараҳтлар мисоли оқ кийган ҳурлар.

Томларга лаб босиб изгириң эсар,
Катақда мудрайди жавдари товук.
Нафасни қайтарар, ғовурни кесар,
Қайдан келиб қолди аёвсиз совук.

Күлларинг сийнаси ойнага үхшар,
Дарёлар бўйнига тақмиш оқ шарф.
Кийиклар сирғалиб тоғлардан тушар,
Боғлар кўрпасига сира йўқ таъриф.

Борлик оғушида оппок сукунат,
Қайдадир тин олар бўрон ва довул.
Хонам токчасида очилиб қат-кат
Ташқари термулар тувакдаги гул!

Лайлаккор чарх ўйнар кабутар мисол,
Турфа найза янглиғ чумак урган муз.
Қорўйин бошланур, болалар хушхол,
Бири дер: Корбобо келбатин сен, туз!

Корбобо ясалди, Қорқиз ҳам тайёр,
Жўш урган болалик, мардона ёшлиқ.
Ҳар кекса кўнгилки, тикилса бир бор
Юракда қолмайди заррача ғашлик.

Қаро тун чўқади, шу дам, шу асно
Үй-уйга тарқалар шўхчан ўғил-қиз.



Мехмон сифат турган Қоркиз, Қарбобо
Қаҳратон күчада коларлар ёлғиз...

Осмон элагини яна элайди,
Дув-дув түқилади ун мисоли кор.
Эртага күш ҳам ўтни қалайди,
Эртага талпиниб келар гулбахор!

2008 йил, 21 январь,
Тошкент.

РАҲБАР КИМДИР

Раҳбар бўлса отдан тушиб
Пиёдага кўл берсин у.
Камбағалга меҳри жўшиб,
Ҳаёт ичра йўл берсин у.

Тўйга борса, турсин андак,
Ўлтирмасин тўрида у.
Раҳбар демак – раҳм демак,
Кўзларидан тошар ёғду.

Ўлим бўлса, борсин эрта,
Азадорга бўлсин шерик.
Етимларга бўлсин ота,
Онасиға боқмасин тик.

Ишга борсин элдан бурун,
Ёқасига кўнмасин чанг.
Юмуш борки кўпdir тугун,
Ечолмасдан қилмасин «жанг».

Ҳар муаммо этилсин ҳал,
Раҳбар бўлсин чечан, дониш.
Ҳеч бермасин унга ҳалал –
Кариндошу таниш-билиш...

❖

Тўлиб-тошиб керилмасин
Ҳар «гўзал»га ошиқ бўлиб.
Маишатга берилмасин
Беш панжаси қошиқ бўлиб.

Осмон ўпар уйлар куриб,
Сайкалласа кошонасин,
Ҳак лашкари бир кун кўриб,
Тошга урар пешонасин.

Кийиниши бўлсин содда,
Овқатлансан дехкон билан.
Эл амрини килса удда,
Қасам ичсин Қуръон билан.

Дил ила тил битта бўлсин,
Айро тушсин ёлғон билан.
Фарзандлари катта бўлсин
Ҳалол топган ош-нон билан.

Ерни билсин, сувни билсин,
Китоб бўлсин содик дўсти.
Чин дўст айтган гапни килсин,
(Ўжар киши конлар кусди...)

Техникани жиловласин,
Уйсин тоғдай баланд хирмон.
Орзулари оловлансанин,
Келажаги бўлсин аён!

Хотинини безамасин
Тилла ёвдир, менман кафил.
Бой бўлай деб тезламасин,
Шоху гадо хоки бир хил...

Гал келганда борсин бозор,
Олсин турмуш мезонини.
Секин қадам кўйса мозор,
Сезар умр арzonини...



Яккабошлик нима ўзи?
Бир каллада нима ҳам бор?
Маслаҳатдир ишнинг қўзи,
Халқ айтгани рост, баркарор!

Юрт мустакил, эл мустакил,
Чин мустакил бўлсин у ҳам.
Бунинг учун керак акл,
Бўлмоқ керак асил одам!

2008 йил, 26 май.

УЧАР ҚУШЛАР

(Ўзбек енгил автомобиль заводи ҳақида қўшик)

Асакада учар кушлар шайланди,
«Тико», «Дамас», «Нексия» деб номланди.
Миллат кучи, кудратимиз жамланди,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

ЎзДЭУдир унинг ўчмас имзоси,
Корейс халқин бизга бўлган ихлоси,
Мотори зўр, сира чикмас садоси,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

Ҳар дақиқа ясаладур юз-юзлаб,
Довон бўйлаб ўтиб борар ғиз-ғизлаб,
То Ғарбу Шарқ, Жануб, Шимолни кўзлаб,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

«Тико»сини миниб кўринг бир нафас,
Кўп одамлар шуни қиласди ҳавас,
Сузиб юрар «Мерседес»га басма-бас,

❖

Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

«Матиз» ичин эшик очиб, бир қаранг,
Ўриндик зўр, сирти эса ранг-баранг,
«Ласетти»ни еллар артар, қўнмас чанг,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

«Дамас» аъло, етти киши жойланур,
Суҳбат қуриб, бир-бирига бойланур,
Зарур бўлса бир бекатда мойланур,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

«Нексия»нинг борми дейсан қаноти,
Бамисоли Гўрўғлининг ғироти,
Мунча учкур Ватаним тулпор оти,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

Беш машина учар куш, енгил учар,
Элдан элга, юртдан юртларга кўчар,
Юртбошимиз тилаклари бахт кучар,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

Ҳар бигтаси элчи бўлур кувончга,
Оlam кезур муҳтоҷ сезмай тилмочга,
Жуда ўхшар капитарга, қалдирғочга,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

Созламаси мустаҳкам, ёғ сарфи оз,
Бир ариза ёzsangiz, топиб қофоз,
Эрта келиб, олиб кетинг, илтимос,
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон бахти кулсин то абад!

—

Аждодимиз, Амир Темур армони,
Мустакиллик шарофати, имкони,
Тўлан Низом қўшиклари, достони –
Мангу бўлсин шонли завод, зўр омад,
Ўзбекистон баҳти кулсин то абад!

1996–2005 йил.
Андижон.

ТУРСУНОЙГА

Қадрдон боғингиз соғиниб қолди,
Ғунчалар лабида кулгу йўқолди,
Сочингиз тўзғитган еллар уёлди,
Ҳар битта шеърингиз аланга олди,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Корадарё суви окар ғувуллаб,
Андижон сойи ҳам шошар шовуллаб,
Боғишамол кутар сизни ҳувуллаб,
Сизсиз хаво айнар, ёғар дувуллаб.
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Шеър айтар минбарлар пасайиб қолди,
Шеър тинглар мажлислар сусайиб қолди,
Шогирд кизларингиз эсайиб қолди,
Тўлан Низомийлар кексайиб қолди,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Бобур юртдан кетиб афсусга тўлган,
Орзу-армон гули очилмай сўлган,
Қайтиб келолмаган, Ограда ўлган,
Аччик пушаймони Андижон бўлган,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Нодира Бегим ҳам оғриниб хандон,
Озгина аразлаб, чиқиб Кўқондан,

❖

Шоир Амирийни севган-чун жондан –
Қайтиб кетган экан Шахрихондан,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Саида хонимни биласиз аъло,
Бошига қўнгандা қўзғин бир бало,
Туғилган элини деди аввало,
Унга ҳайкал қўйдик бизлар тасанно,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Дўстлар сизни кўмсар, кўринг қадрини,
Кўни-кўшниларнинг билинг сабрини,
Туккан-туғишганинг қилманг жабрини,
Тавоғ этмоқ учун она қабрини
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Биздан ўтган бўлса, афв этинг бир гал,
Бизлар ғўр бўлсак-да, Сиз-ку мукаммал,
Дунёда ҳеч иш йўқ бўлмайдиган ҳал,
Шоирга шеър ахир, баҳтдан ҳам афзал,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Гўзал анжуманлар тўри Сизники,
Атласлар тўшалган сўри Сизники,
Оташин илҳомлар зўри Сизники,
Чўлпон сатрларин қўри Сизники,
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

Биз бирга куйлайлик бу Андижонни!
Умрбод ўйлайлик бу Андижонни!
Мангуга сўйлайлик бу Андижонни!
Муқаддас айлайлик бу Андижонни!
Андижонга қайтинг, энди, шоирам?

2004 йил



КЕЛ

Кел, кадам кўй кўзим устига,
Мен бош кўяй поининг остига.

Кўлларингни кўзимга суртай,
Дудоғингдан тўйгунча ўпай.

Сочларингни севиб силайин,
Оқ сийнангни ойдин билайин.

Бўйларингга термулайин, то –
Куёш рашки келгунча ҳатто.

Изларингга гуллар сочаман,
Кел, сиримни энди очаман.

Дил кўкида бир юлдуз мисол,
Хузуримда бир умрга кол.

Умидим – сен, саодатим – сен,
Мухаббатим, фароғатим – сен.

Тўлан Низом бағрида хар он –
Дунё каби яшайсан омон!

ЎЗБЕКИСТОН БОҒЛАРИНИНГ БУЛБУЛИ ҚАНИ?

(М а р с и я)

*Ўзбекистон халқ артисти Таваккал
Кодиров вафот этганида ёзганим.*

Ўзбекистон боғларининг булбули қани?..
Ўзбекистон санъатининг чин гули қани?..

Ҳур водийлар, ҳур воҳалар ҳувуллаб колди,
Айрилиқдан юраклар ҳам шувуллаб колди...

❖

Фарғонада куёш ботди, чикарму қайтиб?
Таваккалжон номларини оламга айтиб!..

Фарғонада ой кўринмас, юзида парда,
Милён-милён юлдузлар ҳам йиғлар сахарда.

Бугун Куба анорлари тўлганмиш қонга,
Она қишлоқ Султонобод сиғмас жаҳонга.

У Маъмуржон Узоковни рухига етмиш,
Ҳам Жўрахон Султоновни соғиниб кетмиш...

Колаберди Фарғонамиз бағрини доғлаб,
Қайга чопай, кайдин топай уни сўроқлаб?

Колаберди Ўзбекистон, Турон-Туркистон:
Колди Тошкент ҳам Самарқанд, колди Андижон.

Чарх урамиз кўзга суртиб босган изларин,
Қандок килиб юпатамиз ўғил-қизларин?

Сайрок қушим қайга учди, эй золим фалак,
Не-не буюк инсонларки сенгаму эрмак?..

Кўшиклари ватан ичра абадий колди,
Кўшиқ билан кўшиксовар оламни олди!

Унга бўлсин эл хурмати ҳалқ эҳтироми,
Кўлни очиб дуо килур Тўлан Низомий:

Улуғ Аллоҳ устозимни рухини шод кил,
«Ётар жойин нурга тўлдир, уни обод кил».

Ўзбекистон боғларининг булбули қани?
Ўзбекистон санъатининг чин гули қани?

Фарғона.



ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМИЗ

Ўзбекистон нурга тўлди, кетди дил армонлари,
Яшнади чўл, сахролари, ерлари, осмонлари.

Белни боғлаб чиқди бул кун мустакиллик тахтига,
Она юртим Ўзбекистон кизлари, ўғлонлари.

Мир Алишер, Мирзо Бобур, Нодира авлодимиз,
Юртимизга хўп ярашиқ номлари, унвонлари.

Отахонлар, Онахонлар бу кунларга етдилар,
Соғ-саломат бўлсин энди имонлари, жонлари.

Қаҳрамон халк тинч баҳтиёр, мағрур яшар то абад,
Тоғ-тоғ бўлиб осмон ўпар пахталари, донлари.

Боғ-роғлари жаннат мисол: шафтолизор, анорзор,
Ойга монанд, кунга монанд ширмонлари, нонлари.

Ҳар куни дир мезбонлиги, дастурхонда ризқу рӯз,
Ер юзининг ҳар жойидин энг азиз меҳмонлари.

Тилда алёр, дилда шеъру кўксимиизда меҳри бор,
Ҳар юракни яиратур, чин хур Ватан фармонлари.

Мен Низомий куйлагайман, куйласин деб ёру дўст,
Бастакору булбули шўх Ҳофизу хушхонлари.

2001 йил.



ГУНЧАЛАР

Очилмок истарлар,
Сочилмок истарлар.
Лабланмок ишига
Илхомни қистарлар –
Гүнчалар, гүнчалар!

Очилмок истарлар,
Сочилмок истарлар,
Шамоллар кафтида
Кулмокка кистарлар –
Шошарлар шунчалар.

Үйламок фурсати,
Куйламок фурсати
Келдими, келдими,
Шоириңг билдими,
Хой тугунчалар?..
Гүнчалар, кунчалар!

КИШ ҲАМ БАҲОР

Киш чўзилди, баҳорга
Ўтиб кетди марраси.
Қор ёқканда, баҳорнинг
Шамол деган арраси –

Киш кўлини шарт кесди,
Кўзидан келди хоби.
Киш бошини куйдирди
Март ойининг офтоби.



ҚҰШИҚ

(Рақс билан)

Юр, чикамиз, гулбокка,
Юр, чикамиз, чорбокка,
Олма терамиз, олма,
Ёрга берамиз олма.

Гулбоғимда гул бордир,
Күйнимда булбул бордир.
Хадя эт, сен бир бўса,
Лабим лабингда қолса.

Юр, чикамиз, гулбокка,
Сўнг кетамиз йирокка.
Само бўйлаб учамиз,
Тўлин ойни кучамиз.

1998 йил.

РОЗИ ДИЛ

Айланиб келинг, ёrim,
Ўргилиб келинг, ёrim,
Ўпай десам, уятманг,
Якин келинг, дилдорим.

Айланиб келинг, ёrim,
Ўргилиб келинг, ёrim,
Лабингизга лаб босай-я,
Ёзилади-я, хуморим.

Айланиб келинг, ёrim,
Ўргилиб келинг, ёrim,
Бўйнимга қўлни ташланг
Сиз қўйнимда туморим!

Айланиб келинг, ёрим,
Үргилиб келинг, ёрим,
Ёнимдан сира жилманг,
Ортиб кетар озорим!!

1998 йил, 2 март.

ХАЙРЛАШУВ ВА УЧРАШУВ

Хайр энди, эски йил, ўтган кунларим,
Ташвишларим, қайғу, ғамларим менинг.
Сен ки аён қилдинг иш якунларим...
Армоним қоляпти бўйнингда сенинг.

Нима ҳам қилодим, нимани топдим,
Боғ барпо килдимми янги ер очиб.
Йўқ, асло, ҳаваслар ортидан чопдим,
Мутлақ кетолмадим ғафлатдан кочиб.

Ялқовлик ва гўллик азал душманим,
Алдоқчи кундузлар, кечалар хайр!
Лек баттар тобланди илҳом-саманим,
Хаёлим дунёни айлади сайр...

Хайр энди бевафо хурлар, санамлар,
Ўғирлаб кетилган ўпич онлари.
Хайр энди bemexr, beburd odamlar,
Шоирнинг ўткинчи дастурхонлари!

Ҳаммаси ўтдими, афсус, надомат –
Билмадим, олдинда қанча йўл қолди?
Қаршимда турибди тўкиб салобат –
Мен ўтар довонлар... фикрим чуволди...

Қўлларимдан тутди яна орзулар,
Ўзига чорлади яна Янги йил.

❖

Қалбимни яшартмок истар түйғулар,
Ёшимни санашиби ёқтирмас күнгил.

Ассалом Янги йил, ассалом Қүёш!
Ассалом Ок қоғоз, ассалом қалам!
Юракда гуркирар илохий оташ,
Яшасин экмокчи бўлганим далам!

Умрим чўзилади ўзим сезаман,
Битта дастиёрман мен ҳам Ватанга!
Мехнатсиз бу жонни кийнаб эзаман –
Халқ учун ёнмаса, дейман: аттанг-а?...

30 декабръ, 2008 йил,
«Олтиариқ» санаторийси,
Фарғона.

ВИСОЛ ЗАВҚИ

(Кўшик)

Қошинг қиёласанму,
Гул берсам оласанму.
Лабларига лаб кўйиб
Ўпсам, уёласанму.

Кўзларингни суzmагил,
Кўнглим бўшрок, бузмагил.
Кўнглимни бузиб кўйиб,
Юрагимни эzmагил.

Кўкда янги ой кулар,
Юлдузлар дув тўкилар.
Тоғу тошда сайрайди –
Жуфти билан каккулар.

Пага-пага ок булут,
Пар каби оппок булут.

Ә

Ер сийнаси эмасму,
Бунчалар юмшок булат.

Тун окариб тонг отар,
Күксим күксингга ботар.
Күш гулдаста тутиб,
Иккимизни уйғотар.

ЁЛҒИЗЛИК

Шу кунларда керак бўлдинг сен...
Интизорлик ўтди жонимдан.
Мана, энди, ёлғиз қолдим мен,
Қайғу келур ҳар томонимдан.

Шу кунларда керак бўлдинг сен...
Сир айтарга бирор сирдош йўқ.
Ўн етти йил чидаб келдим мен,
Ҳижрон отар юрагимга ўқ...

Шу кунларда керак бўлдинг сен...
Узун тунлар танҳо йиғлайман.
Худойимга ёлбораман мен,
Ўз йиғимни ўзим тинглайман.

Кимлар кетди мендан йироклаб?
Бир жон бўлиб ўзим қолдим мен.
Йўлга чиқдим сени сўроқлаб...
Қайлардасан... қайлардасан сен?...

29 январь, 2009 йил,
«Олтиариқ» санаторийси,
Фарғона.

КИЧИК ДОСТОН

Үничлар алдади. Йўлдан адашдим.
Сахрого юзландим. Ундан нари тоғ.
Сен кочиб борасан. Сенга эргашдим.
Юрагим доғ эди. Доғ устига доғ.

Кўнгил фарёд килар: кани, бўл, югур?
Тупроққа кўмилган, виждон тош котган.
Совуқ шамол эсар теграмда ғир-ғир...
Менинг тўulin ойим денгизга ботган...

Уни ахтараман. Топиб бўлмайди.
Ўша кун.. Ўша тун. Кул бўлди номус.
Бу кора жарликни ёпиб бўлмайди.
Ҳеч эримас тўуниб қолган муз...

Туш кўрдим. Бўлдинг намоён...
«Сен билан биргаман», дединг хўрсишиб.
Жуда гўзал эди бу ёруғ жаҳон.
Уйғондим. Виждоним чил-парчин синиб.

Ўзимни англадим. Кейин пайдар-пай
Ортингдан жўнадим абадиятга.
Кўлимда тириклик – кадаҳ тўла май
Мерос бўлиб қолур Одамиятга...

30 январь, 2009 йил,
«Олтиариқ» санаторийиси,
Фарғона.

ДЕРАЗАМДА ЧУҒУРЛАГАН ҚУШ

Тушунмадим сўзингга сахар,
Кўп сайрадинг тинмай сарбасар.
Тилинг мунча шакардан-шакар,
Айт, нимадан келтирдинг хабар,
Кўрган эдим бир ғаройиб туш?..
Деразамда чуғурлаган қуш?



...Тирик эмиш севгилим, боғда
Оқ гулларни кучиб кучокда –
Унга томон юрдим, шу чоғда
Фойиб бўлди мендан узоқда...
Эр бошимдан учди ақлу хуш,
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Бу дунёда айрилик ёмон,
Торлик қилур ер билан осмон.
Ўғирласа севгисин хижрон,
Қандай чидар йигит деган жон...
Жисми қолса куп-куруқ, бўм-бўш,
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Йиллар кечди сочга ташлаб оқ,
Лек сўнмади ёрга иштиёқ...
Вафо бўлди бир қайнар булок,
Қатрасида армон ва фирок...
Сўнг туғилди достонлар қўш-қўш,
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Сен нимадан бердинг нишона?
Ташрифингга нима баҳона?
Тўхта, сенга бўлай парвона?
Мана, сенга ушбу кошона!..
Қанотларинг тилломи, кумуш?
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Илтимосим: яна сайраб бер?
Созингни чал, яйраб-яйраб бер?
Фолингни оч, эртам караб бер?
Ҳеч бўлмасин шоир фаромуш?
Деразамда чуғурлаган қуш?..

1 февраль, 2009 йил,
«Олтиариқ» санаторийси, Фарғона.

МУХАММАСЛАР



НАВОЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Ошик ул ошик эмас күнгли жунун бўлмаса,
Шоир ул шоир эмас сўзи дилхун бўлмаса,
Ерга отгил шеърни сен унда мазмун бўлмаса,
Ўтка солгил сарвни ул хадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни ул рухсор гулгун бўлмаса.

Мен качон кирган эдим бул муҳаббат боғига,
Ҳаддан ошди аламлар, тушдим ҳасрат доғига,
Жисму жоним ўт олур, ковруларман ёғига,
Сарсари оҳим эсар ғам шоми хижрон тоғига,
Яҳшидир тонг откунча бу тоғу хомун бўлмаса.

Хажр аро ики кўзим Сайҳун, Жайҳундир, агар,
Тақдир или минг чигал, минг бир тугундир, агар,
Менга ишқ қийноклари ҳар тун, ҳар кундир, агар,
Телбаликдан, вахки, ҳар дам дардим афзундир, агар,
Ул пари ишқида ҳар дам дардим афзун бўлмаса.

Сийнама тиф урма, бас, дам-бадам сен англа, деб,
Қип-кизил қонинг ила лолани, кел, рангла, деб,
Йиғлама, кел, эрлигинг коттиғ айла, сангла, деб,
Гар кўнгил катл истабон ваъда килдинг тонгла деб
Ушбу дам ўлтур, бу эхсон бирла мамнун бўлмаса.

Бул ғариб ахволима нечук лолмас пири дайр,
Ўлтиурман ташналаб, назар солмас пири дайр,
Раҳм айламас, шафқат куйин менга чолмас пири дайр,
Хирка жинсин раҳн учун, эй шайх, олмас пири дайр,
Бода бермас, токи ўзлик жинси марҳун бўлмаса.

Ёқа йиртгил, бўлмагай бесадолиғдин карам,
Еру осмон тортадур бебаколиғдин ситам,
Тингламас фарёдларим, бенидолиғдин ўлам,



Фони ўл, васл истар ўлсанг бенаволиғдин не ғам,
Бўлмасун ҳаргиз матои дунёй дун бўлмаса.

Тўлан Низомий аиди: васлингда йиглат мени,
Бир тўяй жамолингга, алкисса тихлат мени,
Ўлмагаймен, тарк этур мангуга рихлат мени,
Эй Навоий, тонма, гар дер ул пари мажнун сени,
Ошиқ ўлғайму парига, ул ки мажнун бўлмаса.

БОБУР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Куёш чўкур, хижрон тоги колди конли манглай била,
Япроқ тўкур умрим боғи, кун ҳам ўтди хай-ҳай била,
Афсус чекур, кўк чироғи, бош тебратур бай-бай била,
Соқий эрур ишрат ҷоғи афсурда бўлма дай била,
Ўттек ҷогир келтур, доғи сухбат туноттур май била.

Тийиб олгум кўзда ҳобни, чорла жаъми дўст-аҳбобни,
Дастурхонга қўй серобни – беминнат ул офтобни,
Бу кун дегил бир жавобни, сенга бердим зўр савобни,
Келтур шароби нобни, омада кил асбобни,
Хуш тут шаби моҳтобни, чун бордуур ул ой била.

Навоийдан ғазал ёд кил, менга янги жон бунёд кил,
Ағёrlарни ўзинг мот кил, қайғулардин бир кушод кил,
Ғолиблик не, бот-бот кил, тоза рухим кушод кил,
Даврон ғамин барбод кил, ишрат уйин обод кил,
Жону кўнгулни шод қил, овози чанг най била.

Хўп ўйнасин сўзи шакар, кўз куйдириб жилвагар,
Ҳам куйласин тонгта қадар, соз чалиб ул нағмагар,
Унга бергил азми шахар, ол минг тилло турса гар,
Мажлисда бордур сарбасар, май нашъасидин шўру шар,
Борини маству бехабар кил жоми пайдар-пай била.

Ишки боре қониким, ул гирифтore қониким,
Умри озоре қониким, ҳам бекароре қониким.
Низомий хоре қониким, мажнун шиоре қониким,

Ҳамдард ёре қониким, бир ғамгусоре қониким,
Абри баҳоре қониким, Бобур киби йиғлай била.

1989 йил.

ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Андижон саҳнида жонон яна бир бор ўйнасин,
Айтингиз, истак шудир, кулиб бисёр ўйнасин,
Хипча бел, нозик бадан ҳам кўзи хумор ўйнасин,
Бу адолатлик, ширин давронда дилдор ўйнасин,
Ҳар томонга ташлабон кокилларин, ёр ўйнасин.

Шодлигимиз кайнасин, кўкларга етсин азмимиз,
Бахшида бўлсин бу кун юракдаги шеър – назмимиз,
Алёр айтинг, аҳблар, Ўзбекистон рамзи – биз,
Гулласин, тобора авж олсин бу кизгин базмимиз,
Сидк ила меҳру муҳаббат айлаб изхор ўйнасин.

Кўз тикиб кўрмок савобдир, дилдаги туйғу билан,
Баҳс этур дерлар уни капитар билан, какку билан,
Шаҳдига ташланг назар ғайрат билан, ёху билан,
Айланани майдон аро бир-бир боқиб кулгу билан,
Кўп соғинганмиз, ҳама содик ҳаридор ўйнасин.

Бир малоҳат рухимизга, жонимизга сингдириб,
Ҳам азиз бошига зўр тагдўзи дўппи қўндириб,
Айланурда турсин шамол, кўйлак катин синдириб,
Жилва бирла майда босиб, чарх уриб, кўз тиндириб,
Боқмайин ҳарбул-ҳавасларга, қилиб ор ўйнасин.

Кўринг шаклу шамоилин, хушбичим, андозалик,
Қанчалар озодалик бу, ҳам палаги тозалик,
Тушмасин бегона кўз, Андижон дарвозалик,
Ҳар кадамда тўлғаниб, ноз айлагандагамзалик,
Яркираб, гул-гул ёниб, энг тоза рухсор ўйнасин.

Термулиб колдим ва лек, ўйласам сочимда ок,
Тортиниб турдим бир оз, кўзғолмасин, деб иштиёқ,
Бир вафосиз дардидинким тоқатларим бўлди ток,

Соф юрак, озода ёшларга ярашгай ўйнамок,
Завқ ила ракс этгали кимдир сазовор ўйнасин.

Кўз куяр, дил талпинар, қилмай десам ҳеч эътибор,
Ким деюр шоир кишини аҳди йўқ, бир бекарор,
Этмасин тарқ руҳи иймон Тўлан Низомни зинхор,
Мехрим ортиб, ногихон ох этмайин беихтиёр,
Лаҳза-лаҳза мен Ҳабибийдан хабардор ўйнасин.

ОХУНЖОН ҲАКИМ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Сен кайғу ғамларга лим-лим бўлибсан,
Ҳасрат не, оғзингни юм-юм бўлибсан,
Камтарлик шунчалар кум-кум бўлибсан,
Э, шоир, бир умр маъсум бўлибсан,
Кимгадир хузурбахш насим бўлибсан.

Сел тошса, юзада хас келур дея,
Урилса тошга тош «карс» келур дея,
Жилов кўрмаган от чорс келур дея,
Нодонга нодонлар бас келур дея,
Аларнинг қошида сен жим бўлибсан.

Нечун дашномлардан бўлмадинг озод,
Лек мағлуб колмадинг, енгмадинг кушод,
Тақдир ришталаринг тугилди бот-бот,
Тўғри сўзларингда тиғ борми, хайҳот,
Кўриндинг кимгадир заккум бўлиб сан.

Сен доим Ҳак деган ўлмас армонсан,
Кулиб йиглайдирган ажиб бир жонсан,
Шеър айтиб ўзингча ғолиб ҳоқонсан,
Гоҳида хурраму шўху хандонсан,
Гоҳи кўзёшлари сим-сим бўлибсан.

Ҳажр аро какликлар тоғларда йиғлар,
Тун-кеча, ҳам тонгги чоғларда йиғлар,
Ошиқлар кон ютиб охлар-ла йиғлар,



Алам ўтса дерлар шоҳлар-да йиглар,
Шоҳларки йиғласа, сан ким бўлибсан?..

Кузга юз тутдими тўлишган боғинг,
Сал хира тортдими дийданг, карогинг,
Тушовга кўнмайди шўх аргумоғинг,
Пешонанг шўрмиди, картайган чоғинг,
Ёрсиз яшамакка маҳкум бўлибсан.

Минг шукр, покланди юрт ўлкам дединг,
Истиқлол нашъаси хур одам дединг,
Тўлан Низомийдек дўстим кам дединг,
Сен мансаб демадинг, сен – қалам дединг,
Шул сабаб Охунжон Ҳаким бўлибсан.

2004 йил, 14 сентябрь,
Фаргона.

ТҮРТАЛЫКЛАР





* * *

Дунё иши шундок-пойма-пой,
Түғри йўлни ўзинг топасан.
Йўкса бекор ўтади умринг,
Югуриб еласан, чопасан...

* * *

Буюкларга ҳавас қилганинг тузук,
Ибрат олмаганинг ёмон жуда ҳам.
Дейсан: «Дунё иши азалий бузук».
Сен ўзинг бузуксан нобакор одам!

* * *

Ошиклар ўлмайди, ишқ ичра яшар,
Ахир, ишқ абадий, ҳар калбда жўшар.
Фарходу Мажнунлар унутилмади,
Қайтадан туғилди севгучи ёшлар.

* * *

Ҳаммани қаритиб, яшарур дунё,
Ҳаммани йиғлатиб, кулади танҳо.
Кўйгил, Тўлан Низом, зорланма, энди,
Шундайдур ибтидо, шундай интико.

* * *

Булбулга ошиқман, гулга ишкибоз,
Ҳар бир боғ дараҳтиң қиласман эъзоз.
Истиқлол гулшанин ғунчалари соз,
Билинг шоир қалби тўла эҳтирос.

* * *

Юрак қонга тўлди, кўнгил ғам зада,
Ёпирай, сен ҳануз, нозда, ғамзада.
Ҳар лаҳза битаркан васфингни э ёр,
Ёш тўкур бу қалам кўп аламзада.

* * *

Кўнгил уйин бир нигоҳ билан,
Ҳеч ким ёритолмас минг чироғ билан.
Бир лаҳза кўрмасам сени мабодо,
Фалак чархин бузгум битта оҳ билан.

* * *

Мунча шум, мунчалар баҳил одамлар,
Ёмонлик қилмоққа хил-хил одамлар.
Эҳ, қачон бу дунё соғайиб кетар,
Айтингиз, эй доно, аҳил одамлар.

* * *

Миннатли кўмакнинг оти ҳам курсин,
Томга бир чиқарган шоти ҳам курсин.
Чўнтакни қоклади, ўғирисимон,
Таъмаҳўр одамнинг зоти ҳам курсин.

* * *

Шеър айтиб бер, дема бу анжуманда,
Бирорта мухлис йўқ, бунда чамамда.
Булбул ҳеч сайрамас гуллари сўлган,
Япроқлар тўкилган, кузги чаманда.

* * *

Ҳовлиқма одамнинг одоши бўлма,
У килган мажлиснинг сен боши бўлма,
Нодонлар тўпланган зиёсиз боғнинг,
Чироксиз давранинг куёши бўлма.

* * *

Сиз Тўлан Низомни биласизми, а?
Шеърин ёдлаб бир кун келасизми, а?
Бирга-бирга йиглаб, куласизми, а?
Кўнгил торларини чаласизми, а?



* * *

Сиз Тўлан Низомни англайсиз қачон?
Юрак нидоларин тинглайсиз қачон?
Кўнглингиз тош бўларми шунча,
Қалбингиз қалбига тенглайсиз қачон?

* * *

Етмиш йил кўрдим-а олам юзини,
Энди сал ўргандим ишнинг кўзини.
Жисмимга жойладим, юракка олдим
Факат биттагина «Ватан» сўзини.

* * *

Кўзимни элтади онам тимсоли,
Шу он тўлишади илхом ҳилоли.
Жаннат дунёсида сайри боғ килиб,
Тонгда отам келур қуёш мисоли.

* * *

Бир таноб еrimiz бўларди унда,
Кекса дехқон отам ишларди кунда,
Зарб билан чопганда пўрсилдок ерни.
Ойдек яракларди кетмони тунда.

* * *

Кулок сол, айлай бир таъбир:
Иймондан яралур матонат, сабр.
Аклсиз окимга рўбарў бўлма,
Тошлари бошингга тегар бирма-бир.

* * *

Ижод ташвишлари бўлиб бир тўфон,
Устимдан бостириб келур ногаҳон.
Довул ўтиб кетар, шамол ҳам тинар,
Яна қуёш кулар, очилиб осмон...



* * *

Менинг осмоним соз; тоза, мусаффи,
Илхомим күшлари килур кайф-сафо.
Қабарган күлимда қалам ракс этур,
Хар битта сатрига сиғади дунё...



Бугун тонгда Чүлпон рухи учиб келди,
Туркистонни ҳам Туранни қучиб келди.
Истиқололу ҳурлик излаб кетган эди,
Хайкал бўлиб Андижонга кўчиб келди.



Дунё иллатлари тугайди қачон,
Қачон озод бўлар ҳазрати инсон?
Ватан ва Миллатни кўтармок учун
Барчада бўлсайди виждан ва иймон.



Булут кўзғолганда сел келади, сел,
Сел авжга минганда дўл келади, дўл.
Дафтар ва қаламинг ҳозирла шоир,
Илхомдан кўзинг нам, киприкларинг хўл.



Яхшиям, самода қуёш бор, ой бор,
Кундузи, кечаси кўрарга жой бор.
Дунёдан илиниб ўтиб бораман,
Сенга термуламан, сенда чирой бор.



Кўзимга бир қара, ўзинг бор, ўзинг,
Юлдуздай пориллар куралай кўзинг.
Мен сира кўзингдан ололмайман кўз,
Кўзимда кўринур сен айтар сўзинг.



* * *

Яхшини чақирманг ёмон тўпига,
Яхши боғланмасин улар ипига.
Яхшини сақланг сиз рўпарў килманг,
Ёмон одамларнинг ўйнар «чўпига».



Яхши одам борми ёруғ дунёда,
Менга чорлаб келинг, бўлса мабода.
Мен уни бир кўрай, бағримга босай,
Берсам, олармикан назмий бир шода.



Миннатли одамнинг иши таъмадир,
Бир бор унмай колса, тили-наъмадир.
Фикри тез ўзгарап, ёмонлар ортдан,
Юборган саломи нукул шаъмадир.



Дўстлик бўлса экан бир манфаатсиз,
Манфаат дўстликни қилур хурматсиз.
Нон дўсти керакмас, жон дўсти керак,
Дўстни асраб бўлмас меҳру шафкатсиз.



Изингга гул сочдим, қалбингга зиё,
Сен эса ёмонга қилдинг мубтало.
Меҳрга каҳр айла деган устодинг –
Бевафо бу дунё мунчалар расво.



Умр ўтиб борар мисоли елдай,
Кўзимдан қуюлар илхомим селдай.
Карилик-тажриба донишманд фасл,
Шеърим тўлишмокда бадавлат элдай.



* * *

Сұхбатда зүр маъно, зүр одоб керак,
Савол туғилганда зүр жавоб керак.
Ахир, шамол тұхтаб, ёмғир тинганда,
Ерга күёш керак, нур-офтоб керак.



Кундуз бўрон турди беаёв, бебош,
Дарахтлар чайқалди, айлашиб бош-бош.
Олтин либосларин эҳтиёт қилиб,
Йиғиб олиб кетди самода күёш.



Оқшом турган даҳшатли бўрон,
Ой сочин тортқилаб, айлади гирён.
Самода юлдузлар пирпираб колди,
Она ахволидан кўнгиллари кон.



Дилни тун қоплади, офтоби қани?
Аллоҳ олдидағи савоби қани?
Дунё жумбогига етмади ақлим,
Ўкий десам, унинг китоби қани?



Олам хийласидан толиқдим бугун,
Сувсаган гул каби сўлиқдим бугун.
Узок йўл босдиму яна ниҳоят
Бир буюк илҳомга йўлиқдим бугун.



Бахтим кайда дедим, меҳнатда дединг,
Тахтим кайда дедим, захматда дединг.
Юғурдим ва елдим роса етмиш йил,
Нақдим кайда дедим, хурматда дединг.

* * *

Умр лаҳзаларин нархини билдим,
Faфлат душман экан, қаҳрини билдим.
Яхшилик нимаю, ёмонлик нима,
Одамдан одамнинг фаркини билдим.

* * *

Севдим, олий ишк аркини кўрдим,
Бетимсол гўзалнинг макрини кўрдим.
Кўрмадим дунёда вафо суратин,
Девона кўнгилнинг эркини кўрдим.

* * *

Ўзинг куткар балолардан Худойим,
Шовкин-сурон, садолардан Худойим.
Истиклолни ато килдинг Миллатга,
Юртни сакла ғавғолардан Худойим.

* * *

Тақдирларнинг тошлари синсин,
Лойка сувлар тўхтасин, тинсин.
Энди, кўзлар тўлмасин ёшга,
Киприкларга уйқулар инсин.

* * *

Бўлганда ҳаётнинг мезони пора,
Унга топилмагай ҳеч қандай чора.
Элу юрт қаҳрига учрайди бир кун,
Пинҳона бўлсину ёки ошкора.

* * *

Пулга хирс кўйганда, сўнади виждон,
Бўрон гар кутиrsa хирадур осмон.
Уят йўқолганда кунпая-кун ер,
Куръон тонталганда босади тўфон.



* * *

Баланд-баланд чўккиларнинг қулаши ёмон,
Яркираган гумбазларнинг тулаши ёмон.
Ёлқини йўқ, туғёни йўқ, ёлғон шоирлар –
Бир-бирини атай мактаб йўлаши ёмон.



Бу тоғларнинг мангу деган муддати яхши,
Уммонларнинг чуқур деган ҳикмати яхши.
Оройишу осойишлар бошқа бир нақл,
Дарёларнинг тиним билмас шиддати яхши.



Денгизларнинг тўлғониши, асаби ёмон,
Дарёларнинг ўқиргани, ғазаби ёмон.
Бир дам тўхта энди, эй Тўлан Низом,
Она замин силкинишин сабаби ёмон.



Қайдасан, севгилим, кўнгил овунчим,
Неча йил йўқолди жонимда тинчим.
Турмуш ташвишлари олди ўртага,
Кимга ҳасрат этай, кимга ўтинчим.



Кела қол, қаршимга бир нафас ўлтири,
Ноумид, ёввойи гулларни сўлдир.
Қўзингта, сўзингга тўяй ва кейин,
Ичаман, айрилик шаробин тўлдир.



Дилимга нур тўшсин, жонимга хузур,
Тириклик шамоли ўйнасин хур-хур.
Жами нуксонларим, гуноҳим кетсин,
Эй, тақдир эгаси, минг марта узр.



* * *

Кимдир китоб ёзар, кимдир чоҳ қазар,
Яшамоқ меъзони: Ким-кимдан ўзар?
Дунё томошабин, қаҳ-қаҳ кулади:
Ким-кимни ейдию, ким-кимни эзар.

ИККИЛИКЛАР





* * *

Ақлу идрокингда буюк фалсафа;
Дил кувнар сен билан бўлсам бир даъфа.

* * *

Қўй, кетма, кетиб қайдада юрасан,
Сен барибир юрагимда турасан.

* * *

Дўст бўлсанг кел, майли қўлни бер,
Мен хам юрай, ахир, йўлни бер.

* * *

Қарилик парилик эмас, одамлар,
Унга ошно бўлур энг ширин ғамлар.

ТАРЖИМАЛАР



ДУ ФУ,

VII аср буюк хитой шоюри

1. ХОСИЯТСИЗ ДАРАХТЛАР

Таниш йўлакчадан
Юрганда қайта,

Доим қўлга олгум
Кичик бир болта.

Солланган дарахтлар
Мисли соябон,

Бехосият бўлса,
Чопгум бегумон.

Иргай бутогига
Асло тегмайман.

Цзиси шохини
Ҳатто эгмайман –

Унга болта уриб,
Қиласман яксон.

Жуда ёмон дарахт,
Яшар яккахон.

761 йил.

2. АФСУС

Бунча тез тўкилмаса
Гулбарг хокисор?

Шошилмаса бўларди
Яқин-ку баҳор.

Ўтди-кетди кувонч,
Қайғу, ғам-алам –

Эвоҳ, яшаб бўлдим,
Ёшликни мен ҳам...

Қани бир қадаҳ май,
Ёзсам юракни?

Наво, назм айтса
Эзгу-тилакни..?

Мени тушунарди
Буюқ Тао Цянь,

Унутмади асло,
Ёд этди ҳар дам –

Ўртамиизда кўп йиллар
Ўтган бўлса ҳам...

761 йил.

3. ЛИ БО ТУШИМГА КИРДИ

Ўлим бизни айирса,
Майли эди кўнардим.

Айрилик азобига,
Бардош бериб унардим.

Цзяннань – борса-келмас,
Одамхўр жой – бир аждар,

У ёрдан сургун ахли
Юборолмас хат-хабар.

Менинг қадрдон дўстим,
Тушимга кирдинг уч бор,

Демак, хали ҳаётсан,
Үйлайсан мени такрор.

Ёки сенмисан дўстим
Кулбамга кирган сабок.

Ташриф буюрган ўша
Рухинг-ёдинг бўлса о..!

Жанубий боткоқлардан
Ташриф буюрибди рух,

Учиб кетма, мен ёлғиз,
Кулбам аро бўл шукух...

Сен овчининг тўридасан,
Ундан бўшаш кўп маҳол,

Қайрилди канотларинг
Шоирга бўлди увол...

Осмонда ой осуда
Остонамга сочар нур,

Менимча, бу Ли Бонинг
Нак ёришган юзидур.

Парчалаб қайиқларни
Асов тўлқин турган он,

Рухингни синдиролмас
Бирорта куч, сен, ишон!

4. ТЎТИ

Тўтини чулғайди
Ғамгин бир фикр:

Акли қани унинг,
Борми бир зикр?

Патлари кесилди,
Қайрилди каноти.

Лекин сўз ўрганди –
Ҳатто ўз отин.

Кутиб кон ютади,
Олдида қафас...

Эркин турсам дейди,
Ҳатто бир нафас?..

Ўрмонда колди ёлғиз
Қўналға бир шоҳ.

Энди унга бормас
Қафасда, эвоҳ...

766 йил.

5. КИЙИК

Сен тоғлардан айрилдинг...
Семириб – тўлиб.

Мана энди ётибсан,
Қўғирма кабоб бўлиб;

Яширина олмайсан
Бу қисматдан зор айлаб?

Нима қиласан энди
Тақдирингни айблаб?

Дунё ўзи айниган,
Жуда ваҳший, шафқатсиз.

Бизнинг кунда гўзаллик
Ишайдолари кўп баҳтсиз.

Ш

Шунинг учун тўралар
Байрамин зиёфатда –

Яна безаб турибсан,
Нимта-нимта холатда.

766 йил.

6. ОҚ ОТ

Учиб келди от
Шимоли-шарқдан,

Унинг эгари
Роса ўқ еган.

Шафқатсиз жангда
Ҳалок бўлган ким?..

Ким билади ким?
Ҳамма йиғлар жим...

A. С. ПУШКИН

1. АТИРГУЛ

Атиргул кай, каёнда?
Тенгги йўқдир жаҳонда!
У тонг фарзанди эди,
Ким уни сўлди, деди?..
Шуми севги қисмати,
Шуми умр киммати?
У ҳали ёш, бола-да...
Ишқим қизил лола-да?
Шундок, ўткинчи бари,
Жўшқин ёшлик сингари.

2. ҚУРЬОНГА ИҚТИБОС

(Парча)

Бугун аҳд киламан тасбехни тутиб,
Жон олар шамширни ўпаман якбор.
Оппок тонг юлдузин интизор кутиб,
Ибодат айлагум субхидам – нахор.

Онт ичиб айтаман, ҳеч этмайман тарқ,
Ҳамиша силайман азиз бошингни.
Майлига, сен учун бўлай жувонмарг,
Итқитиб ташлайман кисмат тошингни.

Ахир, мен эмасми чанқоғинг босган,
Қакраган сахрова чин обиҳаёт.
Сенга тил ўргатдим, бўйинг ҳам ўсган,
Энди, бу салтанат сенга умрбод.

Бардам бўл, ҳазар қил алдов-ёлғондан,
Ҳакиқат йўлидан озма бир қадам.
Етимни авайла, рухлан «Қуръон»дан,
Менинг бу каломим билсин ҳар одам!

1824 йил.

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

1. АЛВИДО

Хайр энди Россия, булғанган дала,
Киборлар диёри, эй, йўқсил макон!
Хайр энди кўк мундир безаган гала,
Хайр энди, буюк халқ – эрки йўқ сурон!

Мен кетдим! Энг баланд Кавказ тоғлари
Бебурд шохларингдан балки беркитар?..
Ғазабнок кўзлари, кон тирноклари
Ё мени тополмай, тоғни силкитар...

1841 йил

2. БУЛУТЛАР

Мовий осмон узра сайёх булутлар,
Паға-паға бўлиб кайга борасиз?
Сизни-да қувдими юзи шувутлар,
Шимолдан жанубга мендай чорасиз.

Айтингиз, не сизни айлади сарсон?
Тақдирми, ҳасадми, ўчми, адоват?
Ё оғир жиноят, яширин, пинхон,
Ё дўстлар килдими тухмат, хиёнат?

Йўқ асло, сиз чиндан дайди-девона,
Сизда йўқ сезимлар: шодлик ва қайғу.
Озодсиз ва лекин сизга бегона –
Ватан тушунчаси – муқаддас туйғу.

1840 йил

3. ҚУЁШ

Қиши қуёши булутлар аро
Кор устига нур сочар беҳол.
Юзларингда бошқача жило
Кўзинг мовий, соchlаринг тол-тол.

Ул қуёшдек сенинг ҳам гўзал,
Табассуминг дардимга дармон –
Гўзалликда хикмат йўқ азал,
Бўлармисан сен жонимга жон?

ИВАН БУНИН

СЎЗ

Жимжит мақбаралар, жимжит кабрлар,
Мўмиё қилинган жасадлар ҳам жим.
Фақат битикларда ўлмас таъбирлар;
Сўз ёзиб қолдирган бунда аллаким.

Сүздан бошка йўқdir биз учун бойлик;
Сукунат бағрида сўзлар жарангдор.
Сўз борки, одамзод, дунё чиройлик,
Сўз учун курашинг, ул ки баркарор!

АННА АХМАТОВА

1. ВАСИЯТ

Сен келгил, ҳакиқий меросхўрим бўл,
Уйимда яшагил, шеърларим куйла.
Кувватим кетмоқда, мажолсиз бу кўл,
Эзилган қалбимни ҳалқимга сўйла.

Дўстларим меҳрини, «ёв»лар қаҳрини,
Боғимда ранг-баранг гулларимни хам
Оташин муҳаббат аччиқ заҳрини,
Мен сенга қолдириб кетгум, жонгинам.

Дунёга келганим – шуҳратим эди,
Ногаҳон юлдузим кўкда порлади.
Изтироб ва хижрон юрагим еди,
Бу кун тонг маҳали ўлим чорлади.

Сен узок яшайсан, шеърларим асраб,
Эзгу-армонларим этагидан тут?
Хотиржам кетяпман... ортимдан караб,
Йиғлама, бахтли бўл, лек қилма унут.

2. ДЎРМОНДА ЁЗИЛГАН ТҮРТЛИК

Эслайман, хотирга тушади мудом;
Дўстларим, окибат, меҳр ва химмат.
Шу каби кўмсашлар бўлганда тамом,
Қаршимда мунғайиб турар сукунат.

ТУМАНБОЙ МҮЛДАҒАЛИЕВ,
қозоқ шоури

ЁР НОЗИ

Кунлар кечар, тунлар кечар, рашким зүр,
Гүё сени бирор мендан тортқилар.
Лаҳза-лахза ўртанаман, ёнаман,
Изларингдан кўзим колмай чопқиллар.

Дам олислаб, дам яқинлаб борасан,
Сени кўргим, бошқа кўзга илинмас.
Кўкрагимда мухаббатим ловуллар,
Кўнглим ичра сен ўзингсан, ўзгармас.

Менинг юксак умидларим қордай оқ,
Қоядаги киронимсан, кела қол.
Биринчи бор танишишган ёшлардай,
Висол чоги уяламан бўлиб лол.

Кўзимдасан, сўзимдасан ҳар қачон,
Сени ўйлаб ўйимга ҳеч етмайман.
Лабларимга бир қизил нур югуарар,
Бўса олсанг, ноз-карашма этмайман.

Омон бўлсак, армонларни ушлаймиз,
Кўёш каби сўниш билмас ёник дил.
Сен менгасан, мен сенгаман қачондан,
Тавба, дейман, қачон ўтди шунча йил.

Ўша дамлар бўлган эмас ҳеч осон,
Сўнг бизнинг баҳт қуши овулда учди.
Ёшарибман, аёлман-да, мен курғур,
Сенинг нега мўйловингга оқ тушди?!

Бир умрга сенга, жоним, тўймайман ҳеч.
Шункор янглиғ парвоз айлаб толмагин.
Кизлигимдан мен кетмаёқ турайин,
Сен бошкага кўз кирингни солмагин.

ДОСТОИНАР



ГИРЯ

«Қирқ күн» достони

Умр йўлдошим Ҳикматхон хотирасига
багишлайман.

МУКАДДИМА

Эй фалак, эй юксак сирли коинот,
Турфа тақдирларга ошиён олам,
Турфа ғамга тұла экансан бот-бот...
Мингдан хам бирини ёзолмас қалам.

Энг оғир кулфатни бошимга солдинг,
Қай тоғни қулатдинг менинг устимга?
Бахтим, кувончимни кимларга олдинг?
Қайғы лашкарлари тушди қасдимга.

Фуркат девонини токчага күйдим,
Азага гарк бўлди илхомрез уйим.
Кўзимдан навбахор жаласин кўйдим,
Устодим иккимиз йиғладик юм-юм.

Дод айлай, дўстлар, бу кун жону тандин айрилиб колдим,
Мардона эдим мен, ул шону шаъндан айрилиб колдим,
Бу оламда мени суйган, куйгандин айрилиб колдим,
Аламлик қумримен, бир гулбадандин айрилиб колдим,
Назокатда кади сарви чамандин айрилиб колдим.

Манга тор ўлди бу кишвар, хунбийрон йиғласам арзир,
Кўнгил кўкида ойим йўқ, куйиб имон йиғласам арзир,
Сўтилди ер чокидин, синди осмон, йиғласам арзир,
Қафас байтул-ҳазон, Якубдек кон йиғласам арзир,
Ўшандоқ Юсуфи гул пираҳандин айрилиб колдим.

Соғинардим дам-бадам мен қалбга сиғмай тоза хис,
Тамоми хусн аҳли ичра ул эди одоби азиз,
Ҳам комати расо эди, эл аро ҳар сўзи лазиз,
Ҳати райхон, сочи сунбул, лаби ғунча, кўзи наргис,
Кабо гул, кўйлаги барги сумандин айрилиб колдим.

Бу кун ишким қилиб ошкор элга айтсам айб эмас,
Тонг сахарлар нола айлаб шеърга битсам айб эмас,
Васлини кўмсаб ҳамиша юз дод этсам айб эмас,
Агар ҳижрон коронғусида йиғлаб ётсам айб эмас,
Жамоли нури шамъи анжумандин айрилиб колдим.

Ун чиқармай жисму борим ёнар шамдир, куяр шамдир.
Аzon чоғи кизил гулнинг барги янглиғ кўзларим намдир,
Бу ҳолимдин бўлиб огоҳ ёнимда дўстларим жамдир,
Қаро тошлар уруб кўксимга фарёд айрилиб колдим,
Тиши дурру лаби лаъли ямандин айрилиб колдим.

Кўзда жоланг тўхтатиб ол, бас қил, дея талаб қилманг,
Азал рўзи битилган деб пешонамни сабаб қилманг,
Тақдиримдин фол очиб сиз ҳалойик ичра гап қилманг,
Мисоли зар агар сорғорса рухсорим ажаб қилманг,
Ки ул дониш айёри сиймтандин айрилиб колдим.

Низомий йиғлаюр зор-зор бугун ўтли нафас бўлди,
Унинг жони темирмас-ку, ғам-алам қасдма-қасд бўлди,
Тавба килди, бебаҳо дунё иши унга бас бўлди,
Пару болим тўкилди, масканим охир қафас бўлди,
Мухаббат йўлида, Фуркат, ватандин айрилиб қолдим.

* * *

Во дариғо, икболим забунми чунон?
Дунёдин юз буриб кулбамга чўқдим.
Коним сиёҳ бўлди, қалбим сиёҳдон,
Кирқ кун мушқулотин қоғозга тўқдим.



Биринчи кун

Минг түккиз юз түкson иккинчи. Июнь.
Үн етти. Чоршанба. Келди каро шом.
Дарбадар чопдилар еллар тинмайин,
Күшдек учиб кетди эс-хушим тамом.

Ертубан йикилди гул сарвинозим,
Содир бўлди наҳот бевакт шум ажал.
Ичимдан отилди ўқраб овозим,
Бу кандай бало кун? – деганим маҳал.

Товуслар кийкириб хар томон учди,
Баланд деворларга урди бошини.
Товуклар потирлаб қўноқдан тушди,
Итлар ҳам увлади ичмай ошини.

Какликлар бошлади аччик бир нола,
Какликлар тошларга урди ўзини.
Дараҳтлар силкинди тушиб бир хола,
Ҳеч ким эшиитмади боғнинг арзини.

Самода юлдузлар тўкилди бир-бир,
Ой туннинг бағрини йиртиб юборди.
Дахшат қучоғида қўркинчли бир Сир
Үйлардан уйларга югуриб борди.

Хилқатни чўчитиб чақнади чақин,
Ер каби айланди ғамзада бошим.
Чанқадим, чанқадим, тил қуирір тағин,
Ловуллаб куяди қалбда күёшим.

Паришон бўлди-ку бу шоир хаёл,
Сўзимдан сирғанур ўтли калтирок.
Кирк беш ёшда кетди энг гўзал аёл,
Замин заранг бўлди, кўк кочди йирок.



Кулоғим чинкирди, күрмасдан күзим,
Бағримга санчилди айрилик тиғи.
Кулундай бўзлади ўғлим ҳам қизим,
Борлиқни титратди қудратли йиғи.

Қизим йигиси

Оқшомлари сухбат қурган,
Менинг баҳтим тираб юрган,
Сочларимни майда ўрган,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Қуёш кулиб тушди пастга,
Йиқилдингиз басма-басга,
Ўлганингиз ўхшар ростга,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Сўзларингиз хумор килур,
Кўзларингиз зор-зор килур,
Охир девонавор килур,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Кўлларимда кора рўмол,
Қараб қолдим йўлга беҳол,
Онажоним бўлди увол,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Сариқ рўмолинг кўлимда,
Сарғайиб қолдим йўлингда,
Дод айлайин бу ўлимдан,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Учар күшгө қил боғлайин,
Күнгилларимни доғлайин,
Фарёд чекиб мен йиғлайин,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Баланд учган хой турналар,
Қанотларингиз – игналар,
Учолмайман, дил тирналар,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Кора-кора қалдирғочим,
Қаён кетди кора сочим,
Оташларга түлди ичим,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Дарёга дардим солайин,
Гирдобларида қолайин,
Токатни қайдан олайин,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Лахад ичра каро тупрок,
Ёритолмас уни чирок,
Үтга солди аччик фирок,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Бошим олиб кетайинми,
Етимнинг жойи тайинми,
Онасизлик күп кийинми,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Бўйларимдан кувондингиз,
Жон кизим деб ишондингиз,

Бугун нега сиз тондингиз,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Онасизлик ёмондир-о,
Фарзанд ранги сомондир-о,
Ақли қочиб хайрондир-о,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Белимга қаро боғладим,
Жисми боримни доғладим,
Онам, деб айтиб йиғладим,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам,вой онам-а.

Сингил үйгиси

Қоши кора опам-а,
Сўзи сара опам-а,
Энди нима қиласман,
Сирингизни биласман,
Вой опам-а,вой опам.

Окин сувлар кайнайди,
Юраккинам ўйнайди,
Устимда аза кўйлак,
Гапимга бўлдим эрмак,
Вой опам-а,вой опам.

Онамдан сўнг онам-а,
Отамдан сўнг отам-а,
Дилим билган сирдошим,
Мунчалар бағри тошим,
Вой опам-а,вой опам.

❖

Кўзим ёши сел бўлсин,
Дарё бўлсин, кўл бўлсин,
Иирокларга йўл бўлсин,
Мозорингиз гул бўлсин,
Вой опам-а,вой опам.

* * *

Кейин қуриб танда мажолим,
Ичим ёнди, бир холда ранг-рўй,
Сўнг ўлтурдим етмасдан ҳолим,
Ихтиёrim олди чукур ўй:

Шундайми аҳду паймонлар,
Қайда колди у ширин онлар,
Айрилурми чирмашган жонлар,
Нега ташлаб кетдинг, гул юзим?

Сенга менинг боғим тормиди,
Сендан бошка ёрим бормиди,
Ваъда шундок бўш қарормиди,
Нега ташлаб кетдинг, гул юзим?

* * *

Ипак билан безанди тобут,
Уни ёпди бахмал ва зарбоф,
Юрагимдан чикар эди дуд,
Ва нолалар чекдим телбатоб:

* * *

Кора қошим, кора кўзим-а,
Кора сочим, ширин сўзим-а,
Гулим-о, Гулим-о.

Лайли – Сен, Зухро – Сен, Ҳикмат-о,
Дунёда танҳо – Сен, Ҳикмат-о,
Гулим-о, Гулим-о.

Бахтимга сиғмаган санам-а,
Қизидай ўстирган онам-а,
Гулим-о, Гулим-о.

❖

Фифоним-а, армоним-а,
Ичга сиғмас ҳижроним-а,
Гулим-о, Гулим-о.

* * *

Ох, тобутни олди оломон,
Мозор томон юрдилар шахдам,
Куя-куя қуригач дармон,
Одамларга эргашдим мен ҳам.

Элтишадур алвон тобутни,
Замин гүё ларзага келди,
Қандок узай энди умидни,
Абадийлик лаҳзага келди.

Хой, тұхтанглар, кайга элтасиз,
Мұхаббатим, севгим, ишкимни.
Мунча жадал юриб кетасиз,
Қонға бүяб күзда ашкимни.

Дод, тұхтанглар, қаён борасиз,
Гулдай ёрим керак үзимга.
Юрак-бағрим нега ёрасиз,
Она керак үғлим, қизимга.

Парвардигор, борми шафқатинг,
Нега күйдинг рүзғоримга үт.
Бир кулингга йўқми химматинг,
Менинг билан йиглаётир юрт.

Кўз олдимда бирдан жонланди,
Никоҳ куни, оқшом, ёруғ кун.
Ўша ўпган лабим қонланди,
Топди севгим эртаги якун.

Ўша куни келгандим олиб,
Аравада қувончлар билан.
Бугун наҳот тобутга солиб,
Кузатяпман аянчлар билан.

Худо, ўзинг қилгандинг насиб,
Нега ўзинг этяпсан жудо.
Менга эди чин дўст, чин ҳабиб,
Шеърим каби юракка ошно.

Куёш каби ясоғлик тобут,
Қабристонга кўйилди аста.
Менинг севгим бўлди-я нобуд,
Лахад кутар чукурда, пастда.

Ердан садо чикмади асло,
Ва кўйнига олди мулойим,
Ҳамма ўйчан қилдилар дуо:
У дунёсин берсин Худойим.

Совук шамол эсгандай бўлди,
Бир сесканди вужудим – борим.
Яна кўзим ёшларга тўлди,
Ох, тупроқда қолди гул ёрим.

Иккинчи кун

Кенг осмонда туриб қолди баркаш ой,
Ўттиз йил ортига кетди мажруҳ ўй.
Ўшанда бизларда эди гул чирой,
Кенг айвон сахнида бўлган эди тўй.

Қишлоқ. Олтин кузнинг сўлим оқшоми,
Сахий ойдан фалак кўйни чароғон.
Баралла айтилиб Куръон каломи,
Никоҳ ҳам ўқилди жимиб оломон.

Болалик меҳри-ла талпиниб қизи,
Ота оёғига йиғлаб бош кўйди.
Отанинг кўксига тегди гул юзи,
Ота оёғига йиғлаб ёш куйди.

❖

Кизнинг йигисидан қалтиради чол,
Ёндири оқ кўйлак, зарғал паранжи.
Ота кўзларида ёлбориш малол:
«Киз бола чиндан ҳам бироннинг ганжи.

Бахтинг-тахтинг берсин, кизим, Худойим»,
Бу садо коплади коинот томин.
«Кўшганинг-ла қари, умр кеч доим,
Кам бўлма дунёда, илоҳо омин».

Ҳамма фотиҳага тортдилар қўлни,
Жадал жўнаб кетди қўконарава.
«Ёр-ёр» жаранглари бошлади йўлни,
Сўнгра тиниб қолди карнай, ноғора.

Киз кетди. Ўсган боғи йиги қўзғотди,
Карвонлари кўчган бир сарой каби.
Бояги ҳаяжон тилларда котди,
Ҳа, уй ободлиги бир киз сабаби.

Тунда ота ҳамон килади сукут,
Осмонда бесаноғ юлдузлар толди.
Тўлин ой юзини тўсди ёнғок, тут,
Отанинг ўйлари ойдай уволди.

Оқ кийиниб кўзин очди тонг,
Куёш тутди кизил пардасин.
Юлдузлар ҳам ўчдилар аранг.
Ойга суниб айрилик дарсин:

Кулманг ошиқ сўзига,
Унинг ҳолига йиғланг.
Қаранг селоб кўзига,
Тақдир фолига йиғланг.

Окарибди, сўлибди –
Ранги олига йиғланг.
Севган ёри ўлибди,
Қаро толега йиғланг.

埃尔丹·科尔马斯金·切奇·基姆，
卡迪·多利加·伊格朗。
伊格朗，伊格朗，布乌曼金·吉姆，
塞维·扎沃利加·伊格朗。

* * *

Отамнинг руҳига қилиб илтижо,
Онам арвоҳига айладим зикр.
Ҳазрат Навоийга ёлбориб танҳо,
Яна ўз жонимга етказдим жабр:

Шод эмасмен, чўккан рухим Сизки баланд этсангиз,
Ҳаддан ошур расвониғим, энди писанд этсангиз,
Қўлу оёғимни боғланг, розиман банд этсангиз,
Рози эрмасмен кўнгил чокини пайванд этсангиз,
Қолғонин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.

Не азоблар чекмадим, ох, ўшал парирўйдин,
Жафо ҳар дам адаштириди буюк бир ўйдин,
Сиғар жойим билолмасмен кетиб дардли уйдин,
Итлари олдида солибким мени ул кўйдин,
Қовмок истарлар дами машғулу хурсанд этсангиз.

Кўзимга кўз солиб ўксир Фарход ҳам беун,
Мен томонга кучок очиб келур Тохир бағри хун,
Ғамим ошди, холим хароб, борму ёруғ бирор кун,
Сўрмоғимга кела Мажнун нети, эй ахли жунун,
Ваъзу панд айтиб мени бир дам хирадманд этсангиз.

Билдим, охир ҳар киши қалбин вафо хушёр этар,
Мардни лашкарлар эмас, жабру жафо тор-мор этар,
Бўлса маъшук бекарам ошиқларини хор этар,
Телба итни демангиз мендек нединким ор этар,
Ақлу хуш аклини бир Мажнунга монанд этсангиз.

Йўлдан урманг, қайтмагаймен, энди кирдим ўтқа мен,
Нури покмен, кўшилурмен то қўёшга еткамен,
Ҳам гунохи ҳам алам, дардим била мен кетгамен,



Эйки, дебсиз пандингиздан бодани тарк эткамен,
Тарк этай аввал мени шоистаи панд этсангиз.

Низомий борса жадал пир олдиға, эй дүстлар,
Уч сатрин күшиб устоди сарбандиға, эй дүстлар,
Ҳак йўлини кўрсатур деб дилбандиға, эй дүстлар,
Гар аччик йиғлар Навоий пандиха, эй дүстлар,
Нетти оллинда туриб бир дам шакарханд этсангиз.

Ўғлимга насиҳат

Ўн бешга тўласан бу йил,
Сен ўн бешта баҳорни кўрдинг.
Ғамни билмай, қувноқ дил,
Кулундай ўйноклаб юрдинг.

Менинг-чи, руҳимда тўлғок,
Йиғламоқни қўймадим мен.
Бугун тунда ўлтириб уйғок,
Сен ҳақингда ўйладим мен.

Онанг гўри силқидими,
Бир дақика минг йилча бор.
Кўзингда ёш қалқидими,
Кўз ёшингла кетсин ғубор.

Иstabмидим, мурғак қалбинг,
Денгиз янглиғ бўлсин нотинч.
Кулгуни тарк этсин лабинг,
Юзларингдан ўпсин ўкинч.

Жон болам, яхшиям сен бор,
Сени кўп севаман жондан.
Сенга термуламен умидвор,
Сени деб кечаман жаҳондан.

Факат сен ножӯя юрма,
Кетмагил ўйнаб боғларга.

Эрта уйғон, бекор турма,
Мехрим олиб чукур тоғларга.

Юр, мозорга бирга борайлик,
Юр, онангга ўқиймиз дуо.
Рухин ёд этмокқа ярайлик,
Үғлим, сендан шу илтижо.

* * *

Яна күёш ботди секин, бепарво,
Борлықни бўяди сўнгра каро ранг.
Ёлғиз ўлтирибман, куйган дил бежо,
Хаёлим паришон ва ахволим танг.

Наҳотки колдим-а, энди мен ёлғиз,
Танҳолик нимадир? Энг аччик тақдир.
Ана, само қўйни тип-тиник денгиз,
Тўлин ойга шундай айтдим битта сир:

Ой милади: Мен гўзалман, хойнаҳой.
Зўр малоҳат ғам нафосат менда бор.
Дедим ойга: Сенга бўлмам маҳлиё,
Оlam факат ёримга берган чирой.

Ана, сенинг жамолингда ёғдули
Доғлар кўрдим, завқим бир оз учди-ку.
Ой сузилди: Ёринг юзи қайғули,
Унинг доғи юрагингга кўчди-ку.

Дедим: Ойхон, дилимни сен эзмагил,
Эслатмагил, хижрон ғамин қувайин.
Қўзғотмагил, юрак чоғин қазмагил,
Кандок қилиб ул доғларни ювайин?..

Учинчи күн

Ташкаридан отилди бир сас,
Хали күёш уйғонмай туриб.
Күшни кампир кирди ўтнафас,
Айтиб йиғлар эгилиб туриб.

Кирда тулпор боласи,
Боғда қушлар ноласи,
Вой күшним-а, Ҳикматой.

Шовуллаган сой бўлди,
Йиғлаб турган ой бўлди,
Жон күшним-а, Ҳикматой.

Ёмғир ёғса, кор ёғур,
Қаро булат кўп оғир,
Ён күшним-а, Ҳикматой.

Яхши кунлар кўрганмиз,
Бирга-бирга юрганмиз,
Вой Ҳикматхон болам-а.

Изларингни топайин,
Райхон билан ёпайин,
Вой Ҳикматхон болам-а.

Тоғу тошга йўл солай,
Кийикларга дўст бўлай,
Вой Ҳикматхон болам-а.

Кўлдан учган сўналар,
Бориб қайга кўналар,
Вой Ҳикматхон қизим-а.

Тунни ёриб тонг отди,
Дилга бир ханжар ботди,
Вой Ҳикматхон қизим-а.

Ит ҳақидағи ғап

Күшним дер: «Арслон» йўқ,
Маҳаллани кезади.
Уни қувар халойик,
Ҳар уй ундан безади.

«Қоплон» бир қўзичокни,
Ёриб ташлабди оқшом.
Кампир ўлган улокни
Итқитиби деб ҳаром.

Итлар кўп: «Оқ», «Қора»,
Номи ўзига яраша.
Ит деб, бўлмай овора,
Беэътибор қарашар.

Бизнинг «Вулкон», «Тошчайнар»
Неча кун – уйқу билмас.
Кўзларида ёш қайнаб,
Уйдан бир кадам жилмас.

Эртадан кеч ўлтирас,
Кулок шалпанг, дум қисик.
Менга караб мўлтирас,
Овозлари ҳам синик.

Овқат берсам қарамас,
Сув ичади гоҳида.
Дарди сира аrimас,
Увлар сахар ҷоғида.

Мен йиғлайман, у ҳам зор,
Мен билан йиғлар бирга.
Ит бўлса чин вафодор,
Алиштиргангиз шерга.

* * *

Итдайин кийналдим,
Оғзимга келди жон.
Хаёл қочди узок,
Тиззамда йўқ дармон.

Ичимда олов бор,
Куйдирар ўт – куёш.
Йигитми шунча хор,
Дил эмас шунча тош.

Наҳот, йўқсан, Ҳикмат,
Бевафосан, рости.
Қайдан бунча кулфат,
Бир оғир юқ босди.

Боғингни на қилай?
Кимларга ишонай?
Қўй бағримни тилай,
Садоқатга қонай.

Келдилар халойик,
Фотиха ўкилди.
Менинг ғамга лойик –
Қанча гап тўкилди.

Кимдир насиҳат дер:
Ўзингни қўлга ол.
Болаларга меҳр бер,
Уларни йўлга сол.

Кун оқди. Тушди шом,
Ўксиди бу олам.
Бир менда йўқ ором,
Уйку ўрнида ғам.

* * *

Ярим кеча порлар чироғим,
Нурларида ёнур қайгулар.
Үзлигимни қовурап ёғим,
Қаламимдан томар туйғулар:

Мени девона килди шаҳло кўзинг,
Мени гирёна килди подшо кўзинг.

Сўзларингдин шеър олурдим ҳар кеча,
Мени парвона қилди зиё кўзинг.

Бош олиб кетмок эдим қайларга мен,
Мени Фарғона қилди маъво кўзинг.

Анодин кўз очиб кўрдим кўзингни,
Мени мастона қилди фидо кўзинг.

Кўзларимда кўзларинг бебаҳодир,
Мени дурдона қилди баҳо кўзинг.

Сендан ўзга бойлигим йўқ, эл билур,
Мени хайронга қилди дунё кўзинг.

Низомийга ошно эдинг, оқибат –
Мени хайронга қилди вафо кўзинг.

Тўртинчи кун

Ёш тўкиб хира кўзим,
Остонага бош урдим.
Таскин топмадим сира,
Йиғлок шеъримни кўрдим.

Ишқи билан банд бўлган,
Хуснига пайванд бўлган.
Шод бўлган, курсанд бўлган,
Шеъримга бергил тўзим.

❖

Ҳамиша уйғок эди,
Кечалар қайнок эди.
Сен билан ўртож эди,
Шеъримга бергил түзим.

Ичига қайғу сола,
Мажнундай килур нола.
Мисоли етим бола.
Шеъримга бергил түзим.

Фарзандларим ох урди,
Сатрларим күйдирди.
Улар бир сафда турди,
Шеъримга бергил түзим.

Қай сатрим васфин деди,
Қай бандим аслин деди.
Қай мисрам таскин деди,
Шеъримга бергил түзим.

Ёз! – дер эди ҳар махал,
Ҳар шеър мукаммал.
Илхом эди эңг гүзәл,
Шеъримга бергил түзим.

* * *

Пешин чоғи мизғидим пича,
Киприкларим новдаси синди.
Ёшларимни симириб ича –
Тўймас кўзим булокдай тинди.

Кўз олдимда бўлдинг намоён,
«Чой дамладим, туриңг, дадаси.
Тандир тўла пишар ёғли нон»,
Қайдан топай кўнгил далдасин?!

Фигон айлаб юзларим сўлғин,
Сўзларимда ловуллар ёнғин.

❖

Киприкларим куяди ёмғир,
Үқтин-үқтин юрагим оғрир.

Фарёд килур ўғлим ҳам кизим,
Жиссим аро йўколур сезим.

Кундан-кунга ҳолатим ёмон,
Сўзларимга хар инсон ҳайрон.
Наҳот йигит қаддим букилди,
Дўст эгилди, душманим кулди.

* * *

Кимдир деди: Не керак сенга,
Якинроқ кел, кулок сол менга.
Ёшингни арт, йифлама зор-зор,
Қаддинг кўтар, дўст бор, душман бор.

* * *

Кимга рухи равоним керак?
Кимга ширин забоним керак?
Кимга аччик армоним керак?
Кимга гули райхоним керак?
Кимга тубсиз уммоним керак?
Кимга ростгўй фармоним керак?
Кимга илми урфоним керак?
Кимга шеърим, достоним керак?
Кимга тоза имоним керак?
Кимга жоним ҳам коним керак?
Менга керак тенгсиз жаҳоним,
Покиза рух – еrim, осмоним.
Ўчмас шеърим – Ўзбекистоним,
Туркистоним, Она Туроним!

Бешинчи кун

Хурмо дарахти билан тиллашув

— Айвоним ёнида ўсган ҳой хурмо,
Марҳумам – гулимдан қолган ёдгорлик.
Ғуборларинг бўлсин кўзимга сурма,
Ёр кетди. Чорбоғим килдими торлик?

— Менинг илдизимга берар эди сув,
Баргларимга кўндиримасди асло чанг.
Энди еллар кезар шохимда кув-кув,
Мажруҳ новдаларим тортилмиш таранг.

— Ҳали тирик экан, сен эдинг ғўра,
Меваларинг пишибди, қондек кип-қизил.
Қизил қон нимадир бағримдан сурба,
Япрогингдек титрар интик бу кўнгил.

О, менинг ям-яшил хурмо дарахтим,
Сен каби баҳорим наҳотки ўтди.
Қачон қайтар экан энди ул баҳтим,
Шоҳ Бобур ғазали хаёлим элтди:

Бевафо ёр қучогида айтурға зор – хуморим бор,
Ҳижрон бағри ўйноғида ҳам, аламдин озорим бор.
Оёгингни тупроғида энди жондин безорим бор,
Қаро зулфинг фироғида паришон рӯзғорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида на сабру на карорим бор.

Ҳажринг аччик забон қилди, каклик каби нолон қилди,
Ғам боғимни ҳазон қилди, куйдирди хонумон қилди,
Тақдир мени арzon қилди, окибат якка жон қилди,
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, ман андин бир сўрорим бор.

Пешонам бекарам бўлса, ғанимлар бари жам бўлса,
Бир жаллоди одам бўлса, кийноғи дам-бадам бўлса,

Азоби анча кам бўлса, ризоман минг ситам бўлса,
Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгузорим бор.

Агар девонамен, гар зобит, гар бургутмен, агар ит,
Агар телбадурмен, гар умид, гар пок дидмен, гар йигит,
Агар ўткинчимен, гар событ, гар ўгитмен, гар таҳдид,
Агар муслихмен, гар мусфид, ва гар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингким ихтиёrim бор.

Сени асраб минг жоҳилдин, қасос олгум минг қотилдин,
Дил узмам каро кокулдин, каро гажжакли сунбулдин,
Низомий, кетмагай элдин, то кутулмас бу мушкулдин,
Фигоним ошди булбулдин, ғами йўқ зарра бу кулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгилди хор-хори бор.

Олтинчи кун

Сахар кулоғимда янгради бир сас,
«Жон дадаси, Тошкент сари борайлик,
Қаранг, шундай туғилди ҳавас,
Якин дўстларингиз бориб кўрайлик?»

Ер янглиғ оғирдир берган саволи,
Мухаммад Алини яна ўйладим.
Абдулла Орифга учди хаёлим,
Наим Каримийга дардим сўйладим:
Қаёқка бошлайди тақдир шамоли?

Нотаниш зўр хижрон отини айтди,
Боғимни тебратди, кўнглим тебратди.
Қайғусиз кўзларим тунда уйғотди,
Рұҳимга таскин деб тошларин отди,
Қаёқка бошлайди тақдир шамоли?

Йўлларим чангиди, бошим гангиidi,
Умрки аёвсиз конли жангимиdi,

❖

Йигитнинг аҳволи шунча тангмиди,
Кимнинг юраги тош-санг эди,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Тоғларга бормаймен, чикканман аввал,
Ул асрий тошлардан олмаймен майқал,
Қоялар устида арчалар хайкал,
Арчалар бошида кун ёнур ял-ял,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Дарёлар сузмаймен, ўтганман кечиб,
Дарёга сиғиндим, дарёдан кечиб,
Күш бўлиб кетарман кенгликка учиб.
Бир кўрай, бир кўрай кафани ечиб,
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Элма-эл кезмаймен мен девонавор,
Ўз юртим ерида бир сиру асрор,
Отамнинг хоки бор, онам хоки бор,
Ёримнинг қабри бор, муқаддас мозор;
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Рубоий

Қалбимда ишқ унди, ҳам, озор едим,
Эл аро Мажнунни хокисор дедим.
Эй бемор Низомий, сен умидвор бўл,
Дардингга зўр малҳам факат ёр дедим.

Еттинчи кун

Қулоғимда колган битта илтижо:
«Жон дадаси, келинг, хўп денг менга сиз,
Пайдо бўлди кўп ажойиб муддао –
Яна бир борайлик ул Кора денгиз?»

О, сеҳрли Кора денгиз бўйлари,
Колганмидир сизда ёрим излари.

❖

Шўх тўлқинлар бўлса агар сўйлари,
Тинглар эдим севгилимнинг сўзларин.

* * *

Ўзимча сўйланиб хонамга кирдим,
Алкисса, шеър ўқиб олардим ўчим.
Оппок коғоз узра қаламим сурдим,
Муқимий назмига етарми кучим:

Йиғларимнинг боими назми китобим ким десун?
Ғам кўкида тутилгон нури офтобим ким десун?
Ҳам сарсари ел мисол умри шитобим ким десун?
Ул тақофулпешаға ҳоли ҳаробим ким десун?
Ҳажрида мундоқ мени кўрган азобим ким десун?

Менки ўлдим ҳам тирилдим, мунча бардош кимда бор?
Йўлчивиндек йўлда оздим, фироқида хокисор,
Тонг ҳам отур, кун ҳам ботур, мулки ўзбек менга тор,
Кундузи бир ерда бир дам олмай хобим орому қарор,
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларимда хобим ким десун?

Ким ёнурки у билан бордуур кимнинг иши,
Ичга сиғмай отилади ҳар юракнинг ташвиши,
Жонга етди айрилиқнинг Азройилдек қилмиши,
Ўз кўмочиға, масалким, тортадур кул ҳар киши,
Бас, куйиб ишқида чеккан изтиробим ким десун?

Бевафони ўхшатурлар ишқ аро бир тўтиға,
Қайси номард айланур номард кишининг мутъега,
Мен кўнмадим ҳийласига, неча ёлғон шартиға,
Куймаган бўлса бирор меҳру муҳаббат ўтиға,
Шаъмдек то субҳ ўртаб таббу тобим ким десун?

Бошим узра ёғдуур тош, меним ёмоним сўйлар,
Таъна килгай, ҳасад бирла ўлчаб бўйимга бўйлар,
Садоқатим имонимдир, айтинг, буни ким ўйлар,
Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар,
Йўлида жаноними хайру савобим ким десун?



Гунохкор күз билан күрдим бу дунё баланд-пастин,
У жонимга бало бўлди, жонимдин олар қасдин,
Ўйнатиб тақдирим отин, не тилар мен саркашдин,
Гар қилич бошимга ҳам келса дегаймен ростин,
Сўзи ҳак бўлса, саволимга жавобим ким десун?

Низомийни то окибат дунё иши қилди хеч,
Низомийни охи кўкда ўрламоқда печу печ.
Низомийни Парвардигор, мушкулотин ўзинг еч,
Дўстлар, сўрсанг гизосидин Муқимий эрта-кеч,
Кон шароб ичсам жигарлардур кабобим ким десун?

Саккизинчи кун

Нонушта пайтида тушди ёдимга,
Бир куни қалтисроқ қилганди ҳазил,
Айтсам-да, ким етар энди додимга,
Гапларин охири – тоғлар каби зил.

«Дадаси, якинроқ келинг, бир хидлай,
Кўзимга сиз карангиз тўйиб».
Кетдим. Армон бўлди. Каёқдан билай?
Термулардим ишимни кўйиб...

* * *

Энди хол сўргали битта забон йўқ.
Ахволини кўргали бир меҳрибон йўқ!

Булбулмен, сайрамоқ менинг ишимдир,
Боғим йўқ, ошён йўқ, ер йўқ, осмон йўқ.

Навбахор канидир, ёз фасли кани?
Синик рухим ичра доруломон йўқ.

Ишқимдан яралган битта кишвар бор.
Унга бир хукмрон йўқ, битта ҳоқон йўқ.

Мени англар киши кайларда бордир,
Бир шафкат килгувчи чин мусулмон йўқ.

Фамимни бўлгани, дардим айтурға,
Ёлғиз ўғлим, деган ул Отажон йўқ.

Йиғласам дастрўмол тутгувчи менга,
Оҳ, мени яратган жон Онажон йўқ.

* * *

Намозгар вақтида ўйларим толди,
Оҳиста ўлтирдим кечки овқатга.
Кай кунги гапини ёдимга солди,
Жон куши кўнмайди энди токатга.

«Хой дадаси, тунда нима ёздингиз?
Келинг, ўқиб беринг битта янги шеър».
Шошиб чикиб кетдим, ишим бор, деб тез.
Хой телба замона, энди жавоб бер.

Рубоий

Садокат бобида бир улуғ калом –
Бутун ҳаётингни айларкан эхром.
Сен унга ўзингни баҳшида қилғил,
Маъниси шу зрур – ёрга эхтиром.

Тўққизинчи кун

Ана, тонг юзларин ювди,
Ой юлдузга ниманидир дер.
Расмин кўрдим, ғафлатни қувдим,
Қоғозга тўқилди икки шеър.

Ўйнар

Сўзлаганда лабингда ҳаё ўйнар,
Сен кулганда кўзингда зиё ўйнар,
Минг товланиб юзингда ибо ўйнар,
Қаддинг кўриб ер бирла само ўйнар.

❖

Нигоҳингда менга бир ризо ўйнар,
Гар тикилсам, рухимда хаво ўйнар,
Бир куч олиб, жисмимда даво ўйнар,
Табассум кил, тилимда наво ўйнар.

Қаён кетдинг? Жонимда жазо ўйнар,
Аlam килиб шеъримда садо ўйнар,
Дуо килгум, тоату такво ўйнар,
Низомийда садокат танҳо ўйнар.

Кошинг

Бағримда ўт бино қилган камон кошинг,
Жисму боримни ёндириди ёмон кошинг.

Бу чаманда гўзаллик не, қаролмайман,
Тополмайман гар изласам жаҳон кошинг.

Энди асло роҳатим йўқ, қайдасан ёр,
Ё бахтимни каро килди чунон кошинг.

Мажнунлигим элга маълум, тавба қилмам,
Ширин жонга бир жон эди, жонон қошинг.

Ўсма экдим, япрогидан ўзим сикиб,
Кошларингга ўзим кўяй, ларзон кошинг.

Кошларингни силар эдим тун кечалар,
Энди билдим, менга экан меҳмон кошинг.

* * *

– Ҳой, ким бор, карангиз, – чақирди бирор.
Дарвоза томонга шошилдим илдам.
Тилим сўзга келмас, ё бўлдим соков,
Ҳар ёндан келибди ёронларим – жам.

Ўгитлар ёғилди баҳор селидай,
Рухимга бердилар таскин ва далда.

Юпанч ўткинчидир тоғлар елидай,
Лекин ҳажр чексиздир, ҳам туни – ялдо.

Бурчин адo этиб кетдилар улар,
Күзларида күрдим аянч ёшини.
Ахир, бўрон бўлиб келган қайғулар,
Бошимга урди-ку хижрон тошини.

Яна йиглай кетдим бағрим яралаб,
Юпанч, далдаларни шу дам унудим.
Улуғ бисотин аста саралаб,
Фузулий ғазалин кўзимга суртдим:

Хижрон ўтин ёнмоғини ғами бисёр ўландан сўр,
ЛАҲЗА-ЛАҲЗА фарёд килур, иши озор ўландан сўр,
Жон риштаси узилмоғин ҳоли афгор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташни дийдор ўландан сўр.

Қаро зулфин ҳалқасини мен кўрармен, сен сўрма,
Киприкларин ўқларига нишонадурмен, сен сўрма,
Бир оловким, яллиғланур, парвона бўла юрма,
Лабинг сирин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир вокифи асрор ўландан сўр.

Умрим елдай кечур, кўзим нури ўчур йилдан йил,
Ҳажр тоши тегди, бўлди кўнгил ойнаси чил-чил,
Суйгилим шу тупрок гули, Туron элинда дохил,
Гўзи ёшлуларинг ҳолин на билсин мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор бўландан сўр.

Ой юзингни беркит, юзларинг севдим деганлардан,
Қошинг яшир, каро кошинг севдим деганлардан,
Оёғинг узра гул сочса келтириб гар чаманлардан,
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларин жаврин чеканлардан,
Хабарсиз маstлар бедодини хушёр ўландан сўр.



Муруват не – билурмикан доғули хаёт – золим,
Унинг турфа ҳийласидан саркаш бўлди хаёлим,
Жафо ўти ичрадурмен, борми маним мисолим,
Фамингдан шаъмтак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Кезиб юрсам ерни саросар, элга келур малолим,
Қотиб қолмиш лабимда ғам, тилимда заҳар болим,
Жафо энди ўлдирур, кимни тутар меним уволим,
Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур холим,
Харобат аҳлининг аҳволини ҳуммор ўландан сўр.

Кел, эй банда, Низомийга тавоф айла сиғингил,
Гар ошиқсан, ошиқлигинг охират саховат бил,
Аллоҳ ёзмиш пешонангта, ўзингни чин Инсон кил,
Мухаббат лаззатидан бехабардир зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завки ишқи вор ўландан сўр.

Ўнинчи кун

Ажойиб туш кўрдим саҳар.
Чилдирманинг садоси таранг.
Карнай-сурнай элга солур жар,
Паранжида Ҳикматой, каранг.

Эгнида товланур оппоқ шол,
Оёғида Анжон маҳсиси.
Кавишининг косиби ҳалол,
Тановарнинг сози, яхиси.

Аравада шўх қизлар ичра
Сал эгилиб келин турибди.
«Ёр-ёр»дан гумбурлаб тун-кеча,
Бир хумо қуш кезиб юрибди.

Куёвнавкар ёнимда ҳушёр,
«Қарғалар»га роса тўполон.

Сүнг... тобутни мен кўриб колдим,
Дастасидан ушладим шу он.

Ва сесканиб уйғондим, бирок
Кулогүмда «ёр-ёр»лар колди.
Хаёлларим бўлиб тутамроқ
«Илк кечаки»ни ёдимга солди.

«Бошқасини севар экансиз?»
«Бекор гап, сўзламанг кайта».
Ха, гул бўлмас асло тикансиз –
Дейилган-ку қайси бир байтда.

Алангани отиб ёшлигим,
Бир кизчани севганман, рости.
Ишқ танимай, ул бебошлигим,
Бу дунёнинг баланду пастин.

«Бўлди, дейман, севаман Сизни»,
Тун ёришди. Эслаш кийин-да.
Худо, дедим, асрагил бизни,
Тонг уйғониб зардан кийинди.

Шундок бўлди, дўстлар, йилма-йил,
Мехру вафо кўллардан тутди.
Ва бошлади баҳтга муттасил,
О, ўпичлар муродга элтди.

Энди ундан чин вафо қолди,
Эртак қолди, достонлар қолди.
Садоқатдан илтижо қолди,
Гул кизлару ўғлонлар қолди.

Ул кетди-ю, бир садо қолди,
Яхшиликдан битта шон қолди.
Кўксим узра бир яро қолди,
Аччик, лекин рост забон қолди.

Мен ўтурман зўр армон билан,
Далда бўлиб бир бардош қолди.
Ҳар кеч йиғлаб сяр нон билан,
Ҳар кеч йиғлаб ичар ош қолди.

Дуркун давраларда йўқ энди,
Ерга тўкилган шароб қолди.
Хаёт жоми дарз кетди, синди,
Шеърим бағри кўп хуноб қолди.

Қалбни абад зўр ҳижрон эзур,
Мозорида кора тош қолди.
Эл ичинда кўп сўзлар кезур:
Тўлан Низом яккабош қолди.

Рубоий

Она ҳам отангни берма тиллога,
Ватанни алмашма икки дунёга.
Ёринг – имонингдир, дўстинг – виждонинг,
Танҳолик ярашгай факат Худога.

* * *

Дардим кўп, ёролмайман,
Тўйларга боролмайман,
Мен бошка ёр ололмайман,
Йиғламоқдан толмайман.

О, қанчалар мардана
Ўтга тушар парвона,
Сўнг меҳри қона-қона,
Жисми қолур ардана.

Булбулга қилмам ҳавас,
Унга бир гул бўлса бас.
Нағма қилур ўт нафас,
Ва лекин шоир эмас.



Яна ўн кун

Яна ўн кун ўтди, афсус, умримдан,
Ерга канча тўкилди кўз нуримдан.

Кун санайман, бор экан-да саботим,
Лочин эдим, қайрилди-я қанотим.

Давраларда махзун бўлдим, дўстларим,
Бир чеки йўқ ғамга тўлдим, дўстларим.

Жон кизларим кўзларига бокканда,
Ўғилларим сўзларига боқканда –

Аччик-аччик нола кўрдим, ўқиндим,
Шўрлик онам рухларига бекиндим.

Мозор томон борар бўлдим ҳар куни,
Севгим қабрин бўлиб қолдим мафтуни.

Даста-даста гул қўяман бошига,
Манглайимни секин босиб тошига.

Мажнун мендай бўлганмикан чин ошик,
Тилларимдан тўкилади бу қўшик:

Мени ташлаб кетдинг, ёр,
Хор-интизор этдинг, ёр.

Суйганим-суйганилигим,
Куйганим-куйганилигим.

Гуллар узиб берайми,
Тўйлар тузиб берайми.

Онтим ёзиб берайми,
Жондан безиб борайми?

❖

Суратинг менда қолди,
Қарай-қарай күз толди.

Қайнашларим йўколди,
Ҳам кийин йўлга солди.

* * *

Хуфтон бўлди кўнглимни
Илҳом билан доғладим.
Машраби девона Пир
Сўзига сўз боғладим:

Шод эдим, хурсанд эдим бир ғамгузорим бор, деб,
Аҳдига кўнгил бердим, буни катъий қарор деб,
Ўкситди охир фалак сен ошиғи хор деб,
Ҳам биёбонида қолдим, йиғладим кўп ёр деб,
Ох уриб, фарёл этиб, булбулдайин гулзор деб.

Зил-бало тақдир юкин бошима кўйди Худо,
Ва ҳажр тошини урди кўнглима еру само,
Дарду ғам бўронида танҳо қолдим, безиё,
Кечаю кундуз куярман ишқ ўтиға доимо,
Дарбадар излаб юрурман сохиби асрор деб.

Шўр пешонам номукаммал дунёни тор айлади,
Шеърим ила йиғладим, мени зор-зор айлади,
Дўсту ағёр олдида, элга ночор айлади,
Лашкари ҳам синик кўнглимни афгор айлади,
То давосиз дардга қолдим ожизи бемор деб.

Менга дерлар, қақшама, ҳасратингни ичга ют,
Кўз очиқ бўлса агар сен рухин килма унут,
Қабрига ёш тўкмагил, тупроқдан кўнглинг совут,
Гарчи осийман, эмасман раҳматингдан ноумид,
Ҳар не қилса эрки бор ул, бандаси ночор деб.

Жойинг беҳишт ародур, Низомий сендан ризо,
Суратингга термулармен, тонглари килгум дуо,

Сўзлашурмен сен билан, ёдимдасан доимо,
Маърифатлик бир эгам деб бўлма, ғофил, Машрабо,
Гарчи ғофурдирки, йўқдир меҳрибон, жаббор деб.

Йигирманчи кун

Ховлига тун чўқди, тушди коронғу,
Ҳар битта хонамга кирди зўр қайғу.
Хотинлар ҳу-хулаб тушдилар зикр,
Кўз ёшдан киприклар этади пир-пир.

Ёнур нигоҳларда хижрон кийноғи,
Тилларни киймалар айрилиқ доғи.
Қишлоққа таралди ўксиган товуш,
Хаёл оғушида тўлин ой хомуш.

Гўянида хотин йигиси

Биродарлар, ўлим ҳақдир деманглар,
Ёлғончи бу дунёдан панд еманглар,
У уммондир, гарк бўлади кеманглар,
Вой мусулмон бандаси,
Қилманг намоз кандасин.
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Дил боғламанг ҳою хавас ишига.
У оқибат жафо килур кишига,
Лаҳад ичра киши келиб хушига.
Сўнг пушаймон бўлмасин,
Қайта-қайта ўлмасин,
Вой жигарим, жигарим,
Қонга тўлди юрагим.

Онасидан туғилганда Ҳикматой,
Тенгиз эди, унда эди бор чирой,
Кўзда куёш, юзларида эди ой,
Капалакдай ўчди-я,

Бир шам каби ўчди-я,
Вой жигарим, жигарим,
Конга тўлди юрагим.

Баланд тоғлар кулаб тушсин, паст бўлсин,
Мухаббатсиз молу дунё хас бўлсин,
Бу дунё Ҳикматойдай кас бўлсин,
Қайларга учди хушим,
Оқади аклу хушим,
Вой жигарим, жигарим,
Конга тўлди юрагим.

Ёмон яшар, яхшиларга кун йўқмиш,
Оlam ичра бир бағри бутун йўқмиш,
Қаро кулга кундуз бору тун йўқмиш,
Мехнаткашим Ҳикматой,
Захматкашим Ҳикматой,
Вой жигарим, жигарим,
Конга тўлди юрагим.

Гўзалларнинг сараси-ей, гул Ойим,
Ўлим чангалига тушган гўл Ойим,
Сафар килдинг, мунча узок йўл, Ойим,
Йўлинг борса келмасдир.
Уни ҳеч ким билмасдир,
Вой жигарим, жигарим,
Конга тўлди юрагим.

Хамма йиғлар, гоҳо хуваласа бот-бот,
Қаро тун кўксига санчилур фарёд.

Хотинлар курдилар ғамли анжуман,
Дарвоза ёнида Мажнунтол ўйчан –

Шоҳларини эгди ўқсик ва ғариб,
Мунг билан ўқилди Мавлуди Шариф.

Алқисса, бошланди Яссавийхонлик,
Дунё ишларидан кўп пушаймонлик.

❖

Хувайдо, Ҳазиний бунда сўзлади,
Аёллар тўликиб роса бўзлади.

Тиник овоз билан ўқиди отин –
Сўфи Оллоёрнинг бир муножотин:

«Илоҳо, бандани соҳиб надам кил,
Сироти шаръ уза собит қадам кил.

Ҳидоят пирига топшир қўлимни,
Иноят йўлиға кенг кил йўлимни».

Хотинлар тарқади, кўз юмиб кеча,
Юлдузлар тўкилди нурларни ича.

Ҳов зангор осмонда ловуллар Чўлпон,
Сен танҳо эмассан, шоирим, дебон.

Мен эсам марҳумам ёди билан банд,
Фалак сирларини қилмайман писанд.

Дунё ҳавасига бермайин деб тан,
Оёқ-қўлларимга соламан кишан.

Кейинги кунлар

Кунлар ўтур пайдар-пай,
Изларинг қайдан топай.

Излаб қайларга чопай,
Шамол тинса, мен тинмай?

Дунё керакмас энди,
Сабрим косаси синди.

Қалбим тўфони тинди,
Дийдам дарёни шимди.

❖

Боғларда чирой йўқдир,
Тоғ устида ой йўқдир.

Оlamda ҳумой йўқдир,
Сиғарга бир жой йўқдир.

Булбулга наво қани,
Парвозга ҳаво қани.
Ул акли расо кани,
Ўйнарга жоно қани.

Созанданинг сози йўқ,
Ғунчаларнинг рози йўқ.
Бахорнинг боз-бози йўқ,
Дил йиғлар – овози йўқ.

Оқин сувга роз айтганим

Хой окин сув, анҳордаги ўйчан сув,
Куз еллари юзларингни силамиш.
Қани сенда баҳор берган чўғ кулгу,
Ҳазон барглар сенда окиб йиғламиш.

Мавжинг қани, авжинг қани, шўх эдинг,
Бешик-бешик тўлқинларинг тиндими.
Бир ўксийсан, ё бўрондан панд единг,
Орзуларинг арча эди, синдими?

Мен ҳам сендек кўп хоридим шу кунлар,
Қайнашларим, завқу шавқим йўқолди.
Бағрим куяр, лек кўринмас тугунлар,
Мени ўтга ким ташлади, ким солди?

Кел, иккимиз бирга-бирга оқайлик,
Бизни кутар хў нарида кенг боғлар.
Далаларга, водийларга бокайлик,
Олқишлисин яқинлару йироклар.

❖

Ахир, умр бир гўдакки, у хуноб,
Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди, не ажаб.
Тақдир хатин биз ўқиймиз телбатоб –
Гоҳи равон, гоҳ қийналиб, хижжалаб.

Алла

Кўзларимни элтди тош уйқу,
Киприкларим бердилар бағир.
Хаёлларим учарон оҳу,
Тушга кирди: ҳу йиллар сагир –

Етимлигим бир нола чалар,
Ёлғизликнинг тилида йиги.
Армонларим аридай талар,
Жондан ўтар отамнинг йўғи.

Қайси куни онам бечора,
Ёлғиз бошим ўксив силади.
Алла айтиб, йиғлар зор-зора,
Менга яна иқбол тилади.

«Тиник кўлга тушди ғоз,
Ўзига берур пардоз,
Чикармагил сен овоз,
Бокмагил унга киё,
Алла болам, алла-ё,
Болагинам, алла.

Тоғда каклик сайрайди,
Мурғак дилинг яйрайди,
Ширин уйку ўрайди,
Ором ол, акли расо,
Алла болам, алла-ё,
Кулунгинам, алла.

Оқшом бўлди, кеч бўлди,
Лабларинг майин кулди,

❖

Бағримга орзу тұлди,
Сени асрасин Оллох,
Алла болам, алла-ё,
Ёлғизгинам, алла.

Осмон тұла юлдузлар,
Соч тараб үйнар кизлар.
Учарда колур излар,
Сайра булбулигүё,
Алла болам, алла-ё,
Шоир бўлгин алла.

Қай кунларга колдим-а,
Ўзни ўтга солдим-а,
Йиғлай-йиғлай толдим-а,
Умрим тушмиди – рўё,
Алла болам, алла-ё,
Сен – умидим, алла.

Корадарә тўлғонди,
«Ёмон» бола уйғонди,
Она сутига конди,
Алла болам, алла-ё,
Шоввозд болам, алла.

Күш қўшилур галага,
Ел учади жалага,
Мен кетаман далага,
Ухлаб коласан танҳо,
Алла болам, алла-ё,
Ботир болам алла.

Отанг ўтди дунёдан,
Бу каромат Худодан,
Тилим куяр нидодан,
Мехринг юрагимга жо,
Алла болам, алла-ё,
Етимгинам алла-ё.



Алла айтиб тўлиқди онам,
Ўқсиб-ўқсиб йиги бошлади,
Онам билан йиғладим мен ҳам,
Дарлларини сочиб ташлади.

Ва қўзғолиб, уйғондим аста,
Ёрим алла айтур ярим тун.
(О, у эди аллага уста...)
Кеча кўксин тутмиш мунгли ун:

«Алла, кўзим, ёргуғ Юлдузим,
Манглайнингни силайман ўзим.
Бунёд ўғлим, Гулбахор қизим,
Алла-ё,
Алла...
Бек боласи, бешик боласи,
Кўзларида кумуш жоласи,
Ухлаётир тоғлар лоласи,
Алла-ё,
Алла...»

Гулдай кулди ойимим Гулшод,
Озодгинам ноладан озод,
Раъно билан боғимиз обод,
Алла-ё,
Алла...»

Вой, уйғониб кетди дадаси,
Юрагимнинг ёлғиз далдаси,
У Худонинг шоир бандаси,
Алла-ё,
Алла...»

Кулгим келди: Кўп раҳмат, – дедим,
У хўрсиниб ёшлади кўзин.
«Нега», – дедим. «Мен бола эдим
Бугун эса...» Тўхтатди сўзин.

❖

Жимлик чўқди. Кенг олам бўйлаб
Қаро туннинг хаёли кезар.
Она, дейман, пичирлаб сўйлаб,
Тўлғонганим ёрим ҳам сезар.
Йиллар кечди ширин туш мисол,
Алла тинглаб ётдим неча қур.
Алла айтиб кечалар беҳол
Йиғлатарди ёрим тушмагур.

Рубоий

Ҳой бироннинг ширин кизи, ҳайдасан,
Юлдуздасан, куёшдасан, ойдасан,
Уммонларда, дарёларда, кўлларда,
Хурлар ичра хурлар турган жойдасан.

ГУРУНГ

Умрим эртакларидан

* * *

Паноҳ эди зангор чимилдик,
Етти қават кўрпа – ўриндик.

Бора-бора кизиди сухбат,
Сўзлашурмиз навбатма-навбат.

Келинчагим ҳар сўзин тердим,
Мен ҳам унга гапириб бердим:

Сизни кўрмоқ касида сахар,
Дўстим билан айландик сафар.

Ишқингизда Кувага бордик,
Кўчалардан сизни ахтардик.

«Каркидон»га чикдик тушдан сўнг,
Лек ишимиз келмади хеч ўнг.

Фарғонага аста йўл олдик,
Боғда ўйнаб чарчадик, толдик.

Сизга ўхшаш қизни кўрмадик,
Қўконда ҳам бир кун турмадик.

Беговотга сўнг килдик жазм,
Курдик дўстнинг уйида базм.

Эртаси кун Тошкент жўнадик,
Икки кундир, унда тунадик.

Ортга қайтдик тоғ йўли билан,
Тожикистон Ашт чўли билан.

Намангандা боғда яйрадик,
Шеър ўқишидик, тилни қайрадик.

Балиқчидан Андижон ўтдик,
Ҳар сония биз сизни кутдик.

Севги келди бизни етаклаб,
Асакага, сўлим Чўнтакка.

Кун оқканда бўлиб диллар кон,
Кириб келдик кадим Шахрихон.

Оразийга таъзим айладик,
Ҳайратийни устоз сайладик.

Бўзга келдик чарчаб ва хориб,
Ишқ ўтида юзлар сарғориб.

Шундок, Сизни топа билмадик,
Учрашмадик, сафо килмадик.

Пешонамга чиқкан экансиз,
Мени излаб чиқкан экансиз.

❖

Шукр, дейман, бу экан тақдир,
Бахт шамоли эсмоқда ғир-ғир.

* * *

Үша оқшом сұхбат чүзилди,
Кула-кула ичак узилди.

Эркаланди ҳунарим хушлаб,
Оқ ёстиқка салча ёнбошлаб –

Сүзлай кетдим келинга ийиб,
У тингларди тилини тийиб.

...Отам менинг чин дәхқон зди,
Күлда доим бир кетмөн зди.

Камгап-у камтарин, күп ювош,
Ұрта бўй, кора соч, кора кош.

Аммо кўли кўп кадок зди,
Куёш каби у уйғок зди.

Ой мисоли тунда ишларди,
Бу кишлоқда ҳалол яшарди.

Кейин қаттиқ дардга чалинди,
Жон күшлари менга илинди.

– Кампир, – деди онамга тунда,
(Кулоқ солиб турғандим шунда).

Бу ўғилни тилаган здим,
Уни дея кўп заҳмат едим.

Худо берди якка ўғилни,
Энди ундан узолмам, дилни.

Неча кундир ковруламан-а,
Тутун бўлиб совруламан-а.

Бир илинжим – ёлғиз ўғлоним,
Күнгил узиб кетолмас жоним.

Мен тугадим. Сен яша, кампир,
Бу боланинг кўзлари шамшир.

Шоир бўлур балки, кўтарсан,
Шавкати-ла даврон сурарсан.

У инграницаб, сўнг жимиб қолди,
Икки опам дод-фарёд солди.

Кўркиб кетдим ўсмир ёш бола,
Кўлда китоб, ётиб узала.

Ўқир эдим тарихнинг қатин,
Бородино жанг тафсилотин.

Иннайкейин ётимлик тортдим,
Отам ишни елкамга ортдим.

Кетмон ушлаб далага чопдим,
Мехнат қилиб кўп ташвиш топдим.

Баҳор чоги чигит экардик,
Ола чикса, уруғ тикардик.

Чопиқ нима, ягана нима,
Ўз нимаю бегона нима.

Аста-секин англай бошладим,
Ғам кўрмаган кўзни ёшладим.

Қайси кундир, билмасдан бехос,
Тўрт ғўзани ўлдирганим рост.

Бригадир бошимга урди,
Партком келиб кошимда турди.

Ҳайдадилар мени колхоздан,
Кетдим, кутулдим, деб гап-сўздан.

Бир ҳафтами юрдим тентираб,
Онажоним раисдан сўраб –

Бригадага ошпаз килдилар,
Қўли ширин бола, дедилар.

Тонг сахарда ишга кетаман,
Эрталабга чой қайнатаман.

Кейин... мактаб, яна далага,
Югураман, колмай балога, –

Деб киламан тушлик учун чой,
Кечкуунга овкат ҳойнаҳой.

Унда ҳамма далада ётиб,
Чопик қилар эди тонг отиб.

Гўшт сира йўқ, пахта ёғи кам,
Дошкозонда қайнатиб ҳар дам.

Макарондан қилардим овқат,
Пашшазорда бўлиб бетокат.

Бир кун бўлди қизик ходиса,
(Хўп куласиз, ростини десам).

Қоронғуда козон қайнарди,
Сув ичида шолғом ўйнарди.

«Чолоп этди козоним бир чоғ,
Кавлаб ҳеч не топмадим дилгоҳ.

Одамларга куйиб бердим сўнг,
Кўки кирғиз қиларди дўнг-дўнг:

❖

– Ҳой одамлар, мана бу нима,
Семиз бака? Берайин кима?

Шовқин сурон, кимдир ўқчир,
Тўланбойни ушлаб бир тушир.

Мен кочардим ёқалаб тутзор,
Ёш бу кўнгил топиб бир озор.

Мен ҳайдалдим яна ишимдан,
Она хафа бу қилмишимидан.

(Келин шунда кулди қах-қахлаб,
Мен ҳам кулдим сиримни саклаб).

– Давом этинг, уйку ҳам кетди!
– Ўкийвердим, еттинчи битди.

Шеър ҳаваси, ишки-ла тўлдим,
Техникумга кирмокчи бўлдим.

Рози онам, маҳалла ахли,
Лек жezзамнинг чиқди кўп жаҳли:

– Кетса, онасин кўмиб кетсин,
Ишлаб кампир додига етсин.

Шундок яна чиқдим колхозга,
Кулок бериб кўп ўгит, сўзга.

Қилар ишим эрталаб ҳам туш,
Катта бакда чойни кайнатиш.

Бир кун чўлдан тезакни тўплаб,
Ўтин йиғиб битталаб, чўплаб.

Сўнг тўлдириб бакдаги ўчок,
Ҳам устидан куйиб кора ёк.

❖

Гугурт чакиб, ўтни ёққандим,
Мўрисидан бакка боқандим –

Бошимдаги дуррам лов этди,
Дўппим билан у куйиб кетди.

Куйди сочим, пешонам ҳам сал,
Сувга тиқдим бошни шу маҳал.

Тезак тўла копга кўл солдим,
Ш заҳоти дод-войлаб колдим.

Бир панжамни чакқанди чаён,
Чаён иши ҳамма аён.

Яна йиғлаб уйимга кетдим,
Вокеани онамга айтдим.

Шу кеч тушим бўлди ғаройиб,
Эшитинг-а, жуда ажойиб.

Кенг самода учеб кетяпман,
Еру кўкни кучиб кетяпман.

Кимдир мени суяб борадир,
Йўлларимиз юлдуз ародир.

Аста кўрдим, кўзлари ойдек,
Канот бериб учарди Ойбек.

– Ғалати туш, сиз бегуноҳсиз,
Бургут мисол ўтли нигоҳсиз, –

Деди ёрим тўлиб ўпкаси,
Жуда сирли экан ҳаммаси.

Бир саволга беринг-чи жавоб,
Қишлоғингиз номи кўп хароб.

Нечун дерлар отини «Бешкал»?
Ё хар ишни каллар килур ҳал?

Күшни қишлоқ номи «Бештентак»,
Ё атайлаб қилишар эрмак?

– Ундоқ деманг, «Бешкал» – «Бешгул»дир,
Оlam аро танилган шулдир.

– Йўқса, кимдир Бешгулнинг гули?
– Биринчиси – Муҳаммад Али.

Иккинчиси Райимберди зўр!
Учинчиси – Абдусалом ошхўр.

Тўртингиси уста Шерқўзим,
Бешинчиси – мана мен ўзим!

Қолган гаплари бари ривоят,
Бизни калсан, демоқлик уят.

«Бештентак»да эмиш беш танти,
Қаттиқ экан уларнинг онти.

Улар кимдир: таниқли Асрор,
Назирхони Бўз ичра номдор.

Яна бири заҳматкаш деҳкон,
Қайси бири машхур пахлавон.

Охиргиси донишманд олим,
Тоғдай улуғ бошида билим.

Қани бунда битта тентак йўқ,
Ё бу ҳақда бирор эртак йўқ.

– Яна борми бирор саргузашт?
Кулишайлик, кулгига бор гашт.

❖

– Бир иш бошлаб поччам бечора,
Қай асбобни излаб овора.

Кейин менга дер бўлиб пеша:
– Чорпояда колибди теша.

Олиб келинг бориб сиз тезрок...
Теша излаб кетдим мен узок.

Шолпояси далада эди,
Қайтиб келдим, у менга деди:

– Қани теша?
– Шолпояда теша йўқ, –
Дедим. Қилиб у кўзларни лўқ,
– Турибди-ку, сўрида, кўрдим...
Англай олмай бир зум ўй сурдим.
– Ҳа, тушундим, анов искоти –
Чорпоякан сўрининг оти.

Ҳеч ёдимдан чикмас чорпоя,
Адаштирган ўша шолпоя.

Роса кулдик, тонг ҳам окарди,
Боғ ортидан куёш боқарди.

Бир ой ўтди

Бир ой ўтди... билмасдан қўним,
Кимларни-да айлаб гуноҳкор.
Нола билан кечади куним,
Тунда эса яна шу такрор.

Ойга боқсам жамоли хира,
Караашма йўқ юлдузларда ҳам.
Чексизликдан кўз узмам сира.
Зангор осмон мунчалар мубҳам.

Ойбекни-да ўқийман тақрор,
Кодирийга сирим айтаман.
Фитрат каби бўлиб хокисор,
Чўлпонимга яна қайтаман.

Дўстларимдан топай деб таскин,
Қайларгадир боргим келади.
Борми мендай дунёда мискин,
Юрагимни ёргим келади.

Фарход келсин, Тоҳир ҳам келсин,
Ишк дардини ўргатур эдим.
Ханжар олиб сийнамни тилсин,
Гул ёримни тупрокка бердим.

Қора гўрда колурми, ҳайҳот,
Оқ тонгларда ўтли сийнадош.
Усиз замин бўлмасми барбод,
Усиз чиқмай кўярми куёш.

* * *

Тилла узук олиб берайми,
Марваридлар тақайними ё,
Қора сочинг ўзим тарайми,
Ўпиб-ўпиб ёқайними ё.

Тилла сирға олиб берайми,
Билакузук солайними ё.
Шириш-ширин кулгу сўрайми,
То уйқусиз колайними ё.

Истагинг не, жаҳонда борми,
Қайда бўлса, топиб келайми.
Кел, буюргил, амрингга зорман,
Ёш боладай чопиб келайми.



* * *

Дарёдай кетдинг окиб,
Учиб ўтдинг ел мисол.
Кўксимга ғамлар тоқиб,
Ёкиб кочдинг сел мисол.

Тонгдаги шабнам каби
Умр кўрдингми, санам.
Кува анорин лаби
Конларга тўлди бирар.

Шаҳрихон сойи янглиғ
Шўхликларинг эсимда.
Водийлар ойи янглиғ
Кўхликларинг эсимда.

Кетдинг бир эртак бўлиб,
Кўшик бўлиб ўтдинг ёр.
Номинг достонга тўлиб,
Чин дунёга кетдинг ёр.

Зарҳал рўмол колди-я,
Хил-хил атлас ҳам.
Ҳижрон қилич солди-я,
Тақдир азал бекарам.

Молу мулк ҳам бевафо,
Колди баҳмал кўрпалар.
Ким карап унга киё,
Эгасиз бу тухфалар.

Нима колди мен учун,
Аччик ҳижрондан бўлак.
Қайғу ўтида тутун
Чикмаган жондан бўлак.

* * *

Ҳаммасига ўзим гуноҳкор,
Киприкларинг силаб толмадим.
Кечир мени, ташлаб кетган ёр,
Умринг узок қила олмадим.

* * *

Бир ой нима, ошиб ҳам кетди,
Үртамиизда ўлим шамшири.
Хижрон юки телбалар этди,
Кор килурми гапнинг таъсири.

Шоҳимардон отага бордим,
Накшбандни айладим тавоф.
Кўзёшимни тупроқка кордим,
Ал-Бухорий бермади жавоб.

Самарқандда тушимда икков
Рақс этамиз қай бир базмда.
Одам гавжум. Ут ёнар лов-лов,
Кимлар турар бизга таъзимда.

Кимлар бизга айтар офарин,
Қарсак чалур ўзга оломон.
Сўнг йиғлатиб уларнинг барин,
Шеър ўқийман, тилларимда кон.

Кўзим очсам соғинч куйдирап,
Борлиғимни ўртар чўғли тер.
Ёлғон такдир аччик қулдирап,
Давраларда ўқимайман шеър.

Ўттиз еттинчи кун

Дуст уйида

Исмоилжон, шоир дўстим, шеърим улфати,
Ўйим ичра неки кечди – бунда очаман.
Ерга сиғмас, кўкка сиғмас бугун кулфатим,
Бедаво дард ҳамласидан қайга қочаман.

Қаранг, битта олма олиб зарҳал табоқдан,
Ҳидлагандим, ажиб, иси қилди мастилааст.
Назокатда ўзни тийдим уни тотмокдан,
Чукур хисга ботиб кетдим шу асно бир паст.

Бу оламда атиргулнинг рангпарлиги бор,
Садарайхон баргларида ухлаган шўх ел,
Бу гўзаллик бошқаларда бўлмайди такрор,
Бу хилдаги латофатни кўрмас энди эл.

Бу оламда Андижоннинг боғлари яшар,
Корадарё мавжланади, уради тўлқин.
Шоир дилин пора килган туйғулар тошар,
Ошиқларнинг қайғулари бунда олмас тин.

Бу олмада Ўзбекистон қуёши порлок,
Хур Фарғона боғонларин сўзлари жаранг.
Унда ёнур Қувадаги энг азиз тупрок,
Унда ёнур менинг қалбим, чўғлари кон ранг.

Бу олмада балоғат бор ҳам камолот бор,
Етилиби – оқи оқу қизили қизил.
У – айни ёз. У олтин куз. Қуёшдай дийдор –
Товланади, ёғдусида яширинган дил.

Унда ғазал, унда севги, унда мухаббат,
Унда бордир юракка тил баҳш этган илҳом.
Унда вафо, садоқатга айланган журъат,
Унда яшар айтилмаган энг олий қалом.

Бу олмадан севгилиминг бўйи тарагди,
Жисму борим элтиб олди ажойиб атири.
У – ок гулдан, кизил гулдан, Нурдан яралди,
Хар тарами тилларимдан тўкилган сатр.

Бу олмада мен ёримнинг пардозин сездим,
Тенгиз гўзал юзларини килдим тамоша.
Сўнг йиғладим, о, тўликиб бағримни эздим,
Юпанмайман энди ойлар ва йиллар оша.

Бу олмага қарай-қарай кўзларим тинди,
Ва ёшларим ювди уни, килди бокира.

Бу олмани мен қўйнимда сақлайман энди,
Бу олмани кўлларимдан қўймайман сира.

О дўстгинам, яхши қолинг, шеърим ошнаси,
Рухим ичра неки кечди, мен Сизга айтдим.
Босилурми хижрон дарди, юрак ташнаси,
Ҳасратларим яширай деб уйимга кетдим.

Қирқинчи кун

Қирқинчи кун билмадим ором,
Тонгга яқин туш кўрдим яна.
Дарвозаси очиқ бир эҳром,
Сахна узра ажиб тантана.

Ичкарида, хона тўрида
Ҳикматхон ўлтирас хотам.
Ташқарида боғда, сўрида –
Ота-онам, кайнам, кайнотам.

Чеккарока турибман ёлғиз,
Борлиғимни ўртамиш бир рашик.
Ҳикмат келиб чўқмокчийди тиз,
Кипригидан сачраб кетди ашк.

– Түхта, – дедим, – түхта, азизим, –
Күзларимни авайлаб артди.
Юзин ювди ёшлари тизим,
Ғамларини елкамга ортди:

- Мунча сўлиб қолибсиз?
- Андак чарчадим мен.
- Овқат еябсизми, чойингиз қалай?
- Тузук.
- Рўмолчангиз борми, жойингиз қалай?
- Бор...
- Раъно қарайптими, жуда чаққон у.
- Ёмонлик кўрмасин дунёда.
- Дам олгани бордингизми, денгизга?
- Йўк.
- Озод шўхлик килмаяптими, караб турибсизми?
- Ҳа.
- Бунёдни кийим-бошлари кир бўлмасин.
- Ҳўп.
- Опамга рўмол олиб беринг.
- Майли.
- Ўзингизга энди эҳтиёт бўлинг.
- Раҳмат.
- Нима ёзаяпсиз?
- Достон.
- Ким ҳакида?
- Сен ҳакингда. Ўлим ҳакида.
Вафо ва жафо ҳакида.

Жимлик чўкди. Иссиқ тер босди,
Энтикаман, куйдирап нафас.
Қуёш кулмиш – илҳомим дўсти,
Туриб колдим ўйланиб бирпас.

Кулоғимда йўколди садо,
Кўз олдимда сўнди оппок нур.
Бу кандай туш, кандайин рўё,
Жони дилим килди-я хузур.

❖

Тикиламан, ўйга толаман
Ул томонга қотди нигоҳим.
Юрагимни күлга оламан,
Кетди. Унга етарми охим.

Ха, англадим ёрнинг сўзидан,
Ташлаб кетган аччик фироққа.
Айрилиқнинг сўнгсиз изидан
Ғам карвони жўнар йироққа.

Яна хајср

Қизорғон кўзларим аста уқалаб.
Сахар турдим тақдиримдан ўпкалаб.
Ел мисоли етиб бордим кишлоққа,
Хастаҳол опамни ўпдим чўккалаб.

— Қалайсан, укажон, ўзингни тутгил,
Бўлар иш бўлди-я, ғамни унугтил.
Мен ҳечам ўлимдан қўркмайман, лекин
Лек... Сени яккалаб кетолмас кўнгил.

Ух, мушфик опангман, онангман, жоним,
Сен ёлғиз укамсан, бир паҳлавоним.
Бахтингга ўлмайин қолсан, пиширгум
Қозонда ошларим, тандирда ноним.

На килай мен, навбат ўтди, йиғлайман,
Тузалсан, болларинг бошин силайман.
Бора қол, укажон, кўзларингни юв,
Худодан ўзингга бардош тилайман.

Орадан икки кун ўтдими ё йўқ,
Жисм аро тўкилди ёндиргувчи чўқ.
Опам ҳам узилди, дунё бузилди,
Юракка отилди, о, иккинчи ўқ!

Тақдирнинг камчиси кўзимга тегди,
Дардкаш илҳом, яна баттар дард чекди.

❖

Күйтлар беадад рухимга жазо,
Эгилган бүйнүмни яна ҳам эгди.

Ох, яна бир бора йиғлатди дунё,
Мен кетай, қайғулар гар бўлса адо.
Ўзиям оламда кетдим қийналиб...
Ичимда йиғлайман беун, бесадо:

Вой опажон, онажоним, опам-а,
Сени излаб қаёнларга чопаман.
Ваъданг кани, нималар деган эдинг,
Қисмат шунча, Яратгандан хафаман.

ХОТИМА

P y b o i й

Юрак парчаланди, сипқордим оғу,
Қаламдан қуйилди Оғриқ ва Қайғу.
Сиз уни ўқиманг, тинглангиз узок,
Бу оддий достонмас, дардли бир Чолғу.

* * *

Умрим купи окқанда,
Кұксига дур такқанда,
Фитратим шам ёққанда –
Күзимдан уйку қочди.

Гүё осмон пасайди,
Ер қариidi, кексайди,
Такдир нима тусайди –
Кипригимдан сув қочди.

Шумшайиб колди боғлар,
Чарчади, толди тоғлар.
Якин келди йироклар,
Хуркиди, сурув қочди.

Сахроларда бүрон йўқ,
Дарёда тўполон йўқ.
Майсаларда ларзон йўқ,
Кўнгилдан ғулув кочди.

Гулларда минг ранг қани,
Кушларда оҳанг қани,
Ҳаётда жаранг қани,
Ойдан-да ёғду кочди.

Куёшмиди нурга бой,
Нимада колди чирой?
Тенгсиз эди-я...вой-вой...
Дунёдан сулув кочди.

Илҳомимни кайнатдим.
Ох, Сизни-да йиғлатдим.
Энди қандок юпатдим,
Бардошим мангу қочди.

Рубоий

Қачон бўлғайки то қиёмат-қойим,
Кўзим кўрса эди ул ботган ойим.
Ўзинг жуфт қилгансан еру осмонни,
Нечун айирасан бизни, Худойим.

О М И Н.

1992 йил,
сентябрь – декабрь.



НОН ХИДИ

Лирик қисса

Ўзбекистон ғалла мустақиллигига

БОШЛАНМА

Минг тўқкиз юз ўттизинчи йил –
Қаҳрамоним Содик туғилди.
Қиши чилласи синганди чил-чил,
Баҳор келди, ғунча тугилди.

Кундан-кунга гўдак улғайди,
Мактаб борди... Бошланди уруш...
Қишлоқни бир қўркинч чулғайди,
Оч фашизм қиласарди хуруж.

Расул ота жўнади жангга,
Содик ўғли ҳали жуда ёш...
Ҳижрон ўти ёпишиб танга
Йиғлаб қолди ёри – каламқош.

Бахри нонни тандирдан узди,
– Эркам, уйғон! Нон пишди, – деди.
Содик турди, уйқуни бузди,
Димоғига тегди нон хиди.

О, нон хиди канчалар ширин,
Ҳаёт ишқи унда мужассам.
Колмас дейман сири яширин –
Нон хидини достоним десам.

Бола эдим, онам раҳматли,
Иссик нонни узаркан доим,

❖

Дер эдилар! «Сен бўл Ҳимматли,
Баракани берар Худойим.

Нон исига тўйиб ол, бутам,
Нон хидига тўлсин бу борлик.
Элга нон бер, сахий бўл, хотам,
Бир увокнинг қисмати — зорлик».

Қандай яхши, ноннинг ҳидини
Достон қиласам, зўр қўшиқ қиласам.
Яйратолмас бир кас дидини,
Ғафлат гулин томирдан юлсам.

Қандай яхши, куйлай олсам соз,
Замонамни эта олсам шод!
Қила олсам халқимни эъзоз,
Яшар эдим бегам умрбод!

ТАШРИФ

Кун ботар тарқалди суюнчли хабар:
Ташриф буюрармиш эрта Президент.
Самода кўринди Ҳумо күш ҳайбар¹,
Ахир, узок эмас: Андижон — Тошкент.

Шаҳрихон ютида қувонч ўзгача,
Туман ҳокимининг кайфияти соз.
Балли, дер ҳар йигит, ҳар бир қизгача,
Суюмли халқига сунар экан роз.

Офтоб ҳам ёйилди далалар узра,
Буғдойзор ерларга тўкилди олтин.
Хув, зангор уфқقا боғлар чўзила —
Кўтара олмайди мевалар юкин.

Фарғона канали қирғоқларида
Сайилгоҳ, оромгоҳ яна ҳам гавжум.

¹ Ҳайбар — мустахкам. улуғвор.

Кетмон изи ўрнаб бармоқларида,
Марварид дон дея бошларлар хужум.

Оразий мозори нурланди тағин,
Хайратий ғазали ёдланди юз бор.
Олим Тошмуҳаммад кўз очган замин,
Тўхтасин Жалолов севган чаманзор —

Юртбоши кўнглини айлади равшан,
Шу асно чоллару кампирлар ҳозир.
Бу Оллоҳ буюрган обрў ҳамда шаън —
Темур сифатидек дарғага арзир.

Юртбоши ёқимли бир таъзим қилди,
Сўнgra кириб кетди ҳалқ тўлқинига.
Дилкаш мулокоти аниқ ва киска,
Ўткир туйғу кўшар қалб ёлкинига.

Дуога кўл очиб деди битта чол:
— Энди, бутун бўлсин миллатнинг нони!
Чолни эркалаб дер Юртбоши дархол:
— Аввало дон керак, ўзбекнинг дони!

Оҳиста кўзғалди машина шу дам,
Далалар кўл силкир ортиб шиддати.
Юракдан хайкирар бир шоир одам:
— Яша, эй нон юрти, дон мамлакати!

ЧЕКИНИШ

Оlamda тўрт унсур
Менга сўз айтур:

Ер деди: — Дафтарман...
Бағримга шеър ёз!

Ҳаво дер: — Каптарман,
Кўнглинг каби соз!

Сув деди: – Уйғокман
Кечаю кундуз...

Қуёш дер: – Тұлғокман...
Ёнаман сүзсиз!

Мехнат дер: – Шоирман,
Сендек мангуман,

Ҳеч ўлмас Шодликман,
Чексиз Қайғуман...

ОТА

Мен урушдан қайтдим,
Еримга интик...
Құлларим тарқ этди
Бешотар милтиқ.

Яна кетмон олиб,
Далага чопдим.
Ёшлигим ҳамрохи –
Даламни топдим.

Тупроққа тикилдим,
Еримни үпдим.
Тушлик олиб келди –
Бахрий жуфтим.

Бир бурда нон тишлиаб,
Күзга келди ёш.
Қонли жанглар аро
Бағрим эди тош.

Йиғини билмадим,
Ташландым ёвга.
Сүңг ўнта фашистни
Тутдим гаровга.

Балли, ўзбек, дея,
Олий қўмондон —
Кўксимга кадади
Энг юксак унвон.

Қон кечдим, курашдим,
Қай Ватан учун?
Ўзбекистон! — дедим,
Иймоним — бутун!

Бобомдан колган ер,
Софиндим сени.
Кирғинда ўлмадим,
Сакладинг мени.

Бахриой, эй, ишким,
Вафоли ёрим.
Ойдай уйғок куттган
Сен — интизорим!

Сен — севгим,
сен — баҳтим,
Сенсан Ватаним.
Ўлмай келғанлигим —
Сени деганим!

Бахриой йиғидан
Тиёлмас ўзин.
Шу пайт Содик келди
Чақнатиб кўзин.

Энди, ўн тўрт ёшда
Бу чайир бола.
Унга ота бўлиб
Кетганди дала.

— Яша, ўғлим, яша, —
Деди онаси. —

❖

Рўзгор ғамин еган,
Шу-да, дадаси!..

Инди маъюс бир ҳол,
Ота юзига.
Бир кафт тупроқ олиб
Суртди кўзига.

Сўнгра бу тупрокни
Манглайга босди...
Дала тилга кирди:
— Эй, замин дўсти —

Эй, заҳмат эгаси,
Мехнат ялови —
Яна қўлларингда
Замин жилови!

ХИРМОН

Пепин бўлди ва оғди кун ҳам,
Мўмик¹ бўшаб қолди лапанглаб.
Икки ҳўқиз айланар ҳар дам,
Ота ўғлин чарчоғин англаб —

Деди: — Содик, кел, ашула айт,
Биласанми, эшитай, қани?
Янчиш тугар шомда, кечки пайт,
Мана, тингла сен «Ҳўп майда»ни:

«Майда десам, хўп дейди, майда-ё, майда,
Ҳўпга кўнглим кўп дейди, майда-ё, майда.
Майда килиб бўлган сўнг, майда-ё, майда,
Пешонамдан ўп дейди, майда-ё, майда».

Кейин Содик сас берди майин,
Ота эса юз терин артди...

¹ Ёғон

❖

Бола күнгли кулди дам сайин,
Овозида кувончи ортди.

«Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда,
Колқон қулоғим қайда.
Темир туёғим қайда,
Остингдаги бошоқни
Оёғинг килсин майда.

Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда,
Сомони сенга фойда».

Арқон яна маҳкам бойланар,
Икки хўқиз гирдо-гир бетин.
Ер айланар, қуёш айланар,
Бир шаббода эсади сарин.

Ота деди: «Энди шопирай!..
Еллар элаб беради донни».
Шўх шаббода келди, ёпирай,
Аллалайди мудрок хирмонни.

НОН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бир бурда нон дея, ўлғонлар, айтинг,
Нон дея девона бўлғонлар айтинг?

Нондек мукаддас не, нондек азиз не,
Нон, нон, деб сотилғон ўғил не, киз не?

Нон дебон хўрланган кампирлар, чоллар,
Бир увок нон учун эй қадди доллар!..

Курмак нон тилларни айлаган тилим,
Кунжара чайнаган чидамли элим...

Елим ҳам егансан дарахтдан олиб...
Сен ўша! Сен ўша — бардошли, ғолиб!..

Қайда эди, қайда зогора нон ҳам,
Жүхори, маккайи кам әди-да, кам.

Қозонда атала – обиёвғондир,
Гүжаош қатиқлаб ичилса жондир.

Лек буғдой нон қайда, курмак бор озрок,
Дунёда буғдой нон нонлардан созрок.

Қай куни тугунча келтирди поччам,
Яримта буғдой нон бор экан очсам.

Тишладим, бир юмшок, майин туюлди,
Күзимдан хайратим шу он күйилди.

Бу қандай нон бўлди, кўрмаган эдим,
Буғдой нон нима деб сўрмаган эдим.

Косада қаймоқ ҳам келтирди онам,
Буғдой нон ёқарди менга жудаям.

Онам ҳам, огам ҳам емай бир бурда,
Менга термулишиб турарди шунда.

Пичирлаб сўзлади отам кўп маъюс:
– Уруғлик топсам мен экардим, афсус...

Бошга бало бўлди бу кора уруш,
Очлик, каҳатчилик, ўзгармас турмуш.

Колхозда хеч вако, йўқ бирор фойда,
Буғдойнинг уруғи йўқдир хеч жойда?

Ох, онам жовдираб юзимга бокди,
Сўнг отам қўзғалиб, пешини кокди.

БАХРИОЙ

Абдубий кишлоғи жуда ҳам қадим,
Абдурасул ота билур тарихин:
Қишлоғим ўтмишин – ёшин санадим,
Бир оз айтиб берай унинг таърифин:

Икки юз йилмикан бундан мукаддам,
Бобом ўрнаб қолган мана шу жойга.
Отам шунда ўтган, кейинрок онам,
Дил қўйиб уйландим мен Баҳриойга.

Баҳриой чолини тутади гапдан:
– Кўйсангиз ўтмишни, ҳозирни сўзланг.
Ё бугун ўриндан турдингиз чапдан,
Яхиси, Содикни уйлашни кўзланг.

– Хўп, майли, сен ҳам бир гапимни эшиш:
Кимни келин қилиб оламиш, хотин?
– Кўшни қиз Ғазнагул! Сал ўтсин ҳайит,
Тўйни бошланг, дейман очиб гап қатин.

Баҳриой тандирга тикиб бошини,
Иккита пиёзли патир узади.
Сўнг секин чимириб сузар қошини,
Иккиси тўй учун режа тузади.

Ғазина муносиб ўғлимизга хўп,
У дехкон кизидир, ош, нонни килар.
Бошок териб кайтар, иши жуда кўп,
Эчки, сигир соғар, ҳар нени билар.

Сочи узунлигин, кош-кўзин айтди,
Роса мактаб кетди Баҳриой қизни.
Ўзи келиб колди Содик шу пайти,
Она дер: – Болам-чи, уйлаймиз сизни!

¹ Шахриондаги кишлоқ.

Онажон! Майлига, Ғазинагами?
Худди ўшанга-да, айланай бутам.
Ўзим ошик бўлган гул сийнагами?
Сиз рози экансиз, не деркин отам?

Отаси, гапиринг, беринг розилик,
Ўғлингиз танлаган – ўша Ғазина.
Англадим, ижозат! Охир қозилик
Килмаса бўлгани, дейман камина.

Баҳрий ўғлига тузди дастурхон,
Чой дамлаб келтириди қувониб, шошиб.
Синдириб кўяркан бир зоғора нон,
Козонда кайнаган сут кетди тошиб.

САҲАРЛАБ

Содикжон уйғонди сахар чоғида,
Қайлиғи пайқади: далага жўнар.
Кушлар сайрай кетди ховли боғида,
Булбуллар у гулдан бу гулга қўнар.

Ой билан жўнади далага Содик,
Юлдузлар жимиirlаб кўзини олди.
Етилиб ётибди буғдойзор бўлиқ,
Сувни очмоқ учун кетмонни солди.

Этатда сув ўйнаб, эркалаб окди,
Кўм-кўк пояларни ора-оралаб.
Ўт-ўлан шабнамдан сирғалар тақди,
Шаббода силкитди сара-саралаб.

Ёришиб келарди сархуш, майин тонг,
Уфқда кўринди куёш шуъласи.
Йигитни элитди, килди ҳангу манг,
Она табиатнинг зўр ашуласи.

❖

Содикжон елкада күтариб кетмон,
Уйга қайтиб келди ишни дўндириб.
Ғазнахон супрада ясар эди нон,
Шоҳи дуррачасин бошга кўндириб.

ЧЕКИНИШ

Бахор экиб беради,
Ёз тафтида пиширап.
Куз битталаб теради,
Қиши омборга туширап.

Ер бешикка белайди,
Қуёш сочар бошдан зар.
Ел манглайн силайди,
Сув эркалар – жилвагар.

Солланади буғдойзор,
Бошоклари тилларанг.
Поя булса-да пойдор,
Юкин кўтарар аранг.

Ҳар фасл ҳам мустакил,
Билади ўз бурчини.
Галма-галу муттасил
Кўрсатади кучини.

Ҳар биттаси уч ойдан,
Ўн икки ой бир йилдир.
Аммо жилмайди жойдан
Ака-ука, сингиллар.

Йил нимаю ой нима,
Уч юз олтмиш беш кундир.
У ўтар-кетар дема,
Умри тўла мазмундир.



Бахор уруғ экади,
Ёз килади парвариш.
Куз эса қоп тикади,
Омборларга жойлар қинн.

МОМО

Хўрсиниб-хўрсиниб гапирди момо:
– «Обинон», «Гижда нон», «Нони Осиё»,
«Патир нон», «Лочира», «Нони нақшинкор»,
Ширмой нон», «Кулча нон», – кўп хиллари бор.
«Чапчап нон», «Қашқари», «Оби жимжима»,
«Уй нони», «Тўй патир», яна қай нима?
«Кўшалоқширмойи», «Ширмойи кулча»,
«Кунжутли бозор нон», номи кирқ хилча.

Седана сепилган «Кунгурали нон»,
Яна «Нони байрам», «Тафтон» ва «Турфон».

Бор «Нони заргарон» ва «Куёв ширмой»,
«Хиндуги», «Чахсаки» – меҳмонга чирой.

«Нони тароғи» ҳам «Оби яккафо»,
«Пўлодий» нонидан қолишимас асло.

«Забони гов» қолди ҳам «Нони пайванд»,
Булар бир-биридан ширинликда қанд.

Шу он садо келди: Садака? Ким бор?
Эшикда бир гадо қиласар эди зор.

– Бир тишлиам нон берсанг, ўлмасдим, болам...
Ғазнагул узатди, кўзида жола...

– Моможон, гапиринг, келмиш бир гадо...
Мунча девона кўп, ё пиrim, Худо...

Сүзин давом килди момо уф тортиб,
Эгилган каддида ташвиши ортиб:

– Зөгөра нонни ҳам енглар хавасга,
Увоқни ташламанг бўлар-бўлмасга.

Аввал керак унни яхши эламок,
Майда кўз элак соз, бўлмасин ямок.

Сув ёки сут солинг, сўнг хамиртуруш,
Етарли намакоб, момикдир хуруж.

Ёғ топсанг аъло иш, тухум сол яна,
Жиззали, гўштли нон бўлур кўрмана.

Момо сўзларини бўлиб Ғазнахон,
Келтирай, деб чиқди энди дастурхон.

Яна гапга тутди Ғазна момони,
Айтиб беринг, деди бир муаммони:

– «Нон синдириши» не, недир мазмуни?
– Буми, халқ удуми, билиб ол шуни –

Совчилар келганда кизингга бир кун,
Нонни синдираплар ҳак-тақдир учун.

Нонни синдираплар аҳду паймон, деб,
Муҳаббат занжири, пок бир виждон, деб.

Қондошлиқ, кудалик нон синдиришдан,
Нондан сўнг эгнига шол индиришдан –

Бошланур зўр ҳаёт, янги бир турмуш,
Шундан-да остона тилло ё кумуш!..

Болам-чи, нон улуғ, Куръондек азиз,
Иймон деб асрایмиз шунинг учун биз.

❖

Гўдагинг бешикка белаганинг он,
Ёстиғин остига қўйгил битта нон.

Эринг ҳам далага кетар чоғида,
Ҳа, бўлсин иккита нон белбоғида.

Шифтга бок, тишланган хув патирни кур,
Аскарим ризки бор, бу маъно ҳам зўр.

Оллоҳ ярлаколса бир кун қайтади,
Шу кемтиқ патир нон қўшиқ айтади.

Юрагим тугади қайғу ҳам зордан,
Боламни сўрайман Парвардигордан.

Билмам, қолди экан, қанча йил, ойим,
Берган омонатин олса Худойим...

Хой, келин, хамиринг кўпгандир, энди?
Момонинг овози нон каби синди.

ОВУЛ БУВО АРЗИ

Абдубийдан чикқан ҳар киши,
Кумқайрокқа албат ўтади.
Жунтепада битганда иши,
Шерқўргонга бориб етади.

Коракалпок, Олимбек, Ҳовос,
Жуда қадим-қадим қишлоқлар.
Олтинқўргон, Ўрмонбек холос –
Кўқон хони курган тошлоқлар.

Моҳларойим шухрати мисол
Кейин пайдо бўлган Шаҳрихон.
Факат бунда ўсар эди тол,
То чикқунча Расулдай боғбон.

Корадарё кирғокларида
Чұмолидай турмуш кечирдик.
Бүрітепа қумлоқларида
Хар экинга меҳр ичирдик.

Йиллар кечди. Абдубий яшнаб
Боғ-роғларга бурканди, мана.
Далаларда йилқилар кишинаб,
Оғилларга түлди күй, тана.

Мамат¹ раис мехнати улуғ,
Шижаатли бир деҳкон эди.
Ахмад² билар эди йўл-йўрик,
У Одилга³ бир куни деди:

– Ер тилини биласанми сен,
Мен англайман, минг тилда сўзлар.
Раис, шуни қиласанми сен,
Агар қилсанг, кипчоқлар, юзлар⁴ –

Сени бошга кўтарса керак,
Зовур кавла, ер захини ол.
Уватларга эккин тут, терак,
Хар майдонга ўғит сол, гўнг сол.

Ҳашаротдан асрамоқ учун
Исо⁵ керак – олтингугуртдан.
Пахта! Пахта! – дейсанлар ҳар кун,
Сув кўйгин-да аввал чигитдан.

Овул буво колди ўйланиб,
Кўз олдида ўтмиш ва кечмиш.
Ғудранади недир сўйланиб –
Қачон ўнгланади қинғир иш.

^{1,2,3} Шаҳрихонлик собиқ раислар.

⁴ Уруғларнинг номи.

⁵ Исо – олтингугурт аралашмаси.

❖

Пахта! Пахта! Дон, ғалла қани?
Нон емасми ёки бу ўзбек.
Кўзимга кўринсин ўша манмани!
Билмам, қачон яшармиз ўздек.

Шўр ювмасанг очилмайди ер,
Зое ўтар дехконнинг умри.
Аёл раис, қани, нима дер,
Бир сўз десин қаҳрамон Кумри¹.

ҚУМРИ:

— Овул буво ҳак гапни деди,
Мехнат экан баҳтнинг дояси.
Ер шўрланди, тупрокни еди,
Яхоб бермай кўйдик боиси.

Пахта босиб кетди ҳар ёкни,
Дон экишга йўқдир ижозат.
Кесак ғажир икки оёкни,
Эгатларда синади комат.

Ҳар кун уч юз килолаб тердим,
Сўнгра раис бўлиб сайландим.
Бир чаноққа жонимни бердим,
Бир чигит деб қулга айландим.

Яхши билур арзу холимни
Бутун колхоз ва ҳар битта жон.
Фақат пахта деган золимни
Қарғаб тамом бўлди киз, жувон.

Мана, Шодмон², — тутинган синглим,
Боғим ичра етилган ниҳол!

¹ Кумрихон Рустамов — меҳнат қаҳрамони.

² Шодмоной Мирзаева — жамоа хужалиги раисаси эли.

❖

Пахтатерар, Ватаним, элим –
Халким, дея гул комати дол.

Шу он сўзга қўшилди Шодмон,
Мехнат қизи бўлган Шодмоной:
– Опа, энди биз экамиз дон,
Майдонларда гуркирар буғдой.

– Тўхта, синглим, Шодмонжон, тўхта,
Кайдан топдинг бу яхши гапни?
– Биргат¹ тайёр – жуда ҳам пухта,
Ишда англар ўнгни ҳам чапни.

– Соз бўлибди, шу эди мурод,
Халк тўк бўлса давлат буюқдир.
Табласида турса чопкир от,
Чавандози шунда суюқдир.

– Ким экан у баҳти мукаммал?
– Содик ака, хў, Содик полвон!
– Қайси Содик, тушунтиранг сал?
– Уни танир бутун Шаҳриҳон.

– Опажоним, биласиз ҳўпам,
Абдурасул бобонинг ўғли.
– Шодмон ўлгур, сайрама кўпам,
Аммо синглим, бўлибди тўғри!

УЧРАШУВ

Юртбоши келганда хушчакчак, шодон
Катта ер ичидан чиқди Содикжон.
– Ҳорманг, Содик полвон, ишингиз қалай?
– Раҳмат, Ислом ака, ишладик талай!
– Ер канча? Қандай нав? Бор неча киши?
– Үн дала, янги нав, ўн одам иши!

¹ Бригалир демокчи.

-
- 
- Мўлжал? Мажбурият? Айтинг муддатни.
 - Ҳосил мўл! Ният кўп! Беринг фурсатни.
 - Кўп донни сиз олинг Ўзбекистонда!
 - Файратим яшайди қайнаган конда!
 - Хўп, Абдурасулов, кани қўл беринг!
 - Фотиха беринг Сиз, менга йўл беринг!
 - Сиз каби дехконлар – мамлакат кўрки!
 - Улуғ йўлбошчимиз бошимиз бўрки!
 - Мана бу соатни сизга атадим!
 - Йўлбошчим, ўзингиз кучим, мададим!
 - Бу кичик тухфамиз ҳурматимииздан!
 - Бошим кўкка етди ҳимматингиздан!

ЧЕКИНИШ

Кунлар зое кетмасин,
Ҳар он бекор ўтмасин.
Аттанг пайти етмасин,
Faflatни кув, эй Одам!

Бир назар сол орtingга,
Нима қилдинг юрtingга,
Эришдингми шартингга,
Фурсатни кув, эй Одам!

Ўйнадинг ҳамда кулдинг,
Шамоллар каби елдинг,
Бахting гулини юлдинг,
Иллатни кув, эй Одам!

Ҳеч бормаган жойинг йўқ,
Минадиган тойинг йўқ.
Севадиган ойинг йўқ,
Ишратни кув, эй Одам!

Қайтмадинг тўзон йўлдан,
Чиқмадинг кўлмак, кўлдан.

❖

Омадни бердинг кўлдан,
Фийбатни кув, эй Одам!

Энди замон ўзгарди,
Рухият-ку тозарди.
Иймонга сол назарди,
Шиддатни кув, эй Одам!

Мехрингни бер Оллоҳга.
Мухаммад соллаллоҳга,
Садоқатни подшоҳга,
Зулматни кув, эй Одам!

То тириксан – хушёр торт,
Халқ юкин елкангга орт,
Тўлан Низомдай кушод,
Миннатни кув, эй Одам!

ТАЛАФОТ

I

Хуфтон эди. Бирдан шамол кўзғалди.
Ҳаво айниб бузилди чексиз фалак.
Ой йўколди, милён юлдуз йўколди,
Чакмок чакиб ўкирди зўр гулдирак.

Содик туриб даласига югурди,
Сел қуюлди, сўнгра тушди ширғоқ дўл.
Совук қуюн бураб келди, қутурди,
Буғдойзор чайқалди бамисоли кўл.

Нихоллар белидан кесилди чўрт-чўрт,
Эгатлар тўлғанди бўтана сувдан.
Пишмаган бошоклар бўлар экан мўрт,
Булутлар йиғлади туриб уйкудан.

Содик қотиб колди тикка, серрайиб,
Уст-боши шалаббо, кетмон – суянчик.

◦◦◦

Ялангбош, ялангтүш, турар мунғайиб,
Талафот жисмига солгандек санчик.

2

Буғдой илдизидан унди бачкилар,
Күчат калинлиги қопланди чандон.
Қай күн бўшаб кетиб мол, кўй, эчкилар
Етилган майдонни айлади пайҳон.

Яна кўп пушаймон, яна минг аттанг,
Содикжон меҳнати чикди чиппакка.
Буғдой майсалари сўлди, ҳоли танг,
Айрим туп поялар ўхшар чұпакка.

3

Буғдойзор майдони тирилди кайта,
Яшнади нихоллар, бўлик бошоклар.
Сўнг олаканотлар ёпирилди эрта,
Айёру шум кушлар, патли олчоқлар.

Бир томон ҳашарот, бир томон ҳайвон —
Мўл ҳосил олмокка туғдирди шубҳа.
Дунёда кўп экан яхшига зиён,
Тақдир нималарни этмаскан тухфа?!

Содик иш бошлади, жўш урди меҳри,
Ишонч ва тажриба мағрур айлади.
Буғдой далаларин товланди сехри,
Ҳар бир туп тўлишди, ҳар туп чайлади.

Яхшиям умид бор, соглом тилак бор,
Меҳнат бор, ҳайрат бор — гуллайди олам.
Хирмонлар бошида Ватан баркарор,
Оллоҳ агадийдир, мангудир баҳт ҳам!



ҮРИМ

Күёш тикка келиб түхтади,
Ярақлайди чүғдай комбайн.
Амрикони кимдир мактади,
Бункер түлар дам ўтган сайин.

Содик күнгли ҳаводай очик,
Қайга сиғсин нукра-нукра дон.
Яктагининг тугмаси ечиқ,
Қафасига сира сиғмас жон.

Такрорлайди ота дуосин:
Ўғлим, уйинг буғдойга тўлсин!
Эсда сақлар она нидосин:
Тупрок тутсанг у олтин бўлсин!

Дала йўлда кўринди бехос,
Икки-учта енгил машина.
Кўнгилларни элтди эхтирос,
Юракларда ўчмас наъшида.

– Хизр келди! Хизр, – деди битта чол,
Пайдо бўлди азиз Юртбоши.
Комбайнни у минди хушҳол,
Техниканинг экан сирдоши.

Ўрим кизир, кизир тобора,
Бу йил дон кўп, бу йил ҳосил мўл!
Кўкда қуёш чалур ногора:
Баланд келур, баланд келур кўл!

ЧЕКИНИШ

Қай, ўзбегим, ўзбегим,
Назари тўқ ўзбегим.
Нонини бирор еса,
Парвоси йўқ ўзбегим.

Ўзи емай едирган,
Хар кимни ҳам кийдирган.
Босиб келган ёвани
Мехнат килиб ийдирган.

Бугдой эк, сўзим англаб,
Ўз ерингга, далангга.
Замин нидосин тинглаб,
Бўғзимда ўт, аланга.

Қай, ўзбегим, ўзбегим,
Сувинг – аждод конидир.
Шу каро тупроқ эса
Дехконларинг жонидир.

Сен Шоахмад отасан,
Мунис Мехри опасан.
Хар етимга бергали
Ҳамиша нон топасан.

Дунёда ўлмас номсан,
Навоийча каломсан.
«Сен етим эмас» деган –
Шоир Faafur Fуломсан.

Сен ҳамиша бойдексан,
Кўкда тўлин ойдексан.
Икки кўзи чақнаган –
Зўр истеъдод – Ойбексан!

Сен бобомсан – баркамол,
Бузургворим – Низом чол.

❖

Сен күёш хирмонисан,
Нонинг ҳалолдан ҳалол.

Тандирда нон, қозон мой,
Дастурхонда гул чирой.
Тонгларда хамир корган –
Сен онамсан – Ўғилой.

Дон келар, деб сўйлама,
Чет давлатни ўйлама.
Сандигингни кулфлаб кўй,
Сен ўзгача бўйлама.

Қай, ўзбегим, ўзбегим,
Ўзлигингни билсанг-чи?
Аждодларинг ким эди,
Килганини килсанг-чи?!

КАРВОН

Олтин дон карвон-карвон,
Ҳар жойда бор тегирмон.
Омборларинг лиммо-лим,
Мустақил Ўзбекистон!

Тегирмон тош айланур,
Хампага дон жойланур.
Дам ўтмасдан ун тўла,
Коплар оғзи бойланур.

Содикжонлар яшасин,
Ёзласин ҳам кишиласин.
Момик кўптирма нонлар
Элимизни хушласин.

Уйи нонга тўлганлар,
Бой, бадавлат бўлганлар,

Хотирдан ҳеч чикмасин,
Йўқчиликдан ўлганлар.

Ай, Туркистон, Туронлар,
Бўлмасин ҳеч гумонлар.
Ерли Ўзбекистонлар,
Сувли Кирғизистонлар!

Ўтаберсин карвонлар,
Тугамасин хирмонлар.
Байроқлар ҳилпирасин,
Кўриб қўйсин замонлар!

ҚУВОНЧ

Кечки пайт. Радио карнайи ларzon,
Falла бўйлаб чиқди меҳнат якуни:
Абдурасул ўғли деҳкон Содикжон –
Меҳнат Каҳрамони!! Эшидти шуни –

Ташкари отилди, одамлар тўп-тўп,
Ҳаяжон ичида бутун бир кишлок.
Бутун туман халқи севинарди кўп,
Сим қоқди вилоят хокими шу чок.

Содикжон илк бора кўзга ёш олди,
Илк бора тақдирдан кувониб кетди.
Йиглади, лек ўзин билмасга солди,
Меҳнатдан у шундоқ ниятга етди.

Минг шукр, минг шукр, деёлди факат,
Отаси рухига қилди тиловат.
Роҳат бор экан-ку ким килса меҳнат,
Шу-да Мустакиллик берган саодат!

Тун бўйи уйку йўқ, олқиши ва табрик,
Сўнгги бор қичкирди бакалок хўроз.

❖

Содикжон кетмонни кўтариб тетик,
Даласи бошига етганда бир оз –

Тўхтаб қолди, уфкка кадаб кўзини,
Унга тутган эди куёш гулдаста.
Бир енгил ҳис этиб шу он ўзини,
Мукаддас заминни ўпарди аста.

НИХОЯ

Чайкалур буғдойзор,
Шовуллайди дон.
Кўкда куёш кулар,
Юксалар хирмон.

Кулча юлдуз бўлиб,
Ял-ял ёнади.
Патир жамолидан
Ой ҳам тонади.

Пўрсилдок нон пишди,
Косов куяди.
Ғазнани эркалаб
Содик суяди:

– Онаси, хамиша
Юзларинг шодон.
Табассуминг асил,
Тилларинг бийрон.

– Дадаси, чой ичинг,
Мана, гўштсомса.
– Э, яша, хотинжон,
– Мехринг, шу томса!!

– Рост-да, сиз бердингиз
Унни, дадаси.
Шу-да, шу-да ахир,
Эрнинг ваъдаси!

❖

Сукунат юз берди,
Содик бир даъфа –
Охиста қўзғалиб
Отди қах-қаҳа:

– Сен, хотин, суюклим,
Уйинг тұла дон.
Химматинг кенг, гүё
Сен – Ўзбекистон.

– Дадаси, қўксингиз –
Бир олтин юлдуз!
Мудом ёниб турар –
Кечаю кундуз!

Сухбат чўзилади,
Адоги йўқ ҳеч.
Аланга пуркайди
Тандир эрта-кеч...

* * *

Далалар ҳансирап,
Яна ҳосил мўл!
Назар сол, сен тикил,
Тушиб колса йўл.

Чайқалур буғдойзор,
Шовуллайди дон.
Кўкда қўёш порлар,
Юксалар хирмон!

Кучланур водийлар,
Ҳар кишлоқ яшил.
Дехкон куни туккан,
Озод ҳар кўнгил.

Истиқлол мангудир,
Ватан мустаҳкам!

❖

Миллат ишилаётир –
Яқдил, жамулжам!

Наслу насаб тоза,
Юз – буғдой рангли.
Фидойи зўр авлод –
Алпомиш янглиғ.

Оlamни боғлайдир
Пахта толаси.
Такдир супрасида
Зўр зуволаси!

Ҳамиша ёзиқлик
Улуғ дастурхон.
– Салом, узбек, дея
Аrimas меҳмон.

Ҳар дилда ҳилпирад
Эрклиқ байроғи.
Амир Темур ёккан
Ўзлик чироги!

Йўлбошчи мардона,
Давлат бой, буюк.
Унинг елкасида
Энг муқаддас юк!

Имон бут, нон бутун!
Кўз тегмасин, кўз.
Хиссам шу. Ўқувчим,
Энди сенга сўз!

1998 йил.



ХИКМАТ ДИЁРИ

Саёхатнома

*Қарши шаҳрининг
2700 йиллигига*

Мукимийнинг саёҳати –
Каро кунларнинг ҳаёти,
Охир хориб ўлди оти...
Дунё ўзи айёр экан.

Ватандан мосуво бўлмок,
Юракларига кон тўлмок,
Мусофир ерларда ўлмок
Фурқатийга озор экан.

Махмурнинг ул «Хапалаги» –
Ҳақсизликка шапалоғи,
Учди золим капалаги,
Дардга дармон ашъор экан.

Ул шоирлар айтдилар-да,
Айтиб-айтиб битдилар-да,
Битиб йиғлаб кетдилар-да...
«Чарх анга кажрафтор экан».

Мен ўзгача достон килдим,
Элни омон-омон билдим,
Фарки – икки замон килдим,
«Гах сайр ҳам даркор экан».

I

Йўлга чиқдим Андижондан,
Утиб келдим Ёзёвондан,

❖

Каттақүрғон ҳам Күкондан,
Тоғ устида олдим нафас,
Камчик сойга килдим хавас!

Узун йўллар тахти равон,
Гулга тўлмиш қадим довон,
Ором олур ҳар ўтар жон,
Туннели бор ер остида,
Эрам боғи қир устида.

Ҳар бекатда тўхтаб ўтдим,
Ангренга тушда етдим,
Оҳангарон сари кетдим,
«Роҳат» кўли тўлқин солди,
Улуғ пойтахт кутиб олди.

Саҳар туриб мен жўнадим,
Самарқандда бир тунадим,
Лол айлади шаҳри қадим,
Тавоф қилдим ўпиб тупрок,
Юриб кетдим яна узок...

Қайдасан деб Кашқадарё,
Эй кучоги ёғду, зиё,
Эй бошига кўнган Ҳумо,
Сенга таъзим айлаб келдим,
Ўзни бир дўст сайлаб келдим!

II

Китоб деган туман бор экан,
Оқшом юлдуз, ойга ёр экан,
Чойхонаси «Мингчинор» экан,
Арчазору ёнғокзорни кўр;
Кавказдан зўр, Кримдан ҳам зўр!

Дил уйғотди «Қайнар» булоғи,
Созга тўлди шоир кулоғи,
Дўмбиранинг йўқдир адoғи,

❖

Бунда ҳар кас экан зўр бахши,
Достон айтур яхшидан яхши!

Қашкадарё буралиб окар,
Оқдарёга Боботоғ боқар,
Кирда лола аланга ёғар!
Харсангларнинг тагида чашма,
Бунда ёркин нозу қарашма.

Ёнбағирлар кўм-кўк майсазор,
Тўкин-тўкин боғлар ҳам бисёр,
Хил-хил кишиш, узум ва анор,
Бехи хиди яйратар дилни,
Тош олмаси кутади йилни.

Дилдан ният қилдим эрталаб,
Пайдо бўлди рухимда талаб,
Ўз қалбимга ўзим ўт қалаб,
Башир ота қабрин зиёрат
Айлаганда тўлиқдим ғоят...

Тандир янглиғ қизиди офтоб,
Сояларда яхна сув сероб,
Турли шарбат бунда экан боп,
Хўплаб ичдим, роса ҳам кондим,
Обижаннат экан, ишондим!

III

Шахрисабз – ям-яшил маскан,
Гавҳарой¹лар шу жойда ўсган,
Гул шохларин саралаб кесган,
Тилларига кўнибди булбул,
Дона-дона сўзлайди нукул:

– Хуш келдингиз, марҳабо, меҳмон,
Мана, очик барҳаво майдон,

¹ – экскурсовод қиз.



Темур бобом ҳайкалида жон,
Гүё сизни англаб турибди,
Қани сўзланг, тинглаб турибди?!

Жисмим аро бошланди титрок,
Рухим ичра порлади чирок,
Юрагимда ёнди иштиёқ,
Қарай-қарай толди кўзларим,
Ич-ичимдан келди сўзларим:

– Улуғ келбат, азиз маҳобат,
Тенгсиз мардлик, ўчмас жасорат,
Унда ишонч, энг олий ҳиммат!
У эртани кўриб турибди,
Бизни унга буриб турибди!

Кейин ўтдим Оқсарой томон,
Ай, пасайди юксак бу осмон...
Пештоқларга термулдим ҳайрон...
Ғиштларига кўйдим юзимни,
Бир дам енгил кўрдим ўзимни...

Мақбаранинг том айвонида,
Ҳазрат Кулол ўнг томонида –
Тарағай чол қабри ёнида,
Ўйга ботдим, имон келтирдим,
Чўккаладим, секин ўлтиридим:

Мен титкилаб тарих қатини,
Кўрдим Аллоҳ мұхаббатини:
Доно Кулол унинг отини
Темур дея кўйган экан, о!..
Сизга ўғил берганда Худо!

Сўнг йўлакда турган қари чол,
Хузурига бордим мен дарҳол,
Кўл узатди ота ҳам хушхол,
Юз йигирма ёшида экан,
Бу ер элин бошида экан!

Майин елда ўйнар соколи,
Узун бўйли, йигит мисоли,
Хизр сифат эди тимсоли,
Юзларидан тўкилур зиё,
Кўлни очиб килди кўп дуо.

Сўнгра секин кўйиб кадамни,
Ичга ютиб ғамни, аламни,
Ўйлантириб канча одамни,
Кирдим тегиб дил ярасига.
Жаҳонгирнинг макбарасига.

Елкаларим эзиб оғир юк,
Бор вужудим гўёки куюк,
Юракларим чарх уриб дук-дук.
Тушдим Темур хилхонасига,
Бошим кўйиб остонасига...

Улугбекнинг жомъе биноси –
Авлодларнинг тирик дунёси,
Эшитилди улар нидоси,
Абдулатиф тушиб эсимга
Окпадар! – деб қайтдим терсимга.

Анча юрдим пою пиёда,
Гўё бошлаб кетди шаббода.
Бир донғил йўл чиқди зиёда,
Одимларим кўчади енгил,
Борган сари очилур кўнгил.

Ҳамроҳ бўлди битта нотаниш,
Унга дедим: бу йўл оройиш!
Жавоб қилди ҳазилманд донини:
– Ҳа, дунёда йўл кўп, биродар,
– Канака йўл, айтинг бир қадар?

«Катта йўл» бор ва «Кичик йўл» бор,
«Темир йўл»-у, «Тош йўли» бисёр,

❖

«Ёлғиз оёқ», «Сўқмок» ҳам озор
Ва «Боткок йўл», «Чанг йўл» кўп жуда.
«Лой йўли»дан ўтманг бехуда.

«Дарё йўли», «Сув йўли» мавжуд,
«Ишқ йўли»да ўртанур вужуд.
«Душман йўли» мудом бемавруд...
«Тоғ йўли» ҳам мушкулдир азал,
«Боғ йўли»да туғилур ғазал.

«Дала йўли» очик, барҳаво,
«Жала йўли» хавфли доимо,
«Тўғри йўл»га бошлиди вафо.
«Эгри йўл»дан сакласин Аллоҳ,
«Дўст йўли»дир килгувчи огоҳ.

«Ҳаво йўли» бепоён ва соз,
«Сомон йўли» самога пардоз,
«Шамол йўли» шайтоний, боз-боз,
Мана, бу йўл, Сиз юрган йўл-чи,
Йўловчининг ошиғи олчи!

Жуда қадим Шахрисабз – Китоб
Аро ўтган йўл узра офтоб.
– Нечун! – дедим мен унга шу тоб.
Деди: шундан ўтган то Машҳад,
Навоий ҳам бир неча муддат.

Шул боиски, бу йўл табарруқ,
Ҳар ўлчами суюқдан суюқ,
Бунда қолган излари буюқ –
Улуғ шоир бобомизнинг, ха,
Бу йўл нажот, бу йўл фалсафа.

Бундан ўтган Али Қушчи ҳам,
Кўк тоғига термулиб ҳар дам,
Юлдузларни айлаб мукаррам,
Улуғбекни дилига жойлаб,
Кезиб юрган йиллаб ва ойлаб.



Насафийлар улғайган йўл бу,
Авлодларга ёдгордири мангу.
Жўра Турсун, Сойиб Усмон-ку,
Зайниневга айтган неча бор,
Буни атаб сўнмас ифтихор!

Сухбатимиз бўлгандадо,
Кулоғимга келди зўр садо.
– Бу нимадир? – Бу поезд ошно,
Тошгузардан Дехқонободга –
Бойсун – Термиз, нари Ҳиротга!

Дуч келибман дўст сарасига,
Етаклади боғ орасига
Ва «Сувтушар» шаршарасига,
Турфа кушлар сайради бот-бот,
Бунда бисёр меҳру илтифот.

IV

Чошгоҳ эди. Кетдим Ғузорга,
Қоратикан – қиплок, гузарга,
Тохир-Зухро ётган мозорга...
Жигаримдан кон томчилади,
Жафо мени хўп камчилади...

Хиёбонга кирдим охиста,
Ҳаяжонда, оловли хисда,
Кўл юзида тўлғонур пастда
Тохир ётган чинорий сандик,
Ичи тўла айрилик андух...

Боғ четида, супа устида,
Икки қизил гулнинг касдида,
Бир қаро гул наштар дастида,
Ошиқ-маъшук ўртасини ул
Тўсиб турагашкай алаб нукул...



Нари ўтдим. Мухташам айвон.
Икки қабр турар ёнма-ён:
Бири Тохир, бири Зухрохон...
Ва оҳиста қилдим тиловот,
Бор вужудим титраб аломат.

Яна юрдим гулзор оралаб,
Шум ракибни қарғаб, қоралаб,
Райхон уздим. Дедим: «Бу матлаб!
Кутлуғ боғнинг ижодкорига,
Кўнгил мулкин халоскорига!»

Кўз олдимда юксак дарвоза,
Маҳобатли, ажиб андоза.
Мармар тошга қўйилмиш ёза:
«Пок севгида қасида бу боғ,
Ишқ эртаги бўлмайди адoғ...»

Дедим: энди севги ўлмайди,
Вафо гули асло сўлмайди,
Дил ёрмасам сира бўлмайди,
«Аллоҳ мени хижронга отган,
О, бағримга бир тикан ботган?..

Гўё тилга кириб бу қишлоқ,
Ҳаёлимни банд қилди мутлок,
Чиройига сукланиб узок,
Сўз ташладим билай деб шу тоб,
Қоратикан айлади жавоб:

Қоратикан, Қоратикан,
Нечун номинг кора экан?

– Менинг номим Қоратикан,
Тиканларим сара тикан...

– Боиси не Қоратикан,
Ёки бағринг яра экан?

-
- Менинг номим Қоратикан,
Аён билур ул Яратган...
- Кел айтиб бер, Қоратикан,
Чора қылсам зора тикан!..
- Менинг номим Қоратикан,
Бир дардим бор, у қаритган?
- У нима, айт Қоратикан,
Ё, уруғинг кора экан?
- Менинг номим Қоратикан,
Ишк ўтида ёниб кетган.
- Кимнинг ишки Қоратикан,
Тохир, Зухра кон йиғлатган...
- Кел шивирла Қоратикан,
Кора Ботир ўғлингмикан?..
- Менинг номим Қоратикан,
Кора Ботир жафо этган...
- Кўй сўйлама, Қоратикан,
Кора бўлган тақдир экан...
- Менинг номим Қоратикан,
Куёш ёғду мўл таратган.
- Сен ўксинма Қоратикан,
Демак олов таъсир этган.
- Менинг номим Қоратикан,
Бугун севги эркка етган!
- Қоратикан, Қоратикан,
Нечун номинг кора экан?..

Кўзёшимни кўпга билдирамай,
Кўнгилсизга ўзни кулдирамай,
Ошиғлигим аён килдирамай
Кенг далалар қўйнига чопдим,
Ер бошида деҳқонни топдим.

Ҳозир бўлди катта хоким ҳам,
Сўзлаб берди ишидан бир дам:
Бунда бари меҳнаткаш одам!
Пахтаси ҳам дони мўл экан,
Ғузорликлар баланд қўл экан.

Кун ботишга юрди машина,
«Нексия»га йўл босиш нима,
Кенглик уммон, у эса кема,
Уфқ томон борамиз сузиб,
Шаббодалар ипагин узиб!..

Асфальт силлиқ, йўллар текис, соз,
Ҳар кишлоқда хурлиқдан парвоз,
Боғлар тўкин, боғбони эъзоз,
Яйловларда элнинг подаси,
Кўкда ўйнар кушлар тўдаси.

Ой кизларнинг чехрасида нур,
Йигитларда савлат ва ғуур,
Кексаларда иймон ҳам шукр,
Туркий элим аслияти бу!
Миллатимнинг кайфияти бу!

Шу он шоир сўзин эшилдим,
Кулогимга келди овоз.
Уни секин коғозга битдим,
Тақдиридан у эди рози:

«Қашқадарё менинг юрагим,
Киндик коним шунда тўкилди.
Ўз юртимсиз, нечун керагим,
Илк шеърим ҳам шунда туғилди.

❖

Отам жисми мана шу тупрок,
Онам хоки шунда мукаддас.
Шул сабабдан эмасман мудрок,
Ҳар айтганим хақ, ёлғон эмас!

Шул сабабдан хаётим шами,
Икки шахсга суюниб қолдим.
Улуг Темур рухим малҳами,
Юртбошимиз кўлинни олдим!

Кимки, юртим шарафлай олса,
Ва ҳалқимни кўтарса бошга.
То умрбод иймонда колса,
Юз бураман ўша куёшга!»

V

Дехконобод йўлидан
Ўтганда Юртбошимиз,
Елкасига бош кўяр
Фалакда қуёшимиз.

Баҳористон йўлида,
Оппок пахта хирмонлар.
Байрок тутиб ўтади,
Турна қатор карвонлар!

Майманакнинг йўлида
Гул ўсади ранг-баранг.
Севги йўлинни топган,
Келин-куёвга қарант!

Узун, текис йўлларни
Йўлбошчимиз кашф этган!
Амир Темур юргига
Мангу хаёт бахш этган!



Мустақиллик йўлидан
Юринг, дўстлар борайлик –
Чаккамизга гул тақар,
Қашқадарё чиройлик!

VI

Салобат тўқадир кўкка бўй чўзиб,
«Шўртганнефтгаз»нинг вишкаси.
Олов ҳалқа занжирин узиб
Тарқалса, уланур яна бошқаси.

Буюк иншоотнинг салмоғини кўр,
Мамлакат белига боғланган камар.
Эртани яратган ҳалқ қалбида кўр,
Жаҳоний зафардан ҳар дам хушхабар.

Тушдан сўнг отландим Толлимаржонга,
Муаззам ГРЭС ёнида турдим.
Муқаддам келганман бу биёбонга,
Қайтмас ўшлигимни эслаб ўй сурдим.

Ўшанда чўлларга бошладик ҳужум,
Ишладик сиғмасдан еру самога.
Кўкни қоплаганда шамол ила кум,
Амудан сув олдик асрий сахрого!

Ёдимга тушганда, айтаман ҳар гал,
Нега ўйламадик кекса Оролни?!
Истиқлол аклни берди мукаммал,
Энди, жиловладик ёлғон хаёлни!

Кун ботарда келдим. Секин ёйилди,
Оқшом қанотлари қадим Қаршига.
«Насаф» чойхонаси. Кўк чой қўйилди.
Кейин пиво. Кетдим фалак аршига.

Шунда Фарғонани гапирди бирор,
Ва Олтиарикни сўради бир оз.

Дарвоке, эсладим шул пайт, дарров:
Каршига куёв-да, Алишер¹ шоввоз!..

Үйларим учоғон, тин билмас асло,
Шамолдай тутиқсиз, нур янғлиғ асов.
Хайратим күпирди, йўқдир тасалло,
Туйғулар кўзғолди, кетди бежилов:

«Неча юз йилларни кўрдим кафтиимда,
Шаркий уфк аро Темур лашкари.
Соҳибқирон ўзин айнан топдим-да,
Ана, келаётир жантлар сарвари!

Довулни эслатур бу мустахкам саф,
Ҳар ёнға чўғ сочар отлар туёғи.
Тун ярим бўлганда сесканди Нахшаб,
Кичрайиб колганди ойнинг ўроғи.

Гарчи Соҳибқирон йигитлари оз,
Икки юз кирк учта энг асил девкор.
Улар хўп тобланган, оз бўлса-да, соз,
Мисли темир бадан, абжир ва тезкор.

Кочарга жой топмай килди талваса –
Ёгий қўшинида ўн икки минг жон.
Амир Мусо ақлин босди васваса,
Яна Амир Темур ғолиби жаҳон!!»

О, фикрим бўлинди. Бир кадимшунос –
Деди: «Еркўрғондир² аслида бу жой.
Нахшаб³ – Насаф демак, бу-ку тамал тош –
Кўппакхон яшаган, йўқ бўлган сарой...

Бобил, Эрон каби кадимдан-кадим,
Хиндистон сингари бор ибтидоси.

¹ Алишер Ибодинов олтинарлик тоннекли адид.

² Еркўрғон – Нахшаб ўлкасининг пойтахти булган. Нахшаб сўйининг арабча шақди «Насаф»dir.

³ Нахшаб – Карии шахрининг илк ўрни.

⁴ Кўппакхон – Чигатой ургуларидан.

❖

Уксус¹ дарёси дер: Етган қадамим,
Мени бошлаб борган сувнинг худоси».

Сўнг «Хаёт дарахти» кўкарған бунда,
Алқисса Чигатой уй қурмиш бир-бир.
Сипатамен² ёвга ташланди шунда –
Бостириб киргандар Искандар олғир.

Чингизхон босқини босарок рўё,
Тошлар ҳам сас берган, тупрок уйғонган.
Ерга ларза тушган, дарз кетган само,
Насаф тўрт томони ўт олган, ёнган...

Ўтгач кўп асрлар, не-не замонлар,
Қарши деб ном олган қартайган кишвар.
Келди, кетди канча хонлар, сultonлар,
О, бугун ой янглиғ тўлишди шаҳар!

Бахт кушин тутди у ер-осмон кучиб,
Икки минг етти юз йилни орқалаб³».
Сұхбат ҳам тугади. Куёш кўз очиб,
Бир кизил гул отди менга эркалаб!

VII

Яна чўллар. Қумлок. Юлғунзор,
Соҳибқирон Темур неча бор
Бу даштларда чеккандир озор.
Отларининг изи – табаррук,
Дахлсизлик буюқдан буюқ!

Сардобалар мозийдан нишон,
Тарих ундан сув ичган, ишон.
Эй, йўловчи кел, сўзимга кон,
Бу йўлларда аждодлар руҳи,
Бу йўлларда мозий шукухи.

¹ Уксус – Амударенинг кадимий номи.

² Сипатамен – Искандарга карши бош кутарган ҳалқ қаҳрамони.

³ Карши шахрига 2700 йил тўлди.

Косон, Касби, Яккабоғ ана,
Олиб чукур турфа күрмана,
Кел биродар белбоғни сана,
Дастурхони ҳамиша күтлүг!
Темур юрти шунчалар улуг.

Муборакка етиб бордим шом,
Хорғинликни куварди илхом,
Шеър айтмокка ундарди оқшом,
Мушоира бошланди эзгин,
Олкишларди халойик кизғин.

Амфитеатр сахни чароғон,
Гүё бунда юлдузлар ғужғон,
Ховуз мавжи мисоли уммон,
Машхур шоир Абдулла Ориф
Шеър бошлади қалбини ёриб!

Шеър ўқилди навбатма-навбат,
Элу юрга күрсатиб хурмат,
Ҳар бир қалбда күзғаб мұхаббат,
Мен хам дилда борини айтдим,
Дилу жоним роса яйратдим:

Тарихга номи битган,
Бир мард үғил яратган,
Жаҳолатни даъф этган –
Бу, Хўжа Илғор экан.

Кирларда кизғалдоклар,
Қўйида кенг яйлоқлар,
Ялпиз елпир кирғоклар,
Оксув фусункор экан.

Арғумоклар кишнаган,
Бўрилари кишилаган,
Қаймок ялаб ишилаган,
Жўйнов чорвадор экан.

❖

Кетмон уриб пайдар-пай,
Экин экади тинмай,
Түрт фаслга доим шай
Косон миришкор экан.

Йилкиси бор, моли бор,
Сонсиз терак, толи бор.
Кўбиз чертар чоли бор,
«Пандарон» номдор экан.

Пахса-пахса девори,
Донга тўла омбори.
Бепоён ер – ангори,
Касби зўр рўзғор экан.

Рахнамоси ибратли,
Кўли очик ҳикматли,
Жувонлари иффатли,
Эрлари бўйдор экан.

Кўрдим кўп доноларни,
Ҳикмат дер боболарни,
Эртакгўй момоларнинг
Сочида тумор экан.

Ишchan, ишибилармонлар,
Очмиш бунда дўконлар.
Ахча тўла кармонлар,
Бойлари дурбор¹ экан.

Бўлса-да қари-ёшин,
Тагида янги мошин.
Дуррада танғиб бошин
Чопгани тулпор экан.

Назар солсам уйларга,
Тўй улашар тўйларга,

¹ – лафзи бор. тоза.



Сурув-сурув кўйларга,
Бир така саркор экан.

Бунда барра гўшт сероб,
Хар меҳмонга жуда бол,
Ажойиб тандир кабоб
Ҳамиша тайёр экан.

Аёллар сурпа ёйиб,
Ҳамир кесар ғаройиб,
Лочираси ажойиб,
Шўрвоси бисёр экан.

Қўлда ўйнар моккиси,
Бошида шол лаккиси.
Жуда хуштаъм чаккиси,
Келинлар дасткор экан.

Шолча тўкир сарфи йўқ,
Зур гиламдан фарки йўқ,
Бир уй бўлмас чархи йўқ,
Урчуғи ҳам бор экан.

Юрдим қишлоқма-қишлоқ,
Ҳар жойда топдим ўртоқ.
Тингладим солиб қулок,
Гаплари тагдор экан.

VIII

Шу замин фарзанди; шоир Хиромий,
Фирокий, Факирий, Равнаций номи –
Ўчмагай, уларга эл эхтироми!
Улар ошиқ экан, мажнунвор экан!

Асил шоирларки бир-биридан хўп,
Эларо юришар бўлишиб тўп-тўп,
Ҳар жойда ҳалқ айтур: манглайидан ўп –
Абдулла Орифи улуғвор экан!





Андижон вилояти җокими А.Т. Усмонов шоирни қутлуғ ёши билан табрикламақда.



Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз ёзувчи Сайд Аҳмад билан.



Фарғоналик шоир Охунжон Ҳаким билан.



Ҳалқимизнинг суюкли шоири Мұҳаммад Юсуф билан дам олишда.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва йирик адабиётшунос олим Наим Каримов Андижонда.



Азиз ва меҳрибон опаларим — Омина ҳамда Обида Низомиддин қизлари.



Зиёвуддин Мансур билан ижодий анжумандада.



Таниқдли адаб Қамчибек Қенжанинг бугунги узбек насрода ўз ўрни бор.



Халқ шоири Иқбол Мирзо шеъриятимиз навқирон авлоди пешқадамларидан.

Ўтли илҳом билан сўзга моҳири –
Ўзбек – Қорақалпок халқин шоири,
Қайнар булок бўлган қалб жавоҳири –
Номи Жуманиёз ал-Жаббор экан!

Ҳар жойда таниши улфат, ўртоғи,
Дўстликда мустаҳкам билим, сабоғи,
Осилмас ҳеч қачон бодом қабоғи,
Нарзий шеърияти гул баҳор экан!

Шеърин ёддан ўқир секин, салмоклаб,
Сўзни саралайди роса мисқоллаб,
Оташин шаробга сал текканда лаб –
Икром кангул мулки бегубор экан!

Жадид дунёсини айлади тафтиш,
Уни енголмади муаммо, ташвиш,
Фитрат, Чўлпонлардек килди у юриш,
Бегали билгани пойидор экан!

Рустам Мусурмоннинг шеър-ашуласи,
Халқона айтувдан пишган калласи,
Ёниб ёза берсин, келди палласи,
Кундуз хумор экан, тун бедор экан!

Тиббиёт жабҳасин содик аскари,
Кўлдан-кўлга кўчар қанча асари,
Серқирра иктидор белгиси бари,
Шоир Жуманазар шифокор экан.

Исмоил Тўхтамиш анда бош эрур,
Укамиз Муроджон зўр сирдош эрур,
Ичмасдан егани кази, ош эрур,
Ижод майдонлари хосилдор экан!

IX

Бунда боғи нафосат: булбуллари сайроки,
Фароғат куйлаганда жаранглар фалак тоги.

Сайёра хониш килса ўртанади ҳар бир жон,
Аммо ўзи шифокор, кўнгилларга у дармон.

Марямнинг нак авжида Фузулийнинг ноласи,
Тинглаб ўзни унугтай шунда одам боласи.

Насиба Саттор қизи Кешнинг бир парвонаси,
Уни оламга ёйди машхур «Шарқ таронаси!»

Сўлим овоз сехридан ошиқлар Фарход шиор,
«Ишқ»¹ бобида Замира Лайлию Ширинча бор.

Туғёни ичга сиғмай, лола янғлиғ ёнар юз,
Кўлга олса созини ҳар гал Бекназар хофиз.

Ўлмасни эшитганда тилимга келур ҳар чоғ:
«Маъмуржон Узоковлар ўлмаган экан мутлок!..»

Ўқтам Аҳмаджон ўғли кириб келди санъатга,
Расул Қори нафасин олибди кўп химматга.

Унда ўтли ҳаяжон: фиғон, фарёд, эҳтирос,
Бизнинг азиз қишлоқка келиб турса, илтимос?!

Маннон деган истеъодод бордир бизнинг томонда,
Асли шахрисабзлик, яшайди Андижонда.

Айта берсам тугамас нафосат ҳам феълини,
Амир Темур уйғотган бу диёрнинг элини!

И з о х: катқадарёлик санъаткорлар.

¹ Комилв қаламига мансуб. Уни Замира Суюнова қойилмақом қилиб куйлавиди.



X

Умр ўтар шаббода,
Кездим гоҳо пиёда,
Рухим этди зиёда,
«Севинч ота мозори¹».

Нурга тўлсин деб иймон,
Етиб келдим Ошикон,
«Султон Мирҳайдар» томон –
Кетди йўлнинг озори.

Юзим ювиб сойига,
Етиб келдим жойига –
Ҳазрати шайх пойига...
Бунда умр бозори.

«Хажартепа» супаси,
Коинотнинг тепаси...
Тўлиб шоир ўпкаси
Тўкилди дилда бори.

«Хўжа Илим» даҳмаси,
Фаришталар саҳнаси,
Азиз руҳлар шарпаси?..
Ҳар кишининг борори.

Бу «Кўкгумбаз», «Чоргумбаз»,
Тўрамачит кам эмас,
Лангар ота берур сас,
Кучланур калб мадори...

Сардобаларда сукут...
Ўки дуои «Қунут»,
Сўнг дардингни ичга ют,
Шудир юрак изҳори.

¹ И з о х: зиёратгоҳлар.



XI

Тонгда турдим күш каби енгил,
Чироқчига интилур күнгил,
Отам ундан топғанди ўғил¹,
Ёлғиз болам ўксимасин деб,
Уни севди менинг ғамим еб.

Қуёш тикка келгани замон,
Етиб келдим Чияли томон,
Кутуб олди дўсту қадрдон
Ҳар күнгилда бир чироқ кўрдим,
Истиқболин яркирок кўрдим.

Буғдойлари чўнг хирмон экан,
Пахтаси ҳам битмас кон экан,
Икки юз минг ортиқ жон экан,
Саноги йўқ қўйи бокимли,
Одамлари экан ёқимли.

Тўхтамади гулдурос карсак,
Шеър кўнглида ўрнашди демак,
Ҳаяжонга бўй сунди юрак,
Халойикни кўриб бирма-бир,
Ўқир эдим сатрма-сатр:

«Қашкадарё – қуёш воҳаси,
Табиатнинг ажиб лавҳаси,
Жайдари ер – меҳнат ўлкаси,
Офтоб силаб турар елкасин,
Зангор либос кияр ҳар кўклам,
Ёз кийими олмосранг там-там.
Куз келганда олтин сарпоси,
Қишида оппок, юмшок кўрпаси.
Бунда яшар чин меҳнат эли,

¹ Чироқчилик Эргац исмли бола 4 ешидан бизнинг уйда 15 йил тарбияланган.
Менга aka бўлиб колган.

Гайрат билан боғланган бели.
Хар битта қалб ёғду дарчаси,
Хар дил яшнок – тоғлар арчаси.
Саҳарларда түргай чулдирап.
Тонгни сайрок булбул кулдирап.
Гоҳо булат чакмок чақади,
Майсаларга тилло тақади.
Шамол ўпар даштлар юзини,
Пирпиратиб кўк юлдузини,
Дараларда олкорлар яшар,
Жайрон кирдан соҳилга тушар.
Она бургут юксак кояда,
Палапонлар ётар уяда.
Кор тагида баҳорий равоч,
Асрий тошлар ётар яланғоч.
Бунда сероб туствовуқ, каклик,
Шункорларнинг жойи – юксаклик!
Ирмоқчалар хисни уйғотар,
Тошбақалар тош бўлиб котар.
Саҳроларда саксовул, юлқун,
Яйловларда кишнайди кулун.
Махлуқотнинг зўр кошонаси –
Мирокининг кўрикхонаси.
Мактовлари сифлас таърифга,
Шамол йўли: Шимол-Ғарбга.
Осмонторош ва букри Шертоғ –
Эртаклари афсонавий боғ!
«Сандикли кўл» нарёғи чексиз,
Хисор томон агар юрсангиз,
Кўзни элтар кўркам манзара,
Бунда кушлар кўкда қаркара.
Хаёлингиз қамраб, килур ром,
Шунда колиб кетасиз, тамом!
Йўқ-ей, қайтинг Наҳшаб томонга,
Изн бериб тоза имонга,
Саҳар вақти келинг Некўзга,
Жилов солиб олинг-да сўзга.
Ва оҳиста мозорга юринг,

Енгил қадам ташлаб, ўлтириңг?..
Азизламиш бу ерни Худой,
Турди Карвон кизи ётган жой –
Тупроғида хикмат ва нақл,
Кўқдан раҳмат ёғилур нукул...
Хў, даҳманинг остида чўккан,
Вужудини тупрокка тўккан –
Ориф буво – шоир отаси,
Эл бошчиси, кишлок каттаси.
То киёмат уйқуга кетган,
Бу дунёни энди унутган...
Нурга тўла у ётган қабр,
Боиси шул: меҳнат ва сабр...
Пичирлайди Некўз¹нинг лаби,
Шеър айтмоққа таранг асаби!
Шундай воҳа заволи йўқдир,
Тимсоли йўқ, мисоли йўқдир!
Шудир улуғ Аллоҳ буйруғи,
Туркнинг тўксон икки уруғи
Истиқомат киладур бунда,
Кавмлари бутун очунда.
Илхоми чин ва каломи рост –
Кашқадарё – Темурдан мерос!

Ҳоким буво қўлимни тутди,
Деди: «Мана, бир ҳафта ўтди,
Бир соатга ўхшайди худди?!
Андижонга биздан дуолар,
Омон бўлсин дўсту ошнолар!»

2003 йил, август.
Кашқадарё – Тошкент –
Андижон.

¹ А.Орипов туғилган кишлок.



БОТМАЙ ҚОЛГАН ОЙ

(Лирик қисса)

УЧ КУНЛИК ОЙ

Кеч кирди.
Кесилди
Күёшнинг дами.
Улокчи от каби
Ҳансирайди ер...
Лоладек қизарди
Уфкнинг лаби –
Чавандоз юзига
Теккан кон янглиғ
Боғларда бошланди
«Пичир-пичир»лар.
Гуллар ханда қилди
Кўзларида ёш.
Арикча жилдираб
Бир «гап» ташийди,
Уни кўзғаб кўяр
Шаббода бевош.
Кушлар чулдираши
Секинлаб тинди.
Қайларгадир инди
Тиллақўнғиз ҳам.
Оқшом чўкди кейин
Оқ тuya мисол.
Самода юлдузлар
Чараклаб кетди.
Тоғлар чўкқисида
Уч кунлик хилол
Бетакрор,
Бетимсол

Бир ғазал битди.
Уни ўқий дея,
Шеър тўқий дея
Ташга чиқди Усмон,
Бағри эди қон...
Санаб кетди бир-бир
Юлдузларни у.
Адашди,
Санади,
Санади тағин.
Саноғи йўқ экан,
Адашиб кетди.
Яна чексиз хаёл
Бутун борлиғин
Айлади ишғол.
Чуқур хисга ботди
Сўнг уни злтди –
Қаро кўйлак кийган
Сирли коинот.
Кўзин ололмади
Олис самодан:
Тикилди,
Тикилди...
Киприкларида
Мулойим нуқралар
Тўкилмоққа шай.
Кўзин қамаштириди
Алқисса ҳилол.
Энтикиб-энтикиб
Термулиб қолди.
Ўтган у йилларни
Ёдига солди:

«Капалакнинг гул эмганин кўрдим,
Эслаб кетдим сени, малагим».

Кейин,
Кейин кўрди

О

Осмон четида –
Порлок Чўлпонни!
Нигоҳи ловуллаб
Ўт бўлиб ёнди.
Вужуди бир нозли
Илҳомга қонди.
Гуллар ўраб олди
Унгу сўлини.
Тонг юлдузи! – деди.
Ай, Чўлпон! – деди.
Сўнг унга узатди
Икки қўлини!

РИВОЯТ

Бор экану
Йўқ экан,
Оч экану
Тўқ экан.
Бўри баковул экан,
Тулки ясовул экан...

Чин давлати беринда,
Қадим Турон еринда,
Фарғона боғларида,
Навбахор чоғларида
Ер нурга йўғрилганмиш,
Бир булбул туғилганмиш –
Чиндан сайроки бўлиб...
Куйи ўйноки бўлиб,
Ҳаммани лол килиб у,
Билмас экан ҳеч уйку.
Гунчаларга айтиб сир,
Учиб юраркан пир-пир.
Ҳайрон бўлиб жами қуш,
Ундан ўрганиб хониш.
Гийбатни бошлишибди,

❖

Кўзларин ёшлишибди.
Булбул парвойи фалак,
Ёнсин, дебди бу юрак:

«Тилимни найга жўр этдинг,
Кўзимга ойни беркитдинг».

Ҳамма уни тинглабди,
Овозидан англабди:
Бу ўша-ку, Усмон-ку!
Ўша, Усмон Носир – бу!
Ўша армонли бола,
Тақдир ёзмиши чала,
Ўксик, етимча эди,
Турмуш аччиғин еди.
Огаси йўқ, бир ғариф –
Онаси-ла сарғариф,
Бири кам бўлиб ўсли,
Бошига кўп иш тушди:
Музтарлик торта-торта,
Елкасига ҳам орта
Шеъриятга берилди,
Шоирман, деб керилди.
Оlamга сиғмай колди,
Қуёш сари йўл олди.
Эрта-кеч ўйлагани,
Кон ютиб сўйлагани
Осмон бўлди, ер бўлди,
Бутун умри шеър бўлди.

ХОЛАМБИБИ

– Болам, ёлғиз ўғлим Усмонжон,
Кўзларимга сен икки жаҳон.
Кел, айланай гиргиттон бўлай,
Сен яшагил, менгина ўлай...
Сағирликни хўп тортинг, болам,

Бир кесарсан, сенга ҳаволам:
Үжар бўлма, кайсарликни кўй,
Итоатни юрагингга туй...
Шеърларингда ўзгача фикр,
Феълингда бор ўзгача зикр.
Отанг ўттай, кўтармайди ҳеч,
Хушламайди, сени эрта-кеч.
Нима қиласай, болагинам, айт,
Ўткир гаплар айтмоқлиқдан қайт.
Ўртacha бўл, кетмагил ошиб?
Дарё мисол кўпирма, тошиб?
Ахир, менман сенга бир сирдош?
Ғанимларинг кўтармасин бош?
Усмон деди: Онажон, она,
Яшаш керак, фақат мардона.
Дилда борин айтаман, холос,
Илҳомимга қилиб зўр ихлос.
Навоийни, Машрабни билдим,
Фузулий деб бағримни тилдим.
Пушкин деган бир шоирни ҳам
Дилга жойлаб олдим чинакам.

Лермонтовга бўлдим маҳлиё,
Ҳар сатридан топилди зиё.
Сўнг Чўлпонга бердим қўлимни,
У кўрсатди менинг йўлимни.
Душманларим кўпайса, э воҳ,
Менинг учун ковласалар чоҳ.
О, олдимда пайдо бўлса жар.
Қалбим нури товланар баттар!...

Шунда она ёлборди куйиб,
Усмонжонни кучоқлаб, суйиб:
Ҳали ёшсан, сен бўл эхтиёт,
Кимга вафо килган бу ҳаёт?..

Усмон яна айлади жавоб:
Сиз бағримни айламанг кавоб.

Хижил бўлманг, эмасман гўдак,
Мен умримни килмайман эрмак:

«Санокли кунларнинг
Саккиз минг саккизи –
Кафтимда йилларнинг
Йигирма бири бор...»

ҲАСАД АЛАНГАСИ

- Усмон Носир бошқача ёзур,
- Ҳа, ўзига чукур гўр қазур.
- Ўйлагани пинҳона бир «гап»,
- Сўйлагани эмас дур-садаф.
- Шеърин ўқир у телбанамо.
- Эҳтироси дарёми, аммо.
- Ичар, ичар, ичар пайдар-пай...
- Ичаверсин, ичин ейди май.
- Бирор қизча кўнгил кўймаган?
- Болаликка ҳали тўймаган...
- «Мехрим» деган шеър тўплами бўш?
- Унда иллат, ҳа, билдингми, хўш?
- Тушкунлик бор, йиғлайди ночор...
- Чўлпон йўли, услубияти...
- Жулқунбойнинг паст кайфияти.
- У Пушкинни атайлаб бузган.
- «Демон»ни-чи бошқача тузган.
- Мен билмадим, бу қандай шоир?
- Лекин «Нахшон» асил жавохир.
- Бошдан оёқ уни ёдладим.
- Ўқиб туриб мен ҳам «дод»ладим.
- Лекин унга лозимдир жилов?
- Эплаб бўлмас, у бир ўт-ялов.
- Керак дейман уни кўрқитмок.
- Қандоқ қилиб, недан ҳуркитмок?
- Бизни сира илмайди кўзга.
- Мана, сатри, бу – иккимизга:



«Ол, нури йўқ ойингни ол.
Сўнгра йўқол даргоҳимдан!»

ШАЪМА

Тўхта, Усмон!
Тўхта?
Шошасан қаён.
Сенинг қаёнлигинг,
Бу менга аён!
Борма!
Борма!
Энди!
Ўқимагил шеър.
Яшир ёзганларинг,
Қолсин пинҳона.
Ҳасад ели эсади,
Куйди замона.
Сен кимга ёв бўлдинг,
Биласанми, а?
Хатоинг ягона,
Истеъдодингдир.
Сўзингда кўринмас
Душманлик асло!
Қалбингдаги Нур –
Ғанимга бало!
Борма!
Борма!
Зинхор?
Ўқимагил шеър?
Кейин ёдлаб олар,
Сени бу тарих.
Кейин ўқиб чикар
Сени келажак!
Тўхта Усмон,
Тўхта!
Ўлим бор!



Ўлим!
Усмон бир қайрилди,
Деди дафъатан:
«Йўлчиман,
Манзилим денгиздан нари,
Ложувард уфкнинг тубига якин!»

ўч

Сахар кириб келдилар,
Дарвоза шараклади.
Куюн каби елдилар,
Усмонни сўроклади:
– Шоир қани?
Уйдами?
– Тонгда ухлаб қолди у.
Тун билан ишлади-ку.
Ёзди,
Чизди,
Йиглади.
Билмадим,
Ухлаб қолди,
Менинг бечора болам!
– Айт, эй жодугар хотин
Усмон қани, топ дейман,
Шоирваччангни
Уйғот!

Сўнг кирдилар бостириб,
Эшик тепиб, синдириб:
– Тур, ўрнингдан, Носиров!
Мана, хужжат, васиқа:

Усмон ёдига тушди –
«Нахшон»даги бир лавҳа:
«Денгиздан денгиз
Буюк Арманистон



Хукуматининг исмидан
Қамок килдим.
Титингиз!»

ТУН

Тоштурма хонаси лаҳаддан ёмон.
Уйқуни билмайди Усмон Носир ҳеч.
Бу тухмат, бу ёлғон. Бу кандай замон? –
Дейдию чанкайди, ичи ёнар печ.
Үтирад, туради, ётолмас сира.
Хона тор ҳам пастак, тундай зим-зиё.
Оғринган күнгил кир, кўзлари хира...
Қаёқдан ёпишди унга бу бало?
Аждаҳо терговчи чакирди яна:
– Ўтири, шоир Усмон, сен бўйнингга ол!
Жулқунбой ҳам Чўлпон отилур, мана!
Тирик қоламан деб килмагил хаёл.

Усмон тошдек котди. Калтакладилар.
Жазо хонасида ҳушдан кетди у.
Тирноғи остига игна санчдилар,
Ўлимга ўхшарди бу жонсиз уйқу.
Бирдан чўчиб тушди, сесканди каттиқ.
Қулоги остида милтиқ садоси.
Юраги уюшди, юраги интиқ,
Ингрок, Чўлпон ака, айрилдим энди,
Мендан рози бўлинг, мендан-да рози!
Миллатнинг Сиз каби чинори синди!...
Кейин, кейин тинди Усмон овози.

ЖАЗО

Усмон қайсар экан, бир сўзли экан,
Ёлғон саволларга рост жавоб берди.
Тилимга санчилсин ҳақ сўздан тикан,
Гуноҳим йўқ, дерди, бу тухмат, дерди.

Беаёв ташланди жисми кийнокка,
Рұхан пачоқланди, киймаланди жон.
Чиркин лой суркалди ёш бир бүйдоққа,
Куйди бунда виждон, куйди-ку иймон.

Махсус музхонада котиб колди у,
Үзига келтириб калтакланди хўп.
Шоир эҳтироси – энг олий туйғу –
Ёниб кул бўлди-я мисоли бир чўп.

Шунчалар хор бўлди она юртида,
Ватан деб куйлаган оташин бир қалб.
Халки бор эди-ку унинг ортида,
Нега беролмади «ёв»га битта зарб?

Қай кундир хонада овозин қўйиб,
Ёддан шеър ўқирди жўшиб баралла.
Бирдан назоратчи «ёмонга» йўйиб,
Тил билмай бакириб деди шу палла:

– Носиров, Носиров, нега бу жойда
Ашула айтасан, жиннимисан ё?
Авахта килайми яна бу ойда,
Инсонлик сафидан чиқкунингча то!

– Ашула эмас бу, ўз оҳангимда
Шеърим ўқияпман она тилимда.
Ўзбекистон яшар менинг онгимда,
Мен мангу яшарман туккан элимда.

Ўшкириб сўкинди назоратчи ҳам:
Бас қил шеърингни сен, овозинг ўчсин!
– Шеър агар сиғмаса, ўт олсин олам!
Бу замин кўкларга соврулсин, кўчсин!

Билмадим, ўқилган қайси шеър бўлди?
Душманга тегди у гўё замбарак!
Англадим, англадим, ёдимга келди:
Бу ўша шеър, ўша, ха, ўша «Юрак».



«Итоат эт, агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чакмокка айлан сен,
Ёрил! Майли тамом ўлсам!»

ШЕЪР НАДУР?

- Кунгил юпанчми?
- Йўк!
- Соғинчми?
- Йўк!
- Дўстлик аломатими?
- Йўк!
- Хижрон ё айрилиқми?
- Йўк!
- Севгими?
- Йўк!
- Кўз ёшларими?
- Йўк!
- Висолми, висол?
- Йўк!
- Ота меҳрими?
- Йўк!
- Она шафқатими?
- Йўк!
- Тўйми, томошами?
- Йўк!
- Базми жамшид, кайфи сафоми?
- Йўк!
- Мартабами ё?
- Йўк!
- Амалми?
- Йўк!
- Илтижоми?
- Йўк!
- Фармонми?
- Йўк!

-
- Ҳар хил унвонми?
— Йўқ!
— Иззат, ҳурматми?
— Йўқ!
— Нима бўлмасам?
— Ӯзлик!
— Ӯзлик надур?
— Миллат!
— Миллат надур?
— Ватан!
— Ватан!
— Ватан!
— Ватанми сайратган?
— Ҳа!
— Ҳа!
— Ҳа!

МАГАДАН

Магадан,
Магадан!?
Сенда ўчим бор.
Сени енгмоқлиқда
Менинг кучим бор!
Усмонни яширдинг...
Яширдинг қаён?
Жавоб бер?
Сўрайман,
Менинг бурчим бор!

Магадан,
Магадан!
Эй киш ватани!
Топиб бер,
Сен бугун,
Усмоним кани?
Пушкин,
Лермонтовни билмаган она.



Ахли жаҳон кўрсин,
Сен мени тани!!

Магадан,
Магадан!
Совук сўзликлар?
Энди тилга кирсинг
Асрий музликлар.
Энди хушёр туриңг,
Эй шоири чин –
Усмон Носир каби
Ўғил-қизликлар!

Магадан!
Магадан!
Сенми аждаҳо?
Оламни ютгудек,
Эй, коми юҳо..?
Ким эди ўшандада «Халқлар отаси?»
Сени ёзув этган,
Ул ёвуз даҳо!

Магадан!
Магадан!
Сен – Усмон қабри.
Сен ўзбек шеърининг
Жафоси, жабри.
Сени айлантирур
Лойка уммонга,
Кўзёшим –
Бошингда самовот абри!!

Магадан!
Магадан!
Ёқангда қўлим...
Сен Усмон Носирдек энг буюк ўлим!
Не қиласай,
Ерингда ётар экан у,

Сенга тушиб турар,
Менинг ҳам йўлим!..

ЎНГМУ ЁКИ ТУШ?

1

Яна калтакланди. Озор еди тан.
Яна кўзларига олам коронғу.
Изғирин барига чўмди Магадан,
Оғрик билан келди кўзига уйқу.

Алқисса туш кўрди: Юрганмиш учиб,
Чексиз самоларда беозор, майин.
Чўлпон ҳам учармиш, тоҳ уни кучиб,
Юлдуз кўпаярмиш юксалган сайин.

Иккиси ёнма-ён учармиш енгил,
Ойни айланармиш қилиб тамоша.
Усмон шеър бошлабди тўликиб кўнгил,
Бепоён чексизлик, коинот оша.

Бирдан яқинлашди Жайхун ва Сайхун,
Зангори бир кенглик секин чайқалди.
Фарғона водийси... боғ-роғлар гулгун.
Наманган, Кўкон! – деб садо тарқалди.

Юлдуз йўқ, ой ҳам йўқ, кўркинч, вахима,
Борлик гумбурлади, қуёш қорайди.
Ўрнидан туриб дер: бу нима? Нима?
Сесканди. Тор хона яна торайди.

2

Кундузи мизғиди беҳол ва чарчоқ,
Тупшида Тошкенту кадим Самарқанд.
Бир гўзал қиз билан гаплашди узок,
Жойни англолмади, боғ эмиш баланд.

– Усмон ака, ўқинг, яна илтимос?
– Бекорга ўқилмас эндигиси, ха!
– Тушундим.
– Яқин кел!
Сўнг ўпди бехос...
Оlamни гуллатди икки қаҳқаҳа.

– Бу нима, нимадир, қўйнингда?..
«Бутун умрим сенинг бўйнингда.
Сахарда кон тупурсам майли,
Мен Мажнунман, шеърим – сен Лайли!»

Шу он пайдо бўлди дўсти Назирий,
Салом, деб қўл берди унга дафъатан.
Қикирлаб куларди Амин Умарий,
Киз эса шарт туриб жўнади, аттанг!

– Қайга, қайга! – дея югурди Усмон,
Киз эса кетарди, бокмай кайрилиб.
Ичини ўртарди шубҳа ва гумон,
Дер эди: ишқимдан қолдим айрилиб?

Оғриқ пайдо бўлди, зўрайди тағин,
Уйғонди, кўзида яна аччиқ ёш...
Ҳасрат тўлиб-тошди, юрагида кин,
Бошга урай деса топилмайди тош.

3

– Усмонжон, келдингми, палов дамладим,
Биламан, неча вакт ош емагансан.
Сенга бор меҳримни шунга жамладим,
Онам-ей, раҳмат, де, хеч демагансан.

Онасин кўксига бошини қўйди,
Кўзёшлари сел каби дув-дув.
Гўё энди унинг меҳрига тўйди,
Шу зум сингиллари кўтарди ғулув:

— Акажон, акажон, келдингизми, а?
Мунча узок ташлаб кетдингиз бизни.
Тақдирга ўт тушсин, ажратиб қўйса-я?
Ахтариб, топмадик Сиз босган изни.

Шунда пайдо бўлди отаси қандай?
Уни сезар эмиш, танимас ўйлаб.
— Ўғлим, мен дадангман, эмасман ўгай? —
Усмон яқин бормас, бегонасираб.

— Носиров! Сўроқлар! Чика кол тезрок, —
Қўпол назоратчи эшикни урди.
Ўғонди, вужудин босиб қалтирок,
Нур тушган тешикка бакрайиб турди.

4

— Усмонга сўз, — деди Ҳамид Олимжон.
Усмон шеър бошлади. Барча эди жим.
Шеър ўкир, шеър ўкир. Портлайди осмон,
Шоирга сукланиб термулар ҳар ким...

«Боғларга намозгар
Салқини тушди.
Гуллар нам баргини
Қайирди аста.
Офтоб ҳам сув ичар
Тоғлардан пастда.
Лоладек қип-қизил
Ўт-шафак ўчди».

Ойбек ҳайрат билан тинглайди дилгир.
Кўзёшин яширди Миртемир андак.
Чапак чалди кимдир, ҳайкирди кимдир,
Үйкудан уйғотди гулдурос қарсак.

Кўз очиб сўзланди, алаҳсиради,
Қотган лабларида сезди совуқ муз.



Ўрнидан кўзғалиб – зўрға туради,
Деди: «Мен кўмирга айланган Юлдуз».

ҚИЙНОК

Бугун ишга яна чиколмади у,
Қаҳратон совуғи – эллик даражаси.
Бригадир дўқ урди: Эҳ аблах, какку,
Бўйнингда турибди уч ойлик режа!?

Усмон гап қайтарди: – Билганингни қил,
Оёқ кўтармокка йўқ-ку, мажолим.
Яхшиси, от мени, кел, бағримни тил,
Тан тугади, колди факат хаёлим.

Шу он кимдир урди унинг бошимга,
Жазо хонасига сўнг судраб кетди.
Тишлари урилиб хона тошига,
Синди, увокланди, ўзни унутди.

Тонгда ҳушга келди, хаёллари жам.
Сўнник хотиралар жонланди бир оз.
Москов. Муса Жалил! Шеър ўкишган дам!
Улар бир-бирига кўйганди ихлос.

Ойлар ҳам йилларга айланди, эвоҳ,
Ваҳший панжаларда шоир пажмурда.
Миллат! Сен эдингми бу «сир»дан огоҳ?
Усмон Носир қалби бурда ва бурда!

МАРСИЯ

Навоий кетганда ташлаб дунёни –
Куёш куйган эди, ой тутилганди.
Қора парда босиб чексиз самони,
Осмондан заминга ҳам куюлганди.

Амир Темур ўлди, жасорат синди,
Ватан бошсиз колди, эгасиз колди.
Садокат ранжиди, муҳаббат тинди,
Оқибат йўқолди, кадр йўқолди...

Улуғбек кўз юмди, юлдузлар сўнди,
Коинот меҳвари чиқди изидан.
Тоғлар кулақ кетди, денгизлар тўнди,
Оталар оғринди ўғил сўзидан.

Бобур вафот этди кирқ етти ёшда,
Йиғлаб қола берди Андижон зор-зор.
Машраб кузёшидан гул унди тошда,
Разолат тиклади шоирларга дор.

Ҳамзани тошбўрон қилди жаҳолат,
Ёвлар хурсанд бўлди, душманлар кулди.
Фурқатни ҳайдади элдан хиёнат,
Шароф Рашидовни хаётдан юлди.

Беҳбудий, Жулкунбой, бўлди жувонмарг,
Кетди Фитрат, Ойбек, Гафур Ғуломлар.
Миллат чўқди, аччик кўзёшлиарга гарқ,
Тарихга айланди қайғули шомлар.

Чўлпон отилгандаги виждон ҳам ўлди,
Шеърият ўқ еди, шеър яраланди.
Ижод оламига энг қийин бўлди,
Авлодлар юзма-юз, рух кораланди.

Ҳеч кимки, бўлмади Усмон Носирдек,
Хокисор хароб, майиб ва мажрух.
Авлод караб турди кўрдек, басирдек,
Қайдин яралганди у кўркок гурух?

Шундок, сўндирилди ўт – шоир бола,
Боиси – истеъдод бўлгани факат!
Менинг қулоғимда у чеккан нола,
Жон берган ҳакикат, ўлган ҳакикат!

❖

Ўтган бу хақиқат тирилар қачон?
Қачон озод бўлур, буюк шеърият?
Мангуга айлансин эркин Туркистон,
Ватан байроғига битилган ният!!

ТОЖИХОН

Тожихон кийналиб сўзлар хотира:
– Усмонжон кўрмаган қийноқ қолмади.
Ҳеч кимнинг бошига солмасин сира,
Шоир ҳеч ўлмади, душман толмади.

Биласиз, Магадан об-ҳавосини,
Худо карғаган жой – музлик ўлкаси.
Куёш тукқанмикан Осиёсини –
Офтоб куйдирадир унинг елкасин.

Маҳбуслар қалтирок, жони ровоқда.
Назорат килгувчи ивирсиқ, вахший.
Кимки ётар экан бунда қамоқда –
Дер эди: бу кундан ўлганим яхши.

Коп-кора ўрмонда кесарлар дараҳт,
Қаҳратон киличи танни кесади.
Ўрмон чийиллади, қулоклар караҳт,
Шоҳларни кийратиб шамол эсади.

Заранг новдаларин игнасин санчар,
Тирноклар кўчади, панжаларда кон.
Ҳамма ўлим истар, рухини янчар,
Оч бўри сингари увувлар ўрмон.

Неча кун Усмонни учратмадим мен,
Ўликми, тирикми – билмадим асло.
Кимдир деди: уни кўрай десанг сен,
Фалон жойга боргил, хушёр бўл, аммо.

– Менинг айтганимни билмасин бирор,
Бора кол, бу бурда нонларни ҳам ол!

❖

Олдим тугунчамга! Бопшимда киров,
Мени бошлаб кетди ватандош хаёл.

Охири тополмадим, энг каттиқ кийнок –
Жазо гурухига тушган экан у.
Хонага кирдим мен, пилпиллар чирок,
Кипригим күйдирди күзда аччик сув:

– Усмонжон,
Мен келдим,
Келдим сүреклаб…
Жавоб йўк,
Термулиб турди у факат.
Бурда нонни кўйдим эзиб, пачоклаб…
Икки кўллаб еди,
Ғажиди кат-кат.

Тикилдим,
Бор кўнглим,
Бардошим синди.
Мени танимади, бир сўз айтмади.
Жовдир-жовдир караб жуда ўкинди,
Ортиқ тикилмокқа кучим етмади.

Йиглаб,
Кайтиб кетдим.
Дардим улғайди.
Бор гапни сўзладим, сўраса бирав.

Ой ўтди,
Бир куни
Вакт топиб ўнғай,
Яна бориб етдим,
Юрак бериб дов.

Ёмгир ёғар эди,
Совук, изғирин.
Кўзимга кўринди хунук манзара.

(Қандок айтиб берай у ҳолат барин?)
Үх... Қалбим шилинди, қонади яра:

Ялангда, ёмғирда, ярим яланғоч,
Устунга боғланган шоирни күрдим.
Күкка юзин қилиб,
Дер эди: коч! қоч!
Эсім оғди,
Тошдай бўзрайиб турдим.

Муз каби ёмғирни ямлар эди у,
Унинг ақволини күрди осмон, ер.
Баъзан хаёлини жамлар эди у:
Лабидан учарди энг оташин шеър:
«Шундан кейингина мен англадим,
Ўлим борлигини дунёда!..»

...Тожихон бошқа сўз айттолмади бот,
Кўзларин чирт юмиб бир садо:
Ватан ва миллатни айланг эҳтиёт,
Йўқса, дунё сизга қиласи жафо!

КУНДУЗ

Баланд шаффоф осмонда,
Зангор шаркий томонда.
Тун бўйи уйку билмай,
Кечани кўзга илмай,
Ерга термулиб турар,
Чексиз бир хаёл сурар,
Ботмай қолган ой...

Юлдузлар кетур ташлаб,
Чўлпон ҳам дилни ғашлаб.
Оқ булулар тўзган он,
Уларга бўлиб ҳайрон –
Ерга термулиб турар,

Хўрсиниб бир оҳ урап,
Ботмай қолган ой...

Тўлиб-тўлмаган эди,
Ўлиб-ўлмаган эди,
Қўшиқ экан эртаги,
Сўнгсиз экан эртаги,
Ерга термулиб турар,
Ер бошига нур куяр,
Ботмай қолган ой...

Тўймай ёруғ жаҳонга,
Тўймай Узбекистонга.
Тўймай она меҳрига,
Тўймай севги сехрига,
Ерга термулиб турар,
Ерни у мунча суяр,
Ботмай қолган ой...

Ё, кабрини кўрмокчи?
Ё, сабрини кўрмокчи?
Ё, исмини сўрмокчи?
Ё, кадрини кўрмокчи?
Ерга термулиб турар,
Ерга эгилиб турар,
Ботмай қолган ой...

Айтмас нима дерини,
Ким билади сирини,
Ё ўқийди шеърини,
Унутиб ер жабрини,
Ерга термулиб турар,
Узича сухбат кураган
Ботмай колган ой...

Кетолмайди узокка,
Бўрон учирган ёқка,

❖

Урилай, деб чирокқа,
Сас бермокқа қулокқа,
Ерга термулиб турар,
Айланиб шунда юрар,
Ботмай қолган ой...

У дер: – Салом, тупроғим!
Күз очган дала, тоғим,
Тортса-да аччик доғим,
«Унутмас мени боғим?»
Ерга термулиб турар,
Кечаю кундуз куяр,
Ботмай қолган ой...

РИВОЯТ

Бор экану йўқ экан,
Оч экану тўқ экан.
Бу чексиз олам ичра,
Ўзбекистон деган юрт –
Бир ўлка бўлган экан.
Куёш экан ўртоғи,
Нурга тўлган ҳар ёғи.
Бир томони боғ экан,
Бир томони тоғ экан.
Сахролари, чўли кенг,
Гўё осмонларга тенг.
Дарёлари айқирган,
Полвонлари ҳайкирган.
Гўзал мамлакат экан,
Армони қат-қат экан.
Қалби кўп куюк экан,
Дарди зўр буюк экан.
Куйлашиб мингдан бирин,
Ошкора қилиб сирин –
Хушлашиб сайрап экан.
Йиғлашиб яйрап экан;

Булбул экан сайроки,
Қарға экан қайроки,
Чумчук экан чийиллок,
Читтаги узун қулок,
Пўшишаги аймоғи,
Тўти экан маймоғи.
Мусичаси хўп нодон,
Лайлаги экан ларзон.
Тўрғай чулдирап экан,
Бургут ғулдирап экан,
Бойўғли баҳил экан,
Нияти шум, тил экан.
Сайроқи булбул эса,
Факат унга гул бўлса
Тўхтамай сайрап экан,
Сайрашдан яйрап экан.
Қай кунидир кечаси,
Жам бўлишиб нечаси,
Булбулга ташланибди,
Зўр гийбат бошланибди.
Чорлашибди бўрини,
Тулкиларнинг зўрини
Ундашибди бу ишга.
Булбул тушиб нолишга –
Берилибди хонишга!
Бир куни тонг махали,
Ғунча очилмай ҳали,
Булбулни ушлашибди,
Патидан тишлишибди,
Қанотларини юлиб,
Сўнгра яланғоч қилиб,
Бўрига ташлашибди,
Кўзини ёшлишибди.
Бўри дарров ҳамлабди,
Шу захоти ямлабди.
Алқисса, ўз юргига,
Сира бокмай ортига.



Кетибди Шимол сари,
Келган экан илгари.

Бор экану йўқ экан,
Оч экану тўқ экан.
Булбул сайроқи экан,
Қарға қайроқи экан,
Каклик аймоғи экан,
Тўти маймоғи экан.
Улар сирини билган
Тўлан Низом деган бир
Шоир кишлоқи экан.

1997 йил, март.



ФАРГОНА ШОИРИ

(Хотира-қасида)

Ассалом ота юрт, уйғониб тонгда,
Хотира битяпман соғинч охангда.
Юрагим тўқмасам, ахволи тангда,
Ахир, мен эмасман сенга бегона,
Йўлдош Сулаймонсиз колган Фаргона!

Аслимни сўрасанг мени мабода,
Таваллуд топганим ўшал Кубода.
Кўзимга бахш этдинг нури зиёда,
Аҳмад Фарғонийни туккан сен она,
Йўлдош Сулаймонсиз колган Фаргона!

Устод Бурхониддин конуни – қомус,
Нодира ноласи тинмайди ҳануз,
Носируллоҳ тифини синдирди номус,
Қўқону Марғилон дарди пинҳона,
Йўлдош Сулаймонсиз колган Фаргона!

Ҳазрати Хувайдо ётар Чимёнда,
Ҳазиний ҳикмати исломий қонда,
Муқимий, Завқийлар кетди армонда,
Фуркатни хор килди, қувди замона,
Йўлдош Сулаймонсиз колган Фаргона!

ЧЕКИНИШ

Ўшал кун ўнта эдик
Ижодий ҳамкор гурух.
Қирғоқда кабоб едик,
Пиво ҳам бахш этди рух...
Моторли қайиқчада
Кўли Куббонни кесиб.

Үтар эдик ул томон.
Күзим шүх балиқчада,
Тепамда нилий осмон.
Икки кайиқ ел мисол
Жадал боради сузиб.
Бири-биридан ўзиб...
Асқия қайнар эди,
Йўлдош кўп айнар эди.
Манзилга етдик алҳол,
Тоғлар кулочин керди,
Чўккилар салом берди.
Юриб кетдик пиёда.
Ўтиб ўру қиёдан.
Етиб бордик бир жойга –
Жанинат каби чиройга,
Нигоҳим тўхтаб колди
Ботмайин қолган ойда...
Кимдир ўчоқ ясади,
Қозон осди аллаким.
Бўлди тўкин издиҳом,
Тайёр бўлганда таом.
Шароб хўп куюларди,
Йўлдош кўп «суйиларди»,
Қаҳ-қаҳ уриб куларди,
Зарбдан тоғлар куларди.
Барча эди шўх-шодон,
Шамол турди ногаҳон.
Қора булат ёпирилди,
Гўё шағал шопирилди.
Жала аввал томчилаб,
Кейин урди қамчилаб.
Кўкни босди гулдирак,
Гўё бузук ғилдирак.
Довул келди қаердан?
Тошлар думалар кирдан.
Ҳар битта дўл ёнғоқдай,
Кичикроғи бармоқдай.
Бошга, юзга урилар,

Теккан жойни яралар.
Қочмокқа йўқ бошпана,
Капа ёки ошхона...
Бирор катта дараҳт йўқ,
Туравердик кўзлар лўқ.
Тўзиб кетдик тумтарок,
Ёғилади кум тупрок.
Кўл томонга югурдик,
Бориб қирғокда турдик.
Наргиёқда кайикча,
Кўринмайди баликча?
Кўл кўйнида тўлкин бор,
Аҳволимиз тангу тор...
Бўрон турди увиллаб,
Арчазорлар шувиллаб.
Бирдан хаво очилди,
Куёш нури сочилди.
Қайиклар келди секин,
Йўлдош тинчимас лекин.
Ҳаммани кулдирарди,
Даралар гулдирарди.
Чикиб келдик қирғокка,
Жўнаб кетардик бокка.
Йўлдош айтди латифа,
Кулок бердик бир даъфа:
«Афанди ўғли билан
Қайикда сузган экан,
Тўлкин уриб денгизда
Хароб қилибди тезда.
Ўғли қўркиб дилдираб,
Йиғлар эмиш чулдираб.

Афанди дер: «Худойим,
Кўллагансан сен доим,
Чиқарсанг эсон-омон,
Хадя килгум беш юз нон.
Беш қоп гуруч, беш қоп ун,
Уч қоп майиз – бир бутун.

❖

Эл-улусга бераман,
Хизмат қилиб юраман».
Шунда бола тушмагир
Отага дебди дилгир:
«Нону гуруч, унни сиз
Майизни қай топасиз?
Бир бурда нон йүк уйда,
Ваъда қилманг шу кўйда?!
Афанди деди: «Бас қил,
Кўп югирик сенда тил.
Ишинг бўлмасин сени,
Тушумайсан сен мени.
Денгиздан чикиб олсак,
Эсон-омон, соғ қолсак,
Не қилишни биламан,
Биларимни қиласман».
«Гурр этди кулги шу дам,
Осма¹ йўлдан жамулжам –
Етиб бордик чорбоққа,
Тикилиб қолдик токка.

* * *

Кел, энди, кабрини гулга ўраб тур,
Рухини шод айлаб, гоҳо сўраб тур,
Бевакт олиб кетди оч ажал курғур,
Дилкаш шоир эди шўрли пешона,
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Сен нега қулмайсан, йиғламайсан ҳам,
Ёшинг артай десам олиб рўмолчам,
Сахарлаб жўнайсан деб боғим, далам,
Ҳамиша, ҳамрўзи – колиб, мардона –
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Онагул ёнида киркта дилором.
Увайсий кавушин ахтарар мудом...

¹ Осма сим йўл.

❖

Ғамгин «Мушоира этади давом¹» –
Шоир ўлимига бўлиб ҳайрона,
Йўлдош Сулаймонсиз колган Фарғона!

ЯНА ЧЕКИНИШ

Ўкувчим, ҳа тўхтаб,
Шу ерда кўйиб нукта –
Сўзлаб берай саргузашт.
Зеро дилинг топса гашт:
Бордик Шоҳимардонга,
Ёрданазиз томонга,
Ҳар ерни сайр этдик,
Чарчокларни унутдик.
Ҳамзани ёдга олдик,
Сўнг бир бокка йўл солдик.
Кун хайр, деб тоғига –
Кетди ўз ётогига.
Окшом ели мусаффо,
Ҳавода каклик наво.
Юлдузлар қурди базм,
Үртасида оймомо.
Кўксув окар шаркираб,
Харсанглари яркираб.
Қирғоқдаги супада
Кўм-кўк майса-кўрпада
Ёнбошлиб ҳам ўлтириб,
Сухбат куриб, ўй суриб.
Шеър баҳси авжга минди,
Күшлар сайраши тинди.
Соҳибирон Темурдан,
Навоийдан, Бобурдан,
Боборахим Машрабу
Нодира, Увайсийдан –
Ёдланди қанча байт,
(Қани қайтса ўшал пайт?)

¹ Зулғини сатри.

Ҳакам Йўлдош Сулаймон,
Чорлаб турарди ҳар он.
Ҳар кимга бериб навбат,
Кўрсатиб иззат-хурмат.
Шеър тинглаган ой ётди,
Юлдузлар нурга ботди.
Элитди ширин уйқу,
Тушга айланди туйғу.
Эрталаб, пешин чоғи,
Энди оксув қирғоги.
Бизга бўлди дамхона,
Орада йўқ бегона.
Йўлдош ака – Фарғона,
Тошкент – Муҳаммад Али,
Пирмат Қорақалпоқдан –
Элликкальъа – узокдан,
Жуманазар – Қамаши,
Шифо ҳар бир қараши.
Бегали ҳам шул тараф.

Ҳабиб секин очар гап
Наманганд, Андижондан,
Қайсиdir хур жонондан.
Олимжон Холдор кулар,
Қамчибек, Исмоилжон
Каби жим Фарид Усмон.
Охунжон Ҳаким аста
Ғазал ўқир бир даста.
Куйлаганда Қобилжон
Оҳангга тўлди ҳар ён.
Бошланди зўр ҳангома;
Ҳазил-ҳузил, асқия.
Йўлдошбой гапни кия
Даврани хўп кизитди,
Барча тилни «қичитди».
Аммо етишмас эди –
Устоз Чархий домлаю
Адҳам Ҳамдам деган зот.

Кани Восит Саъдулла,
Давра бўларди обод.
Қадах сўзи бошланди,
Алишер деди бирдан:
Келинглар, кўтарайлик,
Шу юксак тоғлар учун!
Сайдали: Тоғлар каби
АЗИЗ йуртклар учун!
Пирмат деди жўш уриб –
Тиник булоклар учун!
Йўлдош Солижон дархол
Келтириди яхши тимсол:
Муаззам чинорлар ҳам
Заррин япроқлар учун!
Бегали қилди якун:
Шеърият дунёсида
Дарё, ирмоклар учун!
Сўнг паловни «қақшатдик»,
Тўйганга ҳам ошатдик.
«Гулнома¹» ҳам ўқилди,
«Қўқоннома²» тугагач,
Гал «Фарғонанома³»га
Етиб келганда бирдан
Шамол қўзғалди кирдан.
Ҳаво ўзгарди ёмон,
Ноғора чалиб осмон –
Бошлаворди тантана.
Кейин момақалдирок
Жанубга ўтиб кетди.
Аммо гурунг чодирда
Тонггача давом этди.

* * *

Энди бир оз келтирай
Шоҳимардон мақтовин:

¹⁻² Й.Сулаймон асарлари.

Ўтлокларни безаган
Чўпонлар оқ ўтови!
Бунда илҳом, бунда рух,
Зўр кайфият, зўр таъзим.
Эмиш Ҳазрат Алининг
Хок-покидан бор рамз.
Буни келиб кўрмаган,
Роҳатини сурмаган
Киши жуда камдан-кам.
Кўркига бўлган асир
Ғафур Ғулом, Миртемир,
Ойбек, Шайхзода ҳам.
Үйғун, Ҳамид Олимжон
Сувларида бет ювган.
Жаннат ариғи бўйлаб
Сайд Аҳмад ҳар сафар
Сайр қилган ўй-ўйлаб.
Юксакдан юксак кетиб
Муҳаммад Али бир кун,
Кўлида маҳкам тутиб
Бошдаги дўпписини,
Узокдан нақ кўрибди
Тиёншон чўқкисини.
Эркин Воҳид бу тоғлар
Гулларидан олиб ранг,
Мисрасин қилмиш таранг.
Раис Абдулла Ориф
Ишқини баён этмиш
Сирли «Хуркиз»га бориб.
Муҳаммад деган бир гал:
Бунда «Шеър ёз еб асал».
Майсалар гиламига
Кўкракларини босиб
Севги байтин тўқийидир;
Иқбол Мирзо тенгкурлар –
Минҳожиддин Мирзолар,
Наби Жалолиддин ва
Зиёвиддин Мансурлар.

❖

Афсус, бунда бир жой бўш...
Айтинг ким йўқ, айтинг... хўш?
Йўлдош Сулаймон қани?
Ёди ўртар ҳаммани...

* * *

Менки ул дўстимни излайман ҳар чок:
Шоҳимардон, Водил, Ёзёвон, Тошлок,
Шаҳар кўчалари, қишлоқма-қишлоқ,
Богма-бог, уйма-уй, хонама-хона,
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Хаёлим саҳнида хамиша ўзи:
Унинг: «Яхши, яхши», «Улугим» сўзи,
Сал қийик, жавдирок, пирпирок кўзи...
Бир ажиб воеа эсда ҳамона,
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

ЯНА ЧЕКИНИШ

Яна эсга тушди қизик воеа:
Сайд Аҳмад устознинг дала ховлиси.
Эманлар бўй чўзган осмон токига,
Ҳар ённи туттанди гулларнинг иси.

Ҳар туп оппок гулда бокиралик бор,
Гунчалар тебранар майин елларда,
Адаб шогирдлари каторма-қатор
Талпиниб келарди узок эллардан.

Қайси бир кунидир устоз икковлон
Куюк гурунглашиб тургандик чоишгоҳ.
Жадал кириб келди Йўлдош Сулаймон,
Устоз хўп «гуллади», «айниди» ногоҳ.

Йўлдош қах-қах урди ҳавога караб,
Биз ҳам кулар эдик унга бўлиб эши.

❖

Йўлдош Сулаймонга йўқ эди тараф.
Устоз дер: «Кулкингга беш кетаман, беш.

Тошкентга келдингу чатоқ бўлди кўп,
Бомбадек кулкингдан кўркишиб бутун
Кушлар қочиб кетди бўлишиб тўп-тўп,
«Кекиртак» узилиб кетмасин бир кун...

Бу боғлар, гулзорлар турфа хил қушлар,
Сайроқ булбулларнинг эди гўшаси.
Улар йўқ, ким топар, ким тутиб, ушлар,
Жуда алам қилас менга ўшаси?!»

То номозгар яйраб-кулиб ўлтиридик,
Катта адабиёт оламин кезиб.
Хайр демоқликка ўриндан турдик,
Устоз толикканин кўнгилдан сезиб.

* * *

Ҳали ҳаёт экан ғанимат билгил,
Сени севадирғон оташин кўнгил –
Асили болаларинг эҳтиёт қилгил,
Сен нури чироқсан, улар парвона,
Йўлдош Сулаймонсиз колган Фарғона!

СЎНГГИ ЧЕКИНИШ...

Сўзлаб берай ортга қайтиб бир,
Аччик қисмат аччик корини.
Шум тақдирнинг киличи кескир,
Узиб кетди кўнгил торини.

Фариштайди бизнинг ёрлар ҳам
Менинг Ҳикмат¹, уники Орзу².

¹ Менинг умр Йўлдошим – Ҳикматхон.

² Й.Сулаймон умр Йўлдоши – Орзухон.

❖

Улар каби аёл камдан-кам,
Ақлу одоб эди торозу.

Шундок бўлди: иккиси ўлди...
Бўзлаб-бўзлаб тинди гўдаклар.
Айни ёзда районлар сўлди,
Кабрларда унди чечаклар.

Оҳ, меники тасодиф кетди...
Тўлин ойга тушди кора дөғ.
Сўнг уники дард чекиб ўтди,
Бизни шундок синади Аллоҳ...

Мен уйландим ночор, ошкора,
Севгилиминг хотирин тутиб.
Куйдим, ёндим, топмадим чора,
«Гиря¹» битдим кора қон ютиб.

Йўлдош эса уйланмади ҳеч,
«Орзузи»га солмади соя.
Ичдан чиқди тутуни печ-печ,
Букилмади, у экан қоя!

Сўнг бедаво дардга йўлиқди,
Ва суюниб қолди қаламга.
Ёзди... ёзди... роса тўлиқди,
Қалби тўла экан аламга.

Бевакт ўлим келди жонига,
Сўнгсиз йўлга бўлди равона.
Кўшилсин деб киндик қонига,
Тупроғига қўйди Фарғона.

¹ «Гиря» - достон.

Эй, қасру кошона-мўътабар замин,
Мехнаткаш, заҳматкаш, комил-камтарин,
Сен бердинг энг асил шеърларим жамин,
Сенга фидо бўлсин бу азиз жона,
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Жўрахон, Маъмуржон, Лутфи, Саодат,
Таваккал хониши – авжи даромад,
Юсуф қизик сўзи эди шакар-канд,
Гулсанам, Тўлқинлар севган тарона –
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Кирк беш кун мухлатда дарё курган – сен,
Тоғдай тупрокларни қўлда сурган – сен,
Таърифинг, тавсифинг кандок сўйлай Мен?
Шон-шуҳрат, довруғинг эмас афсона,
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Довюрак, паҳлавон ҳалқи бор маскан,
Не-не диёрларки сенга берар тан,
Хур Ватан ичинда мисли йўқ Ватан,
«Бахтлар водийси¹»да дурру дурдона –
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

Ўтмишинг, кечмишинг тарих билади,
Сенинг фарзандларинг вафо қиласи,
Йўлдош Сулаймонлар қайтиб келади,
Руҳингда Истиклол берган шукронা,
Йўлдош Сулаймонсиз қолган Фарғона!

2008 йил, февраль.
I-ҳукумат клиник шифохонаси,
Тошкент.

¹ Х.Олимжон ибораси.

ВАТАН ИЧРА БИР ВАТАН

(Шаҳриҳон достони)

Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллик ининг 16 йиллигига

МУҚАДДИМА

Ватан ичра бир ватан –
Андижоннинг қошида,
Намангандан сал йирок,
Фарғона ёнбошида.

У кўқдан ерга тушган
Куёшнинг бир парчаси,
Мустакиллик баҳш этган
Хазон билмас арчаси.

Кун чикари Асака,
Кун юришда Куба бор.
Кун ботари Буз ери,
Оралиқда ўрмонзор.

Қалбимга ором берган,
Түғён берган бу достон –
Достонга рух, жон берган
Шаҳриҳондир, Шаҳриҳон!

МАНЗАРА

Шаҳриҳонсойининг майин жилдири,
Сувнинг тепасида еллар ғилдири,
Кувноқ тўлқинларнинг шўх карашмаси,
Райхонли ховузлар тиник шишаси,
Шоҳларда кушларнинг эрка чувури,
Куй чалар тарновча – темир кувири.

Барглар шитирлаши съвалар иши,
Олифта товуслар ороланиши.
Номозгоҳ гузари, кўприкнинг ёни,
Сават-сават тураг ширмойи нони.
Бир коса каймоқда жон роҳати бор,
Нишолда, новвоти, кандлари бисёр.
Каллагўшт маззали, кесим-кесим у,
Чойхона томида капитарлар «ку-ку».
Кунчикар тарафга юрсанг пиёда,
Дехқон бозори бор гавжум, зиёда.
Девзира гуручининг энг зўри шунда,
Бу ернинг пичоғи камдир очунда.
Нашботи, нок, олма, анор хилма-хил,
Шоколад хурмоси, узуми асили.
Қовун, тарвуз тўп-тўп, саллашковок,
Помидор, бодрингдан хушбўйдир хар ёк.
Даста-даста гуллар, рухга талпинур,
Енгил шабодада барги елтинур.
Турли кўкат сотар мохирўй жувон,
Нарида чол-бува мақтайди кетмон;
Болта, теша, ўроғ, бешлик, белкурак,
Ҳаммаси, неки бор рўзғорга керак.
Анави тим ости: писта ва туршак,
Майиз, ёнғок, курук мевалар лак-лак.
Хў, ана хиёбон бўйлаб газлами,
Секин юр, диккат қил, мунча тезлами:
Помбаркут, хонатлас, Ҳиндистоний шол,
Турли кийим-кечак, ўзинг танлаб ол.
Хитойи, туркманча гиламлар ёзик,
Дарпарда сўлқиллар, ранг-баранг, кизик.
Йўлак кирғоғида ўнлаб пазанда,
Пишириқ пуллайди чиқиб аzonдан;
Чучвара, варака, катлама, сомса,
Манти кулогидан кўйёғи томса,
Кампирлар лабидан сирғалур мойи,
Бу шундай шаҳарки тўкин, киройи.
Майда ковук тўнлар, шохи белбоғлар,
Бошларга ярашиқ дўппи, қалпоклар –

Чеварлар ишидан ажиб нишона.
Тохиржон курдирган ажиб кошона –
Улгуржи молларнинг тугамас кони,
Бунда бор ҳар нени топмоқ имкони.
Султонхон яратган гулзор оромгох,
Мехмоннавозликда кўп яхши даргох.
Кун ботиш тарафда жомъе мачит бор,
Ислом дунёсидай азим, улуғвор.
Шахар боғи ичра юрайлик пича,
Мудом кўшик янграр кундуз ва кеча.
Эрта-кеч козонда палов дамланур,
Дўст-ёрлар, улфатлар бунда жамланур.
Ҳангома, асқия, кулги, қаҳкаҳа,
Қадаҳлар лабида жаранг чакчаҳа.
Пахтагул пиёла кўлларда ўйнар,
Катта мис қумғонда чойлари қайнар.
Чаркин товокларда кўйгўшти тўла,
Халим-халим пишган ғулгули бўла.
Ўчокларни безар зангори олов,
Истаган таоминг муҳайё дарров.
Тўкинлик ва тўқлик бунда хукмрон,
Шаҳрихон азалдан улуғ дастурхон.
Ғаллакор Содикжон етказган буғдой
Олтин патир бўлур гўё – тўлин ой.
Шаҳрихон кўзи тўқ, хонадони бут,
Шаҳрихон феъли кенг, шиддати бургут.
Шаҳрихон субутли ҳам тили ўткир,
Дўстга дўст, душманга ҳеч бермайди сир.
Бу шундай ажойиб, ғаройиб диёр,
Гуллардан ясанган қишлоклари бор:
Сарой, Найман, Қипчак, Дўрман, Найнаво,
Сегаза қумидир дардларга даво.
Бештерак, Бешарик ва Назармаҳрам,
Вахм, Гумбаз каби Тоштепа кўркам.
Доруломон обод, шинам Қумкайрок,
Жумтепага яқин хўй, Қоракалпоқ.
Абдубий, Шеркўрғон сингари боғдир,

Хаёт нашъасидан димоги чоғдир.
Канал түлкінлари ўйнаб окади,
Шахрихон кўксига гуллар тақади.
Йўллар тахти равон, далалар бўлик,
Ҳар карич ер бунда ҳосилга тўлик!
Юзлаб Ўрмонжонлар тер тўкар бунда,
Беш чанок пахталар нур сочар тунда.
Бу макон, бу диёр ижодкори ким?
Бу тупрок, бу замин хизматкори ким?
Қачон пайдо бўлган бу ажиб маскан?
Унга сайқал берган доно ким экан?
Маърифат гулшанин боғбонлари ким?
Истеъдод карвонин сарбонлари ким?
Шундок хаёл билан кезардим яккаш,
Туман оқсоколи кўринди дилкаш.
— Шоири замона, — деди у шодон: —
Хуш кўрдик, хуш кадам, эй тили бийрон?
Мен дедим: «Шахрингиз дилга чўғ солди,
Уни мадҳ этай деб тинчим йўколди.
Бугун қалам олдим кўлимга дадил,
Керакдир неча ой, ёки неча йил...»
Деди: «Эл номидан ҳазор, ташаккур,
Сизни тарк этмасин илҳомий суур!»

ДИЛШОД БАРНО

Шоира қалбининг гўзал бўстони –
«Тарихи муҳожирон»дир достони:

«Кетуриб бу Хўқандга ул пиёда,
Ситамин солди бизларга зиёда.

Ҳаммани Шахрихонга ҳайдадилар,
Мени Хон ўрдасига ҳайдадилар.

Бу ҳусним бўлди бошимга ситамкор,
Мени чорлатди қошига у Жаббор.

Деди: «Шоира дейдилар отингни,
Манга билдур басо асли зотингни?»

Деди: «Ушбу анорга не деюрсан?»
Дедим: «Қизлар хунидан түлдирибсан».

Бақирди, кирди эшиқдин маҳрам,
Деди Хон: «Шармандани бергил барҳам?»

Элитди, зинданбонга топширди мани,
Ул девордин четта оширди мани.

Бўлдим озод илгидин, қолдим тирик,
Ушбу кулба аҳлига бўлдим шерик».

Бечора Дилшодгул, баҳти каро киз,
Чирой осмонида эди бир юлдуз.

Юз йил умр кўрди кўзда ёш билан,
Кисматга отмок-чун кўлда тош билан.

Таваллуд замини ул Истравшан –
Ўратепа аталмиш қадим боғ-гулшан.

Барнони ўқийлик, кел, дўстим, тўхта?
Шаҳриҳон тарихи учун бир нукта.

ИККИ ШОИР

Икки шоир – икки дўст:
Оразий ҳам Ҳайратий –
Ғазал боғин гуллари,
Шаҳриҳоннинг зийнати.

Ўз элин расолиги,
Донолиги, бутлиги,
Тилининг бурролиги –
Иккисининг меҳнати.

❖

Алихон Муллаохун
Үгли бўлган Оразий –
Ҳакгўй эди, дили пок,
Бизга колди ибрати.

Сўзи бой, ширинзабон,
Ут бўлиб туйғулари,
Қалбидан тўкилди дур –
Оразийнинг хикмати:

«Нотавон кўнглимда васл уммедидан ахбор бор,
Йўл юриш таълимини тавуси хуш рафтор кил».

Бегваччада туғилган
Мулла Ҳошим Ҳайратий,
Эл аро машҳур эди,
Ортиқ эди киммати.

Қалами ўткир эди,
Кескир эди феъли ҳам,
Шеъридан аён бўлур
Она ҳалқин кулфати:

«Ҳар уйда доду фарёд, ким айлагай уни ёд,
Бошин уриб пачаклар авбоши беҳаёлар.
Ҳар кимнинг бўйга етган бўлса қизин олурлар,
Кон йигласа эшитмас, йўқ унга бир даъволар.

Оразий ҳам Ҳайратий
Халқим дея ўтганлар.
Шул боис уларга чин
Элу юртнинг хурмати.

МЕХМОН

Тарихни билгувчи кекса билимдон
Мехмон бўлиб келди хонадонимга.

❖

Шаҳрихон ҳакинда сўзлаб у чандон,
Ором бағишилди менинг жонимга.

У деди: «Ер ўнгдан айланар чапга,
Дарёлар жилади шимолга томон.
Милён йил ўтгандир биз айтар гапга,
Ишонч боғлармикан эшитган инсон:

Шундай бир ҳолатни, зўр аломатни
Бошидан кечирган Қорадарё хам,
Унинг бир ўзани суриб навбатни –
Шаҳрихон ўрнидан оқкан ўша дам.

Ўша Кампирработ, Ок бўра бўйлаб,
Бунга нишоб келган тўлқинланиб сув.
Боғларни эркалаб, ўйнаб ва ўйнаб,
Тошларга урилиб кўтарган ғулув.

Умархон курдиргач бунда бир шаҳар,
Шаҳрихон сойи деб ном олгани рост.
Келинлар қирғоғин супуриб саҳар,
Райхонлар экишар, кўйишиб ихлос.

«Алқисса – жаноби Амир Умархон
Қўкон билан Ўзган ўртаси аро –
Савдо учун зарур бир марказ дебон,
Фармони олийга ул чекди имзо.

Шаҳрихон аталди ушбу музофот,
Не-не балоларни кечирди, кўрди.
Кўлдан-кўлга ўтди, юз берди офат,
Неча бор қалкиди-оёкка турди.

Уч марта ўт олди: ёнди бозорлар,
Ёнди кўп дўконлар, карвонсаройлар.
Ҳаддан зиёд бўлди алам, озорлар,
Бузилди кўпгина эл яшар жойлар.

Бинолар ўрнида култепа колди,
Одамлар бош олиб кетди ҳар ёкка.
Шахидлар конидан тошлар бўёлди,
Болалар суюнди қўлтиқ таёкка.

Курултой асноси олинди куршаб,
Уч минг истиклолчи ўққа тутилди.
Ғанимлар ёпирилди ваҳшийга ўхшаб,
Ким айтар бирорта киши кутилди?..

Бештерак қишлоғи қонга чўлғонди,
Сўйлаб берармикан қадим чинорлар.
Аламли Шаҳриҳон яна уйғонди,
Эл учун кўзғолди номуси борлар.

Шўро даври келди, қизил байроқлар,
Яна хон шаҳрига ташлади соя.
Кучайди терговлар, тинтув, сўроклар,
Дехконни килмади ҳеч ким ҳимоя.

Асил фарзандлардан айрилди бу юрт,
«Қулоқ тамғаси-ла кетди бадарға.
«Ҳалклар отаси» ҳам бўлди кўп бебурд,
Башарият, унутма, кел, уни қарға?!

Абдулҳай Рўзиев, Раҳмиддин ака,
Ёки Топволдиев Таваккалжон дер:
– Навъ ёмон, ҳосил паст, ҳеч йўқ барака,
Юқори сўрайди: «Йўқ пахтани бер?..»

У йиллар саркаш бир довулдай ўтди,
Босириқ туш каби колмади изи.
Бунда ким ютказди, қай кимса ютди,
Кимнинг бели синди ва кимнинг тизи?..

Ўтганлар номини тилга олмоқ шарт:
Султон Ниёз ўғли, Бадалов Жўра.
Абдулла Раҳимов эди жуда мард,
Шоввоз одам бўлган Бувахон тўра.

❖

Низомжон Кодиров, Ҳамидхон ўткир,
Шаҳрихон тупроғин остида бугун.
Кумрихон, Рўзихон, Зокир муҳаррир.
Чин инсон эдилар имони бутун...»

Мехмон хўп гапирди, чўзилди сухбат,
Яхшилар ишини эсладик бир-бир.
Илҳом келиб колди, қаламга навбат,
Мисралар куюлди мисоли ёмғир.

ҲУҚМ

«Пахта иши» деган маъшум қатлу ом,
Не-не одамларга келтирди ғорат.
Кўр бўлди хақикат, сўнди ҳақ қалом,
Қани нафсоният, қани жасорат?...

– Қани, гапир, гапир, ўртоқ министр,
Бизда аниқ исбот – ҳамма хужжат бор.
Қанча қўшиб ёздинг, мана, регистр,
Қаллобсан, қаллобсан, айёрсан, айёр?..

– Мен қўшиб ёзмадим, ҳосил бўлган «мўл»,
Хатто томларга ҳам пахта экканмиз.
Марказ ҳам атади бизни «Олтин кўл»,
Битта чигит учун жонни тикканмиз...

– Гапни олиб қочма, бош раҳбарга сен
Қанча пора бердинг, Кремлга-чи?
Сенинг кимлигингни хўп биламан мен,
Мана, қоғоз, қалам, яқинроқ кел-чи?..

Қанча зўрлов, қистов, ҳакорат, тазийк,
Ҳалака килишлар ҳаддидан ошди.
Терговчи забони экан бетийк,
Телба тоғ сойидек қайнади, тошди.

Ваҳобжон Усмонов гўё олди тан...
Зўрлик, зулм билан имзо қўйилди.

Ўзбекистон номли жафокаш ватан
Муштипар онаси бўлиб туюлди...

Ва деди: «Эл-юртим омон бўлса бас,
Ўзбекистон тупроғи кўринур кўзга.
Ёлғиз жонни асраш хеч ҳожат эмас..?
Сўнг тили келмади бирорта сўзга.

Хукм ҳам ўқилди... энг олий жазо;
Қай соат, қай маҳал, кайда отилди...
Бу дунё бебако... одам бевафо...
«Бизники» деганлар хўпам сотилди...

ИМОН МАЪВОСИ

Жойнамоз устида Хон шаҳри ҳар тонг,
Аллоҳга келтирур беназир имон.
Ислом ёғдуси-ла таралса оханг,
Қиблага юз бурав бунда ҳар бир жон.

Дину маърифатдан элга сўзлаган
Жони фирдавсмакон Фахриддин устоз.
Ул зотки, яхшилик, хақни кўзлаган –
Устозлар ичиди эди энг мумтоз.

Қай хонадон кирсанг, зарҳал шикофда
Эъзоз токчасида Муқаддас Куръон.
Улуғ сўз битилмиш пештоқда, шифтда,
Бухорий ҳадиси қалбда ҳукмрон.

Ваъз айтса меҳробда, чикиб минбарга,
Мулло Абдулаҳад – воизи кори.
Хурлик нашъасидан келган хабарга,
Акс садо киладур кўнгиллар тори.

Ҳадислар мазмуни чеки йўқ денгиз,
Маънолар ғаввоси Иzzатиллоҳон.
Зухриддин домлага қулоқ солсангиз,
Ҳазрати Накшбанд ёруғ бир жаҳон.

Кўпгина уламо кўзини очган,
Шахрихон бешиги, тупрок, ҳавоси.
Шул боис бу ердан шайтонлар кочган,
Шул боис бу ердур имон маъвоси.

РОКСАНАНИНГ КЎЗЁШЛАРИ

Қаттол уруш эди, жанг эди,
Қонга ботган эди одамзот.
Украина ҳоли танг эди,
Қил устида қолганди ҳаёт.

Қахатчилик эди, бурда нон –
Топилмасди бир кеча-кундуз.
Қайнамасди ўчокда козон,
Ой куярди, учарди юлдуз.

Шахрихонга келарди ҳар кун
Қанча-қанча машъум кора хат.
Аммо юрак бўлса ҳамки хун
Сўнмас эди меҳр ва шафкат.

Роксананинг кўзларида ёш,
Қўлларида кичик тугунча.
Унда асло йўқ эди бардош,
Сўлган эди қўйнида ғунча.

Ярим тунда бетоб боласи,
Бир тўлғониб таслим қилди жон.
Вужудига сиғмай ноласи
Ахтарарди бирор меҳрибон.

Қўлларида кичик тугунча –
Норасида гўдак мурдаси.
Сўлган эди қўйнида ғунча,
Ёш тўкарди аччик дийдаси.

¹ Изоҳ: «Роксананинг кўз ёшлари» – Ҳамид Олимжон мавтуси.

❖

Секин-секин пичирлар лаби:
Мозорига кўярми Ўзбек?
Дини бошқа, бопка мазҳаби,
Мени қабул қиласми ўздек?

Намозига турган Нурбой чол
Роксанани кўриб қолди тонг.
Мусоғир қиз турарди беҳол,
Иккиси ҳам бўлди ҳангуманг.

– Қизим, нечун кўзларингда ёш?
Кучогингда недир тугунча?
– Болам ўлди, тугади бардош,
Пешонам шўр эканми шунча?

– Қизим, менга бергил болангни,
Юр, элтамиз мозорга дарҳол.
Аллоҳ билиб сенинг нолангни
Кўздан уйқум олди эҳтимол?

Чол болани қабрга қўйиб,
Аста тортди устига тупрок.
Она шўрлик йиғлади тўйиб,
Ва «Инжил»дан сўз айтди титрок.

Сўнг бош қўйиб чолнинг кўксига,
– Ота, – деди куриб мадори.
– Савоб, – дер чол овози ўксиб:
«Бу Аллоҳдан, Ҳак ихтиёри...

Бу дунёда яшамок мушкул,
Аччик келса тақдир шамоли.
Қийин бўлди халқларга буткул,
Тўзиб кетди япроқ мисоли.

Кундан-кунга оғирдир турмуш,
Не-не элат юртидан жудо.
Кучаймоқда бу қирғин уруш,
Паноҳида асрасин Худо..?

Ҳаммамиз ҳам инсонмиз, қизим,
Қизларим бор, бизнинг уйда тур?
Ўзбекда бор раҳм ва тўзим,
Кел, кизгинам, юр, ортимдан юр?

Шевченкони биламан мен ҳам,
Киевни-да кўрганман бир бор.
«Кулок» бўлиб, сургунда отам,
Мен колганман бунда интизор...»

О, Роксана, ёлғиз Роксана,
Ўтиб кетар ғамнинг бариям.
Украин қиз, сен бир гулсан-а,
Сен гўзалсан, сен Биби Марям.

ҚЎПРИКЛАР

Машойиҳлар демиш азалдан-азал:
Жаннат тўрут томони дарёи кудрат,
Бирида зам-зам сув, бирида асал,
Бирида сут эмиш, бирида шарбат.

Шул сифат Шаҳриҳон ичин оралаб
Беш марта айланиб окиб ўтар сой.
Боғларни аллалаб, шаҳар мўралаб
Ҳар ғунча рангига улашар чирой.

Сойнинг беш жойидан халойик ўтар,
Беш улуғ кўприк бор бунда мустаҳкам.
Эл бирин «Фози Охун кўприги» атар,
Яна «Бозор олди», «Намозгоҳ», «Ўрам».

Айниқса, «Шерқўприк» жуда ҳам пишиқ,
Муҳандис ким экан, иши гаройиб,
Номи ҳам ўзига жуда ярашиқ,
Унинг бир мазмуни жуда ажойиб:

Шер сиймосин чизиб ёш Матлаб,
Сўнгра уни килай деб тошдан,

❖

Хайкалтарош устага ўхшаб
Ишлай кетди, ясади бошдан.

Энг аввало келбатин чизди,
Калласини жуда ўхшатди.
Киприкларин, қошларин тизди,
Тошни эзид, элаб, юмшатди.

Оёкларин пойидор қилди,
Бўйни эса бўлди бақувват.
Елкаси кенг, белин сал шилди,
Кўзларига бахш этди шиддат.

Ният эди бу ишга асос,
Мардоналиқ эди ғояси:
«Йигит бўлса ўз номига хос,
Юртга тушмас ёвнинг сояси».

Юрагини ясай олдими,
Беролдими унга жасорат?
Қалбига ўт, олов солдими,
Борму унда вафо, садоқат?

Шер ҳайкалин ёш уста бир кун
Ўрнаштириди кўпrik бошига.
Ва ишига ясади якун:
«Матлаб» дея ёзди тошига.

УБАЙДУЛЛАХЎЖА

Убайдуллахўжа пичокчи уста,
Шогирдлари хозир эҳтимол юзта.

Биттаси Ҳолжўра, иш махорати –
Дейдилар ўзига жоннинг роҳати.

Тоза пўлат металл асил хомашё,
Босконда яркирар мисоли тилло.

Дам урса, сувласа очилар тиғи,
Кунда тепасида колар қипиғи.

Шаклу шамойили ярқирар аста,
Ясамоқ ишида санъат пайваста.

Пичок юзасига юлдузлар тушар,
Ярим ой рамзи ҳам бир хусн қўшар.

Уни эъзозлайди миллат йигити,
Пичок йўлдош дейди чоллар ўгити.

Узок-узок элдан келиб оларлар,
Ажойиб ғилофи-кинга соларлар.

Сопи фил суюги, оппок ва тоза,
Шахрихон пичноғи элда овоза.

ҲАҚ ТАРОЗУСИ

Абдуғани хожи деди бир чўтлаб:
«Менинг ҳар шогирдим ҳалол савдогар,
АҚШга етади бир қадам хатлаб,
Ўз касбин устаси пиrimiz қадар.

Раҳматли Сотволди, Озодбек, Зафар,
Туробжон, Эркинжон яна қўплар бор.
Бариси фидоий, ҳакгўй элпарвар,
Барисин нияти тоза, беғубор.

Лек бизда айб бор, қадимдан қадим,
Қанча сингиб кетган бўлмағур одат.
Нуксонни бўйнига олсин ҳар ходим,
Тан олмок иши ҳам буюк саодат.

Савдо иши нозик, нархланур хаёт,
Нархланур диёнат, нархланур имон.

Нархланур умрлар, азиз одамзод,
Тенг тарозу эмас, орият виждон.

Тошдан уриб колиш – фирибгар иши,
Газлама ўлчови – сирот күприги.
Шундан бузилади инсон турмуши,
Шундан ёшланади эрлар киприги.

Шундан окаради оналар сочи,
Йигитлар комати шундан букилар.
Шундан йўқолади бола кувончи,
Замона обрўйи шундан тўкилар.

Баробар бўлсайди ҳак тарозуси?
Жаннатга айланиб кетарди дунё!
Бу башар армони, халклар орзуси,
Факат тўғри йўлга бошлияди Худо!

РИВОЯТ

Гумбаз мачитининг рўпарасида
Келитут номланган тут дарахти бор.
Ёши уч юз йиллар депарасида,
Ким унга дил кўйса эмиш баҳти бор.

Букчайиб ётибди, йўгон комати
Кўкка етай дейди, танаси кўтири.
Картайган шохларин бор аломати,
Бутоклар тош қотган, кобиги чўтири.

Меваси мазали, ранги кўкимтири,
Болалар шу ерда тут пишгани чоғ.
Барглари шамолда лабларин кимтири,
Чайир новдалари килт этмас бирок.

Қибла томонида, мачит ёнида
Бувоназар эшон мангу уйқуда.
Гумбазнинг кунбеткай кўшайвонида
Пайғамбар сўзлари равшан ёғуда.

❖

Келитут хақинда бор бир ривоят:
Бувоназар эшон демиш бировга:—
«Бефарзанд бўлганлар ўкиб бир оят,
Мана шу келига сув куйсин ров-ров.

Мана шу савобни бажарган киши
Окил фарзанд кўргай, ювилгай доғи.
Эркин ҳаволаниб қўнглиниңг қуши,
Умри узоқ бўлгай, кўкаргай боғи».

Ушбу афсонанинг таги ҳакикат,
Инсон эътиоди – буюклик нури.
Унга дахлдордир ҳамма ҳам факат,
Ловуллаб турса гар қалбининг кўри.

ОЛИМУ ЗИЁЛИСИ

Шаҳриҳоннинг олиму зиёлиси;
Тошмуҳаммад аталур фидойиси,
Ҳамма билур – шарифи Саримсоков,
У юксалди улуғ Аллоҳга ёкиб.
Акл билан «Алжабр»га бокиб тик,
Бўлди охир энг катта Математик.
Унинг ўчмас дарсларини тингладик,
Мехнат нима, заҳмат нима англадик.
«Эҳтимоллар назарияси» очилди,
Онгимизда кўп муаммо ечилди.
Яна биттга алломаи замона,
Адабиёт жафҳасида мардана –
Бу – Тўхтасин Жалоловдир чин устод,
Руҳи биздан рози бўлсин умрбод.
Навоийни англаб ерга сиғмаган,
Фузулийни ёдлаб юм-юм йиғлаган,
Нодира, Увайсий қалбини топган,
Самарбону дея мозийга чопган,
Барно, Маҳзунани айлаган машхур,
Зулфияхонимга айтиб ташаккур.

❖

Бизга ҳам берди у оқ тилак, оқ йўл,
Устоз дея бердик биз ҳам унга қўл.
«Олой маликаси»н битаётган чоғ,
Анзират ишқидан тоқатлари тоғ,
Туғишиган элини соғиниб кетди,
Юракда борини у изхор этди:

«Менга кўрсатган шафқат-марҳаматлари, берган тарбиялари учун мен дастлаб бобом Мұҳаммад Исҳоқ, тогам Мұҳаммадзиёдан, қолаверса, Шаҳриҳон ҳалқидан беҳад миннатдорман. Шаҳриҳонни бутун вужудим билан севаман, ҳар иши бориб, бу бобомлар диёрини, бу азиз тупроқни бир зиёрат қилимасам кўнглим таскин топмайди».

Энди бошқаларни эсга олайлик,
Достонга солайлик, шеърга солайлик.
Ҳусан қози тил билиб, эл билган у,
Сўз устида кўп изланиш қилган у.
Ҳошимжон Рассоков шу ер боласи,
Наҳот колиб кетди ижод чоласи?
Акмал Қосим билганини ким билар,
Амалиёт ишларини ким қиласар?
«Нур» кишлоқдан чикқан икки оғайни,
Ёқубжон, Баҳодир шу дамда айни –
Игналаб бир қилни кирқ ёрмоқдалар,
Илм, дея жадаллаб бормоқдалар.
Мамажон домла дер: «Ҳар битта бола
Бошланғич синфда қолмасин чола.
Ректорлар: Азимжон, Толибжон, Йўлдош –
Ўлка ёшларига Фан йўлида бош.
Йўлдош Султон номи бунда таратган –
Жажжи шеърдан бошлаб рўмон яратган.
Ҳалима, Манзура, Аҳмад Мамажон,
Яна Аҳмадилло, Тўйчибой, Раҳмон –
Ҳусан, Маъруфжон, Одилжон Нурмат,
Тилида, дилида ижодга хурмат.

МЕН ҲАМ...

Маним таваллудим ул кадим Қубо,
Мурғак гўдак чоғим – бир ёш тўлмай то –
Она кишлоғимни дилга айлаб жо,
Шахриҳон – Бешқалга кўчибмиз, илло.
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шахриҳонийман.

Кўзимга нур берди бу кичик қишлоқ,
Жисму жоним аро ўтли иштиёқ,
Жонимга жон бўлган бир дўсти ўрток –
Мухаммад Али бу, шоири қайнок!
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шахриҳонийман.

Биз шунда жуфтладик илк бор кофия,
Телба ошиқ бўлдим бир кизни сужа,
Кечалар кўзёшни шеъримга куя
Унга етолмадим, мен куя-куя...
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шахриҳонийман.

Қалами нурланди, етилди дўстим,
Баланд поғонага интилди дўстим.
Умрбод мени чин дўст билди дўстим,
Мехру садоқатни кўп килди дўстим.
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шахриҳонийман.

Неча ўн йилларки, эрта-кеч ишлаб,
Шеъру достонларин элга бағишлиб,
Гўё ҳайкал қурди метинлаб, ғиштлаб,
Мен-да ёздим ғафлат бошига муштлаб!
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шахриҳонийман.

«Сарбадорлар» ила қилолди сұхбат,
Ижод иморати – «Улуғ салтанат»,

Мироншоҳ, Шоҳрухга эндиғи навбат,
Менинг ҳам қалбимда армоним кат-кат!
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шаҳрихонийман.

Шаҳрихонсойининг сувидан ичиб –
«Бокий дунё» битди ўзидан кечиб.
Шўронинг минг ямок чакмонин ёчиб –
Мен ҳам истиқлолга нур либос бичиб –
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шаҳрихонийман.

Хў, ана, боғ орти, қуёшга томон,
Жуфт қабр турибди якин ёнма-ён.
Улар Мирза Карим – Мукаррамахон,
Улар эди бизга ука, укажон...
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шаҳрихонийман.

Куйладим Ҳуррият берган асрни,
Улуғ Навоийни – Олтин қасрни,
Оташин Чўлпонни, Усмон Носирни,
Ошкора киламан, очаман сирни –
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шаҳрихонийман.

Ёд олдим Бобурни мен ёна-ёна,
Шо Машраб назмига бўлдим парвона,
Устоз Миртемирдек бу кун мардона,
Шеърият саҳнида туриб шоҳона –
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шаҳрихонийман.

Каршимда рўбарў яна бир довон,
Белга кувват берса Ӯзбек ёлган нон,
Алқаб турса онам – жон Ӯзбекистон,
Йўлим равон очса Аллоҳ – меҳрибон,
Ҳолатим чизмақда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шаҳрихонийман.



БҮЗ

Бўз Шахрихон кибласида,
Тулпорлар бор табласида.
Ўзига хос аҳли туман,
Менинг феълим ҳаммасида.

Барчасида орзу, ният,
Барчасида зўр ҳамият.
Унга фаҳм, чирой берган,
Ҳам жамият, ҳам табиат.

Ўлка бўйлаб овозаси,
Бунда одамнинг тозаси.
Андижону Фарғонанинг
Бўзdir олтин дарвозаси.

Дўстим кеча шеър сўради,
Мени саволга ўради,
Дедим, мана ўкиб кўргил,
Ёзганларим бу туради:

«Шамол гулни уйғотди,
Гул кўнгилни уйғотди.
Кўнгил ёрни уйғотди,
Ёр булбулни уйғотди,
Булбул йиғлаб сўз котди.
Бўлди, энди тонг отди,
Ой қуёшни уйғотди».

Кейин, дўстим айтди раҳмат,
Менга килиб сал хушомад.
Сўнг Шахрихон жўнаб кетдим,
Давом этар яна сухбат!

ТАНОВАР

Ер-күкни қоплади карнай садоси,
Таранг чилдирмалар зарби бекиёс.
Тоғларга урилди күшнай навоси,
Дўмбира қўшилди боз устига боз.

Атлас кўрпачалар тўшалган жойда
Шоирлар ўлтирас чордана куриб.
Ойбекнинг лочин кўз нигоҳи ойда,
Миртемир шеър ўқир илҳомни суриб:

«Дашт юзига юрди элим қаҳрамон,
Кудрати зўр – топмагуси тоғ омон:
Бахт сувини очкувси у бегумон,
Бўстон ўлур, сувга кониб ҳар томон,
Тўлқинида меҳру вафо, яли-яли».

Faфур Fулом чиқди ўртага кейин,
Гулдурос карсаклар сиғмади кўкка.
Бу гўзал ҳолатни тасвирлаш кийин,
Усмон Юсупов ҳам турволди тикка.

«Тановар» бошланди, азалий оҳанг,
Кориёқубовнинг янграп овози.
Танбур йиғлаб кетди, найнинг ҳоли танг,
Кўзларни куйдирар раккоса нози.

Оппок шохи кўйлак, бекасам нимча,
Бошига дол кўнган яшил ранг дурра.
Сочлари кирқ ўрим, беллари хипча,
Кўз тўймас, кўрсанг-да яна минг карра.

Даврани айланур оккуш мисоли,
Баъзан илғорларга килади муком.
Белбоғлар ёзилар пойига ҳоли,
Тилдан учар: «Э, дўст, дўст!» деган калом.

❖

Нафосат завқида тумонат одам:
Канал казувчилар неча минг, юзи.
Доира замзамига ракс этар санам –
Шахрихон элининг Мукаррам қизи.

Тун оғиб боради, базм авжиды,
Унга термулади юлдузлар ғужғон.
Эртага сув келар, канал мавжиды
Оқиб кетар бўлди қадимги армон.

СОЗ УСТИГА СОЗ

Жўра посон гижжак чалганда,
Чалавериб кўли толганда,
Эргаш посон дуторни урган,
Чўлпонойлар ўйинга турган,
Истатхонлар айлаган хиром.
Собиржонлар куй басталган,
Одинахон гул дасталаган.

Ана кўплар қўзғолиб колди –
Очилхонни ўртага олди!
Давра узра ҳофиз овози,
Аён қилди ошиклар розин.
Неча «Ушшоқ» ва неча «Баёт»,
«Дилхирож» ҳам кўтарди фарёд...

Куй ҳаммани тортди домига,
Лаблар тегди севги жомига.
Йиллар ўтди орадан, яна
Пайдо бўлди Озодбек мана!
Ички бир дард, нурли бир оханг,
Куйган диллар тор мисол таранг.

Авжга чиқур ёркин ашула,
Қалблар аро югурадар шуъла.
Жўш уради ойдин бир тилак,



Тилга кирап ҳар битта юрак:
«Кўз тегмасин унга баногох,
Панохида сақласин Аллоҳ!»

ИСТЕЬДОД

Истеъдоднинг кўзи ўткир, акли зиёда,
Аммо ўзи эл ичида юрар пиёда...

Гулга қўнган боларини қиласар томоша,
Боларига зехни тушар, хаваси тоша.

Нурга тегиб ҳалок бўлган парвонани деб,
Кечалари уйқу билмас қисмат ғамин еб.

Ғазалиёт ўқир ҳар тонг кўзда ёш билан,
Ёлғонларни урсам дейди битта тош билан.

Уммонларнинг остида дер чин дуру гавхар,
Топадирсан, оладирсан, ғаввос эрсанг гар.

Шундай сўзлаб, яшаб ўтар бизнинг истеъдод,
Шул сабабки курашмоқдан айрилмас кушод.

Қулогида жаранглайди хаёт овози,
Энг мукаммал ҳам илохий нафосат сози.

Бу, Толиб ҳожидир Ҳамид ҳожи ўғлони,
Сахна майдонининг яна бир билағони.

ЯМИН ҚИЗИҚ

Бола эдим, қишлоқда бир кун
Кўриб қолдим Ямин қизикни.
Буғдой рангли, ҳам қирра бурун,
Кулоғи динг, бўйи чўзикни.

Бошга кийган сүппи қалпоғи
Эслатади хүрэз тожисин.
Юзлариди хар хил бүёғи,
Йүрөгалиши – овчи тозиси...

Майнавозлик кучайди роса,
Күз бойлағич хунари хам соз.
Охир айтиб берди хulosса
Жиддий туриб, ўйланиб бир оз:

«Отам эди жуда гаройиб,
Симни тортиб ўйнар эди дор.
От устида онам ажойиб
Ўйинларни килди ихтиёр.

Чопағон от устида онам
Сакраб-сакраб ракс тушар эди.
Ўрганардим улардан мен хам,
Томошадан сүнг отам деди:

«Ямин, билсанг, сени күчадан
Топиб олган отангман, ўғлим.
Сүраб билгил, майли нечадан,
Аммо сенда юрагим, күнглим.

Онанг түккан эмас сени, ҳой,
Фаришталар балки яратган.
Аканг эса Абдулхай Норбой –
Халойикни ўзга қаратган.

Сен дорга чиқ, учкур отга мин,
Ерда юру самоларни күч.
Отанг, онанг дуолари чин,
Каптар бўлу қийғир каби уч».

Шундан буён масхарабозман,
Ёшим энди элликка тўлди.
Ҳали ёшман, жўжахўрозман,
Чапнак чалиб турсангиз бўлди.



БУГУНГИЛАР

Кечагилар рухин шод этиб,
Умрларин айлаб бардавом,
Бугунгилар мақсадга етиб
Келажакка элтарлар салом!

Кечагилар охирати нур,
Ётар жойи жаннат-ул макон.
О. уларнинг хар биттаси хур,
Дунёлари чин дорул-омон.

Содир бўлган эски хатони,
Бугунгилар албат тузатар.
Темур каби туркий маъвони
Минг йилларга балки узатар.

Кечагилар гуллатган Ватан –
Ўзбекистон аталган диёр,
Бугунгилар учун жону тан,
Бугунгилар билан барқарор.

Кечагилар курган бинолар
Безаб турага ёруғ дунёни.
Бугунгилар дониш-донолар
Бахш айларлар илму зиёни!

– Бугунгилар, ким экан улар?
– Юртбошимиз алқаган авлод!
Улар билан эртамиз кулар,
Улар билан гуркирар хаёт!

Улар дуркун-дуркун болалар,
Чиқиб келар менинг йўлимга!
Шаҳрихонда алвон лолалар,
Тўлиб кетар ўнгу сўлимиз!



ХОТИМА

Юрагим ларзага келди неча ҳур,
Илҳом қайнаганда жон топди ҳузур.
Ҳар гал ўтганимда «Камолтепа»дан,
Мархумлар абадий ётган «супа»дан,
Дуода қўлимни юзимга тортдим,
Фоний дунё юкин бўйнимга ортдим.
Мангуга айланиб соғинч, сабрлар –
Ёлғиз-ёлғиз турар бунда кабрлар –
Улар ерга қайтган ер фарзандлари,
Шахрихон боласи, жигар-бандлари –
Тошларга айланиб ётурлар секин,
Зиёрат килгувчи, кадам бос секин...
Кейин ўтиб кетдим шаҳар тарафга,
Одамлар ичига, сухбатга, гапга.
Замондош одамлар, кўп дўсту ёрлар,
Қаршимга чиқурлар ихлоси борлар.
Ойнаванд эшикнинг ёнида турдим,
Оксокол кўринди у томон юрдим.
Дилбар ҳожи ўғли дўстим Фазлиддин,
Палаги беғубор иймон тарзидин.
Юзидан, сўзидан ёғилади нур,
Маърифат-тариқат ва илму шуур.
Гавжум кўчаларга чиқдик сўнг аста,
Халойик кутларди бизни пайваста.
Ҳар ерда, ҳар жойда хаёт шукухи,
Озод замон руҳи, меҳнат гурухи.
Ватан ичра ватан гуркуар яна,
Менинг бу достоним бўлсин кўрмана!
Улуғ муждаларга ҳакли Шахрихон,
Ассалом-алайкум аҳли Шахрихон!

2006–2007 йиллар,
Чимён, «Зилол»
сүҳатгоҳи.



МАРСИЯ

Мұхаммад Юсуфдан сүзлатманг мени...
Сұрамант, сұраманг, бўзлатманг мени...

Дерлар: «Туғишгандан тутинган аъло»,
Ақа-ука бўлдик тишлаб битта нон.
Бугун ташлаб кетди, йўқдир тасалло,
Наҳот ул аҳд-паймон ёлғондир, ёлғон.

Йил ўтди, рағбатим, ҳеч омадим йўқ,
Ҳажр хароб этди, ҳаловатим йўқ,
Бардош тамом бўлди, каноатим йўқ,
Укам йўқ, учарга бир қанотим йўқ.

Бир йилки, кисматга бордир аламим,
Киприкдан дувиллаб тўкилур ғамим.
Ёзіб кўяй десам, юрмас қаламим,
Мунчалар залворли, оғир қадамим...

Бугун менинг яна ярам шилинди,
Мұхаммад йўклиги жуда билинди,
Юрагим орзиқди, унга илинди,
Айрилик тиғ урди, жисмим тилинди...

Қакшатиб кўйди у – дўсти севарим,
Тили бурро эди, шеърга чеварим,
Уни ёдга олмок бўлди хунарим,
Ул эди назм аро тоза шакарим.

Ҳамон ёдимдадир у йиллар, кунлар,
Сахарлар, кундузлар, кечалар, тунлар...
Менинг тилим куйган, тили бутунлар,
Ох десам, оғзимда аччик тутунлар.

Нечун ташлаб кетди ижод боғини,
Нечун олиб кетди шеър қайногини,
Бизларга қолдириб ҳижрон дөгини,
Ҳар калбда тиклади ўз байроғини.

Дастурхон тўрида, менинг уйимда,
Қўлин изи бордир коса – буюмда,
Қадаҳ оҳанглари синик кўйимда...
Наҳот, ёди колди энди ўйимда.

Йиғладим, дийдамда ёшим кўп экан,
Ўлим кўзга кирав битта чўп экан,
Такдир ишларига охир «туф» экан,
Яхшига яхшилик боғи кулф экан...

Бошимга тушганда бешафқат ҳижрон,
Менинг остонамда ўлтириди гирён,
Ахир, менга эди чин дўст, меҳрибон...
Ака-ука бўлиб синдирилган нон!

«Чўлпон»ни битганда термулиб турди,
«Усмон Носир» дедим, секин ох урди,
Нуксоним сезганда гапини бурди,
Бирон сўз демади, ийманиб юрди.

Мухаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

Кўшиклар тўкиди, байтлар тўкиди,
Қабоғига суртиб ўзбек ўкиди.
Илҳом парларидан кимлар чўқиди,
Чиндан-да ҳеч унинг тенги йўқ эди...

Мудом ростни деди, ёлғонни сўқди,
Қанча кеккайланлар каддини букди.
Уларнинг бошидан ҳак шеърни тўқди,
Сўзи кўкка учди, ўзи-чи, чўқди...

Бир оқшом ёд айтди турфа қиркта шеър,
Хаёлга ғарк бўлди осмон билан ер...
Кимларга дегум бор: «Кел, сен ҳам тан бер!».
Ох, уни етказган эл, кўкрагингни кер!

Бир гал деди: «Ака, келмасдим энди,
Отам ўтиб кетди, чинорим синди.
Сизни деб талпиндим»... Овози тинди...
Етимлик қийнабди, жуда билинди...

Душмани йўқ эди, улар «мот» бўлган,
Юраги ўлгану лек «ҳаёт» бўлган,
Уларни енгтан куч – истеъдод бўлган!
Унинг рухияти чин озод бўлган!..

Зукко устозларга берган эди қўл,
Халқидан сабоқни олар эди мўл,
Улуғлар кўрсатиб турар эди йўл,
Сийрати бир денгиз ва сурати гўл.

О, ўлим барчага баробар экан,
Умри битганида саросар экан,
Тириклик ҷоғида дилобар экан...
Ҳар киши ўзидан бехабар экан...

Олис Қоракалпоқ диёри бўйлаб
Юрибмиз энг гўзал орзулар ўйлаб.
Ҳаяжон қўзғарди Гулбаҳор¹ куйлаб...
Шоир бечоранинг кўнглини бойлаб.

Зангор қўл бўйида сувга солиб тиз,
Икки оға-ини шод ўлтирибмиз,
Оролдан шамоллар келарди ғиз-ғиз,
Шом тушди, осмонда кўринди юлдуз.

Элликқалъя. Чошгоҳ. Мухташам бир зал.
Шеър баҳси. Ҳар ким ҳам ўқир галма-гал.

¹ Гулбаҳор Эрқонова — хонанда.

Бири холва, бири канд, бири чин асал,
Раис¹ ҳам даврага берарди сайкал.

Раис навбат берди, айлабон огох,
Қарсакка чулғанди бу катта даргох...
Мұхаммад минбардан йикилди ногох...
Ёпираі, не бўлди? Ҳайхот! Ё Оллоҳ!..

Ўша тун келмади кўзларга уйқу,
Ўша кун туғилди абадий қайғу,
Ўша куни сўнди оташин туйғу...
Ахир чин шоирлар ўлмас эди-ку?

Чексиз дашт. Биёбон. Саҳрои соков.
Фалак гумбазига мисол бир ўтов.
Яна мушоира... Лек йўқдир бирор...
У – шоир Мұхаммад, илҳоми – бедор!

Мұхаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

Раис Мұхаммадни шогирдим, дерди,
Сенсан шеъримизга янги жон, дерди.
Сенсан – Усмон Носир,
сен – Чўлпон, дерди.
Устоз зўр меҳрини кўрсатиб берди!

Хат ёзи дард чекиб кўзида ёши,
Шоир онасига азиз Юртбоши!
Тоғ каби юксалди она бардоши,
Шунчалар беназир Ватан қуёши!

Мұхаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

Андижон томонда бир ўғли қолди,
Ёлғизим дедиую Худога солди.

¹ Абдулла Орипов – Ўзбекистон Каҳрамони, ҳалк шоири.

❖

Мадина¹ фарёди оламни олди...
Ёрининг мадори йиғидан толди...

Бир вакт кўрдим, Сирда чўмилди,
Тўлкинлар мавжидагувнаб кўмилди,
Оч, ёвуз гирдобрлар унга термулди,
Фараз ва хасадни кирғок хам билди.

Байрам кунларида битта табрик кам,
Зуволанг эди-ку жуда мустаҳкам.
Юлдузинг қаёнга учди, жон укам?
Кўк тўла юлдузлар турибди-ку жам?..

«Гулдан гулга қўнар оппок капалак,
Томоша айлади уни теварак», —
Деган эди кулиб у лочин юрак!..
Бу сўздан гулдираб кетганди фалак!

Бир куни кутдирди, келди қолиб кеч,
Роса койиб бердим, кечирмадим ҳеч.
Ичдан охи дудим чикарди печ-печ...
Аттанг ойи келди, деди: Кўнглинг еч!

Қанийди тирилиб келса, дил бойлаб,
Хайфсан қилмасдим эътиroz айлаб.
Ва саклаб юрардим ёнда авайлаб,
Ям-яшил шеърият садосин тинглаб.

Босма, босма дердим чақир тиконни,
Эҳтиёт қилмадик руҳи уммонни —
Бегуноҳ, беғубор бир шоир жонни,
Шамоллар учириб кетди хазонни.

Юртнинг фахри эди, шоирлар марди,
Ватанин күёшга сийлаб еткарди.
Алқисса, тупрокка айланди гарди,
Водариг, оламга сиғмасди дарди...

¹ Мадина — шоирнинг кизи.

Бугун тонг. Ўйландим кенгликка бориб,
Кўкда чакмок чакди булутни ёриб,
Шоир қуёп экан, чиқди кизориб,
Лоларанг қонга у калбини кориб.

Марҳамат томонга боролмам ҳаргиз,
Юрмокдан чўчийман, букилади тиз.
Унда бир қабр бор ҳазину ёлгиз,
Тупроғин устида шамоллар ғиз-ғиз...

Мухаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

Тошкентда, Дўрмонда қўшни турганмиз,
Оловли илҳомнинг гаштин сурганмиз,
Тўлин ой ботгунча сухбат курганмиз,
Ҳар тонг янги шеърни унда кўрганмиз.

Кўрдик икки дарё кўшилишини,
Асов пўртанаалар эшилишини,
Улуғ Сайхун бўлиб туғилишини,
Ким билмас дарёлар қиласишини?

Бир гал сузиб ўтдик Кўли Қуббондан,
Шунда довул турди, сел келди ёндан –
Юксак тоғ устидан, баланд осмондан!
Шоир кўнгли тошди бевош түғёндан.

Шоир ҳам сайроқи бўлурми шунча,
Ҳар мисра мисоли сехрли ғунча!
Ғунчаки – севгидан, ишқдан тугунча...
Ўлмагай бу кўшик дунё тургунча!

Нечун тарк айлади ёруғ дунёни,
Ё бунда кўрмади меҳру вафони?
Ё битта кизгина қилди жафони...
Ким ҳам еча олур бу муаммони?

❖

Мухаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

Оlamdan кўз юмди Бобур ёшида,
Кирк етти йил нима йигит бошида?
Бургут назар эди кўз карошида...
Ўзлиги барҳаёт эл бардошида.

Она адабиёт йиғлаб ўксинди,
Шеърият боғида бир шамшод синди.
Эрка кўнғироқнинг овози тинди...
Бир тулиор йикилди, олдин депсинди...

У кетди. Кўлларда китоби қолди,
Бесанок калбларда офтоби қолди,
Дуркун авлодларда хитоби қолди,
Хотира, ёдида савоби қолди...

Севикли қизларда сурати қолди,
Ошиқ йигитларда журъати қолди.
Мулойим шиддати, зийнати қолди,
Ох, асрай олмадик, миннати қолди.

Бўзда дала боғим, шаббода сарсар,
У киприк қокмади ол тонгга қадар.
Сўнгра туриб ёзди тезлаб муҳтасар!
Бир гўдак сингари туғилди асар!

Мухаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

Тунда кириб келди ҳафта адоги,
Ёнида бор эди уч-тўрт ўртоғи,
Кучоклаб йиғлади, соғинган чоғи,
Бу ота қўмсаши, айрилик доғи...

Турсун Али полвон Шоҳимардонда
Ботмон тош кўтариб қўлда-ўмгонда —

Мұхаммад шеърини айтганда жондан
Қарсак күкка чиқди катта майдондан.

Ёнда бир укамиз дегандик доим,
Эркалаб күярди секин, мулойим.
О, бизга күп күрди уни Худойим,
Күрмак йўқ то энди киёмат-қойим...

Яхшига дағал сўз айтмас эди у,
Ёмонни сўкмокдан қайтмас эди у.
Виждон буюрмаса битмас эди у,
Ватандан йирокқа кетмас эди у.

Дархон томондаги беш қаватли уй,
Хар гал ўтганимда дейди: «Яна куй,
Яна ён, оловлан, яна баттар суй!»
Билиб кўй, тақдир шу, юрагингда туй!

Туш кўрдим. Тушимда ийманиб бир оз,
Шеър айтиб турибди шоири шоввоз.
Сўзлар лўнда-лўнда, равон, бепардоз,
Шеърки шундок бўлса, о, нақадар соз!

Шоир жисми ётур совук тупроқда,
Биз ҳам яшаяпмиз хижрон, фироқда,
Ўзбегим, энг асил боланг қаёқда?!
Топмайсан, қайтмайди, жуда узокда...

Ҳайкал курайликми ё бир мақбара,
Шаҳар ё хиёбон, яшил манзара?
Йўқ! Асло! Қолдирған ёдгори сара...
Келажак авлоди айтур: кел, қара!

Чин дунё жаннатин булбули бўлсин,
Кавсар райхонлари ҳам гули бўлсин.
Хушбўй таркатувчи бир ели бўлсин,
Ё Парвардигорнинг бир кули бўлсин!



Бу достон – марсия, юрак парчаси,
Шулья сочиб турар қалбим дарчаси.
Қондай томчилади күнгил ғунчаси...
Кўксимга урилди кўзёш канчаси.

Ўкувчим, афв этгил йиғлатсан агар,
Ўтга ташлаб кўйсан айлаб самандар,
На қилай коврилса, ёнса, бу жигар,
На қилай илхомим бўлса кўп қайсан?!

Мұхаммад Юсуфдан сўзлатманг мени...
Сўраманг, сўраманг, бўзлатманг мени...

2002 йил, июль.
Андижон.



ТЕМИР ЙҮЛ

(Д о с т о и)

Узбекистон Мустақиллигининг
17 йиллигига

Дебоча

Бу йўл Буюк Ипак Йўли,
Бобокалонларим ўтган.
Кайга етган улар қули,
Қаёнларни макон этган?!

Бу йўлларда турфа тақдир,
Турфа кисмат ва турфа ғам.
Бу йўлларда башарий сир,
Ва рўбарў икки олам.

Карвон-карвон келур хотир;
Туялари турнақатор.
Ҳар қадамда недир содир,
Ҳар қадамда турфа хатар.

Бир туяда ал-Бухорий,
Ёниб борар шамга ўхшаб.
Таранглашиб кунгил тори,
Замахшарий кетар кақшаб.

Мотуридий кўп кийналар,
Озорланур ал-Фарғоний.
Хижрон тифи дил киймалар,
Ҳар туяда – Туркистоний.

Нур таркатиб, кезиб юрган
Бурхониддин Марғиноний,

Мангуберди ёвни сурган,
Сувга чўккан йигит жони.

Абу Райҳон Беруний, бас,
Тортган ернинг танобини.
Изи колган бунда ўчмас
Жасур Маҳмуд Торобийнинг.

Амир Темур олган кирғок:
Шарку Ғарбу Жануб, Шимол.
Билмок бўлсанг Яздий¹га бок,
Клавихо² дафтарин ол!

Кўк синоат мўъжизасин
Фаҳмлардик хўп тўлукдек –
Очди унинг ичу тошин
Кўрагоний – Шоҳ Улуғбек.

Етти иқлим аро номдор –
Мир Алишер – пир Навоий,
Айтинг, бундок шеър кайда бор –
Ҳам заминий, ҳам самовий.

Шоир ва шоҳ Бобур Мирзо,
Забт айламиш Хинд қалбини.
Ахли дониш ундан ризо,
Хокин ўпар кўп талпиниб.

Бу йўл Буюк Ипак йўли,
Бобокалонларим ўтган.
Қайга етган улар қўли,
Қаёнларни макон этган?

Бу кун биз ҳам йўлга чиқдик,
Пўлат изда карвонимиз.

¹ Амир Темур ҳакида китоб ётган Шарафиддин Али Яздий.

² Амир Темур ҳуҷурига келган испан злчиси.

❖

Күлни бердик, күлни сикдик,
Юртбошимиз – Сарбонимиз.

Күёш – шерик,
Күёш билан
Кандай яхши бирга юрмок!
Сайёралар ила жон-тан,
Ой ёнида ўзни кўрмок!

ПОЕЗД ЙЎЛГА ТУШДИ

Поезд йўлга тушди.
Тумонат одам
Олқишлиб турарлар
Кўлда гул билан.
Перрон гул, рельс гул,
Гул тутам-тутам,
Бутун халқ кузатар
Ок кўнгил билан!

Поезд йўлга тушди.
Қадим Қашқадарё,
Сурхон ёқалаб.
Оlam харитаси қалб ичидаго,
Ўзбек миллатида шу эди талаб.

Поезд йўлга тушди,
Мусафро осмон,
Боғларни сийпалар
Шаббода қувнок.
Томошага қолур самода ойхон,
Күёш қизи тутмиш олтинранг байрок!

Поезд йўлга тушди,
Чеки йўқ чўллар,
Саҳролар юзига тортадир упа.
Мармар рангга кўчган

Мавж урган кўллар,
Дарёларни кучар ўпа ва ўпа.

Поезд йўлга тушди.
Янгроқ садоси
Оlam қулоғига етди, қуюлди.
Амир Темур тузган давлат маъвосин
Пойдевор тошлари қайта қўйилди!

ТЕМИРИЙЎЛЧИ МОНОЛОГИ

Депога катнадим бола ёшимдан,
Ишладим яхшилар этагин ушлаб.
Йиллар синовлари ўтди бошимдан
Мухандис бўлолдим аклимни пешлаб.

Туркистон йўл куриб яшайди азал:
Шимолу Жанубга, олис Ғарб томон.
Шарқ тараф очилган йўллар мукаммал,
Яратиб яшаймиз, эканмиз омон!

Китъалар боғловчи транзит оким –
Юқ ортган карvonлар сингари мавжуд.
Темир йўлчиларда сира йўқ тиним;
Темир тан, темир қўл ва темир вужуд.

Қўнғирот ва Бейнов магистрали
Қозок ери бўйлаб боғланган Русга.
Ўрол минтақасин тоғи-киррали,
Ҳар қандай иклимда кўл етар дўстга!

Неча минг чақирим метин масофа
Кеча ва кундузлар лаҳзасига жо:
Бунёдкор ўғлонлар уйғок ҳар даъфа,
Қўз юммас, маррага етмагунча то.

Йўл очмок ҳам савоб, ҳам эзгу юмуш,
Курмоққа бошладик навбатма-навбат.

Истиклол юз очди, ўзгарди турмуш,
Бизни йўл азоби тарк этур абад!

Энди республикам пўлат из бўйлаб,
Тезюорар поездлар маскани эрур.
Бу шараф, инъомни шоирлар куйлаб,
Дилларга бағишлар ифтихор, хузур.

Ишчи поездлари мукаммал, пишик,
Миллион тонналаб юк танир рости.
Зиммага олганмиз куттуғ топширик,
Орият улғайди, тажриба ўсди!

Бошқачарок бизнинг касбу коримиз:
Килинган ҳар ишга жавоб бермок шарт.
Ҳалол меҳнат ила тўқ рўзгоримиз,
Бизда барча ходим билагон, жўмард.

Уловинг соз экан, муродинг вожиб,
Юкинг ерда колмас, деган боболар.
«Электричка»лар-чи, кулай, ажойиб,
Пойтахтдан жўнайди ҳар кун, ҳар сахар.

Фазалкент тарафга вагонда юринг,
Алвон чечаклардай очилар димоғ.
Ажойиб манзара; ойнадан кўринг:
Қайда бор, рост айтинг, бундай сайри боғ?!

Бизнинг локомотив, депомиз ҳам ўз,
Платформаларда замона руҳи.
Электровоз, «Вертушка», «Тепловоз» –
Хурлик нашидаси, ҳурлик шукухи.

Мана, бир пўлат йўл: Тошгузар – Бойсун –
Кумкўргон, сўнг яна янги йўналиш.
Курилиш, курилиш ўсар кунма-кун,
Биз билан баҳор, ёз, биз билан куз, қишиш.

Баъзан ётогимиз чўлу саҳро, дашт,
Сафимиз букилмас, ҳар ишга қодир.
Мехнат шарафимиз – икки забардаст,
Иккита қаҳрамон: Тўлкин¹, Баҳодир²!

Кунчикар тарафга темир йўл зарур –
Қамчик довонларин ора-оралаб.
Ҳаёт бонг урмоқда: «Бошлий бер, тез қур!
Аъло лойиҳани танлаб, саралаб».

Темир йўл – меҳнаткаш ҳалқнинг хаёти,
Темир йўл – йўлларнинг энг нодири бу.
Мустақиллик азми – тараккиёти,
Озод Ӯзбекистон кон томири – бу!

БИР ИШЧИ ҲИКОЯСИ

I. Ҳодиса

Бир кун ярим кечада бўрон увиллаб,
Қоялар титратиб отилди тошқин.
Сел куйди беаёв уриб, савалаб,
Барча қурувчилар уйғонди шошқин.

Жарликлар, қорликлар оралаб ўтган
Ёпик канал бўйлаб бўлди қаттиқ «жанг».
Тўрт юзу элликта ёш йигит ётган,
Чарм ҷодирлари сакланди аранг:

Сув остида қолди бир-икки мошин,
Эксекватор ҳам кўрсатмади бўй.
Табиат синарди инсон бардошин,
Гўё булутларга дерди: «Яна куй!»

^{1,2} – Тўлкин Иброҳимов, Баҳодир Илесов – Ӯзбекистон Қаҳрамонлари.

Биз гангиб қолмадик, гарчи зўр «хужум»,
Ёмғирдай тўкилган тошлар ушланди.
Ҳеч ҳам тин олмадик бир лаҳза, бир зум,
Матонат илкида довул сустланди...

Намозгар чоғида тарқалди булат,
Ўркач-ўркач лойқа сирғалди пастга.
Ўша тунги кураш бўлмас ҳеч унут,
Ҳайратда коламан тушганда эсга.

Кейин биз шу ёпик канал устидан
Уч минг метр рельсни ётқиздик боллаб.
Ҳозир поезд катнар йўлнинг остидан
Бевош тоғ дарёси оқар чопқиллаб.

Бундай тасодифлар одатий бир ҳол,
Мушкул ҳодиса ҳам рўй берар гоҳо.
Биз бунёд айлаган йўллар бетимсол!
Хузурин халқимиз кўрсин, илоҳо!!

2. Бойчечак

Бетон кўприк ости эллик метр паст,
Тонгда бош кўтариб чиқди бойчечак.
Қуёш беткай жойда кўз очмиш пайваст,
Кўприк битганидан берибми дарак.

Ахир, февраль эди, киш эди ҳали,
Табиат ётарди уйқуда ҳамон.
Бир шоир келганди достон қилгали,
Бойчечакни кўриб сўзлади шодон:

«Бойчечак – бу, элчи, яхши нишона,
Ютуклар мужласи, ишлар барори.
Навбаҳор кувончи, каранг, бир дона,
Барчага муборак бу гул изҳори!

Кўприкни курганлар кўприк остида
Кутишар. Тепловоз юрар тепадан.
Поезд келаётир рельс устида,
Рулида машинист – эпчил капитан!

Синов аъло ўтди!
Кўприк тагида
Жон тиккан йўлсозлар кувониб чикдик!
Шаънимиз барқ урди осмон тоғида,
Бойчечакни ўпиб, кўлларни сикдик.

Зўр кувонч элитди барча-барчани,
Юзларда бойчачек табассуми бор.
Шаббода тебратар яшил арчани,
Қалбларда уйғонди, яшнади баҳор!

Поезд жўнаб кетди манзилма-манзил,
Узок-узоқлардан келур садоси.
«Менинг қучофимда конлар кўп, билгил, –
Дея хабар берар тоғлар нидоси!

ЙЎЛДА

Поезд тезлаб наъра торгади гоҳо,
Юки – абадият, улуғ хосият.
Икки рельс гўёки икки зўр соҳа,
Бири – маънавият, бири – моддият.

Ватан салобати кўринди бир зум,
Юртбоши қалбини зўр кувонч элти.
«Истиқлол! – деди у, юзда табассум, –
Аллоҳ бу кунларга мушарраф этди!»

Ўчмас солномалар ёдида шу чок
Мустакиллик, Янги тарих – бурилиш.
Миллий Давлат тили, Герб ила Байрок,
Қамчик довонида шонли қурилиш.

Хар соат, хар лаҳза янгилик барпо,
Тош метин күприклар, не-не бинолар!
Ҳавас-ла, ғайрат-ла каар Европа,
Осиё мулкида бор иддаолар...

Яна нима зарур, колди кай томон,
Танлаган йўлимиз ўзимизга хос.
Икки аро йўлда қолмадик ҳайрон,
Яна ўйга толди Юртбоши бир оз:

Авлодга илм-фан эшигин очдик,
Ҳарбий таълимга биз бердик эътибор.
Ҳалқка рост сўзладик, ёлғондан кочдик,
Ҳак ислом дини ҳам бизга мададкор.

Ерни ўз эгаси дехқонга бердик,
Иш кўзини билган ёшлар беҳисоб.
Мустакил бўлдик деб кўкракни кердик,
Ислоҳ килинмоқда хаёт бобма-боб.

Ҳар жабҳа, хар соҳа режаси – равнок,
Эл-улус турмуши бўлур фаровон.
Ҳар одам қалбида юртга иштиёқ,
Етади, ортади биз ундирган дон.

Пахта-олтин демак, оқ олтин демак,
Миллат омборини тўлдириган бойлик.
Ҳа, барча имконни яратмок керак,
Бўлсин хар хонадон қозони мойлик.

Соҳибкирон демиш: «Куч – адолатда».
Бетма-бет айтилур танқид, ҳақ қалом.
Бир маром яратдик энди ҳаётда,
Давлат тартибида темир интизом.

Поезд ҳамон тезлар елкасида юк,
Мисоли ер ўки шунда айланур.
Юртбоши юмуши буюқдан-буюқ,
Ҳар лаҳза-дақиқа элга бойланур!



БОБО ВА НАБИРА

(Вокзалда)

- Бобожоним, поезд нимадир?
- Темир йўлда сузган кемадир!
- Нега унинг номи «Регистон»?
- Самарқандда тарихий майдон.
- Нечун номи: Тошкент – Самарқанд?
- Бир-бирига қилинган пайванд.
- Бобо, айтинг, сабаби борми?
- Хў-ўп, идрокинг бунга тайёрми?
- Не десангиз, англайман бобо.
Сўзларингиз тинглайман, бобо!
- Жуда яхши, кулуним, бўтам,
Кел, кулоқ сол, укиб ол бир дам:
Самарқанд бу шахарлар тахти –
Соҳибқирон Темур пойтахти.
Уни яхши билар ер юзи,
Мудом уйғоқ кеча-кундузи.
Тошкент эса Шарқнинг жамоли,
Нур таратар қуёш мисоли.
Икки шахар – акаю ука,
Оға-ини, топсин барака!
Шунинг учун синчилаб роса,
Тарихлардан қилиб хулоса,
Йўналишни ўйлаб хўп чандон,
Ном кўйдилар қадим: «Регистон».
- Бобожоним, сиздан илтимос,
Юргашимга менда зўр ихлос.
Хат ёзайлик, айтайлик раҳмат?
- Майли, болам, келди хуш муддат.
Мана, коғоз, мана қалам, ол,
Дилда борин, майли, ёза қол!



ЯНА ЙҮЛДА

Поезд ҳамон йўлда, вагонлар катор,
Тезлигида мавжуд мазмун, мохият.
Икки рельс гўёки икки пойидор,
Бири – маънавият, бири – моддият.

Коғоз, калам тайёр, гоҳ ёзар, чизар.
Гоҳо кайта ёзар, китоб вароқлар.
Кенгликка тикилар, ўйлари ўзар,
Нигоҳига тушар узок-узоклар.

Бир-бир ўтар чўллар, сайхон, тошлоклар,
Саҳроий дарахтлар, киёқ, камишзор.
Қирмизи юлғунзор, яйдок кумлоклар,
Ёввойи табиат асиł, бетакрор.

Сўнгра бошланади лолазор тоғлар,
Ҷўққилар, коялар ва тошқин сойлар.
Ўзни кўз-кўз килас фусункор боғлар,
Жаннатга бергисиз хўп сўлим жойлар.

Инсон яратувчи, олтин кўли – гул,
Оёғи етган ер айланур бокқа.
Юртбошининг кўнгли нурланди буткул,
Нигоҳи тикилиб колди узокка...

* * *

Поезд тезлаб колди яна кичкириб,
Шамоллар бағрини қиличдай кийиб.
Пўлат ғилдираклар кетар шувуллаб,
Вагонлар изма-из чопар гувуллаб.

Бир текис юради, овози: «ғув-ғув»,
Тўкилмас гар бўлса истаконда сув.
Хаёлим кечмишни хотирга солди,
Ойнадан карадим, ўйим чуволди:

❖

«Бухорий, Яссавий, гўё тирилди,
Зеҳнимга Накшбанд сўзи урилди:
«Қўлинг ишда бўлсин, дилинг Худода,
Умринг ўтар шунда ҳалол, зиёда».

Донолар ҳикмати туғилур пайваст:
Завол топур кимки бизга қилса қасд –
«Самарканд сайкали рўйи замин аст,
Бухоро қуввати исломи дин аст».

Фарғона водийси – мамлакат ҳусни,
Бошга гултож қилур қадрдон дўстни.
Бобур айтганидек, лафзи пок, тоза,
Андижон Чўлпони шеърда андоза.
Аҳмад ал-Фарғоний Турон шарафи,
Илм жавоҳирин дури, садафи.
Боборахим Машраб ахли ишқ дарди,
Наманган яшарди, гуллаб ўзгарди.
Мирзачўл бетиним меҳнат майдони,
Бунда ҳар кишининг каттиқдир жони.
Хоразм диёри – Пахлавон Махмуд,
Нажмиддин Кубролар уйғонган худуд.
Коракалпок эса Бердак сўзидаӣ,
Бағри кенг, кўнгли кенг ўз денгизидай.
Факат зарур энди чукур тафаккур,
Мутлоқ ювилсайди маънавий қусур.
Яхё Ғуломдаги кучли диёнат,
Озод домладаги тенгсиз жасорат
Бизга ибрат бўлса арзийди чиндан,
Айримлар айрилсин фасоддан, киндан!
Ахир, энг олий ишқ Ватан дегани,
Она ҳалқ, ота юрт ғамин егани!»
Илҳом селдай келар, қалбим беором,
Поезд эса елар, текис, бир маром...



БЕКАТЛАРДА ҚАЙНАЙДИ ҲАЁТ

Бекатларда қайнайди ҳаёт,
Нималарга қодир одамзот –
Бунда аён, бунда мужассам,
Бунда дўстлик, кадр мустахкам.
Ястанади мағрур ўнгурлар,
Жар устидан кетар кувурлар.
Тоғ остидан йўл ўтди ўйиб,
Жипсланди гранит куйиб.
Зарба ила хар дам, хар лахза,
Кояларга тушарди ларза.
Энди битди метин темир йўл,
Гулга тўлиб борар ўнгу сўл.
Юринг, энди мана, бошлаймиз,
Бекатларга қадам ташлаймиз:
Оқработнинг баланд супаси,
Хуш ҳавонинг оппок супраси.
Кўкка тегар тоғлар елкаси,
Тоғлар қуи – боғлар ўлкаси.
Питнак ери бўлик экинзор,
Овлоклари оқвош, пичанзор.
Пахта майдон Шовот атрофи,
Унга бўлсин эл эътирофи!
Ишчи поезд етиб Тошгузар –
Юкли вагон занжирин узар.
Дарбанд – кенглик, кишнайди тойлар,
Ёнбағирда шаркирар сойлар.
Бойсун чеки тўйимли яйлов,
Табиатдан унга бир сийлов.
Кумкўрғонда янги қишлоқлар,
Янги ҳовли, янги чорбоғлар.
Янги канал ва янги анхор –
Яратмоқда ахли бунёдкор;
Хар мавзеда бир шифохона,
Битта коллеж, мактаб-дарсхона.
Лицей, боғча, сиҳатгоҳлар кўп.

Стадион – иншоотлар хўп
Безатилган – ажаб кошона,
Ёшлар ўсар бунда мардона.

Ана шундай диккат, эътибор,
Мехру шафкат доимо бисёр.
Кўрсаткичлар кўпdir турлари,
Ёнур заррин шафак нурлари.

Мана, поезд гудогин чолди,
Йўловчилар жойларин олди.
Бирор деди: «ҳой, ошна, дарҳол,
Соатингни тез тўғрилаб ол!
Сўнг поездни роса мактади:
«Ўз вақтида келиб тўхтади!»

ҚАШҚАДАРЁДА

Манзил боши – Хўжай Илғор,
Тарих ичра номи баркарор.
Амир Темур кўз очган кишлок,
Тавоб айлаб, тупроғига бок!

Қани, кетдик Шахрисабзга
Гул тутарлар севиниб бизга.
Оксаройнинг устида куёш,
Тилга кирап бунда ҳар бир тош.

Уйғонади Жаҳонгир Мирзо,
Пир Шамсиддин Кулол босафо –
Бизни ундар узок йўлларга,
Мехнаткаш халк – қадок қўлларга...

Сал юрганда Косондан нари,
Некўз келур, элининг бари
Пойимизга тўшар пойандоз,
Кучок очиб, килурлар эъзоз!



Хў, лолалар қўзғайди туйғу,
Абдулла¹ нинг киндик кони у.
Бир дона ол, кўзларингга сурт,
Шоир байтин қилмагил унут:

«Буюклидан буюклик
Туғилиб келган доим.
Эй, сен азамат халким,
Эй, сен туғилган жойим!»

Узок кездик чўл чангин коқиб,
Дарёдай шўх, дарёдай оқиб.
Бўлди энди, жўнайлик тездан,
Кеч колмайлик яна поезддан?

ИККИ ОГАЙНИ

Йўлиқди икки дўст – икки огайни,
Бири шоир эди, бири муҳандис.
Поезд хам жадаллаб борарди айни –
Вагонлар бир-бирин кувиб изма-из.

Иккиси ўлтирас мамнун, хушчакчок,
Бири Шаҳрихондан, бири Нукусдан.
Иш билан кўриша олмаган узок,
Утрашиб қолдилар улар кўккисдан.

Шоир хўп сўзлади тилдан томиб бол,
«ЎзДЭУ», «Нексия», «Тико», «Матиз»дан.
Муҳандис гап очди ўйланиб хушхол
Заводда энг донгдор мастер бир қиздан.

Шоир деди: «Айт-чи, сен курувчисан,
Тошкентда курдинглар кўплаб лойиха.
Бугуну эртани нак курувчисан,
Шарафли қутлуг ном сенга лойик, ха!»

¹ Абдулла Орипов.

❖

Мухандис охиста сўзлади дангал:
«Курилиш жуда кўп, бир-биридан зўр.
Мана, Хости Имом шаркона тугал,
Кўприкларни эса бориб ўзинг кўр!

Навоий номида Миллий бокқа кир,
Шахидлар майдонин айлан охиста.
Сўнг санъат қасрида ором ол, ўлтири,
Метрода сайр қил, тушиб сўнг пастга.

Тикланди халкаро меҳмонхоналар,
Жаҳон тамойили уларга ҳусн.
Бозорлар, музейлар, кўп кошоналар
Саёҳат аклини этмоқда мафтун».

Яна шоир деди келганда навбат –
Камчик довонида курилган йўлдан
Водийга темир йўл келади албат,
Не бўлса сўзларди жўшиб кўнгилдан.

Мухандис тўхтатди секин ўртоғин
Ва деди: «Сен шоир, ижоддан гапир!»
«Ёзяпман порлатиб илҳом чироғин,
Юрак амри билан... лек, мавзуси – сир...»

Алкисса, барагла шеър ўқир шоир,
Илҳоми – шалола, қайнаб, жўш уриб.
(Оловли бир ҳолат бўлганди содир.)
Мухандис тингларди гаштини суриб.

Поезд эса тезлар олға ҳайқириб,
Вагонлар бир-бирин кувларди ҳамон.
Аму тўлкинлари ўйнар айқириб,
Оппок тонгни кутар икки қадрдон.



АЛПОМИШ ЭЛИГА САЛОМ-АССАЛОМ

(Қүшиқ)

Аждодлар йўли бу, темир роҳаси,
Тафаккур ичинда, кўпдир даҳоси,
Дунёга татийди азму соҳаси,
Ўзбек ифтихори Сурхон воҳаси,
Мехнаткаш халқига сидку эхтиром,
Алпомиш элига салом-ассалом!

Қирк шоир яратган Термизий атаб,
Ўнта Чағонёний эди нозик таъб,
Сўфи Оллоёрни эслайлик тўхтаб,
Фозил Йўлдош, Пўлкан кўз очган мактаб,
Тоза юракларга, бахш этган илҳом,
Алпомиш элига салом-ассалом!

Шеробод, Нурота достон айтар эл,
Достон авж пардаси қалбга оқар сел,
Коратоғ, Тўполон водийсига кел,
Оналар алласи, шаффоғ руҳий ел,
Бойсун арчалари дилни айлар ром,
Алпомиш элига салом-ассалом!

Тасанно забт ила тоғни сурганга,
Тош бостириб темир йўллар курганга,
Мехмонни гул ушлаб кутиб турганга –
Таъзим бажо қилур Тўлан ал-Низом,
Алпомиш элига салом-ассалом!

МУЛОҚОТ

Мухташам Бон бекат.
Одамлар гавжум.
Поездлар қатнови тўхтамас бир зум.
Кутиш айвонида бир мухбир бола
Битта зўр саволни айлаб ҳавола –

Қизғин гапга тутди уч-түртта чолни,
Қитиғига тегиб, сүраб ахволни.
Йүлчибой ота дер: «Йүлсизлик ёмон,
Сира адашмасин Ҳазрати Инсон...
Менинг ёшим саксон, куч бор белимда,
Яшарип кетяпман, хурлик дилимда!
Хаётда яшасин пишик ва ўқтам,
Ўз йўлини ўзи топсин, деб отам,
Армон қилиб Йўлчи қўймиш исмимни,
Аллоҳ яратганда мурғак жисмимни.
Каридим, курашдим, топай деб йўлни,
Қанча йўлчиларга бериб мен қўлни.
Аждодлар яшади тақдирга илинж,
Икки оқин дарё ока берди тинч.
Не-не хонлар ўтди, султонлар ўтди,
Барчасин замона қаърига ютди.
Улар даврон сурди, «от»дан тушмади,
Бирдан бирни олди, бирни кўшмади.
Асло кўринмади йўллар охири,
Ватан елкасига тушди оғири...»
Охунжон чол илиб кетди сўнг гапни,
Гўё санагандай тасбех-садафни:
«Мустакиллик келди, унинг меъмори
Юрга баҳш этмоқда хаётин борин.
Шул боис авлиё руҳлар уйғонди,
Ҳар инсон, ҳар бир жон унга ишонди.
Алкисса, водийга довон очилди,
Энг чигал муаммо – тугун ечилиди».
Йўлчибой ота дер: «Жуда ҳақ гап бу.
Орзулар юз очган, шону шараф бу.
Э, дўстим, бу йўллар тоғларни ёриб,
Жаҳон йўлларига уланур бориб!»
Норғул буво айтиб-айтиб кўп масал,
Охирда англатди фикрини дангал:
«Ҳаво йўлларида учиб ҳар киши
Осондир ер шарин кўриб қайтиши!
Бу йўллар ҳаммаси ҳалқ қалбига йўл,
Бу йўллар ҳақ йўли, насибаси мўл!

—

Йўлбошчи нияти юракларга жо,
Халқ меҳр тўрида бордир доимо.
У баланд кўтарди виждан байроғин
Ва обод айлади кўнгиллар багин!
Шоирга меҳрибон, олимга ҳамдам,
Дехконни эъзозлар, хеч бўлмасин кам!
Ҳар бир кафт тупроқни қилди тўтиё,
Ватан ёшларининг қалбida зиё
Барқ урди. Оламга кетур номимиз,
Унга чексиз ҳурмат, эҳтиромимиз!»
Шомурод чол деди тилида боли:
«Барака топсин-э, Юрт оқсоқоли!
Ана, поезд тайёр, энди жўнаймиз,
Қадим Самарқандда қолиб тунаймиз».
«Насаф¹» аста жилди, ҳулласи калом,
Суҳбат купеларда этади давом!

ШОДИЁНА

Мустақиллик куни – ҳар йили байрам,
Биринчи сентябрь – энг қувончли кун.
Мамлакат бошида нур тарам-тарам,
Тошкентга термулар курраи замин.

Шул куни ясанар, тўлишар Ўзбек,
Чаккага гул такар ҳар бир фукаро.
Кенг саҳна узукка қўйилган кўздек,
Ер шари² чақнайди ўлдузлар аро.

Гулзорга ўхшайди шодлик майдони:
Лолалар, атиргул, чиннигул, сафсар,
Гултожи, бинафша, садарайхони –
Гулларнинг ҳаммаси гўзал нақадар!

¹ Карший йўналиши поезди номи.
² Глобус.



Накадар ажойиб, нафис манзара:
Күёш ботиб кетди келолмасдан бас.
Мушаклар ҳаводан қуяр шаршара,
Тўлин ой термулиб қилмоқда ҳавас.

Юксакда турибман, қаршимда – Тошкент;
Мўъжиза бинолар, саройлар, боғлар.
Марказий Осиё ичра бу бош кент,
Юракдан кувилди кечаги доғлар!

Зам-замага олди мусика яна,
Карнай-сурнайларнинг овози тутди.
Барча ўйин тушар, тенгсиз тантана,
Авлодлар мана шу кунларга етди!

Юртбоши тик турди завқ-шавқи жўшиб,
Халқининг шаънига олкиш бошлади.
Бу баҳтдан кувончдан юраги тошиб,
Ўтмишни кўрганлар кўзни ёшлади.

Менинг эса шу он поездлар, қатор
Вагонлар шов-шуви юрагимда жо –
Дейман: «Амир Темур рухи мададкор,
Озод Ўзбекистон айланар дунё!»

ХОТИМА

Достоним тугади.
Темир йўл тезкор
Давом этаверар узундан-узун.
Келажаги буюк, кудратли Халқ бор,
Поезд тезлай берсин яна кундан-кун!

Аллоҳ кўрсатган йўл равондир мангур,
Мукаммал, мустаҳкам темир-пўлоти.
Истиклол йўли бу, Мустақиллик бу,
Толмагай ҳумоқуш кумуш каноти!

❖

Ҳеч кимдан кам эмас хур Ўзбекистон,
Дўстона кўлини дўстларга чўзди!
Кўринг-да, қувонинг – учкур, учағон
Жаҳон йўлларида Ўзбек поезди!

Ўкувчим,
даркормас қуруқ шаън –
доворук,
Саодатга элтар
бизни ҳар бир Йўл!
Бу янги йўллардир
ёруғдан ёруғ,
Монолит,
метин йўл,
бу йўл –
Темир Йўл!

*Андижон – Тошкент – Кумкўргон,
2007–2008 йиллар.*



ҚУЁШ ҚҰШИГИ

(Д о с т о н)

Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!

Ойбек

Аллоҳ бино қилган қудратсан,
Беминнат меҳрсан, ҳимматсан,
Энг тоза, энг сахий қўнгилсан,
Сўлиш билмас қип-қизил гулсан,
Ё адоксиз консан, бойликсан,
Чин гўзалсан, чин чиройликсан,
Отам бунёд этган хирмонсан,
Онам ёпган сахарги нонсан,
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Коинотга сиғмайсан, асло,
Бир томчида аксинг бор, аммо,
Сенга кўзгу кенг мовий осмон,
Саратонда авжинг намоён,
Бўронга чап бергувчи шўхсан,
Бирор нени олмайсан, тўксан,
Қоровулсан тўкин даламда,
Дам оласан капам, чайламда,
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Бинафшада қулганинг кўрдим,
Садарайхон бўлганинг кўрдим,
Ялпиз елда ракс этгани он,
Бўйинг анқиб кетди ҳар томон,
Сокин кўллар жимииллаб колди,
Қўланкалар имиллаб колди,
Харсангларнинг бетида шуъла,

❖

Сойлар жўшиб айтар ашула,
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Сенсан луччак шафтолида ранг,
Олма юзи тарангдан таранг,
Хўп қизариб солланган гилос –
Чўгланади киз либосига хос.
Ҳикоянг бор ҳар бош узумда,
Олтиарик боғи базмда,
Наманганда нашбатинг маза,
Паркентда-чи анжир мўъжиза.
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Қайн анор ҳар донасида,
Ал-Фарғоний Фарғонасида,
Бўз пахтасин зар толасида,
Шоҳимардон шалоласида,
Самарканднинг дарвозасида,
Шаҳрисабз ҳаввозасида
Шаффоғлигинг нақадар равшан,
Сеникидур бу илохий шаън!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Чўллар тафти авжланур сендан,
Сайхун, Жайхун мавжланур сендан,
Бухоронинг боғчаларида,
Хоразмнинг лаҳчаларида,
Ўзинг мавжуд, ўзлигинг мавжуд,
Сенда шундай аланга вужуд,
Қанотинг ўт, ҳаётинг оташ,
Қалбинг шоир қалбига туташ.
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Нурсиз умр факат зулумот,
Нур деб ўтар одам умрбод,

❖

Ёдимда бор болалик чоғим,
Термулганим эди чироғим.

Ёш танимга ҳарорат бердинг,
Ҳар руҳимга нафосат бердинг,
Сен парвариш килдинг беминнат,
Сүнг йигитлик келди пур шиддат,
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Қай кун-ки этганда ҳангу манг,
Уфқда парпираб гулдастанг,
Ўшал кун хисларим йўғрилди,
Ўшал кун тўнгич шеър туғилди,
Ўшал кундан ёнаман тамом,
Менга фарқсиз кундуз билан шом,
Минг ризоман, айладинг ҳиммат;
Насиб бўлди меҳнат ва заҳмат!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Табассуминг уйим ичida,
Набирамнинг кулдургичида,
Қизларимнинг яноғидасан,
Ўғлонларим ётогидасан,
Сен висолсан, бўса – оловсан,
Вафо кашф айлаган қаловсан,
Шул боиски талпинаман мен,
Ёнар шамдек қалгинаман мен.
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Юзингни тўсолмас булатлар.
Бағрингга киролмас бургутлар,
Измингладир яшин-чақмоқлар,
Хукмингладир зўр қалдироклар;
Уммонлару денгизлар, тоғлар,
Сахролар, шаҳарлар, қишлоқлар,

❖

Сен ҳамиша құчоғимдасан,
Күзимдасан, кароғимдасан.
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Ой – севгилинг мисоли Лайли
Оқшом чиқар ваъда туфайли,
Аҳд-паймонин саклаб пинҳона,
Теграсида қанча мастона
Юлдузларни жамлаб, етаклаб,
Қопи учирив, гоҳо кимтиб лаб,
Сўнг охиста бир-бир кўзғалур,
Қарай-қарай нигоҳим толур.
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Ана «Мирриҳ» кўринар порлок,
«Зуҳал» эса яна ҳам чакнок,
«Муштарий»да тенгсиз табассум,
«Хулкар» қах-қаҳ отади бир зум.
«Олтин козик» жилмас ўрнидан,
«Тарозу»да гап кўп бурундан,
Карашмали, нозли «Шабоҳанг»
«Чўлпон» кулар, ёришади тонг,
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Хаёлимга осмон келди тор,
Осмонимда армонларим бор,
Ойга ҳали етганимиз йўк,
Марсга экин экканимиз йўк,
«Думли юлдуз» думидан ушлаб,
Ақлимизни ҳали биз пешлаб,
Сенга бормоқ, етмоқ даргумон,
Юксалмоқда зотан бу инсон?!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Шу сабабдан гинам бор пича,
Үйқум кочди көк ярим кеча.
Бу дунёни кафтимда күрдим,
Сен-да берган тафтимда күрдим,
Азал музлик – Шимолий кутб,
Гүё менинг фармоним кутиб,
Қотиб колди киприкларимда.
Ўзим курган кўприкларимдан
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Уч юз олтмиш беш кун – бир бутун,
Ярми кундуз, ярми эса тун,
Қай бир жойда мутлақ коронғу,
Ҳароратсиз ерларда қайғу.
Сен унга-да ёғду сочмайсан,
Нечун ўтли қучок очмайсан,
Нечун улар сендан бебаҳр.
Ер битта-ку, битта-ку даҳр?
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Садо келди: Мен-ку яккаман,
Нур манбаи, нурга паккаман.
Бор кўримни бераман ерга,
Бир заррасин, сен битар шеърга.
– Ҳаксан, – дедим, – сенда йўқ хато,
Шу-чун сенга килгум иктидо,
Зотим инсон, авлодим башар,
Лек пешонам экан шўру шар.
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Одам зоти бир оз ношукур,
Тугилсак-да беғубор ва хур.
Кейин-кейин айниймиз аттанг,
Бирор мўмин ва бирор тажанг,
Бирор бахил, бирор бағри тор,
Бирор бахтсиз, бирор бахтиёр.

❖

Сен бировин дилида борсан,
Ва бирови жисмида хорсан,
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Сен менга-да ўхшайсан баъзан,
Дардларим кўп, орзуим гулшан,
Баробарман мен ҳам барчага
Гулга, толга, яшил арчага –
Монанд кечар умр гузарим,
Кимдан камман, кимдан ўзарим,
Хакқа маълум, сенга ҳам аён,
Ози фойда, кўпроғи зиён...
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Жаҳолатдир бузув, қупорув,
Табиатда йўқдур куткарув,
Зилзилаю довул, кор-бўрон,
Ғала-ғовур бугун кенг жаҳон,
Авлодларнинг холи не кечар?
Мушкулотни халк ўзи ечар,
Маҳкам эрса иймон, эътиқод,
Парчаланур кишанлар кушод!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Ҳар кимсага будур жавобим:
Мустақиллик менинг китобим!
Пойтахтим бор – Шарқнинг жамоли,
Кундан-кунга ўсар камоли,
Шоирим дер озод миллатим,
Фарзандим дер хур мамлакатим!
Шунча фаҳр, виждоним билан,
Ўзбек деган унвоним билан
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Куёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Соҳибкирон Темур барҳаёт,
Андижонда Бобур минган от,
Навоййининг ғазали сенда,
Устодимнинг қалами менда,
Абдулҳамид Чўлпон нафаси,
Чил-чил қилди назм қафасин,
Боғларимга руҳлар юз бурди,
Хумо куши ошиён қурди!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Аммо кеча тонг пайти – сахар,
Киндик қоним томган гул шаҳар –
Ўзим қурган ошиёнимга,
Жондан ортиқ Андижонимга,
Четдан келган баҳил бегона
Исён чўғин отди бир ёна.
Сўнг куйгандан кўм-кўк майсалар,
Ул ғанимга санҷдинг найзалар!..
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Саросима, алдов «миш-миши»,
Шаҳар ичра тингач хуружи,
Ёвга нафрат қайнади бирдан.
Огоҳ бўлиб юз берган сирдан
Сен чикмасдан келди Юртбошим,
Кечикиброк колдинг куёшим..?
Сўнг Юртбошим деди қўзғолиб:
Чин, хақиқат бўлғуси ғолиб!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Мен ўзгага юртим бермасман,
Ўзга бирор юртни демасман!
Ўзбекистон ўзимга керак,
Ўзбекистон кўксимда юрак,

Ўзбекистон кўрар кўзимдир,
Тилим, дилим, айтар сўзимдир,
Сен самода бунга гувоҳсан!
Тақдиримдан ўзинг огоҳсан!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Қуёш, сенга мен сиғинаман,
Мудом сени кўп соғинаман,
Сен-да Аллоҳ ёқкан чироксан.
Бизга дўстсан, бизга ўртоксан.
Сен борсан-ки, тириклик абад.
Ерни гуллат, борликни ясат!
Сендай сахий бўлмоқ истайман,
Ўзни бўл, бўл, дея қистайман!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

Ўз асримнинг қайғусин олиб,
Тинчлик ғамин қалбимга солиб,
Ер юкини елкамга ортиб,
Сайёralар илкидан тортиб,
Сўзламокнинг келди муддати,
Эрта-индин етиб фурсати,
Қасидамни ташлаб пойингга,
Ташрифим бор сенинг жойингга!
Менинг йўлим сенга томон йўл,
«Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!»

2006 йил, февраль,
Тошкент.



БАЙРОК

(Д о с т о н)

Андижонлик Абдул Манноб ҳожи
Хатим қори ўғли Ҳаж маросимида рўй бер-
ган даҳшатли ёнгин чогида Ўзбекистон
байробини яқинлашиб келаётган ағанга доми-
дан олиб чиқди.

МУҚАДДИМА

Кел, эй ёш дўстим,
Ёнимга ўлтир?
Суҳбатлашайлик,
Гаплашайлик бир?

Яқин кел, эшишт,
Бўлгил саломат.
Бир ҳикоям бор,
Жуда аломат:

Байрок бу – Виждон,
Эътиқод ва шаън.
У – имон, номус,
У – Ватан, Ватан!

Қани айтиб бер,
Ватансиз ким бор?
Ватансиз жонда
Минг бир хил душвор.

Мингта ғам, ҳасрат,
Дашном, маломат,
Чексиз пушаймон,
Афсус, надомат...

Ватан биттадир,
Удир ягона.

Байроғи битта –
Тик, ғолибона.

Байрок дастасин
Тутганлар ўлмас!
Элда мардона
Ўтганлар ўлмас!

Ул – Мангуберди,
Ул – Сохибқирон,
Ул – Мирзо Бобур –
Билади жаҳон!

Ватан муқаддас,
Муқаддас – Байрок:
Содир бўлган бир –
Воқеа шундок...

ОТА СЎЗИ

Тонг ёришмай уйғонди
Халим қори кўп бедор.
Сўнг Ҳофиз Шерозийдан
Шеър кўчирди диловор.

«Бомдод»ни ўқиб ота,
Ўғлин секин чорлади,
Абдуманноб кўзлари
Куёш бўлиб порлади.

«Ўғлим, тингланг бир нафас
Битта гапим бор сизга.
Кулокка куйиб олинг,
Мухрланг қалбингизга.

Комил инсон бўлсангиз,
Кўкка етади бошим.

❖

Меҳнатимдан пок, ҳалол –
Сизга берган нон-ошим.

Ҳаж сафари килингиз,
Етганида моддий куч.
Каъбани Ватан каби
Тавоб этмак улуғ бурч.

«Куръон» ўқинг, ёд олинг,
Босиб юринг кўкракка.
Билимларни эгалланг,
Сўнг етасиз тилакка.

Болам, сизни олдинга
Ундармоқда келажак.
Энг савобли юмушлар
Кутиб турибди бешак.

Буни этмок-чун адо
Кишига керак Ватан.
Она сути-ла факт
Соғлом бўлур жону тан.

Ҳадисларни зикр этинг,
Фарзандим, ёшсиз ҳали.
Мусулмон кишисининг
Бордир бешта амали:

Энг аввало, биринчи:
Калимаи шаходат.
Иккинчи – беш вакт намоз
Бўлмоғи зарур одат.

Учинчи рўза тутмок,
Тўртинчи – хайри закот.
Бешинчиси ҳаж бориб,
Ҳожи бўлмок улуғ от.

Бирок йўл йўқ, беркилди,
Кулф солди шўролар.
Қаттол эди сиёсат,
Билур аҳли зиёлар.

Ўтган аждодлар гоҳо,
Ҳажга етмай хор бўлди.
Неча йиллар саргардон,
Зору интизор бўлди.

Қолиб кетди чўлларда,
Сахроларда бенишон.
Аччиқ-аччиқ айрилик,
Турфа-турфа дард, ҳижрон.

Баланд тоғлар тўсди йўл,
Қарокчилар кийратди.
Денгизлар тўлғонгандан
Тўлқинлар ямлаб ютди.

Етиб борганлар камдан,
Қайтмоқка темир девор.
Ҳаж – риёзат, мashaққат,
Деган битта нақл бор...

Айримлар бор айтади:
«Хок-поким колса унда?»
Лек, Яссавий, Накшбанд,
Ал-Бухорийлар шунда

Ётибдилар Ватан деб,
Юртим деб, миллатим деб.
Гиждувоний ҳам бунда
Ислом дунёсига зеб!!

Йўл бермади шаханшох,
Навоий жилолмади –

❖

Ватан дебон, халқ дебон,
Шоир хаж қилолмади.

Улғаюрсиз, пишурсиз,
Билмаганни билурсиз.
Үғлим, сизга гапим шу:
Бир кун бориб келурсиз?

УЛУФ САФАР

Йиллар кечди пайдар-пай,
Манноб етди вояга.
Феъли кўркам, иродаси
Ўхшаб кетди кояга.

Ҳожи бўлмоқ нияти
Пок кўнглини яйратди.

Истиқлол шаббодаси
Бутун элни уйғотди.

Очилди ҳажга йўллар,
Самолёт бор дам-бадам.
Мадина яқин келди,
Макка бўлди бир қадам.

Ойлар бўлди кунга тенг,
Лаҳзаларда ҳафталар.
Болалар билиб қўйсин,
Айтиб берсин катталар.

Мустақиллик нелигин
Англатайлик барчага.
Жисмимиз лим-лим тўлсин
Эрк деган тушунчага.

Шундок килиб Маннобжон
Ҳажга томон отланди.

Учағон самолётда
Күш каби қанотланди.

Вужудига куч берди
Мадина Мукаррама!
Рухини равшан қилди
Маккаи Мунаввара!

Каъбани гир айланди,
Аллоҳ тушиб юракка.
Хаяжон шиддатлари
Олиб чикди фалакка.

Бир кун Мино саҳнида
Ўт чақнади. Аланга!
Ёнғин! Ёнғин! Ўт-олов!
Ўхшаб кетарди жангга.

Хавф туғилди. Милён жон
Ҳар томонга қочарди.
Мудхиш ёнғин тобора
Ўрлаб, оғзин очарди.

Не-не давлат, мамлакат
Вакиллари тумтарок.
Таркаб кетишар ҳар ён...
Олов кучаяр бирок...

Ўзин қуткарап барча,
Жонин ўйлайди ҳамма.
Бирор-бировдан ўтиб
Ҳар тараф кетар. Аммо

Манноб елдай югурди
Байроғимиз остига,
Олов якинлаб колди
Маҳкама¹нинг устига.

¹ Ўзбекистон муфтийиси чодири.

❖

Товланар эди байрок,
Аланга дами якин.
Ёнгиндан кучли эди
Манноб онгига чакин.

Байрок томон тирмашди,
Дастасидан ушлади.
Оловдан олиб чикиб,
Кўксига бир муштлади:

«Бу – менинг Республикам,
Азиз Ўзбекистоним!
Бу – менинг Истиклолим,
Ватаним, хур замоним!!»

Баланд жойга тикилди
Ўзбекистон байроғи!
Хайрат қўзғайди унга
Пур ҳикмат Мино тоғи.

Жам бўлди ватандошлар
Шу байрокнинг остига.
Ҳамон ўт ёнар эди
Тепаликнинг пастида.

Ҳожилар кўлни очиб,
Маннобжонни алқади.
Байрок эса хилпираб
Ҳар юракда балқиди!

Х о т и м а

Ватансизлар йиғласин
Бўлсин далли девона.
Ер юзига сиғмагай
Бу дунёга бегона.

Уни яратиб кўйиб
Пушаймон кодир Худо.

Халк ичра олам аро
Номидир «Ватангадо!»

Юрт севган, Ватан севган,
Манноб ҳожи яшасин!
Ўзбекнинг ҳар боласи
Шу инсонга ўхшасин.

Манноб ҳожи айланди
Авлодларнинг дўстига.
Аллоҳ назари тушсин
Унинг етти пуштига.

Куёш бўлсин, ой бўлсин
Истиклоннинг чароғи.
Осмон токига етсин
Ўзбекистон байроғи!

2009 йил, апрель, Тошкент,
2-марказий клиник шифохона.

УМР ҚАСИДАСИ

Күп ўқудум Вомиқу Фарҳоду
Мажнун қиссасин,
Ўз ишиидин булъажаброқ
достоне топмадим.

Алишер Навоий

Вакт ўтятти, умр ўтятти,
Манзилига дарё етятти...
Ёлғон дунё алдаб кетятти,
Энди ҳеч ким бўлолмас мадад,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Айтарингни айтиб қол тезрок,
Ёзарингни ёзгил эртарок,
Мижжа қокма ўчмасдан чирок,
Сени асло босмасин ғафлат?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бойлик йигиб қайга қўйгансан,
Молу мулкка балки тўйгансан,
Кимни севиб, кимни суйгансан,
Қани улар? Бир менга кўрсат?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Нима қилдинг, нима яратдинг?
Довругингни элга таратдинг.
Сен мунчалар тилни сайратдинг,
Сўз айтмакка оз колди мухлат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Айтгил, сендан нима қолади?
Болаларинг бўлиб олади...
Борса-келмас йўлга солади,
Ётар жойинг жуда ҳам хилват,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Унда ой йўқ, унда йўқ қуёш,
Унда йўқдир сухбатдош, сирдош.
Факат кабринг устида бир тош...
Жигарларинг йиғлар, бир муддат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Чин дўстларинг сендан айрилиб,
Қанотлари колса қайрилиб,
Душманларинг кулар ёрилиб,
Ёғиларми раҳмат ё тұхмат?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Ҳар яхшига жафо нечундир?
Ҳакиқатнинг тили тугундир...
Аллоҳ сўзи кимлар учундир?
Қилмок керак тоат-ибодат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Ора йўлда турар одамзот,
Она замин тилайди нажот,
Кун ботарда турфа мушкулот,
Парвардигор айласин шафкат?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Кўнгил кайсар, унумтоказ кийин,
Таранглашур тортилган сайин,
Азоб берар ўйлар бетайнин...
Сўниб борар оташ мухаббат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Лаҳзаларда мен яшар бир жон –
Оlam ичра ҳазрати инсон,
Минг тавбани килурман хар он,
Қайда колди, қани куч-қудрат?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Пайғамбарлар бирма-бир ўтди,
Авлиёлар бир-кетин кетди,

❖

Мен билмадим, жаннат жам этди,
Хар нафасим наҳот омонат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Амир Темур оламни олди,
Разолатга зилзила солди,
Ҳам Навоий созини чолди,
Ундан мерос олий шеърият,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бобур Мирзо тарк этди шоҳлик,
«Бобурнома» берур гувоҳлик,
Биздан ўтди қанча гумроҳлик,
Замонадан эди бу иллат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Насимиининг товонин кесди,
Хўжандийни кабри – сув ости,
Баланд дорга Машрабни осди,
Нодирани сўйди жаҳолат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Шум оломон Чўлпонни еди,
Қодирийни, бу душман деди,
Усмон Носир нурли шеър эди,
Қулаб тушди темир салтанат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Faфур Ғулом, Ойбеклар кани?
«Чиғатой»да абад маскани,
Миртемирнинг устоз экани –
Эл тилида айтилур фактат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Вафо рамзи бўлган Зулфия
Ҳамидим¹, деб кўп куя-куя,

¹ Ҳамид Олимжон.

❖

Учрашувга охир кетди-я...
Кутган экан токи қиёмат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Нима кўрди Саида зор-зор?
Боғим ичра «Оқ гул¹»им ёдгор –
Очилади ҳар эрта баҳор,
Қани устоз ул Сайд Аҳмад?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Кирк еттида Муҳаммад Юсуф,
Рост дунёга жўнади шошиб –
Ҳеч бўлмади йўлини тўсиб...
Қани Сафар², Аъзам³ ва Шавкат⁴?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бизнинг қавм доди битмайди,
Еру кўкка бориб етмайди...
Чин шоирлар гўрда ётмайди,
Эгилса-да синмас ҳакиқат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бир-биридан ранг олур гуллар,
Турли тоғда сайраб каккулар,
Тўтиларда суюқ туйғулар,
Бир хил эмас сурат ва сийрат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бу бир жабха, мисли ўрмонзор,
Тенгсиз ҳусн, кўрки диловор,
Жонзотлари хилма-хил викор.
Шундок тукқан уни табиат...
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

¹ «Оқ гул» достоним.

² Сафар Барно.

³ Аъзам Үқтам.

⁴ Шавкат Раҳмон.

❖

Арслонлари, бўрилари зўр,
Даркор эмас уларга сим тўр,
Тулкилар шум, айиклари қўр,
Томошаси доим бенавбат...
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Дов-дарахтлар ташларди соя,
Шуъла тушди биланихоя,
Ўтган кунлар кетди-ю зое...
Нур кўйнида уйғонди фикрат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Қаён кетди Турғун¹ танбурчи,
Қани Юнус² оғадек куйчи,
Абдуҳошим³ элга суюнчи,
Гурилласин соф миллий санъат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Аму ва Сир қаёкка оқди?
Орол куриб ноғора қоқди.
Шўро хукми тупрокни ёқди,
Сукут саклар ер етти қават,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бола эдим, экардим пахта,
Конлар ютиб лахта-ю лахта,
Хориганман мен ўшал вактда,
Елкам эзган залворли меҳнат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Компьютерда ишлайди болам,
Битар дейман энди бир чолам,
Мардикорга бормасин холам,
Киз, жувонда балқисин иффат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

¹ Турғун Алиматов.

² Юнус Ражабий.

³ Абдуҳошим Исмоилов.

Ер юзида – «Одам савдоси»,
Ямлаб борур доллар балоси,
Европада кул можароси,
Кимга уят, кимларга ишрат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Фиску фасод ковлади бирор,
Ҳар бидият халк рухига ғов,
Болаларни кутказинг дарров,
Бошимизга тушмасин кулфат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Бола эдим. Бир куни, тонг пайт,
Онам деди: «Битган шеъринг айт?
Жисмимда ўт чакнади ялт-ялт,
Сўнг тилимга сўз урди шиддат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Каловланиб ўйланиб бир зум,
Ўкий кетдим, туйғулар қум-қум,
Онам йиғлар. Йиғладим юм-юм...
Тарих бўлди менга ул ҳолат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Эрка эдим мен шўх-шаън бола,
Ун ёшга ҳам тўлмаган чала,
Ўйингоҳим кўча, боғ-дала,
Доим шерик эди Мухаммад¹,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Отам деди онамга қараб,
Оппок нурили соколин тараб:
«Нима ёзди боланг кечалаб?»
Ўкир эдим мен эса Фурқат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Отам деди: «Кун келди охир,
Турмуш бўлар сен учун оғир,

¹ Узбекистон халқ ёзувчisi М.Али.

❖

Кампир, ўғлинг бўлади шоир,
Сен кўрасан, кўрасан албат...»
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Кейин тунда узилди отам,
Ёш танамга сиғмади мотам,
Қола бердим ўртаб дам-бадам,
Еб-ичганим бўлди дард, кулфат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Йиллар ўтди, бесамар йиллар,
Шамоллари соколим силар,
Ичимдагин улар хўп билар,
Аммо айтмас, жуда бешафқат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Ярим кеча бўрон турганда,
Илҳомларим хаёл сурганда,
Деразамга ёмғир урганда,
Томчи билан қилганман сухбат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Олдим онам дуо, ризосин,
Ва емадим етим ғизо¹син,
Ёмонларни бердим жазосин,
Савобларим бўлсин ижобат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Ёлғизлиқда йўқ экан чора,
Бечоралар ичра бечора –
Бўлиб колдим мен бора-бора,
Пешонамда шул экан қисмат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Фарзандларга айтар галим кўп,
Ташвишлари баъзан эзар хўп,
Набиралар теграмда тўп-тўп,
Ширин-ширин орзулар кат-кат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

¹ овқат.

Муаммо кўп, бўлмас қутилиб,
Кундан айро тунга тутилиб,
Гоҳо багринг кетар сўтилиб,
Қай бирига берайин нисбат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Яхши-ёмон билан гаплашдим,
Ўнқир-чўнқир йўлларда пишдим.
Улуғларга доим эргашдим,
Халқ хизматин килдим bemиннат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Бир севгига бўлдим гирифтор,
Ташлаб кетди ул севимли ёр,
Қайрилмади ортига бир бор,
Қани аҳду паймон, мурувват?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Мен ўлимни кўзлаганим йўқ,
Кўрқанимдан бўзлаганим йўқ.
Ёлғон-яшиқ сўзлаганим йўқ,
Қолган умрим қанчалар ҳиммат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Кўп вараклаб умрим дафтарин,
Сўнг учирив хотир каптарин,
Достон қилдим жуда камтарин,
Бўлармикан кимгадир ибрат?
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

Яратганим, ўзинг меҳрибон,
Гуноҳларим сенгадир аён...
Ёлбораман бир бандай жон,
Тарқ этмасин меҳнат ва заҳмат,
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?..

2009 йил, февраль,
Фарғона.

ИБРОҲИМНОМА

(«*Табибнома ёхуд
Иброҳимжон Асқаров»
номли достондан парчалар**)

МУҚАДДИМА

Хуш келдинг ўқувчим, ёнимга ўлтири,
Сенга сўзлаб берай янги бир достон.
Сўздан нақш солгувчи мана шу қўлдир,
Илҳом фариштасин тиллари бийрон.

Зеҳнимни забт этди илму табобат,
Аклим бориб етди талай ечимга.
Жон нима, тан нима, нима наботот,
Сирлар сиғмай колди бугун ичимга.

Аввало, Худога беадад олқиши,
Бор қилди бу сирли икки дунёни.
У – битта, У – ёлғиз, илк бор яратмиш
Одам Атони-ю Момо Ҳавони.

Оlamга омонлик, инсонга сиҳат,
Хатто бир майсага умр берди у.
Сўнг иншо айлаган ҳар тақдири хат
Бехато. Лекин бор шодлик ва кайғу.

Ҳар дарднинг чораси унгадир ошкор,
Факат у беради дардларга шифо.
Қай бир бандасини қилди дастиёр,
Бемор кулларимга топсин деб даво.

* Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, ҳалқ табиби, профессор И.Аскаров онасининг кўкрак бези саратон касалига даво топган. Жарроҳликда тирик тўқимани тез ёпишириувчи слимни ҳамда товарларнинг ҳимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш номли янги фан яратган.

❖

Қадим Афшона¹да кўз очган гўдак,
Ибн Сино бўлиб улғайди, ўсди.
Абу Бакр² ар-Розий икковлон бешак
Турфа касалликлар олдини тўсди.

Ибн Сино деди: тўрт унсурки бор;
Тупрок, сув, ҳаво, нур, бу демак ҳаёт.
Ҳар мева, ўсимлик нукул доривор,
Шу боис яшайди жами мавжудот.

Ўтди кўп даврлар, ўтди асрлар,
Не-не алломалар туғилди Шарқда.
Уларни қувлади кўрлар, басирлар,
Улар тарқаб кетди, ҳар жойда... Ғарбда...

Замона ўзгарди, кайтди ул рухлар,
Хурлик либосини кийди қадим Юрт.
Синога эргашди доно гурухлар,
Аждодлар йўриги бўлмади унут!

Авлодлар ўсади, ҳалқ ўзи табиб,
Балодан асрасин улуғ Аллоҳим.
Ҳар дардга шифо бор, дейди бир ҳабиб –
Шарифи Ал-Рахмон, исми Иброҳим.

Менинг жоним шу боламнинг ичидা

(Марҳабохон ая айтган аллалар)

Уч муқаддас қўшиқ яшар эл аро,
Улarda мужассам Қувонч, Қайгу, Ғам.
Биринчиси барча қўшиқдан аъло,
Уни куйлар Она бешик қучган дам.

Расул Ҳамзатов.

¹ Афшана – Бухора яқинидаги қишлоқ.

² Абу Бакр Мұхаммад ибн Закарий ар-Розий – Шарқда Ибн Синогача бўлган табиб, кимегар.



1

Шу боламнинг ичидагоним,
Шудир менинг жону жаҳоним,
Бошида бор улуғ “Куръон”им,
Алла, болам, ёлғизимсан-а,
Кўкда порлок юлдузимсан-а.

Сенсан менинг мақсад-муродим,
Сенинг билан яшнар ҳаётим,
Онагинанг – Марҳабо отим,
Алла, болам, ёлғизимсан-а,
Кўкда порлок юлдузимсан-а.
Иброҳим, деб атадик отинг,
Исминнга мос бўлсин ҳаётинг,
Яхшиликка муносиб зотинг,
Алла, болам, ёлғизимсан-а,
Кўкда порлок юлдузимсан-а.

Мен аллани жўшиб айтайнин,
Дуоларим кўшиб айтайнин,
Катта олим бўлмоғинг тайин,
Алла, болам, ёлғизимсан-а,
Кўкда порлок юлдузимсан-а.

2

Баҳоси бўлса қанча,
Чақалоққа чакмонча
Олиб келинг дадаси,
Юрагимнинг далдаси,
Отасиннинг пичоғи,
Онасин кўзмунҷоғи,
Ухла, ором ол, энди,
Боғларда қушлар тинди.

Ҳадемай чиқар қуёш,
Нурга тўлар тоғу тош,
Жалолкудук боғлари,



Хў Сулаймон тоғлари
Яшнаб кетади яна,
Хўроз қичқирди мана...
Ухлаб, ором ол қўзим,
Уйғотаман мен ўзим.

Фаранг рўмол бошимда,
Сен йигирма ёшимда
Туғилдинг пайдо бўлиб,
Ўғилга шайдо бўлиб –
Отанг кувонди чандон,
Гулга тўлди хонадон.
Сенда зеҳним, нигоҳим,
Кўзингни оч Иброҳим!?

3

Тоғларга ҳам тушди кор,
Кордек оппок пахтазор,
Даданг менга мададкор,
Аллаё, болам, алла,
Ором олар маҳалла.
Ариқда сув жилдирап,
Ой нурида милдирап,
Ўт майсалар шилдирап,
Аллаё, болам, алла,
Ором олар маҳалла.

Ухлар жами болалар,
Уйқуси сал чалалар
Уйига жар соларлар,
Аллаё, болам, алла,
Ухлар бутун маҳалла.

Не ушласанг зар бўлсин,
Топганинг гавхар бўлсин,
Ишингда самар бўлсин,
Аллаё, болам, алла,
Ухламоқда маҳалла.

Рубоий

Ақл она конидан ўтармиш рости,
Бу сирни сўзлади Иброҳим дўсти:
Онанг бир фаришта аёл экан-да,
Сени одам килиб қаторга кўшди.

ЗАРБДОР АЁЛ

*Эски фикр, анъанаалар
Энди буткул узилур,
Ё, битарман, ёки сенинг
Салтанатинг бузилур.*

Чўлпон.

Марҳабохон тонг-сахарда боргандада ишга,
Самолётлар бошлаганди оғу сепишга,
Болаликлар жон халпида тушиб ташвишга,
Гўдакларин олиб қочар эди ҳар томон,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Ёш оналар чақалоғин бағрига босиб,
Рўмол билан беркитишиб, юзларин тўсиб,
Замонани қарғар эди нафрати тошиб,
Кўкдан ажал ҳаво келур, бу қандай «даврон»,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Самолётлар пастлаб ўтар бағирлаб дала,
Дори тушмай қолмасин деб баргларга чала,
Байрок тутиб кўрсатади битта ёш бола,
Ажал кутиб ишлар эди сувчи отахон,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Барча кишлиқ, маҳаллалар ютарди заҳар,
Терим авжда, пахтазорга ҳамма сафарбар,
Режа катта, адо этиб қумок-чун зафар
Этак боғлаб пахта терар эди ҳар бир жон,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Захарханда сўзлар ила сўкар бригадир,
Раис қилган ҳакоратни тўкар бригадир,
Райком келса тиззаларин букар бригадир,
Бажарамиз! Бажарамиз! – дейди ҳар қачон,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Далаларда, шийпонларда теримчилар кўп,
Шаҳарликлар, ёрдамчилар юришар тўп-тўп,
Шикоятлар хеч тугамас партком дер: хўп-хўп,
Хом пахтага тўлиб кетар каттакон хирмон,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Марҳабохон пахтасини кўтариб бошда,
Бўйин букиб зўрга келди кўзлари ёшда,
Тўқсон кило ҳисоб бўлди тарозу тошда,
Шундок азоб ичра колди барча қиз-жувон,
Захар дори чанги билан тўла ер-осмон.

Рубоий

Ўзбек даласига оғу ёғдирган,
Дехконни “олтин кўл” дея оғдирган.
Она-ю болани рак килиб, яна
Булар баҳтли деган, булар соғ деган!...

ВАСИЯТ

*Деворни нам йиқитар.
Одамни гам.*

Макол.

Раҳмонжон Аскаров жангда ўқ еган,
Ўпка орқасида қолган жароҳат:
“Днепр бўйида юз берди, деган –
Мени мажруҳ килган ўша фалокат.

Кейин замон юки, тухматнинг заҳри,
Асаб толаларим бирма-бир эзди.
Юракка зарб берган шўролар қаҳри,
Пораҳўр кимсалар менга чоҳ қазди.

❖

Бариси, бариси ўз ишин қилди,
Дори-ю дармонлар ҳеч этмади кор.
Умрим тамом бўлди, чинор йикилди,
Уни тиклай олмас юзта шифокор.

Менинг ёлғиз ўғлим югурди-елди,
Қилмаган чораси қолмади сира.
Жон сўраб бошимга Азроил келди,
Оёқда мажол йўқ, кўзларим хира.”

Раҳмон чол тўшакда ётибди ночор,
Қўуни-кўшнилар, қондошлар гавжум.
Назар ташлаб турар битта шифокор,
Ёнидан жилмайди Иброҳим бир зум.

Оғир бир сукунат. Қийналади жон,
Бадан совиб борар ҳар дам, ҳар лахза.
Иброҳимга секин гапирди шу он,
Юракка урилди ўқинчдан ларза:

“Яқин кел, сен эшит, бу охирги йўл,
Ўзингни маҳкам тут, ғамдан енгилма.
Ҳеч кимдан карзим йўқ, энди бардам бўл,
Ўғлим, одамларга ёмонлик қилма!

Онангни авайла, унга даво топ,
Опа-сингилларинг чекмасин қайғу.
Уларни йўқламок савобдан савоб,
Сен энди отасан, сенга гапим шу...”

Ховлини қоплади, ўксик бир тиги,
Ичкари хонада аччик дод-фарёд.
Ўлим бу, бенавбат, тақдирнинг тиги,
Ажалдан кутилиб кетмас одамзот.

Рубоий

Тириксан, эл аро ўзингни шод тут,
Ҳалол меҳнат билан уйинг обод тут.
Соғлик қадрига ет, даволан доим,
Ҳакикат кўлини маҳкам, қушод тут.

ҲАР ДАРДГА ДАВО БОР

*Дард, алам, қайгу күп,
Сөглик эса битта!*

Кавказ халқ мақоли.

Мархабохон ая нозик ҳам озғин,
Камқонлик касали кийнайди ҳар чок.
Пахтадан кеч кайтди ранг-рўйи тўзғин,
Хансираб, толикиб, уюшиб оёқ.

Кейин ётиб қолди боши айланиб,
Кўл-оёқ зиркирар, кўзларида нам.
Иброҳим онага қолди бойланиб,
Ёнидан жилмайди термулиб ҳар дам:

– Ая дори излаб юрибман чопиб,
Кўнглингиз тусайди қандай бир таом?
Айтинг, нима керак, келаман топиб,
Тинчгина ухланг сиз олиб бир ором.

– Раҳмат, сенга ўғлим, ёлғизим, бўтам.
Тузукман, яхшиман, мактабингга бор.
Рўзғорни ғор дерлар, тугамайди кам,
Сингилларинг бор-ку, улар дастиёр.

Шифокорлар келди, канча маслаҳат,
Канча муолажа килмади таъсир.
Канча дори-дармон муддатма-муддат
Унга ичирилди, берилди бир-бир.

Анча тетиклашиб Марҳабо ая,
Пахта теримига чиқди у ночор.
Дерди у: соғ бўлсам, дала яхши-я,
Кўнгилни очади оппоқ пахтазор.

Ойлар, йиллар кечди оқар сой мисол,
Кучайиб бормоқда она касали.

Бир оз малҳам бўлар тотганда алхол –
Зокира момонинг тоза асали.

Зокира момо ким, билгувчи кампир,
Марҳабо опанинг туккан онаси.
Унинг зехнида бор табиблиқдан сир,
Табобат асрори – халқ дурдонаси.

Узок кечаларда Иброҳимга ул,
Қай дардга даво не, берарди сўзлаб.
Иброҳим коғозга ёзарди нуқул,
Керак бўлар дея эртани кўзлаб.

Марҳабоҳон ая дарди улғайди,
Кўкракда без пайдо, эҳтимол, бу – рак.
Саратон жисмини секин чулғайди,
Безовта бўлади ҳар куни юрак.

Кейин ишдан колди, рўзғор ҳоли танг,
Тирикчилик оғир... кизлар эса ёш.
Оилани бокар Иброҳим аранг,
Кундузи далада, кечда сартарош.

Қилмаган хунари колмади бутун,
Ҳеч недан чиқмади фойдали бир иш.
Бир сигир бор эди, негадир қай кун
Кўккис ўлиб колди, кўпайди ташвиш.

Иброҳим ирода эгаси экан,
Барча оғирликни олди бўйнига.
Ўкиш ва ўрганиш, чин меҳнат билан
Дадил кириб кетди хаёт қўйнига.

Рубоий

Инсонни пишитар маккор бу ҳаёт,
Синаб кўраверар такрор бу ҳаёт.
Она дуоси-ла, Она меҳри-ла,
Иброҳимни килди номдор бу ҳаёт.

ТАБИБ МАМНУНИЯТИ

Табобат йўқолган эди, уни Букрот топди. Ўлган
эди, Жолинус тириштириди. Сочилиб кетган эди,
Муҳаммад Закариё Ар-Розий йигди. Нуқсанли эди,
Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино камолга етказди.

Сайд Муҳаммад Ҳасрат (XVIII аср).

Мен Раҳмон ўғлиман, исмим Иброҳим,
Таваллуд топганим кичик бир кишлок.
Табобат боғлари сирли даргоҳим,
Ниятим бир дардга юз даво топмок.

Ихлосим мустаҳкам аждодларимга,
Уларга қалбимда чексиз эҳтиром.
Бир шараф ахтариб авлодларимга
Азиз сиймоларга йўллайман салом!

Аввал эътиқодим табобат пири,
Қасамёд эгаси буюк Букротга.
Тиббий ҳазинабон, илм шамшири –
Муazzзам Шарқ ўғли Сино ҳазратга.

Қуёшга тикилдим, ойга термулдим,
Порлок юлдузлардан тингладим овоз.
Йикилдим ва турдим, канча эврилдим,
Ҳар битта гиёхга сўйлаб бердим роз.

Замона ғояси айлаб хокисор,
Тагига сув қўиди халқ табобатин.
Билағон табиблар саналди айёр,
Ҳеч ким ўйламади эл саломатин.

Янги давр келди, ҳар бир жабҳада,
Табобот қасрига очилди кенг йўл.
Не-не улуғ номлар олтин сахфада
Яраклаб кўринди, тирилди буткул.

Шаҳобиддин Абдул Карим ўғли ҳам,
Мулла Юсуфийдек олинди тилга.
Ҳаким Давоийлар бўлди мукаррам,
Муҳаммад Ҳасратий кўшилди элга.

Улар менга устоз, берарлар мадад,
Туну кун ишлайман, улар илхомчи.
Уларнинг билими денгиз беадад,
Менинг билганларим денгиздан томчи.

Жон – хаёт, тан – жумбок, умр мураккаб,
Бу эса қизил кон, ўрни жигарда.
Жами касалликлар боиси – асаб,
Сири юлдузларда, шамсу камарда.

Аллоҳ бу Аторуд, Муштарий, Зуҳал,
Мирриху Зухрони яратиб барҳак.
Одам вужудини бор қилган маҳал
Унга баҳш айлади жигар ва юрак.

Гарчи сафро бўлса, ўт унга макон,
Балки балғам эса ўпкада турар.
Савдо белгисини сездиради кон,
Дард кўзда ҳам юзда аник кўринар.

Мижоз аломати иссиқ ва совук,
Сафродан бош оғриб, қизийди бадан.
Балғамдан оғиз хўл, тораяр кувук,
Юз сарик, соч-соқол оқарап баъзан.

Савдодан бўлғучи иллатлар бисёр;
Лаблар шўрлашади, курийди томок.
Кўп ноҳуш, ножӯя тушлар кўрмок бор,
Кўз хира тортади, эшитмас кулок.

Касаллик бесаноқ, унга бор даво,
Керак зўр тажриба, керак зўр акл.
Табиат измида барча муаммо,
Факат бир ўлимга чора йўқ деб бил.

❖

...Кейин ишга тушдим, ўқидим роса,
Тоғларга жўнадим, боғларга кирдим.
Ақлимда тўпланди талай хулоса,
Тарих қатларида ўй, ҳаёл сурдим.

Сирлар оламига ўзни чоғладим,
Улуғ боболардан тиладим нажот.
Табиблик нимадир, белни боғладим,
Худога илтижа айлади кушод?

Отамни узатдим қаро тупрокка,
Онамнинг дардига даво қайда бор?
Доривор ахтариб кетдим узокқа,
Ўғилман, онамни килгум баҳтиёр.

ТОҒЛАР ОРАЛАБ

*Табиат китобин ўқимоқ керак,
Дилда ган кўкати ўсмасин андек.*

Умар Ҳайём.

Иброҳим саҳарда кўз очди чўчиб,
Онаси дардига даво қайда бор?
Ороми йўқолди ранг-рўйи ўчиб,
Қайси бир ўсимлик – кандай доривор..?

Чоткол чўққисига жадал жўнади,
Ҳар битта майсага айтди розини.
Сулаймон тоғида бир ой тунади,
Барча ўсимликнинг терди созини.

Оқбўра дарёсин кетди ёқалаб,
Корли кояларга кўйди у кадам.
Қизил жар, оқ жардан майса тақалаб,
Копчиққа сиғдириб боғлади маҳкам.

Шоҳимардан томон борди эрталаб,
Хуркиз майдонида тикиди капасин.

❖

Соф ҳаво симириб яйраб кетди таъб,
Лолалар копламиш кирлар тепасин!

Ана “Кўли Куббон” жимиirlаб елда,
Мармар мавжларида жоннинг роҳати.
Шу он булут келди, колди у селда,
Момогулдиракнинг тинди токати.

Исфайрам хавзасин борди бошига,
Федченко¹ муэлиги кўринди яқин.
Термулиб-тикилди тоғлар тошига,
Чакмоклар осмонда бошлади чақин.

Водийнинг жанубий сарҳадлари кенг,
Монанди жаннатдир Сўхнинг воҳаси.
Кўшкокил сингари Оксув – кўксув teng,
Бу, ўша ям-яшил Олой эркаси!

Борликни қоплади гулларнинг атри,
Қушларнинг хониши бошланди шу пайт.
Ёдида жонланди Ҳамзанинг сатри,
Тилда такрор бўлди ул ажойиб байт:

“Ҳар кеча фарёд урармен то сахарлар ёд этуб,
Қайтуб ул боғу чаман, ул ғунча, гулруҳсор йўх.
Ишқ савдоси аро ёлғуз харидоринг эдим,
Оре, жонимни сотардим, жон учун бозор йўх.”

Табиб ўйга толди жисмида титрок,
Улуғ устозларга килди иқтидо.
Мисоли шоирга айланиб шу чок
Тилидан барадла чикди бу нидо:

“Ассалом табиат, ассалом тоғлар,
Мен бемор онамга излайман шифо?
Зангари кенгликлар, кўм-кўк ўтлоқлар,
Онамнинг дардига берингиз даво?”

¹ Шохимардан тогларининг энг юкорисида рус сойёхи Алексей Федченко топған аба-дий музлих бор.

Иброҳим отланди Наманган сари,
Заркент тоғларида юрди куну тун.

Нанайни кўрганди анча илгари,
“Сари Челак”ка ҳам ўтди у бугун.

Чуст, Попни оралаб сўнг довон етди,
Қамчиксой бўйида сурди ўй-хаёл.
Аштнинг кенгликлари кўқдай бепоён,
Онгида туғилур турфа хил савол:

Қайси ўсимликда қандай дори бор,
Қандайин дамлама беради фойда?
Бу асрий арчалар сўйларми ошкор,
Онамнинг дардига шифо қай жойда?

Энди илм керак, тажриба зарур,
Мен йикқан ўсимлик қайси бири соз.
Ишлайман бетиним, керакмас хузур,
Тилсиз бу наботот чиқармас овоз.

Сўнг оқшом онасин олдига қайтди,
Кўрган-билганларин сўйлади бир-бир.
Кўкрак без оғриғи уйни титратди:
Иброҳим йиглади, бўлди кўп дилгир.

“ШИФОИ МАРҲАБОХОН”

Аллоҳ таъало қарилиқдан ўзга қандай қасалликни берган бўлса, унинг шифосини ҳам берган.

“Хадис”дан.

1

Табиблар кўп дунёда,
Бири-биридан мумтоз.
Улар юзта, улар минг,
Лекин Синодир устоз.

❖

Шарқ халқлари донодир,
Шундан бутун табобат.

Гиппократ айтган гап:
Инсон бўлсин саломат.

Табиб иши аломат,
Лекин эмас афсунгар.
Табобатга шогирд ул,
Иши бўлса мухтасар.

Боболарнинг айтганин,
Момолар деганин ул –
Кулоққа олиб ишлар,
Амал қиласи буткул.

Сирдоши ўсимликлар,
Дараҳтлар ва об-ҳаво.
Илму урфон китоби,
Дафтари чексиз само.

Юрагига ёзар у,
Ўчмас қилиб битади.
Бир бемор тузатса ҳам
Орзусига етади.

Иброҳимжон неча кун,
Она ёнидан жилмас.
Оғирлашиб кетди дард,
Нима қиларин билмас.

Кўкрак бези эди “рак”,
Давоси йўқ “саратон”.
Бир илинж колмади хеч,
Томоғига келди жон.

Иброҳим бор билганин
Ишга солди астойдил.

Аллох унга йўл берди,
Ишончга тўлди кўнгил.

“— Тоғқарағай, кийик ўт,
Тоғ райҳони, далачой,
Тоғ жамбили, киркбўғин,
Сули майсасидак, хой,
Келтири кийикўт гули —”

Дея буюрди олим.
Шогирдлар иши пухта,
Ўсимликлардан тайёр:
Бир дамлама – омухта.

Онасиға ичкизди
Иброҳимжон неча вақт.
Дардга даво топилди,
Кулиб бокди кувонч накт.

Она кўзини очиб
Ойнага бокди узок.
Йиғлаб юборди бирдан
Шодлик хиссидан шу чок.

Она оёкка турди,
Қайтди гул-гул ҳаётга.
Иброҳим деди: “Шифо –
Табиат одамзотга!”

Тўпланди кўп одамлар
Махалла келди гуррос.
Кўп шифокор-дўхтирлар
Сўзлашарди басма-бас.

Билимдонлар донолар
Келдилар ҳар тарафдан,
Тошкентлик, москвалик
Қолишмади бир гапдан.

Дамламага ном бўлди,
“Шифои Марҳабохон!”
Она ёлғиз ўғлини
Дуо қиласар ҳар қачон!

ТАБИБ ШУКРОНАСИ

*Ҳар ишдаки инсон қўрсатур ҳиммат,
Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.*
Саъдий Шерозий

Аввало буюк эл, халқ бўлсин соғлом,
Турмушда бирор жон кўрмасин шикаст.
Азиз пирларимга чексиз эҳтиром,
Улардан оларман бир умрлик дарс!

Отамнинг руҳлари мендан бўлсин шод,
Рўзғорим чироғи – соғ юрсин онам.
Рафиқам Маннурга мен учун ҳаёт,
Оlamда гўзалрок йўқ ундей санам.

Ёкутхон, Шохида ҳамда Озода –
Опа-сингилларим – боғим гуллари.
Улар хурсандлиги – меҳри зиёда,
Теграмда парвона киз-ӯғиллари.

Кўзимнинг нуридек қизим Раънохон,
Барно, Нилуфарлар жонимга мадор.
Нодирбек, Носиржон – икки меҳрибон,
Икки ўғил фарзанд – суянчиғим бор!

Икки келиним бор гўё фаришта,
Гўзалой, Дилноза оиласам баҳти.
Барака келтирас улар турмушда,
Улар билан яшинар ҳаёт дараҳти.

Умримнинг давоми бари набирам,
Олтин занжирлардек узундан узун.

Уларсиз шодлик кам, усиз қувонч кам,
Софиниб қоламан кўрмасам бир кун.

Захириддин, Темур, Ислом, Мехриноз,
Акмалжон, Яхёжон, гўзал Гулғунча,
Абдулазиз қирол, Жавоҳир шоввоз,
Гуллола, эҳ, ҳали кўпаяр қанча!

Кел, эй кўнгил, буюклар номини жамла;
Махсумов, Ҳамроев, Қосимов Акмал,
Бобоев, Ҳакимов, Тўхтасин домла,
Донишманд Неъматжон, Ўзган – мукаммал.

Собир Мунавваров, билгич Мўминжон
Ҳамиша ёнимда бўларлар тиргак.
Уларсиз татимас тўкин дастурхон,
Урайимжондек дўст доимо керак.

Муҳаммаджон акам ўстирди мени,
Қўллади Қобилжон, Мадамин тоғам.
Уларки ҳамиша деганлар: «Сени —
Фарзанд деб севамиз, ҳеч кўрмаймиз кам!»

Хаётда чин дўсту ошноларим бор:
Собитжон, Ғофуржон, Маъруфжон, Тўлқин,
Насимжон, Неъматжон, Толибжон ректор,
Яна Истроилжон, Анваржон, Эркин.

Шогирдларим бисёр – икки Манзура,
Шаҳобиддин, Расул, Акбар ва Нозим.
Абдулла, Сойибни унутмам сира,
Уларни хотирлаш, эсламок лозим...

Мен ватан фарзанди, калбда шукронга,
Ёлғиз ўғил эдим бечора, юпун.
Тақдир шу – ўз бўлди юзта бегона,
Биттайдим, дўст топдим, мингтаман бу кун!

Рубоий

Кимё бу – мўъжиза, пинҳона минг сир,
Сир борки, илм-ла очилур бир-бир.
Ибн Сино, Беруний, Ар-Розийга чин
Шогирд – ўғил десак Иброҳим арзир.

ДАРДГА ДАВО ДАМЛАМА (*Табиб Иброҳимжон мўъжизаси*)

*Ўлим инсонга шитиҳон учун берилади, жонга
чанг солувчи балолар беҳисоб.*

Барат Нориев,
биринчи ўзбек нейрожаррохи.

“Алқаён”

Хавфли ўсмаларга келтирас кирон,
Ичаклар ичини ювади рости.
“Алқаён” ичмокни тарк этма, бир он,
Сўзимни уқдингми, яхшилар дўсти?

“Алқоман”

Букок касалига дори шу эрур,
Ошқозон безини юмшатади у.
Доимо ичганнинг кўнглида сурур,
Калбини тарк этиб кетади қайғу.

“Астош”

Кувук тошларини туширас эзиб,
Ундан барҳам топар қанд касали ҳам.
“Астош”ни ича бер, масъулият сезиб,
Софлик керак бўлса, сенга э, одам?

“Мажмуи шифо”

Бачадон – миома дардига даво,
Ғубордан поклайди гар айниса қон.
“Мажмуи шифо”дан ичгил доимо,
Танангни тозала, эй саҳий Инсон.

“Мажмуи Раҳмоний”

Танангда иллатни кувади мутлок,
Ўсимта тўхтайди, битади яра.

Ушбу шифобахши ича бер ўрток,
Ўзгариш бўлгандир, рангингга қара!
“Санжам”

“Санжам”ни ичдиму оғрик йўколди,
Қабзият даъф бўлди, кўзим ҳам равшан.
Эй бемор оғайни, ушбу дамлама
Сенинг дардингга ҳам даводир – ишон!

“Шифои Марҳабохон”

Она номи билан аталган малҳам,
Доридур бош мия, кўқрак безига.
Ошкозон соғаяр, ўсимталар ҳам
Тўхтаб, қайтиб кетар келган изига.

“Ўзбекистон”

Қон босими ошмайди, хотира тоза,
Буйрак касаллиги топади барҳам.
Ўзбекистон номи билан овоза
Дамлама танангни қилар мустаҳкам.

“Аскальций”

Жисмингни ҳимоя қиласи дардан,
Кучингга куч кўшиб, рух бағишлайди.
Бу хил кўшилмани ичавер, дустим,
Тананг соғлом бўлса, ақлинг ишлайди.

“Айритош”

Ўт пуфаги, жигар, буйракка дори,
Сенга аён бўлсин кўнгил изҳори.
Бу малҳам – мўъжиза, ичабер ҳар кун,
Тобора яшнайди умринг гулзори.

“Олтин водий”

Ёш туриб тўкилса бошингда сочинг,
Ё буйрак тошлари келтирса азоб,
Табиб айтганидай “Олтин водий”дан
Ичабер, ичабер бўлмайсан хуноб.

“Асков”

Гижжа пайдо бўлмай шу дорини ич,
Сийдик йўлларида бўлмас тутилиш.
Дардни даф килишда асло колма кеч,
Касаллик зарбидан шудир кутилиш.

“Мажмун даво”

Ошқозон яраси тузалар охир,
Барҳам топиб кетар сил касали ҳам.
Мунтазам ич уни, тилингда таҳир
Қолмайди, яшариб юрасан бардам!

МАКТУБЛАР, ХАТЛАР...

*Ҳақиқий олим ўзи кону юз томони яна гавҳар,
ўзи осмону ҳар тарафи юлдузлар.*

Алишер Навоий

Ёмғирдай ёғилур мактублар, хатлар
Иброҳим Аскаров – табиб номига.
Тинимсиз изланиш, чексиз заҳматлар
Айланиб кетди эл эҳтиромига.

Бир мактуб – Наманган, бири – Фарғона,
Кўҳна Хоразмдан, Қашқадарёдан.
Бу хатни билган кас умрдан тона –
Кўнгил узган эди ёруғ дунёдан.

Мана бу дил сўзин эгаси аёл –
Тоғли Сурхондарё қишлоғидан ул.
Мамнуният жумласин ёзган оксокол
Кўз ёшин тўкибди қоғозга нукул.

Ўлимни тасаввур қилган ўспирин
Яшаш дафтариға чекибди имзо.
Соғайган жонларнинг минглардан бири –
Мана бу кизалоқ кутганди қазо.

Тошкенту Самарқанд, Андижон эли,
Иброҳим сўзидан топганда малҳам.
Кувончдан оқизди дийдаи селин
Ходи Тахтош юртин фукароси ҳам.

Яна Қирғизистон, қўшни қозокдан,
Ўшу Жалолобод, Ҳўжанддан хат бор.

❖

Мактублар пайдар-пай узок-узоқдан,
Хар сатри – ташаккур, сўзи – миннатдор.

Аллоҳ ярлақалса севган кулига
Шундок саодатни кўради раво.
Қай бемор Иброҳим келса кўлига,
Ноумид қайтмайди, топади даво.

Мактублар ёғилур, хатлар ёғилур,
Иброҳим бошидан ёмғир сингари.
Миннатдор сўзлардан кўнгил чоғ бўлур,
Чорлаб турганида кашфиёт сари!

ТАБИБ АСҚАРОВ ҚАСАМЁДИ

Ўлмас аждодлардан куч-мадад тилаб,
Яратган Эгамга ёлбориб йиғлаб,

Ўз онтим-қасамим ичаман тўйиб,
Бор умрим, жонимни ўртага кўйиб:

Ал-Розий, Синолар йўлчи юлдузим,
Улар илми билан очилди кўзим.

Аллоҳ номи билан ичаман қасам,
Тилларим тугулсин онтимни бузсам.

Таъмагир, порахўр бўлсам мен агар,
Жонимга қасд килиб, ичаман заҳар.

Мен учун баробар бою камбағал,
Уларга teng бўлур мендаги амал.

Тез боргум касалнинг хонадонига,
Ором бермок учун ширин жонига.

Беморлар сирини айтсам бировга,
Ёлғиз бу бошимни тутаман “ёв”га.

❖

Оналар-болалар соғлиғи – бахтим,
Улар хизматида ғайратим – шахтим.

Унутмам муборак устозлар ёдин,
Умрбод эъзозлаб улар авлодин.

Хатога йўл қўйсам бир кун мабодо
Асло кечирмасин айбимни Худо.

Отам ҳам, онам ҳам, аждодларим ҳам,
Асло афв этмасин ёлғонни десам.

Бахту саодатим –соғлом хар инсон,
Мен ўзбек ўғлиман, кўксимда Қуръон!

ХОТИМА

Ўкувчим, достоним етди сўнггиға,
Аллоҳим келтириди уни ўнггиға.

Ибн Сино деди: “Бўлди, бас қилгил,
Тиб сири муаммо, Аллоҳдан деб бил.

Унинг амри билан тирик мавжудот,
Унинг измидадир, борлик наботот.

Оlam, одам зикри Худога аён,
Уни билмок учун борамиз каён?..

Лек кимнинг дилида бўлса эътиқод,
Амалларим билан юксалур кушод.

Ҳар битта гиёҳда ўзгача бир ҳол,
Донолар зехнида фактат эҳтимол...

Сен билган табиб ҳам мингларнинг бири,
Онасин дардига етмиш тадбири.



Муқаддас онанинг дардига даво
Топай, деб борликни кезди у танҳо.

Шундок ўғли бўлса ҳар бир онанинг,
Қаноти синмасди ул «парвонанинг».

Синонинг рухлари шод ўлса зора,
Ракни даъф этмокка излаймиз чора?

Неча асрларки ҳазрат одамзод
Мана шу дард билан кетади, ҳайҳот?..

Наҳотки, рак деган бу дард бедаво,
Шу дарддан инганиб яшайди дунё?

Не-не алломалар, не-не султонлар,
Паҳлавон йигитлар, гўзал жононлар,

Онаси ўпмаган қизлар жувонмарг –
Ёруғ бу дунёни этадилар тарк...

Не ажаб, маҳв ўлса бу дард шармисор,
Иброҳим Асқаров бўлиб халоскор!

Мен энди, достонга қўяман нукта.
Билмадим, у хомми, пишикми пухта?

Ўқувчим, бил, уни англамок сенга,
Ё кимдир ўқиса тингламок сенга!

Бахтимга саломат, омон бўл узок,
Яна кўришгунча, қўлни бер, ўрток!

2010–2011 йиллар.
Андижон – Тошкент.

Шеър ҳавоси



(Тұлап Низом ижоди мұнаққидлар наздика)



Мухаммад Али,

Узбекистон халқ ёзувчиси

РУХИЯТ ПАРЧАЛАРИ

Шеърият, бу рухият парчаларидир, шеър – рухият деб аталган ўчмас алангадан сацраган учкун, ундан кўнгилга тафту ҳарорат боради, меҳр боради, мадад боради. Шунинг учун ҳам унга талпингувчилар кўп, дил ёрувчилар кўп, ўз дардига малҳам тилагувчилар кўп. Шеър – муқаддас рухнинг сўздаги шакли. Суз шоир учун ҳамма нарса ўрнини босади: сўз – ранг, рангларнинг алвон-алвон товланишидир; сўз – холат, холату кайфиятнинг турфа хил кўринишларидир; сўз – ҳис, ҳис-туйғунинг қатламларидаги жунбушлар акс садосидир; сўз – оҳанг, оҳангу ранг-баранг садолар инъикосидир; сўз – ишқидир, сўз – шеърдир, сўз – руҳдир, Муқаддас рух... Тўлан Низом шу сабабдан ҳам ўз сайланма шеърлар китобини «Муқаддас рух» деб атаган эди.

Оlamни шеърда кўрмоқ, биз яшаб турган ҳаётни шеърият орқали идрок этмок ва уни оқ қоғоз юзига тўкиб солмок учун чиндан ҳам Худо берган салоҳият, истеъодод бўлмоғи керак. Ўн саккиз минг оламдаги беадад маҳлукоту мавжудот асло бир-бирига ўхшамаганидек, шоирлар ҳам хеч қачон бир-бирларини такрорламайдилар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам – куни ва туни бор, боги ва тоғи, чамани ва сахроси бор. Шуниси қизик-да.

Истеъододли қалам сохиби Тўлан Низом гўзал водийнинг ўғли. Ўғиллик меҳри ва сўз айтиш санъати уни Фарғона куйчисига айлантириди. Шоирнинг олами – бу Фарғона водийси, унинг танти ва жўмард кишилари, шарқироқ сойлари, чаманга айланаётган чўллари, олис ва шарафли тарихи, буюк фарзандларининг фожеий

қисмати, бу қисматларнинг ҳали очилмаган қатлари... Шоир Фарғона водийси тимсолида Ўзбекистонни, она Туркистонни, жаҳонни кўради, оламнинг кенглигидан ҳайратга тушади. Шоир гўзал водийнинг қок марказида яшар экан, ижод захматларини чекар экан, оламнинг маркази шу ердир, дегандай бўлади, ифтихор хиссини туди; зеро, бундай дейиш шоирнинг ҳакки-хукуқидир. Ифтихор туйгуси шунчаларки, ёр юрган Фарғона йўлларини орзикаб таърифлаб, «Сулаймон тоғидек кўкўпар» Фарғона чинорларини васф этиб, Фарғона шамоллари ни ҳам шеърга солади. Фарғона шамолларида «Украина елларининг майинлиги йўқ», у «Кавказ шаббодаларини куйини чалмайди», унинг қаноти ипак эмас, у эсганда «пахтасига ишлайди чанг ичра дехконлари»... Лекин юртими севган шоир Фарғона шамоллари – «у – жасорат, у – мардлик!..» дейди.

Тўлан Низом Кувада туғилди, ёшига етар-етмас оиласи Бўзга кўчиб келди. Волидаи муҳтарамаси Ўғилбуви Нормат кизи асли бўзлик, Бешкал қишлоғидан, донгдор пахта теримчиси бўлган. Падари бузруквори Низомиддин Соҳиб ўғли қувалик оддий дехқон эди. Бўлажак шоир Бешкалдаги етти йиллик мактабни тутатгач, Бўз туман марказидаги I-мактабда ўкишни давом эттириди. 1965 йилда Андижон Давлат педагогика институтини битирди. Кейин мактабларда ўқитувчи, туман ёшлар кўмитасида етакчи, маориф бўлимидаги мудир, республика Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоятида масъул котиб лавозимларида ишлади. Ҳозирги кунда Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юрти директори.

Тўлан бадиий ижод билан жуда эрга шуғуллана бошлиған. Унинг илк шеълари менинг кўз ўнгимда ёзилган эди, десам муболага бўлмас. Оллоҳнинг беадад илтифотларидан бири шу бўлдики, Тўлан билан камина – бизлар болаликдан бирга катта бўлдик, бир синфда ўқидик, илк ёзган машқларимиздан бирга қувондик, бирга севдик, бирга ёндиник. Тўланнинг биринчи шеъри туман газетаси – «Гулистон»да босилганди, у тўртинчи синфда ўқир эди. Мактабимизда байрам бўлиб кетгани эсимда.

Тўлан болалигиданок нозик дидли, китобга чанқок бўлиб ўсди. Синфда аълочи ўқувчилардан саналарди, нутки равон эди, тумандаги турли йиғинларга таклиф килишиб, доим шеър ўқитишарди. Минбардан кўринар-кўринмас бўлиб шеър ўқир, шеър тугагач, гулдурос карсаклар остида жойига бориб ўтиради. Ҳамкишлоклари ўз «шоир»ларига меҳр билан қарашар, шу муштдеккина боладан шунаقا шоирона сўзлар чикканига хайратланишарди.

Шоирнинг ilk китоби – «Сенинг эртакларинг» 1970 йилда дунё юзини кўрди. Унда ёш шоирнинг самимий туйғулари ифодаланган шеърлар жамланди ва улар буғунги кунда ҳам жаранг бериб турибди. «Ўпич» деган шеърдан олинган ушбу сатрлар бунга мисолдир.

Илк бўса!

Бевош лабларимда таъминг қолмаган,

Бевош қўзларимда томтайсан сеҳринг.

Бевошлигинг курсин!

Сендай бевошини

Фақат қаргамиоқдан тилим толмаган...

Кейин бирин-кетин «Ифтихор», «Қуёш йўли», «Ой қизлар», «Шеър айтгим келяпти, онажон», «Андижонда бир қуш бор», «Даҳр боғи», «Чаман ичра», «Интизорлик», «Акс садо», «Муқаддас рух», «Ватан сурати» каби шеърий мажмуалари ўкувчилар кўлига етиб борди.

Шеър – шоир ҳаётининг тавсифи. Бу айникса, Тўлан Низомга хосдир. У илҳомни олислардан, ўзи кўрмаган, эшиитмаган томонлардан изламайди, у «ёнидан оқкан сув»нинг кадрига етадиган шоир. Фақат ўзи кўриб, ҳис этган воқеалар, нарсалар ҳакида калам тебратади. У шеърнинг холат сурати эканлигини яхши билади. Чиндан ҳам шеър бизга ҳолатни ифода этиб берсин, суратини чизиб берсин. Биз шеърдан жуда катта фикр ҳам кутмаймиз, агар бизга доно фикрлар керак бўлса, улар жаҳоннинг зукко донишманлари китобларида истал-



ганча топилгуси. Қарийб барча фикрлар айтилган ҳам. Иоганнес Бехерда шундай бир мулоҳаза бор эди. Үнга кўра, Ҳомернинг «Илиада», «Одиссея» асарларида ҳамма нарса ҳакида ҳам айтиб кетилган, лекин умумий қилиб айтилган, алоҳида-алоҳида айтиш имкони эса ҳали-ҳануз бор... «Алоҳида-алоҳида айтиш» – демак, шоирнинг, қаҳрамоннинг бугунги ҳолатини, руҳият ҳолатини чизиб бериш, суратини солиш лозим. Тўлан Низом ижодида ана шундай ҳолат суратини чизишнинг ажойиб намуналари бор.

*Аҳдга гувоҳ – сокин кўчалар,
Бир севгидан оқин кўчалар...*

«Йиллар ўтди қиё бокмасдан...» деб бошлангувчи шеърдан олинган ушбу икки мисра замирида жигарсўхта ошиқ йигитнинг ҳолати, руҳияти пинхондир. Йигит кизни яхши кўради, қиз ушбу сокин кўчада яшайди, уйи шундок кўча бўйида... қиз йигитга учрашиб туришга ваъда айлаган, бунга мана шу сокин кўча гувоҳ... Аммо ваъдасида турмаган ёлғончи қиз учрашувга чикмайди, ҳатто кўчада кўринмайди ҳам. Интиқ ошиқ йигит эса кизни кўрармикинман, деган илинжда сокин кўчани кезавериб окин кўчага айлантириб юборади! Шоир юкоридаги гапларни шеърга солиб ўлтирумайди, балки ҳолатнинг авж нуқтасини айтиш билангина чекланади:

Бир севгидан оқин кўчалар...

Кўйидаги тўртликка зътибор беринг. Бу ажойиб тўртликда бор-йўғи саккизта сўз бор, уларнинг ҳам тўрттаси бир хил. Демак, асосан тўрт сўзга қурилган шеър. Шоирнинг маҳорати шундаки, ана шу кам сўзлар воситасида у ҳолатнинг гўзал суратини чиза олган. Бу ерда ошиқ билан маъшука ўртасидаги бир достонга арзирлик воеа-ходисани илғаб оламиз. Бағритошлиқ ва илтижо, қатъият ва умид, илинж... Икки ўртада нима кечди, шоир уларни таърифлаб ўлтирумайди, балки яна

холатнинг юкори нуктасини олади, натижада шеър юксак маҳорат намунасига айланади:

Дединг: «Хайр!»

Дедим: «Тўхта?..»

Дединг: «Нуқта!»

Дедим: «Сабр?..»

Бу шеърларнинг ёзилганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Захматкаш шоир тин билмади, «чеккада улғайган бир буз боламан», деб караб турмади, изланишда давом этди. «Ҳайкириғим тегмасин тошга», дея улуғ умидлар баридан тутди. Оқибатда севги-муҳаббат ҳақида самимий шеърлар дунёга келди, улуғ зот Она ҳақида меҳрга лиммо-лим сатрлар яралди. Уларнинг кўпи таникли хонандалар томонидан кўшик килиб куйланиб келинади. Бу ҳам шоирнинг, шеърнинг кучини кўрсатадиган жихатдир. Мумтоз шоирлар ғазалларига мухаммаслар боғлади, бу ишни устозларнинг ижод сирларидан баҳраманд бўлиш, ўрганиш учун қилди. Бу ўринда шоирнинг Саъдий, Адиг Собир, Навоий, Фузулий, Бобур, Ҳусайнний, Муқимий, Фурқат, Ҳазиний, Ҳабибий каби шоирлар ғазалларига эш қилган мухаммасларини эслаб ўтиш кифоя.

Тўлан Низом ижодининг бир хусусияти шуки, у ҳалқимизнинг улуғ фарзандлари ҳаётини қаламга олиш ва уларнинг хориган руҳларини шодмон этишни юксак бурч, деб билади. Шоир Андижон фарзанди Захириддин Муҳаммад Бобур билан ниҳоятда фаҳранади, у ҳақда қалам тебратишни жуда ёқтиради. «Бобур таваллоси» шеъри Бобур ҳақида умуман битилган шеърлар ичida алоҳида ажралиб туради. Бу ерда ҳам воқеа-ходиса таърифи берилмайди, балки юкорида айтилганидек, ҳолатнинг сурати чизилади. Биз она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган улуғ ўғлоннинг ўтинчу изтиробла-рини кўрамиз:

Ишқ аро йўл қани, йўлдош қани,

Қўлламоққа қўл қани, қўлдош қани?

*Дил лиммо-лим сир қани, сирдош қани,
Бирман деган бир қани, бирдош қани?*

*Қонга түлдим, шеър қани, шеърдош қани,
Қайга борай, ер қани, ердош қани?*

*Хунхор қани, зүр қани, зүрдош қани,
Менки ўлдим, гүр қани, гүрдош қани?*

*Ишқи хорман, гул қани, гулдош қани,
Бошни ёрган ул қани, ул тош қани?*

*Хокисорман, қон қани, қондош қани,
Бир ўзимман, жон қани, жондош қани?*

Лутфи кочиримли бу шеърда бир неча янги сўз кашф қилинган: «бирдош», «шеърдош», «зўрдош», «гулдош»...

Сўнгги йилларда Тўлан Низом достон жанрида самарали ишларни амалга оширди, ҳеч кимникига ўхшамаган, ўзига хос достонлар шодасини яратди. «Чўлпон», «Мажнунтол йифиси», «Гиря», «Рухи равоним», «Бобур», «Хумо», «Юрак билан сухбат», «Оқ гул», «Ботмай колган ой»... Тўлан Миртемирнинг «Сурат» лирик киссасини жуда яхши кўрар, уни қўлдан қўймас эди, ижодининг дастлабки паллаларида Миртемир дома-ла ушбу лирик киссасида қаҳрамоннинг ўз-ўзига дил изҳорини монологлар тарзида бериш йўлидан борган, бирон воеа ёки сюжетни ёритишни ўз олдига максад қилиб қўймаган эди. Воеа-сюжет ўша монологлар замарида пинҳон ётарди. Тўлан Низом достонларида ҳам сюжет бўлавермайди, улар гўё турли парчалардан иборат, турли вазнларда ёзилган шеърлардан ташкил топгандек туюлади. Лекин улар бирлашганларида ажойиб манзарани вужудга келтирадилар. Бу маънода улар бамисоли мозаик паннога монанд – яқиндан карасангиз, алоҳида алоҳида бўлак, парчалардан иборат, унинг устига бу парчалар ранглари ҳам турлича. Лекин узокдан карасангиз парчалар бир-бирини тўлдириб, турли ранглар ҳам бир-бирига қуилиб кетади, яхлит сурат намоён бўлади.

Адабиётимизнинг порлок юлдузларидан бири – Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон хаёти, фожиали кисмати ҳақида ҳали кўплаб асарлар битилади, бунга шубҳа йўқ. Ҳар бир авлод бу ҳакда ўз сўзини айтишга харакат қиласди. Назаримда, бизнинг авлод бу хусусида ўз сўзини айта олди. Бу – Тўлан Низомнинг «Чўлпон» деб номланган ўтли достони. Юкорида айтилганидек, достон мозаик усулда ёзилган: ҳар бир боб турли вазнларда битилган шеърлар каби, Чўлпон ҳаётида юз берган холатлар суратидан иборат... Тўлан Низом достонида Чўлпон оҳангларидан ўринли фойдаланилади, натижада машхур шеърлар сатрлари достонга едириб юборилади.

«Зилзила» бобида Чўлпоннинг болалиги тасвириланар экан. Андижонда юз берган зилзиладан сўз кетади:

*Ер чўкди, дил чўкди, одамлар чўкди,
Бу қандай қора кун, ўсли мозорлар.
Дурқун авлодларни тутдайин тўкди,
Тирикларга қалди гамлар, озорлар...*

Бу бало-офат тасвири достонга бежиз киритилмаган. У ўзбек ҳалки, маданияти, адабиёти осмонидаги ваҳшат қалдироклари, не-не «авлодларни тутдайин тўккан» 1937 йилнинг даҳшатли «зилзила»лари рамзи сифатида намоён бўлади. Андижон зилзиласида ғачирлаб кулаган хужрада омон қолган Абдулхамид болакай, 37-йил зилзиласида забардаст адаб Чўлпон бўлиб ҳалокатга йўлиқди... Достоннинг энг мукаммал бобларидан «Ўқ овози»даги «Ўзбекистон, шоир ўғлинг – Чўлпонингга ким ўқ узди. Ўқ овози ярим кечак ухлаётган кўкни бузди!...» сатрлари узок вақт кулоқларимиз остида жаранг бериб туради.

Тўлан Низом шеъриятида улкан шоир Миртемирни устоз деб билади. Тўлан бу ялангтўш шоирдан кўп нарсани, биринчи галда, юртни севиш, унинг фидойиси бўлишни ўрганди. Миртемир шеъриятилизга Туркистон кенгликларини олиб кирди. Тўлан Низом эса устоздан ўрганиб, ўз шеъриятида Фарғона водийси тимсолини

яратишга бел боғламоқда. «Мажнунтол йиғиси» номли кўшиқдай равон ёзилган лирик қиссаси устозга бўлган ҳурмат рамзиdir.

Шоирнинг достонларини тақдир қиссалари деса бўлади. Бевакт кетган умр йўлдоши Ҳикматойга бағишлиган «Гиря», Бобур, Машраб, Усмон Носир, Саида Зунуннова сингари шоирлар ҳаётини таърифловчи «Бобур», «Рухи равоним», «Ботмай қолган ой», «Оқ гул», истиқолимизни шарафловочи «Хумо» каби достонлар, таъкидлаб ўтилганидек, шеъриятимизга янгича, ўзига хос оҳанглар бахшида этди, танқидчилигимиз эътирофиға сазовор бўлди.

Улкан олим Озод Шарафиддинов шоирнинг «Ватан сурати» китобига ёзган сўнгсўзида Тўлан Низом шеъриятига батафсил тўхталгач, достонлари хусусида шундай дейди: «Уларнинг марказида, – деб ёзди олим, – шоир танлаб олган бирон шахснинг сиймоси турадида, муаллиф унга нисбатан ўз муносабатини ифодалайди ва шу йўл билан қаҳрамоннинг руҳий портретини чизади. Бу достонларда ҳам биз инсон ҳаётининг мазмуни, унинг меҳнати, инсон бахти, кураши, ижоди ва айниқса, инсон бахтининг мушкуллиги, инсон ва ижодкор тақдирининг ҳамиша, ҳамма замонларда оғир кечиши ҳақидаги тे-ран ўйлар билан танишамиз...» Бу достонларнинг яна бир муштарак томони бор – уларнинг барчаси ҳам муваффакиятли чиккан ва юксак бадиий фазилатларга эга. Шунинг учун ҳам улар китобхонлар ўртасида қиска муддатда ҳурмат ва эътибор козонди...» Улкан олимимиз фикрига кўшилмай илож йўқ.

Тўлан Низом якинда Чўлпон ҳаёти мавзусида яна бир асар – энди «Чўлпон» драмасини яратди. Драма Андижон ва Ўш театрлари саҳналарида муваффакият билан томошибинларга ҳавола қилинди, улуғ шоир таваллудининг юз йиллигига муносаби тухфалар каторидан жой олди. «Чўлпон» достони асосида аввалроқ суратга олинган видеофильм эса Ўзбекистон ойнаи жаҳонида мунтазам намойиш этиб келинади.

Мен Тўлан Низомнинг ҳамиша ўзи-ўзидан қоник-

маслик хисси билан яшаётганини, тин билмай изланиш азобларидан роҳатланиб ҳаёт кечираётганини кузатиб келаман. У «Нон хиди» деган янги достонини битирди. Навбатда «Қиплок боласи» достони кутиб турибди. Шу кунларда ўзининг олтмиш йиллик тўйини нишонлаётган шоирнинг болалик дамларини қўмсаши, албатта, табиий бир ҳолдир.

Ўз шеърларидан бирида шоир «Мен Ватаним юрагини чизаман», деган сўзларни ёзган эди. Шоир ўз ахдига коим, «Соғ қалбини ҳар куни тилиб», ўша қутлуғ ниятда кўлига қалам олади.

Ватан юрагини сўз билан чизмок шоирнинг тўқис баҳтидир.

«Шарқ юлдузи» журнали, 1998 иил, 3-сон.

* * *

Умарали Норматов,
филология фанлари доктори, профессор.

САМИМИЙ ДИЛ РОЗЛАРИ

Мухтарам шеърхон! Кўлингиздаги лирик шеърлар китобига муаллиф ниҳоятда муносиб ном топган. Дарҳакиқат, шоир ярим асрдирки, миллий шеъриятимиз бўйстони сахнида тинимсиз заҳмат чекиб келади, унинг шеър ёзмаган, шеър ҳакида ўйламаган куни йўқ. Шу йиллар давомида шоирнинг кўплаб шеърий тўпламлари, сайланмалари, йигирмадан ортиқ достонлари китоб бўлиб чиқди, куйга солиб айтиладиган шеърлари эса юзга боради...

Умр – оқар дарё, деганларидек яқиндагина ёш шоир деб юрганимиз Тўланбой бугун оксоллар каторига кириб, етмишни қоралаб турибди. Шу табаррук ёш бўсағасида шоиримиз бутун ижодий фаолияти давомида битган ўзи учун азиз сара лирик шеърларидан таркиб топган ушбу мажмуасини Сиз азиз шеърхонларга тухфа этаётир. Мазкур китобнинг яна бир хос жиҳати шундаки,

унга шоир достонлари бағрида мустакил шеърий асар шаклини олган рубобий тароналар хам киритилганды.

Тўлан Низом ижод йўли, шахсияти, лирикаси, достонлари хусусида устоз Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Наим Каримовлардан ошириб бир сўз айтиш кийин. Шундай бўлса-да, ушбу тўплам кўлёзмаси билан танишиш асносида кўнгилда кечган айрим ўймушоҳадаларимни изҳор этсам дейман. Тўланбой лирикаси, аввало, унинг ўзига, шахсиятига ўхшайди, чўлда туғилиб ўсган, зуваласи чўл офтоби ва шамолларида тобланган чайир, шу билан баробар содда, самимий, бир оз «тўпори», лекин ёқимли, Саид Аҳмад ибораси билан айтганда, тортимли, файзли бир одамнинг шеърларидир. Улар ортикча безакдорлик, китобий ялтирок ҳашамлардан ҳоли. Чўл одами – чўл шоири қандай фикрласа, кўнгил кечинмалари қай тарзда кечса, айни шундайича коғозга тушади. Мабода бирор талабчан муҳаррир уларга таҳрир киритиб «сайқал» бергудек бўлса, табиий чиройини йўқотиб кўйиши, бамисоли юзига бўёқ чаплаб бор ҳуснини бой берган раккоса ҳолига тушиши хам мумкин. Шоирнинг айрим шеърлари ёки мисралари тароватини кўз олдимизга келтирайлик. «Тонг» шеъридаги мана бу сатрларни ўкиб кўринг-чи; «Шамол гулни уйғотди, Гул кўнгилни уйғотди, Кўнгил ёрни уйғотди, Ёр булбулни уйғотди, Булбул йиғлаб сўз котди: «Бўлди, энди тонг отди, Ой қуёшни уйғотди». Бир қарашда оддий ахборотлардан иборатдай сатрлар. Аммо шу етти мисрада ғаройиб, жонли ва жонсиз жисмлар харакати, энг муҳими, ўша харакатлар нафосати, симфонияси – ихчам бир етук табиат лирикаси, ўкувчидаги нағис кайфият уйғотиш учун зарур барча поэтик унсурлар муҳайё...

Ҳамид Олимжондан бошлаб икки дарё – Аму билан Сирдарёни Ватан тимсоли сифатида таърифлаш анъана тусини олган. Тўланбой ҳам шу йўлдан бориб, Ватан ҳакидаги шеърида «Икки оқар дарё – Аму билан Сир», деб ёзади ва шу заҳоти «Бириси Навоий, бириси Бобур», дея, содда, аммо кутилмаган, ўта ҳаётий, табиий ори-

гинал ташбекларни тақдим этади: айни шу ташбек туфайли шеърнинг чиройи бирдан очилиб кетади... «Она» ҳақидаги шеърда жудолик изтироблари изхор этилар экан, «Она номли зўр ҳам бормикан, Онасиз ҳам олам бормикан, Шеър айтгим келяпти, Онажон!» сатрларига келганда калб бир силкиниб кетгандай бўлади... Булар ўйлаб ясалган мисралар эмас, содда, самимий қалб каридан табиий тарзда отилиб чиккан чин дил розлари.

Достонларидан олинган рубобий тароналар орасида, хусусан, асар қаҳрамонлари Бобур, Машраб, Чўлпон, Усмон Носир, Миртемир, Саида Зуннунова мисраларига, айникса, Миртемирнинг «Мажнунтол тагига ўтказинг мени», Саида опанинг «Гуллар юзида ҳанда, бу боғдан ёр ўтдими?» сатрларига ҳамоҳанг байтлар жозибадор чиккан. «Гиря»даги Фуркатнинг «Айрилиб қолдим», Мукимийнинг «Ким десун?» радифли ғазалларига боғланган мухаммаслар лирик қаҳрамон дарду дунёсини, калб фигонини изхор этишда ниҳоятда қўл келган.

Азиз шеърхон, кўлингиздаги лирик тароналар гулдастаси билан тўлиғича танишиб чикинг, шунда мен бу ўринда айтган гапларимнинг ҳақлигига албатта амин бўласиз.

«Шеър айтмаган куним йўқ»
китобига ёзилган сўзбоши.
«Турон-иқбол» нашриёти. 2007 йил.

* * *

Баҳодир Саримсоқов,
филология фанлари доктори, профессор.

ТАЪРИФИНГГА ОЖИЗМАН, ЮРТИМ

Шоирликка қўйиладиган талаблар жуда кўп. Ана шу талаблар ичida энг муҳими ўз ҳалки ва ватанини шеър деб аталмиш ноёб топилдикка жо этиб мадҳ этиш хисобланади. Бу талабни виждон амри билан адо эта олган шоир эса чинакам баҳтлидир. Ўзбекистон ҳалқ шоирни Тўлан Низом ана шундай шоирлар сирасига мансуб.



У достонлардан бирини «Ватан ичра бир ватан» деб номлабди. Дарҳакикат, бу жуда ҳам яхши топилган ном. Ватани, ҳалки ишқи билан ёниб яшаётган ҳар бир инсон ўз ватанини киндик қони тўкилган, вояга етган мукаддас даргоҳ тимсолида кўради. Биз ҳам Тўлан aka қаби жона-жон Ўзбекистонимизни Шахрихон тимсолида кўрамиз.

Достон Шахрихонни шунчаки таърифу тавсифлашдан иборат бўлиб қолмай, унда шу қутлуғ маъвонинг тарихи, унда яшаётган довкур, танти ва самимий инсонларининг эл-юрт олдидаги хизматлари, ушбу даргоҳда туғилиб яшаб ўтган бир қанча номдор меҳнаткаш кишилар, олиму фузалоларнинг мамлакатимиз камолотида тутган ўринлари рўй-рост кўрсатилган.

Сиз Шахрихонни кўрганмисиз? Агар кўрмаган бўлсангиз, у ҳолда шоирнинг мазкур достонини ўкинг. Шунда сиз ипакдек товланиб оқаётган Шахрихонсойнинг мафтункор кўрку таровотини, у ерда яшаётган меҳридарё кишиларнинг илик нафасини тўлиқ ҳис қиласиз. Шахрихон беназир санъаткорларининг, довруғи етти иқлимга кетган соҳир пичоқчи-ю чеварларининг, моҳир ошлазу қандолатчиларининг маҳоратидан воқиф бўласиз.

Бутун достон давомида шоирнинг Шахрихон фарзанди эканлигидан фахрланиш туйғуси етакчилик килади. қуйидаги сатрлар эса унинг ана шу туйғу хақидаги эъзози ва эътирофи десак хақлимиз:

*Қаршимда рўбару яна бир довон,
Белга қувват берса Ўзбек ёпган нон,
Алқаб турса онам – жон Ўзбекистон,
Иулим равон очса Аллоҳ меҳрибон,
Ҳолатим чизмакда Беҳзод, Монийман,
Мен Тўлан Низомий – Шахрихонийман.*

Достон қиска муддатда ёзилган, лекин шоир менинг назаримда, уни ёзишга бир умр тайёргарлик кўргандек туюлади. Чунки асарда Шахрихон ва унинг атрофидаги кишилолар, у ердаги кишилар турмуши ҳакида батаф-

❖

сил, ишонарли маълумотлар берилган. Шу нарсанинг ўзи кўрсатиб турибдики, достон кўп йиллик кузатишларнинг, изланишларнинг самараси.

Ватан мавзуси Тўлан Низом доимо қалам тебратадиган мавзу. У Ватан ишқи билан сармаст, халқимиз орзуистаклари, кувончу дардлари билан ҳамнафас шоир. Ижодкор умр бўйи ўз халки ва ватанини мадх этса ҳам, ҳеч қачон унинг мукаммал таърифини бера олмайди. Шу боис у умри мобайнида ушбу мавзуга қайта-қайта мурожаат килади. Ватан, юрт таърифи бўлиб қолаверади. Шундай бўлса-да, биз шоирдан айни шу мавзуларда янги-янги шеъру достонлар кутиб қоламиз.

«Ватан ичра бир ватан» китобига ёзилган сўзбоши.

Чулпон намидаги нашиёт-матбаа ижодий уйи.

2007 йил.

* * *

Адҳамбек Алимбеков,
Ўзбекистон Миллӣ университети доценти.

ЙЎЛ ДОСТОНИ

Ҳар бир таникли ижодкорнинг ҳаётий воқеаларга синчков назари, кўрганларини айтар услуби, ўз ижодий йўли бўлади. Кимdir майин оҳангларга мойил бўлса, кимdir жўшкин, юкори пардаларда куйлаш тарафдори. Ўзбекистон халқ шоир Тўлан Низом ижодида шу икки хусусият уйғунлашиб кетгандек. Шоирнинг ихчам лирик шеърлари, йирик эпик достонлари фикримизга далилдир. Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз Озод Шарафиддинов «Ниятим зўр, касбим – яхшилик...» мақоласида шоир ҳакида шундай ёзган эди: «Айникса, сўнгги ўн йил ичида Тўлан Низом шеърияти янги сифатлар касб этди. Шу тарзда ўзбек шеъриятининг қудратли дарёсига «Тўлан Низом шеърияти» деб аталмиш янги ирмок келиб кўшилди. Кичик бўлса-да, жўшкин ирмокча, ўзининг куйига, нафасига эга бўлган ирмокча. Шундай

ирмоқчаки, усиз катта дарё кемтик бўлиб қолади, унинг тароватидаги бир жило камаяди...»

Тўлан Низом турли мавзуларда ўнлаб достонлар ёзди. «Чўлпон» илк эпик шеърий асарларидан бўлса, «Довон», «Темир йўл» сўнгги йилларда ёзган, ижтимоий мавзудаги достонлариридир. Шу ўринда, мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларига шоирнинг ҳозиржавоблигини алоҳида таъкидлаш керак. Бадиий адабиётнинг ҳаётдаги ўрнига, инсон тарбиясидаги аҳамиятига турлича карашлар бўлади. Лекин якка шахс тақдири доимо жамият билан боғлик экан, адабиётнинг ижтимоий бурчини унутмаслик даркор. Шу нуқтаи назардан ҳалк, ватан тақдирида воқе бўладиган ҳодисаларни, йирик тарихий қурилишлар ва унда иштирок этган инсонлар тақдирини бадиий ёригиш мухим аҳамият касб этади. Тўлан Низомнинг «Темир йўл» («Хуррият» газетаси. 2008 йил, 16 июль) достони шу жиҳатидан ҳам диққатга молик. Тўлан Низомнинг достони Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган Тошғузор-Бойсун-Кумкўрғон темир йўли, мустакил мамлакатимизни жаҳонга олиб чикадиган, Ўзбекистонга қон томир бўладиган йўл ҳақидадир.

Аввало, Тўлан Низом асарининг тузилиши ҳакида. Достон «Дебоча», «Поезд йўлга тушди», «Темир йўлчи монологи», «Бир ишчи хикояси», «Йўлда», «Бобо ва набира», «Яна йўлда», «Бекатларда қайнайди ҳаёт», «Қашқадарёда», «Икки оғайни», «Алпомиш элига салом-ассалом» (кўшик), «Мулоқот», «Шодиёна», «Хотима»дан иборат. Ҳар бир бобда турли воқеалар, сұхбатлар, тарихга саёҳатлар баён қилинади.

Бирок ҳар бир бобни бирлаштириб турувчи бош гоя, кизил ип мавжуд. Шоирнинг муваффакиятидан бири ҳам бобларда умумий рух кўтаринкилигини саклаб кола олганидадир. Йўлсозларнинг бунёдкорона меҳнати тараннум этилиши баробарида мустакилликка эришганидан сўнг ҳалкимиз ҳаётидаги мухим ўзгаришлар тилга олинади. Достоннинг яна бир ўзига хос жиҳати, шоир элнинг улуғ фарзандларини ўрни билан эслаб ўтишидир. «Дебоча»да

❖

турфа тақдирларга гувоҳ бўлган Буюк ипак йўли шоир хотираларида карвонлардек изма-из бўлиб жонланади:

*Бир тұяда ал-Бухорий
Ёниб борар шамга ўхшаб.
Таранглашиб күнгил тори,
Замаңшарий кетар қақшаб.*

*Мотуридий күп қийналар,
Озорланур ал-Фарғоний,
Хижрон тиги дил қиймалар –
Ҳар тұяда – Туркистаний.*

Тақдир такозоси билан дунёга сочилиб кетган «туркистанийлар»нинг дарди дунёси, юртидан мажбурий кетишларининг таъсирли тасвирлари. Шоир тарихга бекорга мурожаат қилмайди. Аждодларимиз тақдирини канча яхши билсак, бугунги кун кадрига шунча етамиз. Лекин у замонлардаги йўлга чиқиши билан ҳозиргисининг фарки факат воситаларда эмас. Маънавий томонида. Бу темир йўллар ватандан узоклаштирувчи эмас, юртдаги бунёдкорлик ишларининг гувоҳидир. Бу йўлда лирик қаҳрамонга нурли самовот шерик:

*Бу кун биз ҳам йўлга чиқдик.
Пўлат изда карвонимиз.
Қўлни бердик, қўлни сиқдик,
Юртбошимиз – сарбонимиз.
Қуёш – шерик,
Қуёш бишан
Қандай яхши бирга юрмоқ!
Сайёralар ила жон-тан,
Ой ёнида ўзни кўрмоқ.*

Достондаги ҳар бир боб ўзига хос маъно, мазмун касб этган. «Темирийўлчи монологи»да йўл очиш савоб, эзгу ишлиги, улов соз бўлса мурод вожиблиги ва ишчиларнинг қаҳрамонона меҳнати йўлсоз тилидан ҳикоя килинади.

Темир йўл –
 мехнаткаш халқнинг ҳаёти,
Темир йўл –
 йўлларнинг энг нодири бу!
Мустақиллик азмин –
 тараққиёти,
Озод Узбекистон
 қон томири – бу!

Лекин бу «кон томирлар»ни куришнинг ўзи бўлгани йўк. Сув тошқинлари-ю, об-хаво инжиқликларини мардона енгиб ўтилди. Залворли ва мардонавор меҳнатлари эвазига йўл бунёд этилди. Асарда мустакиллик йиллари Юргбошимиз ташаббуси билан қилинган оламшумул ишлар темир йўл мисолида ёркин акс эттирилган. Муаллиф достонда диалог-сухбат усулидан жуда унумли фойдаланган. Сухбатдошларнинг савол-жавоблари орқали дилдаги гапларни тилга чиқаради. «Икки оғайни» – шоир ва муҳандис сухбатида мамлакатимиздаги мустакиллик йиллари бошкент – Тошкентнинг тубдан ўзгариб кетгани хикоя қилинса, «Мулокот»да Йўлчи ота, Охунжон чол, Норғул бувалар тилидан йўлнинг аҳамияти, келажаги хақида сўз юритилади. Йўлшибой ота:

«Эй дўстим, бу йўллар тогларни ёриб,
Жаҳон йўлларига уланур бориб!»

деса, Норғул бува:

«Бу йўллар ҳаммаси халқ қалбига йўл,
Бу йўллар ҳақ йўли – насибаси мўл!»

деб ўзбекона лутф килади.

Достонда «Алпомиш элига салом-ассалом» (кўшик) номида берилган боб ва «Шодиёна» сарлавҳасидан достон мазмунидан узокроқ туюлсада, мазмунан умумий оҳангга сингиб кетган. Ҳатто айтиш мумкин, достоннинг чиройини очган. Асарнинг ҳар бир банди умумий оҳангга уйғун. Шоир бутун достон давомида мазмунга мос ритмни – поезднинг юришини эсга солувчи

оҳангни сақлаб кола олган. «Хотима» кўтаринки руҳда, юқоридаги сатрлардан окиб келаётган эҳтиросларнинг фавворасидек якунланган. Монолит, метин йўл – темир йўл рамзида юртнинг келажаги, фаровон йўли назарда тутилган:

*Аллоҳ курсатган йўл равондир мангу,
Мукаммал, мустаҳкам темир – нўлоти!
Истиқлол йўли бу, Мустақиллик бу,
Толмагай Хумокуш кумуши қаноти!!*

«Темир йўл» достони бугунги ўзбек шеъриятида Ватан, халқ бунёдкорлигини акс эттирган, бадиий пухта асарлардан бўлиб колиши шубҳасиз.

«Моҳият» газетаси,
2008 йил, 14 ноябрь.

* * *

Исмоил Тўлак,
филология фанлари доктори.

ЛИРИК ТАСВИР, ЭПИК КЎЛАМ

Тўлан Низом кейинги пайтларда достончиликда ўз истеъододи кудратини синаб кўрмокда. Унинг бу борадаги биринчи муваффакияти «Чўлпон» бўлди. Ҳеч иккилан-масдан айтиш керакки, достон шоирнинг ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилаб беради. Аввало, кенг китобхонлар оммаси, қолаверса, адабий танқидчилик асарни илик кутиб олди. Ижобий фикрлар айтилди. Дастреб достон «Шарқ юлдузи»да, сўнгра «Муқаддас рух» китобида, яқинда эса алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Радиотелевидениеда достон асосида бир катор эшигтиришлар амалга оширилди.

«Чўлпон» истиқлол берган ижодий имкониятларнинг маҳсули бўлғанлиги учун ҳам унда эрк учун курашган исёнкор қалб фарёдларига алоҳида аҳамият берилган. Маълумки, халқнинг бошига кора булутларни олиб кел-

ган 37-йилнинг аччик изғиринли шамоли миллат дарахтининг сархил меваларини дув тўкиб кетди. «Халк душмани» тамғаси билан қатли ом этилган миллатнинг фидойи зиёлиларини қатағон килишдан максад халқни асоратда сақлаш эди. Чўлпон каби миллатпарварнинг айби Эркка интилгани, халқини маърифат нурларидан баҳраманд этишга саъй килгани эди. Нурни кўмиб бўлмаганидек, ҳакикатни ҳам қатл этиб бўлмайди. Унинг химоячилари, куйчиларига кора бўёклар чапланмасин, барибир ҳакикат карор топаверади, халқ ўз фидойи фарзандларини ҳимоя килиб олади. Унга чапланган доғлар тозаланади.

Янги ўзбек миллий адабиётига тамал тошини кўйган М.Бехбудий, Фитрат, А.Авлоний, Чўлпон каби алломалар окланди: уларнинг ишларига, асарларига тўғри баҳо берилди. Ижтимоий – сиёсий ҳаётдаги бундай ўзгаришлар, шубҳасиз, адабиётга ҳам ўз таъсирини ўtkаза бошлади. Жадид адабиёти намояндайлари қаламига мансуб асарларни чоп этишга киришилди. Шу билан бирга улар тимсоли яратилган асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Айниқса, Чўлпон ва У. Носирга бағишланган шеърлар кўплаб яратилди. Табиийки, бу шеърлар марказида оташнафас шоирларнинг фожеъ кисматлари тасвири туради. Т. Низом ҳам бу мавзуга мурожаат килди. Дуруст лирик шеърлар ёзди. «Чўлпон» достони ҳам ана шу шеърлар бағрида туғилди. Иккинчи сўз билан айтганда, дастлаб Чўлпоннинг лирик тимсолини яратган муаллифда унинг кенгрок миёсдаги лиро-эпик тимсолини яратиш нияти ҳам туғилди.

Т. Низом Чўлпон ҳаётига оид ёркин лавҳалар чизар экан, қаҳрамон табиатига хос соддалик ва жўмардликка, фидойилик ва некбинликка алоҳида аҳамият берди. Муаллиф, қаҳрамон рухиятига хос томонларни янада таъсирчанрок ифодалаш максадида табиат оламидаги ўзгаришларга ҳам мурожаат килади. Достонда «Зилзила» номли боб бор. Унда 1902 йил Андижон зилзиласи ҳақида гап боради. Бу вактда Чўлпон 5–6 ёшли эди. Уни том босиб, жиддий жароҳат олади. Муаллифнинг

бу лавхани асар сюжетига киритишдан мақсади Чўлпоннинг кейинги ҳаётида юз берадиган зилзилаларга ишора килиш эди.

Ёш Абдулҳамид қалбида уйғонган зилзила шоир дикқатини тортади:

*Вайрон кўчатардан ўтаркан бола,
Таниш ҳовшиларга таштаркан назар,
Кўксига урилган бешафқат нола,
Дустларин топнади, излаб, атҳазар.*

Зилзила боланинг тенгдошларини ҳам ютган эди. Қадрдон ҳаммахаллаларини топа олмаган Абдулҳамиднинг «Кўзёши симобдай кўксига оқди». Энди унинг учун бу дунё совук ва хиссиз, бўм-бўш ва қоронги. У ўзини эртаклар оламига отади. Қалб жароҳатини эртак орқали даволамокни ният килади.

Достоннинг «Кампир эртакларидан» деб номланган бобида «Ёркиной» ривояти берилади. Маълумки, Чўлпон «Ёркиной» номли ишқий-романтик драма яратиб, унга шундай эскартиш берган эди: «Тотли ва бой тили билан эртак (чўпчак) айтиб бериб, шу асарнинг ёзилишига сабаб бўлган кампир онага хурмат билан бағишлийман».

Демак, муаллиф қаҳрамон қалбидаги эзгулик, фидо-йилик каби фазилатларнинг илдизлари болалик дамларига бориб тақалишини далиллаш мақсадида, колаверса, «Ёркиной»нинг ёзилиш тарихи билан Чўлпон ҳаёти ўргасидаги боғликлек нукталарига ишора қилмок ниятида ушбу бобни киритади.

Ёркиной билан боғлиқ афсонани композициясига ўринлатишдан муддао бугина эмас. Ёш қалб оламидаги эркпарварлик, миллатпарварлик туйғулари Пўлат каби ҳалқнинг афсонавий қаҳрамонлари қалбидаги чашмаларидан озикланганлигини кўрсатиш, бу билан Чўлпон ҳаётининг кейинги даврларига бадиий ишоралар килиш эди. Муаллиф Чўлпон характери ҳалқона асарлари руҳида шаклланди деган ҳақиқатни ушбу бобда далиллай олган, дейиш мумкин.

Албатта, достон муаллифи ўз олдига Чўлпоннинг

ҳаёт йўлини хронологик тарзда баён қилишни мақсад килиб қўймаган. Исёнкор шоир ҳаётидаги энг ёрқин драматизмга бой нукталарни танлаб олган ва уни бадиийлик лиbosларида ифодалашни ният қилган.

Муаллиф достонда ички монологлардан фойдаланган ҳолда Чўлпоннинг қалб суратларини чизмоқчи бўлади. Достон боблари ташки томондан қараганда алоҳида композицион яхлитликка эга бўлган воқеабанд шеър сифатида таассурот қолдирса-да, бобларо мантиқ или мавжуд умумий сюжетга бевосита боғланиб, яхлитлик касб этади.

Достондаги воқеаларни боғлаб турган нуқта – Чўлпон. Шоир тимсоли қирраларини янада теранрок акс эттириш мақсадида бир қатор тимсоллар ҳам кирилтган. Бундан ташкари, асардаги сюжет ипларини бир-бирига боғлаб турган куч – Муаллиф тимсолидир. У ҳар бир бобдан кейин сўз олади, воқеаларни бир-бири билан боғлайди. У ёки бу масалага шарҳ беради, хуллас асардаги Муаллиф ҳам бошка тимсоллар каби тенг хукуклидир.

Асарда «Садо» ҳамда «Акс садо» боблари бор. «Садо». Чўлпон нидолари асосига курилган бўлиб, унда шоир изтироблари ифодаланади.

*Япроқ янглиғ узилдим, қора тақдир эмасми бу,
Тилларимни кесдилар, менга таҳқир эмасми бу,
Богланди оёқ-қўлим, додгули даҳр эмасми бу,
Виждоним бут ва ҳалол бир мусулмон эдим дўстлар.
«Мұхаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар».*

Шоирнинг бу нолалари заминида адолатсиз тузумга қарши исён туйғулари ётади. Гарчи «Садо» «Мен» тилидан баён этилсада, унда ёлғиз шахснинг аламлари ёки бўлмаса биргина шоирга уюштирилган фитналар ифодаси ётмайди. Бу ерда Чўлпон нидоси – ҳалк нидоси сифатида жаранглайди:

*Иффат боғин қизлари сочвонни ўтга ташлади,
Беҳаё шармандалар қузгунлар бунда қишилади.*

Миллатнинг эртанги порлоқ истиқболи деб ўзини курашлар жабхасига ташлаган фидойи шоир қалб оламидағи манзаралар нечөнлик маҳзун ва маъюс бўлмасин, у ўкувчида тушкунлик кайфиятларини уйғотмайди. Аксинча, ҳак йўлида жонни фидо айлаш жўмардлик эканини, бундай зотлар инсоният қалбидаги абадий яшаб қолажагини англаб етадилар.

«Акс садо» Чўлпон садоларини қалби ила тингланган Муаллиф кечинмаларидан бир парча. У хаёлан устози фарёдларини тинглар экан.

*Қайдин келур бу мунгли садо,
Вужудимни титратур, эвоҳ.
Тилсиз ердан чиқарми нидо,
Тинчим отур безовта арвоҳ. –*

дея ўз кечинмаларидан огоҳ этади. Бу изтироб – устознинг фожиона кисмати ҳақида фикр юритишига журъат этган қалбдан ситилиб чиқаётган кайгу. Бу устоз аламларининг акс-садоси.

Т. Низом Чўлпон тимсоли орқали Чўлпонлар қисматини тасвирлаш ниятини амалга оширишни максад қилиб олар экан, асосий диққатни «қизил сиёсат» хатоларини фош этишга каратади.

Муаллиф Чўлпоннинг исёнкор шоир бўлиб етишиш жараёнларини бадиий далиллар ниятида бир қатор биографик маълумотлардан истифода килади. Шундай маълумотлардан бири Чўлпоннинг отаси билан ўзаро муносабатига алокадор бўлиб, унга кўра шоир ўз хаётининг дастлабки давларида падари бузрукворининг хоҳишистагига карши чиқкан. В. Ян орқали бизга етиб келган маълумотларга қараганда, Чўлпоннинг отаси Сулаймон бazzоз ўз фарзандини мударрис қилиб тарбияламоқчи бўлган. Аммо бу даврда Чўлпоннинг дунёкарашида маълум ўзгариш юз бера бошлаганлиги сабабли у ота измидан чикиб, Тошкент – жадидчилик ғоялари билан яшаётган муҳитга нажот излаб келган.

Сулаймон бazzоз гарчанд дастлаб ўғлининг бу килмишидан ранжиган бўлса хам кейинчалик уни ту-

шунишга ҳаракат қилган. Зероки, у мутаассиб эмас, ўзи ҳам андак шоиртаъб киши эди. Лекин шунга карамай, ота билан бола ўртасида бўлиб ўтган ўша воқеа тарих факти бўлгани учун Т. Низом ўз достонида ундан фойдаланмоқчи бўлган.

«Араз» деб номланган лавҳа шу ҳақда ҳикоя қиласи. Шоир бу лавҳада Чўлпон ҳаётидан олинган фактни тасвир этар экан, уни драматиклаштиргандек, унга асар конфликти «мақоми»ни бергандек бўлади. Ҳархолда куйидаги байтлар китобхонда шундай таассурот уйғотади:

*Қай кетди, деб хавотирда онаси,
Еш Чўлпондан аразлаган отаси.
Ўз ўғлини қўаррга ҳеч кўзи иўқ.
Канча бўлди, унга ширин сўз иўқ.*

*Боиси шу, Чўлпон ҳалқча оқармиш.
Ҳалқим, дея бағридан қон томармиши.
Ота тутган иўлдан у бормас эмииш,
Унга ҳамма ўғлингиз ўжар, демииш.*

Китобхон бу сатрларни ўкиб, Чўлпоннинг отаси билан муносабати бутун умр шу зайлда давом этган экан, деб ўйламаслиги лозим. Фитрат ва унинг маслакдошлари билан учрашув факат шоирнинг дунёкарашида инқилоб ясабгина қолмай, секин-аста бошқа тараққийпарвар кишиларга ҳам таъсир ўtkаза бошлади. Сулаймон баззоз ҳам ўғлининг ҳалқ манфаати йўлида жон куйдираётганини тушунди. Чўлпон ўз хатти-ҳаракати билан отасига ҳам маълум даражада таъсир ўtkаза билди.

Ҳурматли китобхон дикқатини яна бир нуктага қаратмокчимиз. Бу рус кишисининг дини исломга ўтишига бағищланган лавҳадир. Т. Низом Чўлпон ҳаётидан олинган бу хужжат қимматига эга бўлган маълумотлардан ҳам ўринли фойдалана олган. Шунинг учун ҳам бу лавҳа Чўлпон табиатига хос зукколикни ифодаловчи лавҳ сифатида алоҳида қиммат касб этади.

❖

Рус киписига ҳажга бориш учун хайрия йиғиш маросимида Абдулхамид ҳам қатнашади ва бу ҳаракатга нисбатан катъий эътиrozини билдиради.

Муаллиф шу ўринда: «Нега керак Сизга янги мусулмон, ўша пулни элга берсангиз эди» сатрларини Абдулхамид тилидан келтиради. Бизнинг эътиrozимиз биринчи мисрага. Чўлпон таржимаи ҳолидан шу нарса маълумки, у ёшлигидан Куръони Карим мутолааси билан чукур шуғулланган, Пайғамбаримиз ҳадисларини ўқиган, уларга амал қилиб яшашга ҳаракат қилган. Ота ҳам боласини мударрис бўлишини истар экан, унга ислом тариқатларини ўргатган бўлиши эҳтимолдан узок эмас. Иккинчи сўз билан айтганда, жадидлар даҳрий бўлган эмаслар, улар диний бидъатларга қарши муросасиз курашганлар. Ҳадисда ғайридин кишини ўз динига ўтказган мусулмон жаннатга киради, деган фикр бор. Шубҳасиз, булардан хабардор бўлган киши ўрисни мусулмон қилиш шартми, деган иштибоҳни айтмайди. Шунинг учун юкоридаги мисра таҳrir этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ёш Абдулхамиднинг бу ишга эътиrozининг асослари бошкача. Рус фуқаросининг исломни қабул килишидан мақсади ҳажга бориш, сафардан кутилаҗак мақсад эса жосуслик; Россия ҳукуматини мусулмон давлатлари ҳакидаги маълумотлардан хабардор этиш. Миллатпарварлик, истиқлол ғоялари билан озиқлана бораётган ёп маърифатпарвар ўз дунёкарашини вактли матбуот хабарлари билан ўзгартираётганлигини назардан четда колдирмаган ҳолда шу нарсани айтиш мумкин: у мустамлакачиликнинг даҳшатларини хис килди ва илк бор ҳалкни бундан огоҳ этди. Афсуски, унинг бу фидо-йилигини ўша даврда ҳеч ким англаб етмагани каби кейин ҳам тушуниб ета олмадилар.

Хуллас, айрим таҳrirtалаб ўринларни хисобга олмагандан, бу боб достон драматизмини кўтара олган, дейиш мумкин.

Маълумки, Чўлпон ҳаёти фожиаларга тўла бўлган.



Унинг муҳаббат бобида ҳам толе қуёши кулмаган. Турли сабабларга кўра, бир неча бор уйланган. Шулардан бирини ўзи ёқтирган. Солихани севган. Унга катта муҳаббатини баҳш этган. Энг гўзал шеърларини ана шу зотдан илҳомланиб яратган. Лекин у билан ажралишган. Аникроғи, Чўлпон севгилисининг ёруғ дунёдан бефарзанд ўтишини истамаган. Қамалгунга қадар Екатерина исмли рус аёли билан яшаган. Шоир замондошларининг хотирлашича, бу аёл Чўлпонни хурмат қилган, унинг энг яқин дардкаши, ҳаммаслаги бўлган.

Муаллиф Чўлпон шахсига, унинг муҳаббат тарихига оид маълумотларни «Хижрон сатрлари», «Солиха йигиси» бобларига жойлашга ҳаракат қиласди. Шуни дадиллик билан айтиш мумкинки, Солиха нутки орқали муаллиф эҳтиросли ишқ фарёдларини анча маҳорат билан бера олган:

*Ўт тушиби жонима, жаҳонима,
Қаролмам булатли осмонима.
Кўк аро юлдуз кўп, сайёра кўп.
Тенг эмас чақнаган Чўлпонима.*

Юкоридаги сатраларда ногаҳоний айрилик азобида ўртанаётган покиза ишқ сохибасининг фарёдларини тинглаш мумкин. Унинг учун баҳт қуёши сўнди, ёруғ қунларини зулмат босди. Зулмат водийсидан у энди бошка маҳрам истамайди. Унинг Чўлпонни табиат Чўлпонидек бутун борликни ёритмоқ ниятида кўк сари йўл олган экан, у ҳам ана шу нуктага талпиниб яшайди. Энди унда ёлғиз Яратганга муҳаббат қолди, холос:

«Багримни босайин Куръонима».

Достоннинг «Ўқ овози» боби ҳам аввалги бобларни мантиқан тўлдиради ва улардаги фикрнинг янада ривожланишига кўмак беради. Куйидаги сатрлар достон якунидек жаранглайди:

◦

Ўзбекистон, шоир ўғлинг – Чўлпонингга ким ўқ узди,
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

Чўлпон ҳақидаги фикрларимизни таникли адабиёт-шунос олим Озод Шарафиддиновнинг куйидаги фикрлари билан якунламокчимиз:

«Тўлан Низомнинг «Чўлпон» достони шу эзгу ният йўлидаги илк уринишdir. Албатта, шоир достонда Чўлпоннинг ҳаёт йўлини батафсил тасвирилашни мақсад қилиб қўйган эмас, у ҳатто Чўлпон образини тўлалигича, бекаму кўст ёритишни ҳам кўзда тутмайди. Достонда Чўлпон ҳаётидаги айrim лавҳалар олинади-ю, шу туфайли шоир қалбida жўш урган эҳтирослар, изтиробли туйгулар ифодаланади. Ва бу парчаларда биз шоир тақдиридаги фожеълик нафасини яққол сезиб турамиз. Шунинг ўзи достонга яшаш хукукини беради».

«Мажнунтол йигиси» достони ҳам руҳан «Чўлпон»га якин туради. Унда ҳам фожеъ тасвиirlар етакчи. Унда ҳам шоир қалбининг оламлари, бу олам каъридан келаетган фарёдлар муаллиф диккатини тортади. Достон Чўлпон издошларидан, садоқатли шогирларидан бўлган Миртемир ҳақида. Ўзбек миллий шеъриятининг бу улкан вакили кисмати Чўлпон ҳаётидек фожиа билан яқун топмаган бўлса-да, консиз фожиаларга тўла бўлди. Тазиклар, камситиплар, ошкора ва пинхона тухматлар шоир қадрини тушира олмаган бўлса-да, қаддини эгди. Жўшқин овозига маъюслик шабадаларини олиб кирди. Ижобий маънодаги маҳзунлик шоир қалбининг ифодаси сифатида ҳаётийлик касб этди.

Т. Низом – Миртемирнинг садоқатли, эътиқодли шогирди. Устоз лирикаси сарчашмаларидан тўйинган шогирд. Унинг бир қагор лирик шеърларида устоз анъаналяри таъсирини сезиш кийин эмас. Баъзи шеърларида шогирд устозининг шоҳ байтларига тазмин ҳам боғлайди.

Миртемир умрининг охирларида шундай бир васиятнамо шеър битган эди:

◦

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим.

❖

Ана шу изтиробли сатрлар шоир қалбини тебратади, устоз ҳақидаги кўпдан ўйлаб юрган достонининг туғилишига туртки беради. Муаллиф устоз кечинмаларини Мажнунтол рамзий тимсоли орқали ифодалайди. Лирик «Мен» (бу ўринда достон муаллифининг ўзи) Мажнунтол ила хаёлан сухбат қуарар экан, унинг ҳолатидаги ўзгаришларга диккатни қаратади. Муаллиф бу ўринда шартли тасвир, рамзий тимсол имкониятларидан маҳорат билан фойдаланади.

«Ипакдек юмшоқ шамол»нинг «қақшаб келиши» Мажнунтол оромини бузади, хаёлларнинг учкур отига миндиromoқчи бўлади. Шамолда тебранаётган дараҳт изтироб тузоғидан қалб сифатида лирик «Мен» хаёлида гавдаланади:

*Вужуд билан товушингни тинглайман,
Товушингдан кимтигингианглайман,
Афсус чекиб кўнглимни мен тирнайман,
Эгиласан, бураласан, Мажнунтол,
Юрагини яралайсан, Мажнунтол.*

Муаллиф Миртемирнинг «нафаси ўзбекона» шоир эканлигига, унинг назмида қадим туркий сўзлар қайтадан хаёт бошлаганлигига ишоралар килади. Унинг чинакам сўз заргари, меҳрибон мураббий, камтарин дўст каби сифатларига алоҳида ургу беради. Миртемир ўз тенгдошлари орасида ҳам, ундан кейинги авлод орасида ҳам шогирд масаласига жиддий эътибор бсрган бағрикенг аллома эди.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, шеъриятнинг бугунги навқирон авлодларининг ҳар ўнтасидан уттаси Миртемир мактабининг ҳақиқий талабасидир.

Яна устозга хос фазилатлардан бири шогирд камолидан севиниш, ғуурланишдир. Бир сўз билан айтганда, у ўз шогирдларига чинакам маънода оталик қилди. Кору бўронлардан, тухмату маломатлардан ҳимоя қилди.

Т. Низом ҳам устоз паноҳида шеърият пилапояларидан одимлаб бораётган шогирд. У ўз табиатидан келиб чиқиб, устоз руҳи пойида доимо таъзимда туради. Ўз кечинмаларини одатдаги содда сатрларда ифода килади:

❖

*Шогирдларга мунчалик меҳр,
Ташналик ҳам мунча сеҳр –
Буюрмииш она табиат
Миртемирга хос фақат...*

Муаллиф ҳам ана шу меҳр булокларидан бенасиб қолмаган. Гарчи шогирд пойтахтдан олис бир кишлокда истиқомат қилса-да, устоз билан руҳан яқин бўлган. Устоз унинг машкларини синчилаб кузатиб борган, беминнат маслаҳатларини аямаган:

*Кўлга қалам тутқазган,
Жарликлардан ўтказган
Мана шу шоир одам.
Шеърият водийсида
Устозлий қитган отам.*

Шогирд (лирик «Мен») нохуш хабарни эшигтгач, қалби фарёд чекади. Айрилик унинг обод кўнглини вайронага айлантиради. Кўнгил боғидаги сайроқи кушлар чўчийди. Ўзига тинч кўналға тополмай сарсон. Унга юпанч керак. У хотирасида устоз суратини тиклар экан, у билан бирга босиб ўтган ҳаёт йўлидаги говлар ҳам кўрина бошлайди:

*Эсдан чиқарми ушал бадбаҳт кунларнинг заҳри,
Куруқ түхмат тошидан синсайди фалак чархи,
Миллатчи, деган бўхтон эди истеъдод нархи,
Чўлпон каби унга ҳам келган жаллоднинг қаҳри,
Армон қиласи энди оғуга тўлган ҳаёт.
Одамларнинг қалбида ийглаёттир улуғ зот.*

Ҳакикатан, шеъриятнинг буюк даҳоларининг кўпчилиги қисмат жиҳатидан бир-бирларига яқин турадилар. Хусусан, Чўлпон ва Миртемирнинг нафақат қисмати, балки табиатидаги кечиримлилик, бағрикенглик, ҳалимлик ҳам ўхшашдир. Улар ҳакидаги ривоятлар ҳам фикримизни бемалол тасдиқлаши мумкин. Ҳалқ орасида кенг таркалган ривоятларга суюнаётганлигимизнинг боиси шуки, бу ривоятларнинг илдизи ҳакикатга бориб

такалади. Ривоят либосидаги бу ҳақиқатларда биз хар иккала шоирга хос бўлган покиза қалб ёғдуларини хис қиласиз.

Шу ўринда яна бир нарса устида тұхталмаслик адолатдан эмас. Ҳар иккала достонда ҳам 37-йилда катағон қилинган адиллар ҳакида фикр юритувчи маҳсус боб бор. Унда Фитрат, О.Хошим, Қодирий ҳакида гап боради. «Чўлпон»нинг «Акс садо» деб номланувчи боби билан «Мажнунтол йиғиси»нинг VI боби бир-бирининг такорига ўхшаб қолганки, буни кейинги достондан чикариб юборилса, дуруст бўлур эди.

Т. Низом «Мажнунтол йиғиси»да ҳам «Чўлпон»да ҳам бармок системасининг турли вазнларидан фойдаланади. Муаллиф гоҳ енгил, ўйнок, гоҳ оғир, салобатли вазнларни яратиб, достонларга ранг-баранг оҳанг баҳш эта олган. Шу билан бирга, ўрни билан ҳар иккала шоирнинг шохбайтларидан ҳам усталик билан фойдалана олган. Бу нарса «Мажнунтол йиғиси»да ўзининг чиройли ўрнини топа олган, дейиш мумкин. Масалан, Миртемирнинг шогирдларига муҳаббатини ифодаловчи бобда «Киприкларим кўнғирмикан ё кора, Киприкларим юзтамикан ёки минг» сатрларидан фойдаланса, устознинг шеър дардида ўтказган ошиқона дамларини тасвирлашда «Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилли, Девонаман шекилли, тўлғонаман шекилли» сатрларидан фойдаланади. Бу эса достонга миртемирона рух баҳш эта олган.

«Гиря» – шоирнинг учинчи достони. Унда ҳам фожеъ қисмат тасвири етакчи. Бу фожиа муаллиф ҳаёти билан алоқадор. Унинг азиз кишиси – умр йўлдоши бевакт оламдан кўз юмган. Демак, достон шоирнинг шахсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар иккала достонни бир нуқтага боғлаб турган куч – фожиавийлик. Шоир дастлабки икки достон қаҳрамонлари ҳаёти тасвири орқали давр фожиалари билан шахс фожиалари ўртасидаги ички муштарак томонларни кўрсатишни мақсад килиб олган бўлса, «Гиря»да оддий ўлимдан туғилаётган ички фожеъ нуқталарига кўпроқ диккатни каратади.

Шоир, аввало, достонларида бошланган рухий – психологик тасвирга «Гиря»да кенг ўрин беради. Лирик «Мен» кечинмаларидаги ҳәётийлик бу достонда ҳам асан сакланган. Асарда қаҳрамон рухиятидаги изтиробларни түларок күрсатиш максадида Туш. Хотира, Ҳаёл каби шартли тасвир воситалари киритилган. Бу усул асардаги рамзийликни кучайтиришга ёрдам берган.

Ўзбек достончилигининг кейинги ўттиз йиллик саҳифаларини вараклар эканмиз, Миртемирнинг «Сурат»идан бўлак айрилик изтиробларига бағишилаган дурустrok психологик асар яратилмаганига гувоҳ бўламиз. «Гиря»ни ана шу руҳдаги муваффакиятли чиқкан достон, дейиш мумкин.

Асар сюжетини жипслаштириб турган нарса – қайғу, йўқотиш азоби. Абдулла Қаҳхор таъбири билан айтганда, қайғу куйини чалмаган машшоқ ҳиссиёт боис айрим пардаларга ортикча нолиш бериб юборган бўлиши мумкин. Буни тушкунликка йўймаслик керак. Зотан, ҳар қандай изтироб заминида ҳам маънавий тушкун кайфиятлар ётмайди.

Йиғи қалбнинг қувончларида очилмаган қаватларини очади. Ўзбек айтиб-айтиб йиғлайди. Фарзанд онам, деб, эр гулим деб, кариндош жигарим деб йиғлайди. Гўяндалар йиғиси – ўзи бир олам. Улар мархумнинг ажойиб фазилату сийрату суратларини бир бошдан таърифлайди. Ҳалқ ичиде кенг таркалган бундай удум ва урфлар акс этган оғзаки ижод намуналари ҳам шоир аламларини ифодалай олувчи восита бўла олган.

У бир ўринда киз боланинг Онага меҳру муҳаббатини шундай ифодалайди:

*Оқшомлари суҳбат қурган,
Ҳам баҳтиими тилаб юрган,
Сочларимни майда ўрган,
Вой онам-а, жоним онам.
Жоним онам,вой, онам-а.*

Киз сирдоши, маслаҳатгўйидан айрилгандан кейин,

❖

кафасидаги какликдек, ўзини хар ёнга уради. Йиғи либо-
сидаги сўз қайнаб-қайнаб отилаверади:

*Дарёга дардим солайин,
Гирдобларида қолайин,
Тоқатни қайдан олайин,
Вой, онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой, онам-а.*

Дарё ҳам қиз дардларини ўзига сигдира олмайди,
ўзанларини бузиб кетади. Фарзандлар кўксидан отилган,
айникса, ўғли кўзларидаги мунг шоир кўксидаги қайғу
дарёсига ирмоқдай қуйилади. У шундай бир ҳолатта
тушганки, уйдаги анжомлару боғдаги дов-даражатларда
— хамма нарсада ёрнинг жамолини, қушлар сайроғида
унинг оромбахш сасларини эшигади. Унинг маъюс ва
ўйчан бокишлари такрор жонланаверади. Ёрининг
ашёлари билан мажнунона сухбатлар куради. Етим
колган рўмол, кўйлак, кашталар ноласи сим-сим бўлиб
окаверади. Шоир кўз олдида ёрнинг жамоли, у билан
боғлиқ бўлган ҳаёт лавҳалари гавдаланади:

*Ажойиб бир туш кўрдим саҳар:
Чилдирманинг садоси таранг.
Карнай-сурнай элга солур жар,
Паранжисда Ҳикматой, қаранг!*

*Эгнида товланар оппоқ шол,
Оёгида Анжон маҳсиси.
Кавушининг косиби ҳалол,
Тановарнинг сози, яхиси.*

Бу тасвирлар орқали марҳуманинг келин бўлиб ке-
лиш жараёни чизилмоқда. Шоир хар иккаласи учун азиз
бўлган онларни ҳаёлида тиклар экан, умр оқар дарё экан-
лигини, ортига қайтмаслигини тушуниб етади. Қайтмас
дақикаларнинг қадрига етиш керак, деган ички нидо
унинг қалб осмонида жаранглайди. Шоир кўксидаги ар-
мон илдизлари тобора теранлаша бораверади.

❖

Шоир аламлар бўронидан кутулмок ниятида илк учрашувлар онларини, тўй оқшомларини яхши кишиларнинг эзгу тилакларини, чимилидикдаги ишкка ташна кузларнинг илк бор учрашувларини эслайди. Лекин алам бўронларини тўсмокка хотира-да ожизлик киласди. У армон эпкинларини такрор-такрор кўзғатаверади.

Махбуба бир куни: «Дадаси, яқинроқ келинг, бир хидлай? Кўзимга сиз карангиз тўйиб!» – дея ошикона илтижолар киласди. Не сабабдандир шоир бу эркалашларга бепарвороқ қараган ўшанда. Одатдаги ҳол, деб билган. Аёли қалбидаги ички туйиш ҳислари унинг дилига етиб бормаган. Лахзалик лоқайдлик армонга айланиб, шоир кўксига оғир томп бўлиб ботган:

*Энди, ҳол сурғали битта забон йўқ,
Аҳволим кўргати бир меҳрибон йўқ.
Булбулман, сайрамоқ менинг ишишмидир,
Богим йўқ, ошён йўқ, ер йўқ, осмон йўқ.*

Булбулни бийрон килган, энг аввало, ошён. Унинг бағридаги гул. Акс ҳолда унинг ёнишлари дил тубидан отилиб чикмайди. Куйчи қалбини илҳом гулоби билан тўлдирувчи Гул йўқ. Куйчи руҳида муҳаббатнинг ҳазон фасли бошланган. Нафакат юзи сарғайган, ҳатто сўзининг хам ранги зальфарон, маъюсдир. Шунинг учун ҳам у нола чекади. Лекин бу ҳам кўнгил армонларини ифодалай олмаётгандек. Ернинг ерлиги-ю осмоннинг осмонлиги севгилиси туфайли. Энди гуллар шоир нигоҳида курук, хиссиз суратдек тураверади.

Унинг бирдан-бир ҳамдарди – сўз. Унга сиғинади, аламини тўқади. У танлаган сўзнинг фарёдлари қалбингизда акс садо бераётгандек бўлади:

*Сел ёшдан кўзим хира,
Остонаага бош ура,
Таскин топмадим сира,
Шеъримга бергин тўзим,*

❖

Шоир дардларига малхамни устозлар бисотидан топгандай бўлади. Достонда Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Муқимиининг изтироб алангаларидан ранг олган ғазалларига боғланган мухаммаслар бор. Улар айрилик аламларида ўртанаётган Шоир кайфиятларини янада кенгрок, кўламлироқ очишга ёрдам берган.

Муқимиининг «Ким десун?» радифили ғазалига боғланган мухаммас достон руҳига мос тушган. Ғазал марказидаги лирик қаҳрамон кечинмалари бир-бирини мантикан тўлдиради.

*Ким ёнурки у билан, бордуур кимнинг иши,
Ичга сизмай отишади ҳар юракнинг ташвиши,
Жонга етди айрилиқнинг Азройилдек қилмиши,
Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул ҳар киши.
Бас, куйиб шиқида чеккан изтиробим ким десун?*

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Гиря» – изтироб ҳакидаги достон. Йўқотиш азобидан ўзлигини унуган калбнинг сел-сел бўлиб оқаётган фарёдлари асар руҳини белгилайди. Руҳий кечинмалар тасвирига ортиқча нолиш бериб юбориш оқибатида бўлса керак, айрим нуксонлар ҳам кўзга ташланадики, бу, албатта, асарнинг умумий руҳига соя ташлай олмайди.

«Руҳи равоним», «Бобур» – Т. Низомнинг кейинги икки йил ичida оқка кўчирган достонлари. Ҳар иккала достон билан танишар эканмиз, шоирнинг тасвир имкониятлари кенгая бораётганлигини сезиб кувонамиз. «Чўлпон», «Мажнунтол йиғиси», «Руҳи равоним», «Бобур» достонларини тарихий шахслар хаётига бағишлиланган тетралогия – чор китоб дейиш мумкин. Биз бу достонлар оркали миллат тарихининг турли даврларида яшаб, ижод этган сиймолар, бир-бирига яқин қисматлар билан танишамиз.

«Руҳи равоним» достони марказида Машраб тимсоли туради. Маълумки, бу исёнкор шоир ҳакида бир қатор асарлар яратилган. Ойбек, М. Осим, Ф. Ғулом, М. Али кабилар бу улуғ зотнинг лирик, лиро-эпик, эпик, дра-



матик тимсолларини яратган. Хўш, бу шоир ва ёзувчилардан кейин бу мавзуга такрор қўл уришдан муаллифнинг муддаоси нима? Улар айтган гапни сал бошқачарок оҳангларда такрорлаш билан бадиий муддаога эришиб бўладими? Ҳархолда шунга ўхшашиббохлар билан асарни қўлингизга оласиз. Уни бир зарб билан ўқиб чиқасиз-да, дилингизга келган саволлардан куласиз. Шубҳаларингиз сароб бўлиб чиқади. Шоир сиз китоблар орқали таниш бўлган Машрабни эмас, бутунлай бошка Бобораҳим Машраб тимсолини яратганлигига гувоҳ бўласиз.

Азиз ўкувчи! Т. Низом олтинчи Машрабни ҳам топибди, қаранг-а, унинг исми ҳам бир хил экан, деган хаёлларга борманг. Ўпта Машраб. Юқорида номларини санаб ўтганимиз адиллар Машраб тимсолини бир томонлама тасвирлаган, қолаверса, замона зайли билан, унга ёпишмайдиган дахрийлик тамғасини кавшарлаган Эдилар.

Машраб аслида тасаввуфий шоир эди. Дини илоҳийни мадҳ этувчи асарлари ўша пайтларда ўрганилмади, натижада шўро ўкувчилари унинг ижоди хақида тўла ва адолатли маълумотта эга бўла олмадилар. Айниқса, шоирнинг:

*Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай?!
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак.*

байтларидағи тагмаъноларга аҳамият бермай, уни юзаки талқин қилиш окибатида сўфий шоир дахрийга айлантирилди.

Т. Низом масаланинг шу томонларини хисобга олиб, бу мавзуга қўл урган бўлиши мумкин.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш ўринлидир. Кейинги пайтлардаги оламшумул ўзгаришлар тарихга холислик билан ёндашин имкониятларини берди. Бу эса бир катор тарихий шахслар хақида янгитдан асар ёзиш масъулиятини юклиди. «Рухи равоним» ҳамда «Бобур»

ана шу максад йўлидаги дастлабки уринишлардан бири-
дир.

Т. Низом достонлари хакида мулоҳазаларимизни
О. Шарафиддиновнинг қўйидаги сўзлари билан якунла-
мокчимиз:

«Тўлан Низом – қалбан шоир. У дунёни шеърга
кўмиб, одамларни яхшилик салтанатига ундан, ижод
килади. Шу пайтгача яратган энг яхши асарларига қараб,
хеч иккиланмай, Тўлан Низомни гўзаллик ўрдусининг
садоқатли навкари, деб атаса бўлади».

У айни кучга тўлиб, асардан асарга ўсиб бораётган
шоир. Бундан кейин ҳам ундан ҳарорат ва дард билан
ёзилган асарларни кутишга ҳақлимиз.

*И. Тўлакнинг «Шеър – қалб ёлқини»
(Тўлан Низом исходий портретига чизиқлар) китобидан.*

*F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нариёти.
1994 йил.*

* * *

**Абдуманноб Абдунаби ўғли,
вилоят адабиёт ва санъат музейи илмий ходими.**

МУҲАББАТ ВАСФИ

Рух нима? Кўзга кўринмайдиган абадиятми? Ёки ёруг
дунёни ташлаб кетганларнинг жоними? Фалсафанинг бу
азалий саволига жавоб берадиган файласуфлар талайги-
на.

Аммо донишмандлик даъво қилмайдиган бизнинг
севимли шоиримиз Тўлан aka ўзининг «Муқаддас рух»
шеърида унга ўзига хос нафосат билан шоирона жавоб
беришга ҳаракат киляпти:

*Муқаддас рұх, покиза хаёл,
Ўчмас севги, имон, эътиқод.*

*Сиз Гулисиз, қўл етмас ҳилол,
Сизни деди Алишердай зот.*

Ашъор давомида мухаббатнинг шундай гўзал тароналаридан иборат бир неча бандлардан сўнг муаллиф нихоят мухаббатга ном кўяди:

*Маконингиз мангулик жойда,
Интилади Сизга бу борлиқ.
Сиз яшайсиз Күёшда, Ойда.
Номингиз – Нур, энг олий ёрлиқ.*

Ана энди шу Нур – мухаббатга шоирнинг ўзи ҳам улкан борлиқнинг бир зарраси сифатида интила бошлайди. У мухаббат оғусини ичишга, шу оғу берадиган БАХТ учун шу бахтнинг ортидан келадиган ҚАЙФУни чекишга ҳам тайёр.

*Келинг энди, эжон мұжтарама,
Навбат менга, беринг огуни.
Умрим бўйи мен ахтарман,
Сиздай баҳтни, Сиздай қайгуни.*

Биз Андижонимиз фахри бўлган севимли шоиримиздан шундай ширин ташбеҳларни назм тили билан шеър ва достонларида кўплаб ифодалаб беришларини хоҳлар эдик.

*«Андижоннома» газетаси,
2008 йил, 5 июль.*

* * *

*Абдулҳамид Нурмонов,
филология фанлари доктори,
профессор-тилишунос.*

ШЕЪР АЙТМАГАН КУНИ ЙЎҚ ШОИР

Ўтган асрнинг 60-йиллари охири эди. Андижон Давлат педагогика институтининг филология факультети Бўз туманининг Бешкал қишлоғига пахта теримига борди. Кечкурунлари талабалар учун ҳар хил маданий тад-

бирлар ўтказиларди. Бир куни шу қишлоқлик бир йигит пахта штабига келиб, шеърият кечаси ўтказишни таклиф килиб қолди. Штаб аъзолари бу фикрни маъкуллади. Кеча жуда марокли ўтди. Ёш шоирлар ўз ижодидан на-мунлар ўқидилар. Улар орасида кечани уюштирган йигит алоҳида ажралиб турарди. У хозирда Ўзбекистон халк шоири Тўлан Низом эди.

Кейинчалик унинг шеърий тўплами нашр этилди. Бу тўплам адабий танқидчилар томонидан турлича баҳоланди. Бири шоирни илҳомлантириди, иккинчиси ўйга толдирди. Лекин шоир шеър ёзишдан бир кун ҳам тўхтамади. Тинимсиз меҳнат уни таниқли шоирга айлантириди.

Тўлан Низом ўзи туғилиб, камол топган Бўз тупроғида туриб, бутун республикамизда кечаетган қайнок хаётни жозибали мисралар оркали адабиётга олиб кирмоқда. Бу билан умум ўзбек адабиётини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшмоқда ва Бўз шуҳратини бутун республикамиз ахлига ёймоқда. Бугунги кунда Бўз ахли Тўлан Низом ва Мухаммад Али сингари машхур ижодкорларни стказиб берганидан ҳакли равишда фахрланади.

Расул Ҳамзат ўғлиниң мен дунё харитасида кичик нуктадек кўринган Доғистонда туриб, бутун дунёни кўраман, – деган гаплари Тўлан Низомга ҳам даҳлдордир. У Ўзбекистон харитасида кичик нукта бўлиб кўринувчи Бўзда туриб, бутун республикамиз ютукларидан кувонади, кувончи мисраларга кўчади.

Айниска, республикамизнинг мустақиллик давридаги муваффакиятлари шоирга олам-олам илҳом берди. Асака автомобилсозларининг шуҳрати-ю, темирийўлсозларнинг бунёдкорлиги, спортчиларимизнинг жаҳон бўйлаб зафарлари-ю, пахтакор ва ғаллакорларнинг ижодкорлиги шоир қалбини жунбушга келтирди. Шунинг учун ҳам шоир ижоди тематик жиҳатдан ранг-баранг.

Якинда унинг «Шеър айтмаган куним йўқ» номли лирик асарлар тўплами нашр этилди. Шеър шоир қалбининг инъикосидир. Тўлан Низомнинг бу асарини

ўқир эканман, унинг тимсоли яккол кўз олдимда намоён бўлди.

Тўлан Низом, энг аввало, дўстларга садоқатли, мулойим ва серзавқ инсон. Унинг бу фазилати шеърлар орқали бўртиб туради:

*Суйганимга жафо қилсан мабодо,
Дўстларимни кўролмасам дамо-дам.
Ҳам узатган қўлим қолса ҳавода
Ва имоним бут бўлмаса зиёда,
Оллоҳ, шу дам жонни олгин, кечирма.*

Азалий она, Ватан, муҳаббат, табиат тасвири мавзула-ри Тўлан Низом ижодида ҳам марказий ўринни эгаллайди. Лекин бу мавзулар талқинида ўзига хослик акс этиб туради. Бир тўртлигида Ватан унинг жони эканлигини баён қиласди:

*Йўқ, жон эмас, қалбимда Ватан яшар.
Ватан ичра шеърият, чаман яшар.
Тўлан Низом айтур: она ер узра
Жон учар, тупроқ бўлиб бу тан яшар.*

Она хақида шеър битмаган шоир топилмаса керак. Тўлан Низом ана шу кадимий мавзуга ўзига хос ёндашади. Она унинг руҳида яшаётгани, айтиётган сўзлари она-нинг даъвати эканлигини баён қиласди:

*Рост гап, фақат сиғинаман онамга,
Онам берган мұъжизакор оламга,
Олам берган бу муқаддас қаламга.
Онам ўтиб кетди ёргу оламдан,
Мен ушлаган бу муқаддас қаламдан
Элга сўзлаёттир барҳаёт онам.*

Юртимизнинг қон томирлари бўлган Аму билан Сир ҳам бир канча шоирларнинг тилига тушган. Тўлан Низом эса уларни ҳамон инсонларга маънавий озука бериб келаётган буюк сиймо – Навоий ва Бобурларга менгзайди:

*Олам ҳаритасининг қоқ ўртасида
Бу хил дарёлар йўқ бирортасида.*

❖

*Айтинг, кимлар бор ер тўрт қитъасида
Бизнинг боболарнинг мартабасида?!
Икки оқин дарё – Аму билан Сир.
Бириси Навоий, бириси Бобур.*

Шеър сўз сехри маҳсули, шоир унинг сехргаридир. Шунинг учун барча улуғ шоирлар сўзга, унинг турфа маъноларини жилолантиришга, назардан яшириниб ётган сўзларга ҳаёт бағишлиашга ҳаракат қилганлар. Ҳазрат Навоийнинг йиғламоқ сўзига маънодош юзта феълни келтиргани ва улардан бадиий эстетик восита сифатида фойдалангани фикримиз далилидир.

Тўлан Низом ҳам сўздан фойдаланишда Навоийдан ибрат олади. «Нон хиди» достонига кирган «Момо» шеърида ноннинг йигирмадан ортиқ турини келтиради:

*Хўрсиниб-хўрсиниб гапирди момо:
– «Обинон», «Гижда нон», «нони Осиё»,
«Патир нон», «Кулча нон» – кўп хилари бор;
«Чапчап нон», «Қашқари», «Оби жимжима»,
«Үй нони», «Тўй патир», яна қай нима?..*

Бу эса шоирнинг халқ орасида юриб, сўз дуридан шодалар теришга интилаётганидан далолат беради.

Шундай экан, бу тўплам шеърият ихлосмандлари калбидан муносиб ўрин олишига ишончимиз комил.

*«Андижоннома» газетаси,
2007 йил, 19 сентябрь.*

* * *

Шукуржон Валиев,
*Бобур номидаги Андижон Давлат университети
доценти, фалсафа фанлари номзоди.*

ЯНГИ ТАРИХИМИЗ КУЙЧИСИ

Тўлан Низом овозини биринчи бор 1960 йилда эшитган эдим. Ўша йили баҳор кунларининг бирида талабаларнинг ёш шоирлар билан учрашуви бўлди. Учрашувни олиб борган шоир Карим Ахмадий:

— Навбат бўзлик ёш ва умидли шоир Тўланбой Низомовга, — деб эълон килди. Минбарга ёшгина, соддалиги юзида барқ уриб турган кишлок йигити кўтарилди. У залга бир каради-ю, юзи кип-кизариб кетган ҳолда «Шохимардон» шеърини ўқий бошлади:

*Чор тарафи тоғ,
Сойи шарқироқ,
Ирмоқтар куйчи,
Мақомчи япроқ.

Еллар эркалар,
Яхшилик тилар,
Ҳиссиз дилларни
Эзib тилкалар.

Кун ийлдан бери
Бу жаннамат ерин –
Устида янграп
Ҳамзанинг шеъри!*

Нақадар содда сатрлар. Аммо улар сиз билан биз билган гўзал Шохимардон қиёфасини кўз олдимизда айнан гавдалантиради. Уша учрашувдан бери ярим аср ўтибди. Ёш ва умидли шоир бугун эл орасида таникли ижодкор. Ўзбекистон халқ шоири, катор орденлар нишондори. Аммо ўша-ўша содда, хоксор, камтар, ёқимли Тўланбой. Мен шоир ижодини кузатиб бораман, янги-янги асарларини ўкиб севинаман, шогирдларимга тарғиб киламан. Сабаби шуки, Тўланбой биз ижтимоий фан вакиллари тадқик ва тарғиб киладиган мустақиллик, озодлик, миллий ғурур, миллий қадрият, тарих руҳини ўз шеъриятида куйлайди. Куйлаганда ҳам ўзига хос овоз, ўзига хос оҳанг, ўзига хос жозиба билан куйлайди. Яна бир сабаби: шоирнинг мустақиллик йилларида баракали асарларида бугунги китобхонни яқин ўтмишда биз гувоҳ бўлган суронли ва синовли воқеалар қиёфаси: даҳшати, оғати ва уларни донолик, жасорат ва мардоналик билан даф қилган қаҳрамонлар билан таништиради. Мисол тариқасида «Ватан сурати» тўпламидан жой олган

❖

«Хумо» достонидаги мана шу сатрларга эътибор берайлик:

*Ўшиниг фожиаси, Қувасой иши,
Тошкентда тўкилган бегуноҳ қонлар...
Бариси, бариси ганим қилмиши.*

Зикр килингандаги фожиаларни бугунги ўқувчи ва таба ёшлар айтарли тасаввур қила олмайди. «Хумо»ни уларга ўқитиш, Ўш, Қувасой, Паркент, Бўқадаги мудхиш воеаларни эслатиш ва чукур тушунтириш орқали мустақилликка кураш билан эришилганини англатиш мумкин. Шоир шеъридаги ғаним – Марказ (Москва), «У», яъни ғаним килмишларини – пинхона равишда миллатлараро қонли фожиа чиқариш йўли билан истибодд тузумини саклаб қолмокчи бўлган душман қилмишини ўз вактида англаб, ўз халқини оловни тинч йўл билан ўчиришга сафарбар қилган шахс Ислом Каримов эди. Тўланбой ўз «Хумо»сида машҳур қаҳрамон образини юксак маҳорат билан ҳаққоний тасвир эта олади.

Мустақилликнинг таҳликали йилларида Ислом Каримов Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур каби Ватан, миллат истиқболи учун ёвуз кучларга карши юзма-юз курашди. Қувасой воеаси, Ўш фожиасининг ташкилотчиси эски ғанимлар эканлигини жафокаш халкига дадил тушунтириди, ишонтириди ва фош қилди, жунбушга келганларни тинчлантириди. Бу буюк тарихий жасорат эди. Ва бу жасоратни шеъриятда ифодалаш билан Тўлан Низом чиндан-да таҳсинга лойик иш килди.

Тўланбой ўз ижодида, айникса, халқимизнинг маънавий жасорат тимсоллари образларини талқин килиши диққатни тортади. «Чўлпон» достонида оташин шоирнинг образи унинг ижодий ғоялари асосида жўшқин ва таъсирчан гавдалантирилади. Мустақиллик шарофати билан шеъриятдаги Ватангга муҳаббат, аждодларга содиклик, озодлик ва эркинлик, мардлик, «Андижонга кайтган» Бобур Мирзо, Чўлпонлар ҳакидаги Тўланбой ғоялари ёш китобхонларда миллий гуурур ва ифтихор, истиқлолга фидоийлик руҳини кучайтиради.

Қаранг шоир бадиий маҳоратини:

*Икки дарё – Аму билан Сир,
Бириси Навоий, бириси Бобур.*

Бу сатрлар ноёб ташбех, гўзал ифода.

Тўлан Низом ўз овози ва ўз бадиий услубига эга бўлган сермаҳсул ижодкор. Унинг энг ноёб хизматларидан бири – буюқ неъмат бўлган мустақиллик тарихини, ҳалқимиз қаҳрамонлигини шеъриятда бор овоз билан куйлаши деб биламан ва бир ўқувчиси сифатида уни кутлайман.

*«Ҳуррият» газетаси,
2009 йил, 13 май.*

* * *

Собир Мирвалиев,
филология фанлари доктори, профессор,
Махмуда Валиева,
Юнусобод туманидаги 247-мактаб ўқитувчisi,
«Соглам авлод учун» ордени соҳибаси.

ҚАЛБ ШЕЪРИЯТИ

Она заминнинг сахийлигини карангки, Андижоннинг чекка қишлоғида бир вактда икки иқтидорли шоир дунёга келди. Ҳар иккиси ҳам ҳалқ севган адиллар, юксак мукофотлар совриндори, севимли шоир бўлиб кўнгилларга шукух бахш этган оташнафас инсонлардир. Биз сўз юритмоқчи бўлган бу икки дўстнинг бири эл сўйган адаб Мухаммад Али бўлса, иккинчиси Ўзбекистон ҳалқ шоири Тўлан Низомдир. У Андижон Давлат педагогика институтини тугатиб, ўқитувчилик килган, Саида Зуннунова номидаги педагогика билим юртида директорлик лавозимида ишлаган.

Ёзувчи Сайд Ахмад таърифича, «ҳар қандай даврага сиғиб кетадиган ёқимтой инсон, сухбати жонон, яхши шоир бўлиш билан бирга тортилми, файзли одам». Тўлан Низом 30 га яқин шеърий тўплам, рубоий ва достонлар

били аллакачонлар мухлислар меҳрини қозонган. Унинг шеърларини ўқир экансиз, академик Ойбекнинг шоирлик хақидаги фикрлари унга ҳам монандлигидан қувонасиз: «Адабиёт ва шоирлик мушкул, оғир нарса, сохта, пишмаган асарлар яратишдан кочиш керак. Шеър юксак санъат, юракдан айтиладиган сўз, юрак оташи, фикрнинг гули, нафас ёлқини».

Тўлан Низомнинг она мавзууда яратилган шеърларида юрак оташини ҳис киласиз, бу шеърлар меҳр туйғуси, фарзандлик мұхаббатига лиммо-лимлиги билан қалбингизни ларзага келтиради. «Сайланма»сидаги «Шеър айтгим келяпти, онажон» туркумидаги «Мен ушлаган бу мүкаддас қаламдан – элга сұзлаётir бархаёт онам», «Мен олам кезяпман, Онамнинг меҳри тикилиб турибди пастак уйимдан» мисралари самимиyилиги билан дилингизга хузур бағишлиайди. Шу ўринда шоир нафакат меҳрибон ва муштипар она, она замин мадхини ҳам тарнум этади. Замин тимсолида эса Ватан гавдаланади.

Тўлан Низомнинг лирик қаҳрамони ошиклик ва орифликни уйғунлаштирган, ватанини эъзозлаган, қалбидаги меҳр нурлари жилваланганды, гунохи учун жазо олишдан кайтмайдиган мард инсондир:

Суйганимга жафо қылсам мабодо,
Дұстларымни күролмасам дамо-дам.
Ҳам узатған қўлим қолса ҳавода,
Аллоҳ, шу дай жонни олгил, кечирма?

«Мен юракни қўзғасам» шеъридан эса шоирнинг таржимаси ҳоли – Низомиддин дәхқоннинг ўғли эканлиги, отадан эрта етим қолиб, икки опаси ва онаси бағрида эртак, ривоятлар тинглаб, дүсти Мухаммад Али билан ўзларича сийлов шеър дардида яшаганлари билан огоҳ бўлишингиз баробарида халки учун фидоий шоирнинг мақсади билан ҳам танишасиз.

Пайҳон қилур нокас элин ўрмонда шер бўлмаса,
Юрт ҳаробдир гурбатини енгмоққа эр бўлмаса.
Мислатим миллат эмас, бир муқаддас ер бўлмаса,

Халққа умрим дафтарида бир буюк шеър бўлмаса.
Йиглагайман, мен учун охир қиёматлар келур,
Гар юракни қўзгасам, ширин ҳикоятлар келур».

Шоирнинг илк шеърий тўплами 1970 йилда «Сенинг эртакларинг» номи билан чоп этилган. Тўпламга кирган шеърларда беғубор туйғулар, покиза орзулар ифодаланган. Аммо хали сайқал топмаган мисралар бор эди.

Бундай ҳолат, ҳатто 1982 йилда чиккан «Ифтихор» номли иккинчи шеърий тўпламида ҳам қўзга ташланган. Йиллар ўтган сари шоир изланишлари ўз самарасини берганига, ғўр сатрлар бадиий пишиқ, мукаммал ташбехларга бой мисраларга айланганини кўрсатмоқда. Ҳа, бу икки тўпламдан сўнг Тўлан Низом чинакам қалб ва замон шеърияти, руҳият шеъриятини яратиш сари интилди. Инсоннинг маънавий оламини, ўй-хаёллари, орзу-умидларини тараннум этди. Шоир қалбидан қалқиб чиқаётган ўтли мисраларда эл-юрг қайғуси, она-Ватан муҳаббати, ҳалқига бўлган меҳр туйғуси мустаҳкам ўрин ола бошлади. Энди шоир яратаетган лирик қаҳрамонлар аввалгидек меҳнат жасорати билангина намоён бўлмай, бир тирик инсон, оддий ва табиий одам, шахс сифатида ички оламининг руҳий кечинмалари ва маънавий гўзаллигини қўз-қўз кила бошлади. Худди шу паллада унинг «Муқаддас рух» (1992) шеърий тўплами нашр этилди. Шоирнинг юксак орзулари эса шеърларида ўз аксини топади:

*Кошки бўлсан селхона,
Борлик губорин ювсан.
Изво, уруш, кулфат, гам.
Жами иллатни қувсан.*

Ёки:

*Инсон зоти бургут бўлмоқни истар,
Сўнгра ерда эркин ўлмоқни истар.*

Кўриняптики, Тўлан Низом ижоди илк тўпламидан хозиргиларига қадар бадиий жихатдан юксалиб бормоқда. Унинг ижодига хос хусусиятларидан – ҳалқоналиқ,

самимилик, айни дамда соддалик барчани ўзига ром этади. Халқ ҳофизлари, кўшиқчиларимизнинг унинг шеърларини куйга солиши, уларни катта давраларда севиб куйлашлари ҳам бежиз эмас. Халқоналик ва ҳақчиллик шоир ижодининг бутун бир тизимиға айлангани ижодкорнинг ютуғидир. Шунингдек, унинг Саъдий, Ҳусайн Бойқаро, Собир Термизий, Машраб ғазалига мухаммас ва тўртликлари, қозок шоири Туманбой Мўлдағалиевдан таржималари серкирра ижодкорнинг ажиб фазилатларидан дарак беради.

Шоирнинг «Ватан сурати» китобига сўнгсўз ёзган хассос олим Озод Шарафиддинов «Ўзбек шеърияти»нинг кудратли дарёсига «Тўлан Низом шеърияти» деб аталмиш янги бир ирмок келиб қўшилди. Кичик бўлсада жўшқин ирмокча, ўзининг куйига, ўзининг нафасига эга бўлган ирмокча. Шундай ирмокчаки, усиз катта дарё кемтикрок бўлиб колади, унинг тарокотидаги бир жило камаяди», – дея юкори баҳо берган эди. Тўлан Низомнинг тажриба ва изланишлари унинг етук достоннавис сифатида шаклланишига ҳам замин яратди. Жумладан, унинг «Чўлпон», «Мажнунтол йиғиси», «Юракдаги гап», «Гиря», «Уч сўз», «Ок гул», «Ботмай колган ой», «Суҳбат», «Руҳи равоним» ва бошка достон ҳамда лирик киссалари ўзбек достончилигига бир ирмок бўлиб қўшилди. У бу достонларида ўзига хос усул яратиб, инсоний фазилатлар ва удумларни ардоклаш билан бирга фожиавий тақдирларни тасвирлашга интилди.

«Мажнунтол йиғиси» лирик киссалари садоқатли шогирднинг устозга эхтироми, мухаббати боис яратилган. Лирик қаҳрамон, шоир «Мен»и ёмон тушдан – шоир вағоти, унинг мозорга элтаётгандари, бир мўйсафиднинг уни уйғотиб юбориши воқеасидан бошланади:

«Армон қиласи энди оғуга тўлган ҳаёт,
Одамлар юрагида йиглаётир улуг зот».

Тўлан Низом достонларидаги ўзига хос жиҳатлардан яна бири – у хоҳ Миртемир, хоҳ Чўлпон, хоҳ Машраб,

❖

хоҳ Бобур ҳакида достон битар экан, уларнинг сатрларидан фойдаланади, шоҳ сатрларига тазмин боғлади:

*Ўлмаганиман, ҳамон фироқдаман,
Фақат сиздан бугун йироқдаман.
Миртемир депроқ денг, тупроқдаман,
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».*

Ёки:

*На қилай, роҳатим йўқ, ишимда бир уним йўқ
Согинаман васлингни, йигламаган куним йўқ,
Шеър айтмаган кундуз йўқ, шеър битмаган туним йўқ,
«Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилли,
Девонаман шекилли, тўлгонаман шекилли».*

Шоир ўзининг «Чўлпон» достонида шоир ва давр фожиасини умумлаштиrsa, «Бобур», «Мажнунтол йигиси»да фожиавий тақдирлар ҳакида баҳс юритади.

«Руҳи равоним»да эса Машраб кисмати фожиасини умумлаштиради. Умуман Тўлан Низом гўзал инсоний фазилат ва удумларни ардоклаш билан бирга ҳаётдаги фожиавий ҳолатларни тасвирлашга ҳам интилади. Шоирнинг кейинги йиллада ёзган асарлари – Усмон Носирга бағишлиган «Ботмай қолган ой» достони, «Чўлпон» драмаси, «Довон», «Руҳлар касидаси», «Алишер», «Сухбат», «Аввалу охир» тўпламлари унинг ижодий камолотга етганига далиллар. Унинг ижоди ҳакида нафақат мунаккидлар, ҳатто тарихчи олим Сайфиддинҳожи Жалилов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Одилжон Салоҳиддинов, Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон Холдор, шоир Икром Отамурод каби истеъдоллар ҳам фикр билдиримоқдалар. Филология фанлари доктори, профессор Исмоил Тўлак эса «Шеър – калб ёлкини» рисоласини Тўлан Низом ижодий портретига чизгилар беришга, ижодини таҳлил этишга бағишилади.

Шоир мустакиллик йилларида «Хумо» достонини битар экан, истиқлол шарофатидан кўнгли ғурурга тўлади. Нилий самода ҳилпираётган байрокка тикилиб бутун

❖

халқ күйлаётган миллат қўшиғи – мадхияга қувониб жўр бўлади:

*Мен күйлаб, қувониб айтаман достон,
Тилимда умрбод шу бўлур тақрор:
«Улуғ халқ қудрати жўши урган замон
Оlamни маҳлиё айлаган диёр».*

Бу достонда Юртбошимизнинг тимсоли яратилган. Айниқса, унинг соҳибкорон Темурни тушида кўриб «Ватан Сизга ҳамда мен битган тузук, Миллатни энди, сиз дилга жойлангиз» ўгитлари асосида олиб бораётган оламшумул ишлари, ўзганлик шоир Одил Полвоннинг Ўш фожиаси ҳакидаги ҳасратларини тинглаб «Барака топгурлар, виждан кийнасин», дея адолатли ҳукм чикаришдан, элим, юртим деб ёниб яшаётганидан қувониб шоир ҳар куни тонгда шуни сўрайди:

*Она Ўзбекистон, бошингда ҳумо,
Мехру муҳаббатинг юрагимига жо.
Сен борсан – мен борман, тирикманки то –
Кўксимда Куръоним, қылгум илтижо:
Халқимни оламда бор қил, Худойим,
Менинг Юртбошимни асрагин доим!*

Шоир Тўлан Низом «Довон» достонида мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари, ўзбек йўлсозларининг қаҳрамонона меҳнати, қудратли ҳалқимизнинг юксак мэрралар оша келажак сари интилаётганини қаламга олган. «Довон» тушунчаси водий билан марказни боғловчи ҳаракат йўли маъносида эмас, шўро мафкурасидан кутилиб, мустакиллик, озодлик ва буюк келажак томон бораётган ҳалқимизнинг янги довон сари ўтиш тимсоли сифатида ифодаланган. Ана шундай гўзал рамзий, аслида реалистик тасвирни, ҳалқимизнинг темир йўл куришидаги фидоийлигини тасвирловчи «Темир йўл» достонида ҳам кўриш мумкин. Мазкур достон ҳам худди «Довон» асари каби катта ижтимоий-сиёсий воқеликни ўзида ифодалаши билан ҳарактерланади. Бинобарин,



ҳаммамизга аёнки, мустақиллик даврида Ўзбекистонда янги, мустакил ва кўп тармоқли темир йўллар бунёд этилди. Зоро, «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» чўллар ана шу бунёдкорлик заминида янги боғроғларга, жаннатмакон мамлакатимиз ҳуснига янада ҳусн кўшди.

Хуллас, шоир «Темир йўл» достони мисолида ўлкамизда қад кўтарган ана шу пўлат излар мохиятини кела-жамизнинг буюк тимсоли сифатида талқин этади.

Мустақиллик куйчиси бўлган Тўлан Низомни босиб ўтган ижодий йўлини сархисоб қилиб, уни замин ва замон шоири десак муболаға бўлмайди.

Биз Тўлан Низомни замин шоири дедик. Чунки у пойтактга интилмади. Бўз туманида туғилди, камол топди, тумандаги педагогика коллажида шоирлар хиёбонини яратди, билим юртнинг ҳовлисига Фурқат, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Саида Зуннуноваларнинг ҳайкал ҳамда бюстларини ўрнатди. Бу инсонда меҳр-муҳаббат ҳам лиммо-лимдир.

«У шундай ёник туйғулар соҳиби бўлибгина қолмай, ўзидағи шу гўзал фазилатни бошқаларга ҳам пайванд қилиш қобилиятига эга инсондир», – дея таъриф берганди таникли адабиётшунос Наим Каримов.

Ўзининг 70 ёшлик тўйини каршилаётган, миллатига, Ватанига фидойи ижодкорга соғлик, ижодий камолот тилаб, «Мен Ватаним юрагини чизаман» деган орзусига етишишини истаб коламиз.

Ўзбекистон ҳалқ шоири Тўлан Низом мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига кўра юксак мукофот – «Эл-юрг ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Бу эса унинг ҳалқ қалбига йўл топаётган самарали ижодига бе-рилган юксак баходир.

«Ҳуррият» газетаси,
2008 йил, 15 октябрь.

Хатлар





Эркин Вохидов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири

МУБОРАКБОД

Тўй муборак, мухтарам дўстим Тўлан ибнул Низом!
Ахли шеър, ахли адиб, ахли Тошкентдан салом!

Бахтли фарзандлар тўйин кўрмок саодатдир буюк,
Бу саодат сизга қутлуғ, эй азиз дўсти киром!

Дейдилар, фарзанд хаёт кўрки, умр мазмунидир,
Ушбу мазмун бирла фоний умримиз этгай давом.

Дўст азиз, кардош азиз, қондош азиз, инсон улуғ,
Бор азизлар ичра фарзанддек лазиз бўлмас мудом.

Тўй муборак бахтли ёшлар, сизга кўнгилдан тилак,
Мехрингиз бўлсин абад, бокий иззат, эхтиром.

Бу муборакбодни сизга йўллади Эркин Вохид,
Тўй баҳона барча бўзлик бўз йигитларга салом!

10.09.1993 йил

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТИНЧ ОКЕАН СОҲИЛИДА ЧҮЛПОННИ ЎЙЛАГАНИМ

Тулан Низомга

Кимлар қўймиш сенга отни «Тинч» дебон?
Тинч океан, тинч эмассан бу замон.
Кўм-кўк сувлар изтиробда буралар,
Булутлар ҳам хиссиз караб туралар.
Чора топмай яқиндаги тўлқинлар
Аlam билан соҳилга бош уралар.
Яхшиямки, соҳил яқин, бош уриб,
Йўлни тағин уммон сари буралар.
Олисларда оппок-оппок тўлқинлар,
Чора топмай кўтаради шовқинлар.
Ичиғин, дардин этай деса фош,
Юксакларда қулок солмайди күёш.
Тўлкин, тўлкин, тўқнашади тўлқинлар,
Сўқишади... Уммоннинг ҳам бағри тош.
Соҳиллар йўқ, кай соҳилга урсин бош,
Бошин урсин, кувончидан тўқсин ёш?..

* * *

Шухрат,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОМОН БЎЛ, ТЎЛАН!

Тўлан!

Мен сенинг 50 ёшга тўлганингни эшилдим ва таклиф-
номангни олдим, раҳмат. Мен ҳали сени ёшсан, боласан,
деб юрардим. Сен менинг наздимда ҳали ҳам боласан,
ҳали ҳам ёш боладек югуриб-югуриб юрибсан. Майли,
50 карра 50 га кир, майли 100 га кир. Майли, қанча бўлса
яҳши ижод қил. Сен билан мени ажратиб турган Бўз –
Тошкент орасидаги масофадек узоқ яша. Дўстлар баҳтига



омон бўл, омон бўл! Олдингда бўлганимда эди, кучоқлаб ўпар эдим. 6 йилки инсульт бўлиб ётибман. Бўлмасам борган бўлардим. Фойибона қучоқлаб коламан. Мен бир кўриш орзусидаман, баҳтимизга омон бўл, омон бул. Сени аввалгидан ҳам яхши кўриб кетдим. Сени севиб, ижодингга омад тилаб:

Шуҳрат.

Бугун яна босимим ошяпти. Соғ бўлсан кўришамиз...
хайрлашиб – оғанг:

Ш.

30.07.1988 йил.

* * *

Мирзо Кенжабек

ДИЛ ИЗХОРИ

Ассалому алайкум, мухтарам Тўланбек ака!

Бошингизга тушган ташвишдан мутаассир бўлдик.
Аллоҳ марҳумани раҳмат қилган бўлсин. Сизларга сабр-
бардош берсин.

Тўланбек ака, «Шарқ юлдузи»да улуғ зот – Чўлпон
хусусидаги гўзал достонингизни ўқиб, қалбимиз туғёнга
келди. Ижодингизга Тангри ривож берсин!

Омонликда кўришиш насиб этсин. Хайр.

Эҳтиром ила, укангиз Мирза Кенжабек.

30.07.1992 йил.

* * *

Қамчибек Кенжа

ЮПАНЧ

Тўлан Низомга

*Қалин ва залворли қорлар кам бугун,
Тоғлар солобати – сорлар кам бугун,
Багри сувга тўла горлар кам бугун,
Беминнат чашималар оз қолмоқдами?*

❖

*Водийлар сифати янги, ўзгача –
Кўнгиртус, симобранг тонги ўзгача,
Майсалар жилваси, ранги ўзгача,
Боглар ҳам яшнамай, оз қолмоқдами?*

*Инсон ўйи узун, умри қисқами,
Узоқни кўрмас кўз, нури қисқами,
Мехр-муҳаббат занжира қисқами,
Вафога ташналар оз қолмоқдами?*

*Наҳот ақлу идрок парокандароқ,
Эзгуликка ихлос, имон кандароқ,
Балки ниятимиз асли тумтароқ,
Жонга жон ошналар оз қолмоқдами?*

*Юпанчим – шеър деган бир булоқ бордир,
Ўзбекистон отлиғ битта боғ бордир.
Мехри – боғ, бўлоқ бир дўст-ўртоқ бордир.
Дунёмиз қайтадан яшнагай шаксиз.*

1991 йил.

* * *

Йўлдош Сулаймон

ҚУТЛОВНОМА

Ассалому алайкум, энг самими, оқил ва дилбар дўстим Тўланбой!

Соғлик ва кайфиятлар яхшими? Сизга ҳамишалик омад, файз ва доимий бардамлик тилайман!

«Совет Ўзбекистони»нинг 28 ноябрь сонини икки кун кеч ўқиганимга ачиндим. Укиб-ўкиб, жуда яйрадим, жуда суюндим. Очилибсиз, дўстим, чиндан ҳам очилибсиз. Шундай юракдан куйилибдики, шундай жозиба, шундай ҳаяжонли...

Шу баландликдан ҳеч қачон пасайманг. Сизга янги-янги доврукли шеърлар тилаб.

30.11.1990 йил.



Наби Жалолиддин

ШОИР ТУҒИЛГАН КУНДА

Самога ой баргак бўлгани мисол,
Кўз очмиш заминда бир камтар инсон.

Таърифин айтмокка сўз топиш қийин,
Чунки, улғаймоқда вакт ўтган сайин.

Бағрида элига зўр ишқ мужассам,
Бир ишқки, кошида қуёш гўё шам.

Ватан шавкатини достон этадур,
Мисралари – наво, қалами – танбур.

Шоирлар шоири, «бойларнинг бойи»,
Химматда ўзбекнинг Ҳотами Тойи.

Сўрдингиз. Айтайн – ишқ тўла ул жом –
Мардуми назмистон шул Тўлан Низом!

17.08.2005 йил.

* * *

ШОИРГА МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳурматли Тўлан Низом.

Мен 1992 йилнинг декабрь ойи охирида Сизнинг «Муқаддас рух» китобингизни қўлимга олиб, ўқиб чиқдим.

Сизнинг шеърларингиз, тўртликларингиз ва муҳам-масларингизни ўқиганимда улар вужудимга сингиб кетгандай бўлди. Йўколган оромим, азоб берган ҳижроним, тунги кийноқларимга малҳам топгандай бўлдим.

Илҳомингиз менинг рухимни ҳалос этди шекилли, беихтиёр қўлимга қалам тутказди. Агар эплаб ёза ол-масам, мени маъзур тутинг, чунки мен ҳам «учаётган

❖

қанотимдан, сўзлаётган каломимдан, сайраётган бул-булимдан» айрилганман. На чора тақдирим шундай бўлса...

Шу дамгача озми-кўпми китоб ўқиганман. Прозаик, драматик асарлар каторида поэтик асарларни ҳам ўқиб тураман. Аммо Сизнинг асарларингизни ўқиганимда «ёнаётган олов ичидаги одам ҳаётдан умид узаётгандек нажотсиз колганда» хисларим соғломлашиб, ўз илинжини топгандек бўлди. Бу фикримга юзимдан томчилаб тушган кўзёшларим далил.

Инсон рухига шунчалик сингиб кирадиган шеърлар биттганингиз учун Сизга қалбимнинг тубидан минг бора ташаккур айтаман.

Илоё илхомингиз Мингбулоқдек тошаверсин, кала-мингиз тифи бундан ҳам ўткир бўлсин, номингиз жаҳон узра кезиб юрсин!

Ўтганларнинг жойлари жаннатда бўлсин.

Хали Сиздан янги-янги кўп асарлар ўқишга муштоқмиз.

Эҳтиром ила

*Ҳайитбой уста Парни ўғли,
ўқитувчи, Ҳалқ таълими аълочиси.*

Шаҳриҳон, 1993 йил, январь.

МУНДАРИЖА

ШЕЪРЛАР

Халқимга	6
Истиқлол қуёши	6
Янги шеър муборак	8
Икки оқин дарё	10
Менинг ишим	12
Дуст	12
Мухлисларимга	13
Тенгкур бир шоирга	14
Отам, онам	15
Андижонга келинг	16
Яна куз ҳакида	18
Шоҳимардонда бир оқшом	18
Асқия	20
Абдулҳай Махсум	22
Бир тўкин боғ эди	22
Қишиш (болаларга)	24
Йўқлов	24
Бўзлик аёллар	27
Нима килмок керак?	29
Бир шоир укамга ҳазил	29
Муроса килмайман	29
Никоҳ кечасида	31
Андижон баҳори	32
Софинчли салом	34
Андижон фарзандлари	35
Бахт қуши	37
Тиконгул	38
Сен олтмишга кирибсан...	39
Ватан учун курбон бўлган ўзбек жангчиларига	42
Алишер Навоий	44
Кеч куз	47
Сайёх	49
Қишиш кечаси	49
Наврӯз кизи	51
Қонли лола	52
Дашном	53
Жойнамоз устида	55

Мевали дарахтлар	56
Исмоил Тўлак ёди	58
Шоир ва булбул	60
Бир дарахт янглиғ	61
Ёввойи терак	62
Оқ терак	63
Устоз Эркин Воҳидовга	65
Тонг	65
Рассом	66
Андижонни мен биламан, дўст!	68
Ота	69
Анор	70
Бетобликда	71
Бир кўшки айвон	72
Гуллар ва еллар	74
Наврўз тилаклари	74
Булоклар	75
Хотира кечасида	75
Алласин ўзбек айтган	76
Ўн олти йилдирки	77
Киш касидаси	78
Раҳбар кимdir?	79
Учар қушлар	81
Турсунойга	83
Кел	85
Ўзбекистон боғларининг булбули қани?	85
Истиклол фарзандимиз	87
Ғунчалар	88
Киш ҳам баҳор	88
Қўшиқ	89
Рози дил	89
Хайрлашув ва учрашув	90
Висол завки	91
Ёлғизлик	92
Кичик достон	93
Деразамда чуғурлаган қуш	93

МУҲАММАСЛАР

Навоий ғазалига мухаммас	96
Бобур ғазалига мухаммас	97
Ҳабибий ғазалига мухаммас	98

Охунжон Ҳаким ғазалига мухаммас	99
---	----

ТҮРТЛИКЛАР

Түртликлар	102
----------------------	-----

ИККИЛИКЛАР

Иккиликлар	112
----------------------	-----

ТАРЖИМАЛАР

Ду Фу. (<i>VII аср буюк хитой шоири</i>)	114
А.С.Пушкин	118
М.Ю.Лермонтов	119
Иван Бунин	120
Анна Ахматова	121
Туманбай Мұлдағалиев (<i>қозоқ шоири</i>)	122

ДОСТОНЛАР

Гиря	124
Нон хиди	181
Хикмат диёри	208
Ботмай колган ой	231
Фарғона шоири	256
Ватан ичра бир ватан	268
Марсия	295
Темир йўл	304
Кўёш кўшиғи	325
Байрок	333
Умр қасидаси	341
Иброҳимнома	349

ШЕЪР ҲАВОСИ

М.Али. Рухият парчалари	374
У. Норматов. Самимий дил розлари	382
Б. Саримсоқов. Таърифингга ожизман, юртим	384
Адҳам Алимбеков. Йўл достони	386
И. Тўлак. Лирик тасвир, эпик кўлам	390
Абдулманиб Абдунаби ўғли. Мухаббат васфи	407
А.Нурмонов. Шеър айтмаган қуни йўқ шоир	408
Ш.Валиев. Янги тарихимиз куйчиси	411
С.Мирвалиев. Маҳмуда Валиева. Қалб шеърияти	414



ХАТЛАР

Э.Воҳидов. Муборакбод	422
М.Али. Тинч океан соҳилида Чўлпонни ўйлаганим	423
Шуҳрат. Омон бўл	423
М.Кенжабек. Дил изҳори	424
Қ.Кенжса. Юпанч	424
Й.Сулаймон. Кутловнома	425
Н.Жалолиддин. Шоир туғилган кунда	426
Ҳайитбой уста Парни ўғли. Шоирга мактуб	426

*Ўзбекистон халқ рассоми
Обиджон Бакиров чизган портретдан фойдаланилди.*

Тўлан НИЗОМ

САЙЛАНМА

Уч жилдлик

3-жилд

ЗАРРИН ЯПРОҚЛАР

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2011

Мухаррир *Қодиржон Қаюмов*
Бадиий мухаррир *Толиб Қаноатов*
Техник мухаррир *Раъно Бобохонова*
Компьютерда саҳифаловчи *Мастура Атҳамова*
Мусахихлар: *М. Зиямуҳамедова, Ж. Тоирова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 09.09.2010. Босишга рухсат этилди 12.10.2011.
Бичими 84x108 $\frac{1}{12}$. «Times» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 22,68. Нашриёт-хисоб табоги 21,6. Адади 3000 нусха. Буюртма
№ 1809. Бахоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тонкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**